

ЎКТАМ ҲАКИМАЛИ

ЯХШИЛИК БОҒИНИНГ БОҒБОНИ

CH0000033014

Ўктам Ҳакимали

Асарлар
ўн иккинчи жилд

ЯХШИЛИК БОҒИНИНГ БОҒБОНИ

Роман – эссе

«Сангзор» нашриёти
Жиззах -2012

Ҳакимали Ўктам.
Яхшилик боғининг боғбони / Ў.Ҳакимали; муҳаррир Ў.Норқўзиев. — Ж.: Сангзор, 2012. — 292 б.

Муҳаррир — Ў.Норқўзиев.

Қўлингиздаги ушбу ҳужжатли китобда Ўзбекистон деб аталмиш ватанимизга, Ўзбек деб аталмиш миллатимизга ўзининг фарзандлик бурчини, маъсулиятини ситқидилдан бажарган, қачонлардир пахтачиликда жонбозлик кўрсатган ҳалқпарвар, олижаноб инсон Парда Умурзоқ ўғли ва хонадони ҳақида ҳикоя қилинади. Бу инсон Улуғ ватан уруши йилларида ва ундан олдинги даврларда, мактаб қурилишларида, деҳқонларнинг ижтимоий ҳаётини яхшилашда чин маънода жонбозлик кўрсатиб, ҳалқ хотирасида ўчмас нур қолдирган ажойиб инсон эди.

926206

ISBN 978-9943-358-50-8

© «САНГЗОР», 2012.

МУҚАДДИМА

Яралиш ва яратилишнинг Парвардигорий фалсафасини ва фалсафасидан юзага чиқадиган мантиқни, мантиқдан келиб чиқадиган моҳият-мазмунни билмасдан, уни чуқур ўрганмасдан туриб, жумладан тарих, фалсафа, бадиий адабиётнинг даражаларини ўзлаштирмасдан дунёйи оламнинг моҳият - мазмунини, фалсафасини, мантиқини тўла ва мукаммал даражада ёзиш асло мумкин эмас. Нурлари ва нурланишлари, мусиқанинг, оҳангнинг, таьсирланишнинг, ҳаяжонланишнинг сирларини, айни пайтда ўзимиз билан бирга яшаётган ва фаолиятда бўлаётган жониворлар, қушлар, майда жонворларнинг ҳам бизга бўлган муносабатлари ва ҳар икки томоннинг бир-бирларига келтирадиган зиёнларини ҳам ўрганиш мумкин эмас. Мана шуларнинг юзага келиши ва барбодликка юз тутишлари, яьни аждодларимиз билан авлодларнинг муносабатлари, бирининг инкор этилиши, иккинчисининг яралиши билан боғлиқ минглаб қонун-қоидаларни ҳам чуқур ўрганмай, бу борадаги тажрибага суянмай бирор битикларга қўл уришнинг натижаси яхши бўлмайди.

Биз, яъни собиқ Иттифоқ қарамоғида яшаган миллатлар 137 йил Парвардигордан, унинг ҳақиқий қонун-қоидаларидан, яралиш, яратилиш фалсафасидан, моҳият-мазмунидан бебахра қолиб, бахоли қудрат яшаб келдик. Буларни юзага чиқарадиган мантиқдан ҳам четда яшашга мажбур этишди. Мустабид тузум сардорлари Яратганимиз ва Унинг фалсафаси, мантиқи, гўзаллиги, олижаноблиги, яьни эзгуликка элтадиган улуғ йўлидан адаштириб, айни пайтда унинг қонунларини инкор эттириб, ҳар гапининг бирида: "Бизни табиат яратган, табиатнинг маҳсулимиз...", дея қулоқларимизга қуйди.

Мана шундай ёлғон ва бузилган фалсафа, мантиқ, мазмун - моҳият билан фикрлар, ўйлар, ҳаёллар, тасоввурлар, ифодалар оламидан, ҳислардан, тушунчадан, онгнинг маҳсули бўлмиш тафаккур қилиш иқтидоридан, истеъдодидан узоклаштириб, уларни кишанлаб, занжирлаб, асир қилиб келишди.

Тупроқ, сув, ҳаво, дарахтлар, жониворлар, ўсимликлар, қуёш, ой, юлдузлар, қор, ёмғирни ташкил этадиган табиатни яраткувчимизга айлантириб тушунтирди. Боринки, юқорида тилга олинган барча мавжудлик тупроқ, сув, ҳаво, қуёш, дарахтлар, ўсимликлар бизга гўштни ҳам берди, дейлик. Бир парчагина гўшт-юракни юз йиллар харакатга келтирадиган ва ҳозиргача қудрати - жони исботланмаган юракни, уни узок муддатли харакатини юзага чиқарадиган жонни табиат яратиши мумкинми? Юракнинг харакати - фаолиятини таъминлайдиган жон, жон орқали оламни кўра оладиган, унинг нури билан гўзаллигини ҳис қиладиган кўз, эшитадиган қулоқ, қонларни ҳайдайдиган ва бутун вужудни қон харакати орқали тириклигини таъминлаб турадиган гўштларни, суякларни бир - бирига қаттиқ боғлаб турадиган пайларни, ҳамма томони суяк-қовоқ билан ўралган мия фаолияти - тафаккур манбаини ва унинг натижаси - фикрлаш, ўйлашни, ҳаёл суриш, мулоҳаза қилиш жараёнини табиат қандай яратди экан?! Бундай улуғ ва англаниши кийин бўлган дахшатли, Улуғ жараён фаолиятни табиат қандай яратди экан! Юз килограммлик одам вужудини кичкина бир юрак қандай қилиб Улуғ қудрат - Яратгансиз қандай харакатга келтириши, юз йилллик фаолиятни қандай таъминлаши мумкин?! Минглаб, миллионлаб йирик ва майда томирларга бир неча қадоқли қонларни бир парча гўшт – юрак қандай таратиши ва қайтариши мумкин? Мана шу харакатлар ҳисобига гўштларни пайлар орқали суяклар ушлаб туради. Ёки гўштлар суякларга таяниб фаолиятда бўлади. Юз - килограммлик гўштларни беш - олтита суяклар қандай

харакатда бошқара олади? Суякларнииг ичида илик мавжуд. Иликни ҳам қон фаолият билан таьминлайди. Илик эса қон ишлаб чиқаради. Ўлган қонлар ўрнига янгисини ишлаб чиқаради ва кемтигини тўлдириб ҳам туради.

Мана шу улуғ фалсафа, мантиқ, моҳият - мазмун ота билан онанинг жуфтлашиши билан янги тириклик - умр эгасини юзага келтиради. Овқат ейиш, ухлаш, юриш, ўйлаш, ҳожатга бориш ҳам лаззат. Лекин жуфтлашиш палласидаги лаззатдан устун эмас. Яратган жуфтлашиш лаззатинигина энг улуғ лаззатга айлантирди ва шу билан айланиш - туғилиш фаолиятини таьминлади. Эркак ва аёл, яьни урғочи, эркак жинсдаги барча мавжудлик табиий равишда доимий бир - бирларига интилади. Орадан янги бир авлод ўсиб чиқади. Ана шундай айланма харакат эса ер юзидаги гўзал мавжудликнинг фалсафасини, мантиғини, моҳият - мазмунини юзага келтиради. Болани яратишни ва туғдиришни одам насли уддасидан чиқолмайди. Жуда оддий, лекин беҳад мураккаб бу жараён - тақдирни Яратган Яратгани учун эса оддий хол. Боланинг туғилиш ва улғайиш жараёни ҳам жуда оддий, вақти етиши билан ҳамма аьзолари етарли даражада ўсиб чиқаверади, лекин янглишиш асло содир бўлмайди. Камдан - кам ҳоллардагина, яьни инсоннинг ўзи йўл қўйган хато - камчиликлари туфайлигина, яьни қорадори, наша, арақларни истеьмол қилиши оқибатидагина озгина ўзгаришлар, эсдан оғиш, қўл - оёқларнинг камчилик билан туғилиши, мия фаолиятининг бузилиши юзага келади...

Фан ва илм билан, харакат билан биз мана шу фалсафа, мантиқ, моҳият - мазмунни фақат ўрганишимиз ва аниқ бир қарорга келишимиз, яьни барча мавжудликни фақат ва фақат яратган юзага келтирганлигини ҳис қилишимиз, англаб етишимиз мумкин. Демак, барча мавжудлик ва у мавжудликнинг мантиқини, яьни ҳамма мавжудлик ва жараёнлар, ўзгаришлар, жумладан ер

қимирлаши, вулқонларнинг харакатга келиши, оқибатда осмондан ёғадиган қор ва ёмғирлар юзага келиши, момогулдирак эса ер остидаги барча мавжудликни харакатга келтириш фалсафасини ҳам англашимиз, ҳис қилишимиз мумкин.

Бизни ва аждодларимизнинг яралишини муросага келтирган ҳам фақат ва фақат Яратгандир...

Бу фалсафа, мантиқдан, моҳият - мазмундан озгина чалғиган миллатлар табиийки абадул - абад балоларга гирифтор бўлиб бораверади.

Инсондаги, бошқа жониворлардаги, барча аъзоларининг тўғри ва мазмунли фаолиятда бўлиши ҳам фақат Яратгинимизнинг бизга кўрсатган иноятидир...

Мия фаолияти фикрлаш, ўйлаш, ҳаёлот олами, мулоҳаза оламини юзага келтирадиган тафаккур - куч қудрати билан биз фанни, илмни, фалсафани, тарихни, бадиий адабиётни, мусиқани, рассомлик санъатини ҳам юзага келтирамиз ва айни пайтда ўрганамиз. Тараққиёт, ривожланишни содир қиламиз. Нон билан мевалар, сабзоватлар билан сув, ҳаво билан тириклигимизни таъминлаймиз. Барча қобилият ва иқтидоримизнинг ҳам фаолиятини таъминлаймиз. Бу беҳад узун ва оғир, машаққатли жараён... Бу жараён ва фаолиятни зериктирмайдиган, чарчатмайдиган қилиб, толиқтирмайдиган қилиб яратилиши ҳам фақат Парвардигоримизга боғлиқ тушунча - туйғу.

Болаликда биз муаллимларимиздан: "Нимага ҳозир табиат одамни яратмайди? Нимага ҳозир маймундан одам яралмайди?", деб сўраганимизда улар сукутга толиб қолар эди. Чунки улар жоҳил эди. Маймуннинг алоҳида, одамнинг алоҳида мавжудод эканлиги, бир - бирига яқинлигини мантиқан англаб етмаганлар ва бу фалсафани ёзган аблах ва ёлғон файласуфлар ҳам англаб етмаган эди. Шер билан йўлбарс, ёки қоплон билан силовсинни бир - биридан яралган дейишдан кўра тубанлик йўқ ...бўри билан тулки ҳам икки ҳил мавжудод...

Буни инсон насли мия фаолияти билан, ҳиссиёт, яъни жон билан боғлиқ фалсафани чукур ўрганиб, ўзлаштириб борганидан кейин диннинг мавжудлиги ва бу улуғ фалсафа фақат Яратган билан боғлиқлигини аста - секинлик билан англаб, ҳис қилиб борди. Яхшилик ва ёмонлик, хунуклик ва гўзаллик, қотиллик ва олижаноблик, саҳоват, меҳнаткаштлик билан дангасалик, ишёқмаслик ва улар юзага чиқарадиган ўғирлик, харомхўрлик, гуноҳ, зинолар эса жаннат ва дўзоҳ тушунчасини юзага келтирди. Жаннат билан дўзах тушунчаси, фалсафаси хайвонлар, қушлар ва майда хашоротлар учун мутлоқо бегона ва ёт.

Бани инсон насли узоқ изланиш, ўрганишдан кейингина ўз ихтиёри билан диний тушунчаларга етиб келди. Бу бугунги гап эмас. Буни ҳозирги авлодлар ҳал қила олмайди. Инкор ҳам этолмайди. Кечаги гап бўлганда бу фалсафага ишонмаслик мумкин. Бир неча минг асрлик диний жараён ва юзага келишлик бизни мана шу жараённинг юзага келишига масъулиятимизни содир этади. Хурмат қилишга, эътиқодли бўлишга ундайди, бошқа йўл йўқ, бўлмаган, бўлмайди.

Қуръони Каримда: "Мен Парвардигорга ва унинг фаришталарига иймон келтираман" деган, оят бор. Биз ҳам шундай фикрдамиз. Яхшилик ва ёмонлик ҳақида гап кетаётир. Яхшиликни, ёмонликни юзага чиқарадиган бани инсон насли ҳақида гапириш ниятида ушбу сатрларни зўр бериб ёзишга киришаётирмиз. Демак, биз кўриб турган, ҳис қилаётган барча гўзаллик биргина Парвардигоргагина тегишли. Яратгувчиси, муросага киритгувчиси ҳам ёлғиз Ўзи...

Агар яхшилар учун жаннатни яратмаганида, ёмонлар учун дўзахни яратмаганида, ёмонликлари учун ёмонлардан ўч олмаганида, яхшилар учун яхшиликлар қилмаганида, бу дунё алла қачон барбодликка юз тутган бўлар эди. Ёмонлар яхшиларни, гўзалликни барбод этган бўлар эди. Одамзод тарихи биргина яхшилик би-

лан ёмонлик ҳақидаги тарихнигина асраб келади. Ёмонлик - қотиллик, жоҳиллик, ўғирлик, барбодлик, гуноҳ, зино, яхшилик тараққиёт, ривожланиш, саховат, эзгулик... ҳақидаги тарихни...Барча гўзаллик ҳақидаги мазмун - моҳият ҳам биргина яхшиликнинг мақсад - маслагини ифодалайди. Тасвирлайди...Бундан ягона мақсад яхшиликни, яъни бани инсон насли содир этадиган яхшиликни эътироф этиш, ёмонликни қоралашдан иборатдир...

Одам фақат фикрлаган, ўйлаган ва хаёлга чўмган кезлардагина улуғлашади. Фикрламаган, ўйламаган, хаёлга чўммаган кезлари йиртқичлашади, вахшийлашади, ўйлаш, фикрлаш, ҳаёл суриш бизни фанга, илмга, тараққиётга, ривожланишга олиб келади. Фикрламаган, ўйламаган, ҳаёлга чўмолмаганимизда эса биз тараққиётга, ривожланишга барбодлик келтирдик. Ёмонликка юз бурдик. Натижада қотиллик содир этилди. Қотилликнинг ортида эса фақат барбодлик ётади...

Ёмонлик қилмаслик яхшиликка киради. Яхшилик қилмаслик эса ёмонликка киради.

Жаннатга кириш текин. Дўзоҳга кириш эса пуллик. Беминнат қилинган яхшилик билан жаннатга кирилади ва яхшиликка пул талаб этилмайди. Ёмонлик қилинганидан кейин, яъни ёмонлик олиб борадиган қотиллик, жоҳиллик олиб борадиган ўғрилик, ўзгаларнинг ҳаққига ҳиёнат қилишлик миршаблар иродасига олиб боради, судга элтади. Бу орада қанчадан - қанча маблағ сарфланади. Бу эса пуллик ҳисобланади. Демак, бани инсон насли доим ҳам пулсиз, манфаатсиз яхшилик, саховат, эзгуликни излаши ва ижрога киритиши билан икки дунёсини обод қилади. Саховатсиз, яхшиликсиз кечган умр эса икки дунёни қора қилади...

Гуноҳ ва зинонинг заминида миллатга зиён етказиш, яъни, миллатнинг пушти айниши тушунчаси ётади...

Бу дегани - нашавонлик, қорадорини истъмол қилишлик касофати - иллати. Майиб - мажруҳликни юзага чи-

қаради. Демак, кимки миллатига, ўз пуштига қотиллик қилмай деса, биринчи галда гуноҳдан, зино ишлардан, яъни ўзгаларнинг молига, жонига қотиллик қилмаслиги, зино қилмаслиги - ўз онаси наслидан бўлмиш сингласи, қизи ва аёлига кўз олайтирмасликни қонунга айлантириши керак. Қаерда гуноҳу зинолар қаттиқ ривожланса, шу ерда пуштнинг айниши, яъни иймонсизлик - эътиқодсизлик, ўз - ўзини камситиш, ҳаққига ҳиёнат қилиш, ўз - ўзини талаш каби инсоний иллатлар ривожланади. Миллат иккига бўлинади ва бой - қашшоққа айланиб қолади. Инсон доим ҳам ўз эрки учун ҳақ - ҳуқуқини талаб этишининг хам азалдан абадгача, охирдан аввалгача, ибтидодан интиҳогача Парвардигор томонидан муросага киритилган азалий, абадий қонуниятдир. Бу қонунни айбга буйириб бўлмайди. Ёки бу қонундан айб излаш мумкинмас. Ахир ўз ҳақ - ҳуқуқини ҳимоя қилиш туйғуси, тушунчаси заминида гўзалликни ҳимоя қилиш, соғликни тиклашга ўхшаш бола - чақа-авлодни давом эттиришдай шарафли ишлар ётади.

Гап яхши ва ёмон одамлар ҳақида, улар туфайли юзага чиқадиган гўзаллик ҳақида бораётир. Инсон доим ҳам яхшилик йўлини танлайвермайди. Чунки яхшиликнинг заминида манфаат йўқ. Яхшиликнинг заминида доим ҳам, баъзи бир жисмоний камситилган инсонлар учун, яъни қашшоқлар, очлар, етим - есирлар, сағирлар учун эҳсон, садақа тушунчаси ётади. Ёмонлик эса фақат манфаатдан, эҳсонсизликдан, садақасизликдан иборат ...

Парвардигор яхшини ҳам, ёмонни ҳам, яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ҳисоб - китоби билан яратган. Бу дунёда, моддий дунёда, барча мавжудликда, қилинган яхшилик ва ёмонликнинг доим ҳам ҳисоби олиб борилади ва охир - оқибатда, яъни ернинг устида ҳам, остида ҳам албатта ҳисоб - китоби бўлади. Яратганимиз ва унинг фаришталари ҳеч қачон ҳисоб - китобда янглишмайди. Фақатгина инсон ҳисоб - китобда янглишади, яъни манфаат йўлида ўзини ўзи чалғитади ва янглишиш-

ликка йўл кўяди. Инсондагина ҳисоб - китоби аниқ эмас... мана шу ноаниқлик уни яхшига ва ёмонга ажратди.

Жиддий фикрлаб, ўйга толиб, ҳаёлга берилиб бош қотирилса, яъни орттирилган тажрибага суянилса, демакки, Парвардигор яхшини ҳам, ёмонни ҳам Ўзи яратган бўлиб чиқади. Яхшини ёмонларга намуна учун, ёмонларни эса яхшиларга намуна сифатида, яъни яхшиликни кўриб ёмонликнинг мазмунига тушиниш, ўзини ёмонликдан тийиш, яхшиликни кўриб ёмонликдан нафратланиш, яъни ёмонлик қилмасликка ўргатади, кўниктиради. Гап ҳамон инсон яралишининг матиқи ҳақида бораётир. Биз мана шу яхшилик ва ёмонлик ҳақида китоб ёзиш учун мазкур фалсафага чуқурроқ қайтаётирмиз.

Диний китобларда: "Эй, бани инсон! Мен сенга кўриш учун кўз, эшитиш учун қулоқ, англаш учун онг, ишлаш учун икки кўл, юриш учун икки оёқ ва ҳаммасининг фаолиятини таъминлаш учун барча аъзолар, жумладан жоннинг манбаи бўлмиш юракни ато этдим. Кўрасан, эшитасан, англайсан,хис қиласан, меҳнат қиласан, ейсан, юрасан, топасан, ухлайсан, ҳордиқ оласан. Демак тўрт муччангни бут қилиб яратдим, бир умрлик фаолиятинг таъминланди. Энди қилган яхшиликларинг учун сенга жаннатдан жой ажратаман, икки дунёйингни обод қиламан, юзага келтирган ёмонликларинг учун эса сенга дўзахдан жой ажратдим ва икки дунёйингни барбод этдим...Сен таффакур қилиш қобилиятидан, ҳис қилиш иқтидоридан тўла ва мукаммал даражада фойдаланмадинг! Барча аьзоларинг жараёнлари, фаолиятидан тўлатўкис фойдалана олмаганинг учун ҳам шу балога гирифтор бўлдинг. Марҳамад ўйла, фикрла, хаёлга чўм, хис қил, сез. Яхшилик билан ёмонликни, яхши билан ёмонни фарқла, фарқига бор. Тўрт муччангни тўлатўкис яратганим учун сенинг ишларингга аралашмайман. Қилгиликни сен қиласан, жазосини эса мен бера-

ман!..", деган чуқур фалсафани, мантиқни ўқиймиз...

Демак, тўрт муччаси соғ одам доимо фикрлаб, ўйлаб, хаёлат оламини муросага киритиб иш кўриши зарур ва шарт. Биз бугун мана шу яхшилик ҳақида китоб ёзишга бел боғладик. Яхшиликни ижрога киритган, уни амалда бажарган шу билан кўпларга ўрнак ҳам бўлган, ҳалиҳамон тилдан-дилдан тушмай келаётган, яъни бани инсон насли, деб аталмиш улуғ номни доимо ардоқлаб, доим ёдимизга солиб турадиган, хотирамизда, тарихимизда асраб қоладиган инсон фарзандлари ҳақида, "Яхшилик боғининг боғбонлари" ҳақида ва уларнинг китоб ёзиш даражасигача олиб келган омиллар, фалсафаси, мазмун-моҳияти, мантиқи хақида ёзишга жазм етдик.

Аждодларида гўзал фельли, гўзал табиатли зотлари бўлган инсонларнинг авлодларидан ҳам ёмонлик чиқмайди. Аждодларининг ўз наслига қилган яхшилиги, кўрсатган саховати, келтирган фойдаси табиийки, авлодларига ҳам тегади. Авлодларига ҳам, аждодларига кўрсатган яхшиликлари эвазига Парвардигор саховат кўрсатади. Яхши лавозимларда ишлайди. Кўпчиликка фойдаси тегади. Ёмон аждодларнинг авлодлари ҳам ҳеч қачон яхшилик кўрмайди. Ўғридан ўғри, қотилдан қотил, текинхўрдан текинхўр туғилади. Бу ҳам қадимий Парвардигорий фалсафа. Иқтидорли кишилар ҳеч қачон бирор кишига ёмонлик келтирмайди. Иқтидорсиз кишиларгина ҳаммага бирдай ёмонлик келтиради. Яхши учун ҳамма яхши. ёмон учун эса ҳамма ёмон... Ўғрининг кўзига ҳамма ўғри бўлиб кўрингани каби, яхшининг кўзига ҳамма яхши бўлиб кўринади.

Мен туғилиб ўсган қишлоқда юзлаб каззоблар, ўғрилар, қотилларнинг авлодларини биламан. Уларнинг авлодлари ҳам, аждодлари каби йиртқич, ваҳший бўлиб ўсди ва қамоқхоналарда чириб кетди. Яхшиларнинг авлодлари эса ҳозир ҳам гўзаллик билан ҳаёт кечираётир... Озорсиз ҳаёт кечираётир... Ёмонларнинг авлодлари ҳам бевақт хазон бўлаётир. Яхшиларнинг фарзан-

длари йилдан йилга гуркираб бораётир...

Мана, Парвардигорий фалсафа, мантиқ, ҳисоб - китоб...

Ҳулқи бузуқ одамларнинг, яъни эркаклар ва аёлларнинг фарзандлари ҳам суюқоёқ чиқди. Аждоду авлодига иснот келтиради. Жамиятни ҳам булғайди. Номини ҳам булғайди. Яхшиларнинг фарзандлари жамиятни тозалайди. Яхшиликлари билан ўрнак бўлади...

Истеъдодлар ҳам, иқтидорлар ҳам, боринки улар фан соҳасида, илм соҳасида, адабиёт, санъат соҳасида, рассомлик санъати соҳасида, фалсафада, табиий фанлар соҳасида, яратувчилик соҳасида бўлмасин фақат ривожланишга ҳисса қўшади. Парвардигорнинг қудрати шундаки, иқтидорсизлар ҳеч қачон ўқигани билан иқтидорли бўлиб қолмайди. Яхши ёмон, ёмон эса яхши ҳам бўлиб қолмайди. Одамларнинг ҳаммаси ҳам иқтидорли, истеъдодли эмас. Бу борада ҳам Яратганнинг ўз фалсафаси мавжуд. Иқтидорлилар, ёзувчилар, файласуфлар, рассомлар, тарихчилар ҳеч қачон тафаккури, ҳис - туйғулари махсулоти бўлмиш асарларини пулга сотмайди. Фақат меҳнатигагина ҳақ олади. Пулга хирс қўйган ашулачиларимиз эса Парвардигор ато этган ноёб иқтидорларини эрта - кеч пулга сотиш билан шуғулланаётир. Наҳотки улар Яратган ато этган иқтидорни, яъни Парвардигорий нурни пулга сотиш мумкинмаслигини, гуноҳ эканлигини тушунмасалар! Мана шу нуқтада биз ёмонлик билан, яхшилик, ёмонлар билан яхшиларнинг фаркини ажрата оламиз... Бунга ҳам икки дунё жавоб мавжуд.

Яхшилар қилаётган эзгу ишларини, ёмонлар эса орттираётган гуноҳу зиноларини эринмай дафтарга қайд этиб борсалар, вақти билан яхшиликларига ҳам, ёмонликларига ҳам бўлаётган жавобларни аниқ - равшан кўра оладилар...Фарқига бора оладилар. Афсуски, инсоният мана шу энг зарур ишни тўлалигича амалга оширмай келаётир ва улуғ ютқизиққа йўл қўяётир...

Бўз куйиб - пишиб тилга олаётган ва қоғоз сахифа-

сида зикр этаётган яхшилик ва ёмонлик фалсафаси, мантиқи, қонун - қоидалари такрор айтаман, ният қилганимиз, орзу этганимиз яхши одамлар ҳақидаги ёзаётган китобимизни мазмунли чиқишига бўлаётган уриниш деб англаш керак...

Демак, яхшиликнинг заминида гўзаллик, тараққиёт, ривожланиш, ёмонликнинг заминида эса қотиллик, барбодлик фалсафаси, мантиқи, яъни Парвардигорий мазмун - моҳият ётгани, яъни "тириклик - Ҳаққа етишишлик имконияти" эканлиги китобхонларга яна бир бор эслатишдан иборат...

Буларни айтиш, ифодалаш ёзувчининг мукаддас бурчига, яратган олдидаги маъсулиятига киради. Бу эса мукаддасликни, эзгуликни ифодолайди. Тасаввур билан биз икки қутуб - яхшилик ва ёмонликни аниқ- равшан кўра оламиз.

Энди мақсадга, кўчамиз. Яхшиликни, яхши кишиларни мадҳ этишга киришамиз...

Демакки, тўрт муччасини соғу саломат ва тўла - тўкислик билан яратгани учун ҳам, мана шундай гўзал дунёйи оламни, мана шу дунёйи оламдаги барча ноз - неъматларини ейиш, ичиш ва татиш бахтига бахраманд қилгани билан, бирга ҳавосидан нафас олиш, сувидан ичиш, тупроғида ётиш ва оҳир оқибат тагига кириш, қуёш, ой, кеча кундузини муросага киритгани, яъни кундузи меҳнат қилиб, тунда ухлатгани, шундай гўзалликни сезиш ва кўриш саодатига лойиқ бўлиши билан бирга эркак ва аёл бўлиб туғилиш, уйланиш, худи шундай икки орадан ўсиб униб чиқадиган ва авлодини, яъни абадул - абад инсон наслининг айланишини таъминлагани учун ҳам, яъни бани инсон наслининг туғилиши билан бирга ўлишини ҳам таъминлаган ва ҳар иккаласини ҳам саодатга айлантиргани, яъни мана шу фалсафа, мантиқ, моҳият - мазмунни муросага киритгани ва онги, ҳиссиятлари билан сезиб, тушуниб, ҳамма гўзаллик шарафга айланган лаҳзаларда Яратганга мана шу

илтифоти учун шукрона айтиш билан бирга, ҳар сония, ҳар лаҳза, ҳар кун, ҳар тун, ҳар ой, ҳар йил, ҳар дақиқа Парвардигорнинг измидан чиқмасдан, Унинг розилигига эришиб, умрини ҳам узайтириб берганлиги, ёшлай хазон этмагани учун ҳам, барча роҳатлари, лаззатлари, яъни жуфтлашишдаги рохат, лаззати, бола - чақа орттириш билан бирга жонворлар, қушлар, хашоротлар билан бирга яшаб, бир - бирларининг борликлари учун, бир - бирлари билан ёнма - ён яшаганликлари учун ва мана шуларни кўриб қувонтиргани учун, ҳис қилиб сездиргани учун, исломга киритгани, номоз ўқиш, рўза тутишни, яъни таодат - ибодатини ҳам муросага киритгани учун, Ўзига, фаришталарига, пайғамбарларига иймон келтиришни қонун йўли билан қонунлаштиргани, Парвардигорнинг инсонни яратишидан мақсади фақатгина яхшилик қилишни муросага киритиш эканлигини, яъни Яратганнинг Ўзи мутлоқо озорсиз эканлиги, хеч кимга, хеч қачон сабабсиз озор етказмаслиги, яъни озор беришга қаршилиги, ўғирлик, қотиллик, бесоқоллик, ғарликни қоралаш, тақиқлаши, миллатлар ва элатларни бир - бирини камситмаслиги билан бирга сувни, тупроқни, ҳавони ифлослантирмаслик, онаси зотига тақаладиган синглиси, опаси, акаси, укаси, отасининг ҳурматини ҳам аъло даражада ўринлатиши, яъни Парвардигорнинг талабини тўла ва мукаммал даражада англаш, ҳис қилиб, вужудига Яратган ҳақидаги тушунча туйғуни тўла сингдириб олган инсон фарзандидан ёмонлик кутиш асло мумкин эмас.

Кимки, барча инсон боласи билан бир вужудга бориб туташишини, жумладан барча тирик жонларни ҳам ўз вужудининг бир бўлаги эканлиги, яъни ҳаммасининг Яратгувчиси ҳам Парвардигор эканлигини онгли равишда, ҳоҳ онгсиз равишда онгига, ҳисларига, яъни танаси ва жонига сингдириб олган бўлса, хеч кимга, ҳеч қачон ёмонлик қилмайди. Бундай инсонларнинг фикри ҳам, ўйи ҳам, мулоҳаза олами ҳам, ҳаёлат олами ҳам

бир бўлади. Тили билан дили, сўзи билан ижроси, яъни амалиёти билан назарияси, босган қадами ҳам, босиб ўтадиган йўли ҳам бир бўлади. Поклик - покизаликни ўзига дўст тутади. Бола - чақасини ҳам шу қонуният билан тарбиялайди. Қондошига, яъни қушлар, хойвонлар, хашаротларга ҳам раҳмдиллик туйғу - тушунчаси билан ёндошади. Яхшилик қилиш йўлинигина излайди. Яхшилик қилиш билан фахрланади, ғурурданади...

Инсоний умр жуда ҳам қисқа. Яхшилик қилган яхшилиги билан, ёмонлик қилган ёмонлиги билан қолади... Қилган яхшилигини ўзи билан олиб кетди ва тарих сифатида инсониятга қолдиради. Ёмонлар эса ёмонлигини оқлаш ёки ювиш учун, яъни ҳаётини қайтадан яхши қилиб қуришга улгуролмай қолади.

Кимгадир кўзи учун, кимнингдир топадиган фойдаси учун, кимгадир кўр-кўрона саховат кўрсатиш яхшилик эмас, бундай одамлар яхши одамга кирмайди. Яхшилик доим ҳам беминнат бўлганидагина Яратганга хуш келади. Демак, Яратганнинг назарига тушади. Тирикликда орттирилган гуноҳлари ва зинолари учун ўч оладиган биргина Яратган. Ёмонлик учун энг улуғ ўчкор шу Яратганнинг Ўзи, яхшилик учун бойитадиган, барча шаьну шарафларини иньом этадиган, эьзозлайдиган ҳам Ўзи. Яхшилигига минг бор яхшилик билан, ёмонлигига минг бор ёмонлик билан жавоб қайтарадиган ҳам Парвардигорнинг Ўзи.

Мана шундай ўй - ҳаёллар, фикрлар билан икки йил муқаддам Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг биринчи проректори Ўктам Пардаевич Умурзоқовнинг қабулхонасига кириб борган эдим. Табиийки бундай пайтларда одам қайсидир маънода хижолат тортади. Нотанишлик, боз устига гарчи арзимас бўлса-да, илтимос билан қабулига кириш хар қалай осонмас.

Шу институтнинг икинчи босқич талабаси жияним Алижон Қушев, арзимас бир сабаб билан ўқитувчига ёқмай қолибди. Қайсидир дарсда, орқада ўтирган икки

талаба ўзаро суҳбатлашиб ўтирган экан, жияним ҳам уларнинг ёнида экан, лекин гаплашмаган экан. Ўқитувчининг шахси билан қизиқдим. Ёши бир ерга етган бўлса-да, турмушга чиқмаган, яъни ўқиш билан умрининг кўп қисмини ўтказиб юборган, яъни ёлғиз ўзи яшайдиган аёл ўқитувчи баҳо қўймай, оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас, ярим йил қийнабди. Жияним ўн беш килограмм озиб ҳам кетибди, бироқ менга сирини бой бермабди. Масала шу. Аввал аёл билан учрашдим. Адабиётдан, ҳаётдан олган сабоқ ва тажрибаларимни тўлалигича ишга солиб, аёл билан узоқ муддат суҳбатлашдим. Чиройли ифодалар билан сўзимни изоҳлашга ҳам уриниб кўрдим. Кейин кимлигимни ҳам тушунтирдим. Аёл менга нисбатан мутлоқо лоқайдлигида қолди. Эътибор беришни истамади. Жиянимнинг онаси Малика жияним ўқитувчининг олдига бир неча бор кирибди, аёл сифатида ҳам илтимос қилибди. Унга ҳам ўқитувчи эътибор бермабди, беришни ҳам истамабди. Аввал мен бу гапга ишонмагандим. Ахир инсон боласи бирор илтимосни тушунмаслиги ёки англаб етмаслиги, ҳис қилмаслиги мумкин эмас. Аҳир ҳиссан, ақлан етук кишиларда одамгарчилик тушунча - туйғуси ҳам мукаммал бўлади. Дилбар исмли опага ҳеч ҳам фикримни тушунтиролмадим. Чунки у кишида кимнидир тинглаш, тушуниш истаги йўқ эди. Боз устига у киши бир неча муддатли сукут сақлашдан кейин менга: "Қаёққа борсангиз бораверинг! Қўлингиздан нима келса қилаверинг! Жиянингизга ҳам шундай деганман. Жиянингизга баҳо қўймайман!", дея туриб олди. Жиянимнинг гапига қараганда узун бўйли бир йигитга, бўйи узун бўлгани учун: "Сенинг бўйинг менга ёқмайди, баҳо қўймайман!", дебди. Жиянимнинг гапига ишонмай ўша узун бўйли йигит билан ҳам суҳбатлашдим. Эшитган гапим рост бўлиб чиқди.

Бошим қотди. Фикрларим чалкашиб ҳам кетди. Нима қилиш керак?! Жияним имтихонини ололмаса, ота - онасининг юзига қандай қарайди? Сарфланган пуллари

нима бўлади? Узоқ муддатли ўйларга толдим. Сукут сақлашдан бошқа иложим ҳам қолмади. Раҳмнинг, шафқатнинг, саховатнинг ҳамма эшиклари ҳақида бош қотирдим. Қизиқ, болалар бир - икки оғиз ўз фикрлари, балки ўқиши ҳақида суҳбатлашган бўлиши мумкин. Бўйинг баланд бўлишини ёқтирмасликдан ҳам кўра ёмон одат йўқ...Мутлоқо тушуниб бўлмайдиган масала. Изимга қайтаётиб, мулзам бўлиб яна хаёл оламига чўқдим. Хаёлимдан "жохил" деган фикр кечди ва унинг сўздаги ифодасини излашга тутиндим.

Илмли киши, маърифатли киши, яъни бирор олийгоҳларда ўқитувчилик қилувчи киши ўз фарзандларига қайғуриши керак. Билмаганини ўргатиши, билганини тўғри баҳолаши керак. Илмли, маърифатли бўла туриб, ўз фарзанди, яъни талабаларини арзимаган гап учун ярим йил қийнаши, боз устига "бўйинг узун бўлгани учун ёмон кўраман" дейиши жаҳолатдан бошқа гап эмас. Фақат жоҳил одамларгина Яратганнинг, Унинг фалсафаси, мантиқи ва моҳият - мазмунини билмаслиги мумкин. Бироқ ақилли, илмли, маърифатли кишилар одатда олижаноб бўлади. Жоҳилликнинг моҳияти, яъни инжиқлик ва асабийлик, бачканалик каби ёмонликнинг иллатларини ўзида жамлаган одамлар жоҳил бўлади ва бундай одамлар кўпроқ кичик жуссали кишилар, майиб - мажруҳ кишилардан чиқиши мумкин. Баланд бўйли одамлар эса кўпроқ мард келади. Одамнинг мазмун - моҳияти ҳисоб. Тарихга назар ташланса, фозил, иқтидорли кишилар кўпроқ ўрта бўйли кишилардан чиққан. умуман одамларнинг бўй - бастига қараб баҳолаш инсофдан эмас. Гап бу ҳақда эмас. Менинг институтнинг биринчи проректорига кирганим сабаби ҳақида кетаётир. Ҳамма кечмишнинг мазмун-моҳияти бор. Буни очмасдан мантиққа, фалсафага кириб бўлмайди.

Хуллас, мана шу масалага ойдинлик киритиш мақсадида Ўктам Пардаевич Умурзоқовнинг қабулига кирдим. Изн сўрадим. Илтимосим ижобий ҳал этилди. Хо-

926206

Nizomiy nomli
TDPU
kutubxonasi

нага киришим билан узун бўйли, оқ сариқдан келган, қомати тик ва кўзлари ва чеҳраси гулгун, қараш ва жилмайишларида ҳаётдан мамнунлик ва қониқанликка ўхшаш аломатлар ифодаланаётган мезбон чиндан ҳам мени мутлоқо бир самимият билан, оққўнгиллик билан истиқболимга чиқиб қаршилади. Ўнг томондан жой кўрсатиб, ўзи қаршимга тўғрима тўғри ўтирди. Хонанинг орасталиги, мезбоннинг оққўнгиллиги менинг ташқаридан, яъни аёл ўқитувчининг олдидан бузилиб чиқкан кайфиятимни кўтариб юборди. Мезбон кўнглимга қараб вақтини айамай мен билан жиддий ва айни вақтда мулозамат билан узоқ суҳбатлашди. Орадан анча вақт ўтса-да, мезбон менинг меҳмонлилигим, ўзининг мезбонлилиги ҳақидаги тушунча - туйғудан узоқлашмай, диққат - эътиборини бир ерга жамлаб, бир пиёла чой билан эъзозлаб, ҳурматда бўлиши мени чиндан ҳам ҳайратга солди. Киришдан олдин бошқача фикрда эдим... Бир - икки ширин сўз билан юпатиб чиқариб юборса керак, деган хаёл мени қийнаётганди. Юзи оппоқ ва тиниқ, кўзлари раҳмдил, сўзлари сараланган, харакатлари тергалган, фикри тиниқ, ўйлари чуқур, ҳаёллари, яъни мулоҳаза доираси кенг, лекин озгина чарчоқ ва толиқиш оқибатида содир бўладиган паришонлик чеҳрасида хукмронлик қилаётган бу одам, назаримда ижодкорларга ўхшар эди. Одатда ижодкорларда кўпроқ мана шундай ҳорғинлик, чарчоқлик паришонлиги сезилади. Илк таассуротларим, тасоввурларим шундай бўлди.

Масаланинг моҳиятини ҳам ётиқлик билан тушунтирдим.

- Менга бир - икки кун мухлат беринг. Масаланинг моҳиятини чуқурроқ ўрганиб чиқай. Арзимаган масала билан ҳар икки томонни ҳам ранжитиб қўймай, балки жиянингизнинг ўзида ҳам айб бўлиши мумкин. Беайб Парвардигор деган гаплар ҳам бор. Ўқитувчи билан ҳам суҳбатлашиш шарт. Бизга ўқитувчи ҳам, талаба ҳам азиз. Чунки талаба ва ўқитувчи ҳисобига ўқиш ва ўқити-

лиш жараёнлари кечади,- дея Ўктам Пардаевич мени ташқаригача кузатиб чиқди. Хуллас, бугунги учрашувдан ва суҳбатдан чин маънодаги қониқишни туйдим.

Ҳар бир ёзувчи, боринки барча ижодкорлар ва ижоднинг асоси бўлмиш одамлар билан учрашганида, суҳбат қурганида табиий ҳолда янги учрашган одами ёки ижодкор ҳақида узоқ вақт ўйлаб, фикрлаб юради. Учрашган одамнинг кимлиги, қанақа одамлиги ҳақида ҳам бош қотиради. Ўзига, муомаласига диққат - эътиборини қаратади.

Гап яна яхши одамлар ва мана шу яхши одамларнинг яхши фарзандлари ҳақида, уларнинг жамиятда тутган ибратли ўрни ва одамларга кўрсатган гўзал муомаласи ҳақида бораётир...

Кўзларим олдидан Ўктам Пардаевичнинг гўзал қиёфаси, қадди - қомати, ёқимтой кўзлари, раҳмдил чеҳраси, кўзлари билан чеҳрасида доимий жилмайиш аломатларининг кўзга ташланиши, яъни қаршисидаги ҳамроҳини ранжитиб қўймаслик учун ўзини доимо хотиржам тутиши, диққат - эътиборини бир нуқтага жамлаб муомалада бўлиши, жавобга мамнунлик билан тайёрланиши, оққўнгилилиги ўтаверди. "Ҳар қалай яхши одам экан, киришдан олдин озгина сесканишга ўхшаган холат содир бўлганида..." -деган фикр ўтди миямдан.

Қуръони Каримда: "Саҳоватни гўзал чеҳрали бандаи мўминлардан изланг...", -деган оят мавжуд. Бунга булбулнинг, оҳуларнинг, яъни барча ўтхўр жонворларнинг, қушларнинг гўзаллиги мисол бўла олади. Қизларнинг ҳам гўзаллиги мана шу гўзал чеҳрага мос келади... Хунук қиёфали одамлардан яхши кишилар туғилганини кўрмадим ва гувоҳлик ҳам қилмадим...

Айрим ёзувчиларнинг ҳамма қаҳрамонлари асабий, инжиқ, калтабин, ишёқмас, ўғри, муттаҳам, букри, майиб - мажруҳ одамлар ... Ўйлаб ўйимга етолмайман. Наҳотки ўзбекларнинг ҳаммаси ҳам шунақа чала одамлар

бўлса? Қани Абдулла Қодирийдай, Усмон Носирдай, Темурдай, Мангубердидай, Темур Маликдай забардаст йигитларимиз?.. Муаллиф қандай бўлса, қаҳрамонлари ҳам шунақа бўлади... Аниқ айта оламанки, бундай ёзувчининг ўзи ҳам бирорта одамни хуш кўрмайди, ёқтирмайди, асабий, инжиқ бўлади, ҳамманинг устидан кулишни ёқтирардиган бўлади. Бирор ерга саёхатга чиқса, кеч қолса, кўчада, машинада ухлар экан. Сабаби: бирор одамникида ётса, ўша одам кейинчалик уйимга тунашга келмасин, деган ниятда...

Гап яхшилик билан ёмонлик ҳақида бораётир... Яхши одамлар ва ёмон одамлар ҳақида кетаётир.

Бирор мақола ёки ҳикоя ёзадиган бўлсангиз, албатта мисоллар билан, аниқ ва мавжуд одамларни мисол келтириш билан асарга аниқлик киритилади. Чиндан ҳам гўзал чеҳрали, гўзал феълли одамлар доим саховатли келади.

Ўктам Пардаевичнинг қабулларига кирганимдан бир неча кун ўтганидан кейин жияним Алижон уйга шоду хуррамлик билан кириб келди. Ўқитувчи аёл жиянимнинг баҳосини қўйиб берибди, ҳаттоки: "Мен узр сўрайман, тоғангиз кечирсинлар!" ҳам дебди. Демак, аёлнинг ишлари, феъли, табиати жиддий ўрганилган, ноҳаклиги ҳам жиддий кузатилган, муҳокама ҳам қилинган, сўнг аниқ бир қарорга келинганидан кейин, гувоҳлар билан жиянимдан имтихон олинган ва жияним бу синовдан аёл ўқитувчи кутганидан ҳам кўра аъло ўтган ... Эшитишимга қараганда Ўктам Пардаевич аёлни қабулига чақиртириб, ётиғи билан, Алижоннинг курсдошларини йиғишни, ўзи имтихон олишни, агар Алижон имтихондан ўтолмаса, институтдан ҳайдашини, борди-ю, аёл ўқитувчи ноҳақ бўлса, масаласини ҳам муҳокамага қўйишини уқтирган. Шунга тайёрланган чоғи. Буни кейинчалик бошқа бир одамдан эшитдим. Ташаккур билдириш учун бошқа сафар қабулларига кирганимда, у киши гап орасида:

- Ўзингизга маълум, боланинг дунёга келиши, ота - онаси бағрида тарбия топиши, бу масалага қанчадан - қанча маблағ сарфланиши, институтга кириши, кира олмай бир неча бор қайтиши, бориб - келишига сарфланадиган йўл маблағи ҳамма ўйлаганчалик осонлик билан битмайди. Буни нафақат ўқитувчилар, биз ҳам, сиз ҳам, талабанинг ота - онаси ҳам, талабанинг ўзи ҳам чуқур ҳис қилиши, англаши шарт. Аввало бу масала давлатнинг, раҳбарларимизнинг моҳият - мазмунини белгилайди. Бирор давлат ўз фарзандлари қисматига лоқайд қаролмайди. "Фарзандлар – келажагимиз..." - дея улуғ даҳолар, улуғ фалсафани ўртага ташлайди. Менинг учун бир институтнинг раҳбари оғзидан мана шундай куйиниб, ёниб - ўртаниб айтилган сўзлар чин маънодаги қувонарли хол. Ўктам Пардаевич чиндан ҳам ўзим ўйлагандай, фикрлар орқали мулоҳаза юритгандай, онгининг юксаклиги, эс - ҳушининг беҳад теранлиги, яъни тафаккур қила билиш қобилиятини ҳам юксак даражада ривожлангани, тафаккурни юзага чиқарадиган ўйлаш, фикрлаш, ҳаёлат оламининг теранлигига яна бир бор амин бўлдим. Шу билан бирга оққўнгиллиги, одиллиги, ҳар бир масалани раҳбарлик нуқтаи назаридан эмас олимлик, одамийлик нуқтаи назаридан ҳал қилганлиги, талабаларга ота сифатида, ака сифатида қараши ва баҳолашига қойил қолиб, ҳайрлашиб хоналаридан чиқдим. Мени кузатаётиб у киши жуда ҳам мулойимлик билан, тортиниш билан, озгина журъатсизлик билан:

- Бизнинг отамиз ҳам, онамиз ҳам бутун умрлари бўйи халқнинг хизматида бўлди...Давлатимизга ҳам катта меҳнатлари синган... - дея кўнглидаги орзу армонига кўчди. – Шу ота-онам ҳақида кўпдан бери бирор китоб ёздириш ниятида юрибман, бироқ имкон тополмаётганидим. Сизни Худонинг ўзи етказди. Имкон тополсангиз, жиянимнинг ишини битириб бергани учун мана шу илтимосни қилянти деб ўйламасангиз, биргаликда ота - онам ҳақидаги китобни ёзсак...

- Ўктам Пардаевич! Сиз чин маънодаги гўзал феълли одам экансиз. Сизга бирор гапни айтиш ёки эътироз билдириш гуноҳ саналади. Аммо, лекин ёшим ўтиб қолди. Боз устига мен ҳеч қачон илтимос билан, ёки топшириқ билан бирор одамга китоб ёзиб бермаганман. Шунга қарамай илтимосингизни қайтариш ҳам инсофдан эмас ...Аслида бундай ишларга раъйим йўқроқ... Илтимос билан, топшириқ билан ёзилган китоблар ҳужжатга асосланган учун кўп холларда яхши ёзилмайди. Ёзсам, яхшилаб ёзишим керак. Бошқа асарларим билан баробар етукликда ёзилиши керак. Баркамол ёзилишини ўзим таъминлашим керак... Бу жиддий масала,- қабилидаги жавобни қилдим.-Ёш ўтиб қолди. Илгари куч-қувват етарли эди. Ҳозир бир оз сусайган. Майли, менга озгина муҳлат берасиз... Ўйлаб кўраман ва жияним Алижондан хабарини етказаман, ёки ўзим йўл-йўлакай айтиб ўтаман.

- Яхши, яхши,- дея мезбон мени юксак мулозамат билан кузатиб қолди. Орадан анча вақт ўтиб у зот ота-онасига ҳайри-худойи қилди. Жияним орқали менга "таклифнома" юборди. Насиба қўшилган экан, Зомин деган шаҳарга, яъни қадимий гўзал шаҳарга кучли иштиёқ, ҳавас билан бориб, шундай кайфият билан қайтдим. Зоминда Ўктам Пардаевичнинг ота-онаси ва у зотларнинг халққа қилган хизматларини кўпчиликнинг оғзидан эшитганимдан кейин эса китоб ёзиб беришга жазм этдим. Ва бу ишни бошлашимни яна Ўктам Пардаевичга етказдим. У киши бу тўхтамимни, яъни шундай фикрга келганимни қувонч билан қаршиладилар. Аста-секинлик билан ишга киришдим.

***

Мақсад шу... Ният шу... Фақат ва фақат яхшилар ҳақида ёзишни ният қилиб, мазкур китобга қўл урдим. Бу ёғига Парвардигорнинг ўзи қўллагай...

Гап фақат ва фақат яхшилик ҳақида кетаётир...

Яхши одамлар ҳақида кетаётир...

Тириклик - Парвардигорга етишиш имкониятидир...

Парвардигор бизни бошқа мавжудодлардан фарқли ўлароқ онгли-ақилли, яъни ўйлайдиган, фикрлайдиган, мулоҳаза юритадиган даражада, гўзал ҳулқ билан, гўзал қиёфа билан, аёлларини эркаклардан фарқлаб, нозик ва нафосатли қилиб, эркакларни кучли, меҳнатга ярайдиган қилиб яратди. Қушлар ва бошқа жонворлар ўзларини ҳимоя қилиш билан бирга, қоринларини тўйдириш ва насл қолдириш харакатида бўладилар. Инсон эса насл қолдиришдан ташқари, ўзини ҳам ҳимоя қилиши билан бирга бир - бирларига ёрдам қўлини ҳам чўзади. Онги билан тараққиёт ва ривожланишдай улуғ кашфиётни ҳам юзага чиқаради. Дунёни гўзаллаштириш билан бирга фан, илм борасида, адабиёт, саньат борасида улуғ кашфиётлар қилишга қодир. Мусиқани ҳам, рассомлик саньатини ҳам содир этади. Боғлар ташкил этиш билан бирга ўсимликлар, дарахтлар, мевалар, сабзавотларни парваришлаб, йўқолиб кетиш балосидан ҳам асраб қолади. Қўй-эчки, қорамол, отлар каби жонворлар ва қушлар ва хашаротларни ҳам ўз ҳимоясига олган, деҳқончилик қилиб, ўзи қаторида уларни ҳам боқади. Назаримда бошқа жонворлар бу масала ҳақида бош қотиришга қодир эмас.

Демак, инсон наслининг бўйнида ўзидан ташқари Парвардигор яратган барча жонворларни, қушларни, ўсимликларнинг ҳимояси ётади. Парваришлайди. Парвардигорга бўлган оташин муҳаббати учун ҳам, ширк келтирмаслик учун мана шу шарофли ишларни бажаради. Шу билан бирга Ўзи Яратган мавжудлиги олдидаги, яъни яратгани, туз - насиба, ноз - неъматларини беминнат ато этгани учун, унинг олдидаги улуғ масъулияти, бурчини онгли равишда англаган холда таодат - ибодат билан олдидаги қарзини узади. Бошқа жонворлардан фарқи ҳам мана шу таодат - ибодат қилишида...- Таодат - ибодат бўлгани учун ҳам, Яратганни тан ол-

ган, тан бергани учун ҳам жонзотидан кескин фарқ қилади. Йўқса биз ҳам бошқа жонворлар қаторида шаклланмай қолиб кетаридик. Парвардигор одамни, одам наслини ортикроқ севгани учун хайвонот оламидан ажратиб олиб, улуғ инсон даражасига кўтаради. Жонворларни эса мана шу улуғ иқтидор, яъни инсондай онг ва тафаккурдан сикди. Демакки, Парвардигор биргина инсон авлодини таодат - ибодат орқали ўзига яқинлашишга мослади. Шунинг учун ҳам биз: "Тириклик - Ҳаққа етишиш имкониятидир...", деймиз. Ҳақнинг гўзаллигини биз - инсон боласи ифодалай оламиз ва ифодалаб туриб унга астойдил талпинамиз. Заминида эса гўзаллик - яхшилик тушунчаси, мазмун - моҳияти ётади.

Биз – бандаи мўминлар доим: «Одам авлодини муросага киритганинг, ота билан онанинг ҳам муросага киритиб, бизни яратганинг, ярата туриб барча гўзаллигингни – оламни кўриш, хис қилишдай улуғ неъматни, сувингдан, тупроғингдан, ҳавойингдан, уйқуйингдан, барча ноз -неъматларингдан, жумладан биздан ҳам пушт - авлодни давом эттириш бахтини насиб этганлигинг учун сенга, фақат сенгагина талпинамиз, таодат - ибодат қиламиз! Ҳаммаси учун Ўзингга, фақат Ўзингга шукроналар айтамиз!.. Ер юзига туғдирганинг ва ўлимдай, туғилишдай улуғ неъматни ҳам насиб эттирганинг учун яна Ўзингга шукроналар айтамиз! Ўзингдан бегона қилма! Ўзгаларга озор етказишдан ўзинг асра!" - дейишимиз керак.

Гап яхшилик ва яхши одамлар ҳақида, яъни мулоҳазаларда ёзилаётган одамлар ҳақида бораётир. Китоб қаҳрамонларнинг гўзал ҳулқлари ва гўзал саховатлари, гўзал яхшиликлари ҳақида бораётир... Биз мазкур китобга қаҳрамон қилиб танлаган, ифодалашга киришган зот Парда Умурзоқ ўғли ҳам ва Худонинг назари тушиб, ўқишлардан кейин лавозимларга эришган ва қўлидан келганича яхшилик қилган, яхшиликнинг тантанаси учун тинмай тиришган, яъни "Тириклик - Пар-

вардигорга етишиш имкониятидир...", сўзи маъносини чуқур англаб етган, ҳис қилган, яъни икки дунёсини нургa кўмиб кетган, шу йўлда хизматда бўлган ота - она ҳақида...

Улуғ боболаримиз орасидан чиққан улуғ жаҳонгирлар, фотҳлар, олимлар, фозиллар, диний арбоблар сон - саноқсиз. Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Шерғозихон, Алимқул, Маҳмуд Ғазнавийдай улуғ зотлар бор. Улар билан ғурурланмасдан, фахрланмасдан иложимиз йўқ. Улар қаторида Беруний, Хоразмий, Хевакий, Улуғбек, Навоий, Акбаршоҳ, Хумоюншоҳ, Шохжаҳоншоҳ (асл исми Ҳуррамшоҳ), Бобур Мирза, Зебунисо, Нодира, Увайсий, Зарина ҳоқон, Тумар ҳоқон, Албтегин ҳоқон, жумладан Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Фитрат, Чўлпон каби улуғ боболар бор.

Парвардигорга фақат яхшилик билан етишиш мумкин. Эришиш мумкин. Ёмонлик билан Парвардигордан узоқлашилади. Ундан бегоналашилади. Тарихга жиддий назар ташласак, фақатгина яхшиликни, гўзал хулқли кишиларни, юртлар, миллатларга эзгулик йўлини тутган зотларгина эътироф этилади. Фақат ёмонлик қора тарих сифатида талқин қилинади. Демак, биз Яратгандан ўрнак олиб фақат яхшилик қилиш йўлинигина ўйлашимиз ва мана шу эзгу йўлдан боришимиз керак. Одамларга, дейлик қондошларга нисбатан киборлик йўлини тутиш, уларни менсимаслик, беписандлик билан қараш шайтоннинг иши. Яхшилик эса фаришталарнинг иши ва биз доим ҳам Яратганнинг фаришталарига эргашишимиз керак. Яхши одам ҳам, ёмон одам ҳам бари бир гўзалликни, яхшиликни, яхши одамларни хуш кўради. Баъзи ҳолларда ёмон одамлар ҳам кўр - кўрона ўзи сезмаган ҳолда одамлардан яхшиликни талаб этади. Демак, ҳамма бирдай яхшиликнинг қурбони.

Биз тилга олаётган Парда Умурзоқ ўғли ҳам мана шундай гўзалликни севадиган, олижанобликнинг, эзгуликнинг ҳақиқий қаҳрамонига айлана олган зот эди,

тарих саҳифасига шундай мухрланиб қолди...

Тарихий тажрибадан келиб чиқиб, инсоннинг мақсад – маслаги, мазмун - моҳияти, фалсафаси, мантиқи тараққиётни, ривожланишни юзага чиқарадиган гўзалликяхшиликни рўёбга чиқариб бериши зарурдай туюлади. Гап мана шу ҳақда бораётир.

Хазрат Навоийни Ҳусайн Байқаро сийлаб Афғонистоннинг сувли ерларидан жуда кўп миқдорда хусусий қилиб ер ажратиб берган. Мана шу ерлардан кўтарилган маблағдан хазрат Навоий 33 та масжид, мадраса курдирган, каналлар, ариқлар қаздирган. Қанчадан - қанча халқни боққан. Мозори Шарифдаги улуғ мақбара - масжид, яъни Хазрат Алига қурилган рамзий мақбара ҳам ҳазрат Навоий томонидан бунёд этилган. Эрон билан Афғонистон ўртасида минг - минг йиллардан бери муаммо бўлиб келаётган катта бир сувини ҳам Ҳазрат Навоий теппа - тенг бўлиб берган ва ҳозиргача у зотнинг ҳурмати учун бирор вақт жанжал чиқмайди. Шу кунгача икки томоннинг халқлари у зотни дуо қилиш билан. руҳларини шод этиб келадилар. Мустақилликдан кейин шундай улуғ ишлар кўплаб қилинди.

Гап фақат яхши одамлар, яъни миллати, ватанига, миллатдошлари ва ватандошларига умри бўйи баҳоликудрат яхшилик қилган, яъни эзгулик йўлини танлаган зоминлик Парда ота ҳақида бораётир... Мустабид тизим айни авжига чиққан, унинг Ўзбекистондаги ҳомийлари кутирган бир даврда, яъни миллатга, ватанга ҳеч қандай яхшилик қилиб бўлмаган, қилишнинг имкони бўлмаган бир пайтда имкон қадар саховат кўрсатган, ўта меҳнаткаш, куну - тун меҳнат қилиб толиқмаган, гоҳ яширинча, гоҳ ошкора ватандошларига ёрдам қўлини чўзган, бугунги кунда, ўша мустабид тузим сиёсати билан баҳоланганда ҳақиқий қаҳрамонга айланиб қолган Парда Умурзоқ ота ўғиллари ҳақида бораётир...

У зот ҳақидаги, у зотнинг ҳаёти ва босиб ўтган умр йўллари, қилган меҳнати, одамларга кўрсатган илтифоти

ҳақида у зотни билганлар, кўрганлар, яхшилигидан манфаатдор бўлганлар билан кечган суҳбатлар, эшитилган сўзлардан, гаплардан маълум бўлдики, у зот ўз замонасининг чиндан ҳам Меҳнат қаҳрамони, Миллий қаҳрамони даражасигача кўтарилган... Биз бу ҳақда аста - секинчилик билан батафсил ёзишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Парда отанинг ўғиллари Ўктам Парда ўғиллари билан илк бор суҳбатлашганимдан кейин, у кишининг биз билмаган ҳолда олижаноблик билан ёрдам қўлларини чўзганларидан кейин, боз устига оталари ҳақидаги кўпчилик оғзидан яхши гапларни эшитганимдан кейин инсоний қонга, қондан ибрат бўлмиш фалсафага, моҳият-мазмунига, мантиқига жиддий назар ташлаш билан қизиқдим. Чиндан ҳам дунё фанида "ген" тушунчаси мавжуд ва буни бошқа миллатлар тезликда тушунади. Биз шарқ халқлари эса буни насл, қовм-пушт, қон тушунчаси билан боғлаймиз. Шу нуқтаи назардан қаралса, баҳоланса, аждодлардан қандай қон, яъни тоза, айнимаган, ёмонлик қилмайдиган фақат яхшилик қиладиган, яъни тириклик - Парвардигорга етишиш имконияти эканлигини англаб етган, ҳис қилган даражадаги қонлар аждодларнинг авлодлари ҳам табиийки гўзал феъл билан, гўзал табиат туғиладилар. Бу жараён азалдан абадгача такрорланади. Қотилдан қотил, ўғридан ўғри, гўзалдан гўзал, яхшидан яхши туғилади-ю, шоҳ бўлишлик, ватан, миллатни ҳимоя қиладиган улуғ зотларни эса табиийки Парвардигорнинг Ўзи, Ўз меҳридан яратади. Парвардигор сийлаган зотни ҳеч ким, ҳеч қачон шохликдан олиб ташлолмайди. Турли партия тузишлар, тарафбозлик билан шоҳликни тортиб олиб ҳам бўлмайди. Фақат насибаси узилса, уни Парвардигорнинг Ўзи узган бўлади... Уни ҳеч ким, ҳеч қачон шоҳликка насибасини улолмайди. Чизгизхонни уч бор енган толмас Жалолиддин Маргубердининг насибаси узилганида, чингизчилар ортидан қувиб келаётганида, асосий аскарларини бошқа томонга чалғитиш учун қочи-

ради, ўзи эса бошқа томонга қочади. Аскарлари қутилиб кетади, ўзи эса бир курт қишлоғига бориб, бир курт қўлида қилич билан чопилади... Демак, унинг насибаси узилганиди. Бу ҳам юқоридан Парвардигордан ҳал қилинади...

Яратганимиз Парда отанинг, яъни ҳозирда отага, бобога айланган аслида ёш йигитча Парда Умурзоқ ўғилларининг аждоди қонига олижаноблик, оққўнгилик, эзгулик нурини бахшида этган экан, авлоди Парда исмли йигитчада, бу қон гўзаллиги ортиқчароқ тараққий қилиб, ортиқчароқ гўзаллик билан кўринди. Кўриндигина эмас, ижрода ҳам ўз камолини топди. Жамолини кўрсатди.

Агар Парвардигор яхши одамларни, яхшиликнигина яратганида, шайтон яралмаганида, фаришталаргина яралганида, фақат яхшилик - гўзаллик тантана қилганида, биз ёмонликни фарқига боролмаган бўлар эдик. Ёмонлик бизга яхшиликни, гўзалликни баҳолашга имкон яратди. Яхшилик билан ёмонлик орасидаги оппоқ ранг билан қопқора рангни кўзларимиз билан фарқлаш имкониятига ҳам эга бўлдик. Яхши одамлар ёмонларнинг, ёмон одамлар эса яхшиларни бизга равонлаштириб беради. Яхшиликнинг қадрини ёмонлик ортирди ва ёмонликнинг мазмунини эса ёхшилик барбод этди. Демак яхшликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам, икки орада фарқни фарқловчи ҳам Яратганнинг Ўзи. Агар оёғимизга кирадиган тикан ҳам Яратганинг буйруғи билан киргани ҳисобга олинса, Унинг иноятига кирса, демак жоҳонгирнинг ҳам, даҳонинг ҳам, қотилнинг ҳам, барбодчининг ҳам яралиши, шоир, ёзувчи, олим, фозилнинг дунёга келиши, туғилиши Ўзининг иноятига боғланиб кетади.

Яхшилик билан ёмонликнинг ёнма - ён туриши ва ижрода бўлиши, улар ижросидаги бунёдкорлик, ривожланиш билан барбодликнинг юзага чиқиши Яратганнинг гўзаллигини, гўзалликдан иборат эканлигини, ягоналигини, ўзидан бошқа гўзаллик йўқлигини номоён этади.

Ўзимизнинг ва кўзларимизга чалинаётган мавжудликнинг ҳам гўзаллигини, уларнинг Яратгувчиси ҳам Илоҳий гўзаллик билан боғланишини англатади. Демак, барча яралиш ва яратилиш фақат Ўзининг буйруғи ва илтифоти билан содир бўлади.

Одам Парвардигорнинг бетакрор, тўла ва мукаммал гўзаллигини онадан туғилиб, илк бор додлаб йиғлаганида, яъни ўпкасига илк бор ҳаво кирганида, яъни тириклик фаолиятини бошлаган лаҳзаларда илк бор сезади. Сўнг овқат еб, она сутининг таъмини сезган онларда бу гўзалликни англаб етади. Улғайиши билан ота - онани, опа - синглисини, ака - укасини таниганидан кейин, барча ноз - неъматларнинг лаззатини сезганида, уйқуни ҳам гўзаллигини англаган, уйланиш, яъни қиз бўлса, йигитга, йигит бўлса, қиз болага уйлангандан кейинги, яъни илоҳий лаззат - бола - чақа - пушт қолдириш лаззатидан баҳраманд бўлганидан кейин ҳам унинг гўзалигини тўла ва мукаммал даражада сезади, хис қилади, тушунади, англаб етади. Бетобланганда, дард чеккани-да эса Парвардигорнинг қадр - қиммати минг бор ошиб кетади. Умр гўзаллигининг қадри яна хам гўзалашиб кетди. Чунки олдинги тўла ва мукаммал гўзалликка барбодлик ета бошлаган бўлади...

Гўзалликга етаётган барбодлик эса гўзалликнинг қадрини минг бор ошириб юборади. Яралиши билан, яъни бу дунёнинг гўзаллигидан айрилиши, ажралиши, видолашиши ҳаддан зиёд оғирлашиб кетганидан кейин эса "Тириклик - Парвардигорга етишиш имконияти" тўла англашилади. Қилмаган ва қилинмаган ибодат - таодатлар учун пушаймонлик лаҳзаларига навбат етади ва бирдан ҳаёт ҳам, туғилиш ҳам, барча гўзаллик ҳам бирдан дахшатга айлана бошлайди...

Демак, биз юқорида эътироф этган гўзаллик, яъни олижанобликкина яхшиликни танитди. Яқинлаштирди. Бу гўзаллик, яхшилик эса у зотнинг ота - боболари ҳақида китоб ёзишга олиб келди. Демак, шу лаҳзалардан бошлаб у зотнинг оталари ҳақида фикрлашга, ўйлашга, хаёл суришга киришамиз.

***

Дунёда жаннатни эслатадиган беҳад гўзал, яъни Парвардигорнинг тўла ва мукаммал гўзаллигини кўз ўнгимизда номоён қиладиган Зомин деб аталмиш жаннатмакон бир манзил - гўша борким, бу ерда бир марта бўлган ё ноз - неъматларидан татиган киши, ҳавосидан баҳраманд бўлган одам, зилол сувларидан ичганлар эса ҳар қандай бетобликлардан ҳалос бўлишига мутлоқо шубҳа қилмаса бўлади. Мен кўп замонлар дунёдаги Кашимир деб аталмиш беҳад гўзал - ҳавоси қишин - ёзин иссиғи ўттиз олтидан ошмайдиган, бир йилда уч марта мева пишадиган, қизлари дунёдаги ягона гўзал саналадиган, яъни ҳинду қизларининг султони деб тан олинган, кўзлари катта ва қабариқ, қошлари қалин ва туташ, сарвиқомат, сочлари ҳам қора ва тақимларига урадиган Кашимир қизлари чиндан ҳам Парвардигорнинг бани инсон наслига кўрсатган гўзал ва бетакрор илтифоти деб саналмиш, бир томони Покистонга, иккинчи томони Ҳиндистонга туташадиган ва ҳар икки мамлакатга бўлинган, бу мамлакат ҳақида эшитганимда, кинолардаги манзарасини кўрганимда эсимдан оғиш даражасига етиб лаззатланганман. Худди шундай Швейцариянинг беҳад мусаффо-соф манзараси қаторида Кавказ тоғлари гўзаллиги, жумладан ўзим туғилган Паркент туманига қарашли тақрорга, тавсифга, ифодага, тасвирга сиғмайдиган, турфа дарахтлари, гуллари, ўсимликларини санаб саноғига етиб бўлмайдиган табиат манзарасини, бўридан тортиб оҳугача, айиқдан тортиб қоплонгача, тулкидан тортиб қуёнгача ва яна юзлаб ҳайвон, ҳашоротлари мавжуд ерларни, манзарани кўриб шу қадар ҳайратланган, таажубланганманки, чиндан бу дунёга туғилиш, ноз - неъматларидан баҳраманд бўлиш бани инсон наслига инъом этилган. Одам чўлда туғилса, абадий чўлда яшаса, гўзал манзараларни кўрмаса, гўзал ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлардан

баҳраманд бўлмаса, бу дунё нечоғлик зерикарли бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу дунёда гўзал юртлар, ўлкалар сон - саноқсиз. Миллатлар ҳам, эл - элатлар ҳам чексиз. Хаммаси ҳам ўзларича гўзал. Урф - одатлари билан гўзал. Ўзларича гўзалликка эгалиги билан гўзал.

Миллатлар бир - бирлари билан туғишган. Мазмун - моҳият нуқтаи назаридан бир ҳил. Миллат бани инсон наслидан олдин, яъни Парвардигор томонидан яратилгани учун миллатлар ҳақида бирон - бир салбий фикр айтишга бизнинг маънавий ҳаққимиз йўқ. Биз фақат яхши ёмонлигини эътироф этишимиз мумкин, холос. Инсон насли Ҳиндистондан бошланган ва бунга шубҳа қилиш асоссиз. Гап, мен бир неча борган, гўзал манзарасидан ҳайратланиб, ёқа ушлаган Зомин тумани ҳақида гапираётганидим. Мен Зоминда, Зоминнинг тоғларида, асосан раҳматли Шароф Рашидов дам олиш, шифоланиш масканига айлантирган шаршарали масканида жуда қисқа муддат бўлганман. Зомин тоғлари шу қадар соф - мусаффоки, машина бир йил турса ҳам заррача гарт юқмайди. Тоғлардан бир неча метрлар юксакликдан оқиб тушади. Суви жаннат суви - кавсарни эслатади. Бу ерда асосан астма касали шифоланади. Бу ерда кейинги пайтларда астма касали билан узоқ йиллар оғриган ва бу ерга келиб шифо топганлардан йиғилган қишлоқ ташкил бўлган. Шифо топганлар доимий яшаш учун шу ерда қолиб кетишган. Зомин тоғларида 2 ёки 3 кишлоқда асосан қирғизлар яшашади. Эшитишимча бу ерда қирғизларнинг келиб қолиш сабабларини ўзлари турли сабабларга йўйишади. Назаримда 1716 йилги қирғизлар билан уйғурлар уруши ва қирғизларнинг бу урушда енгилиши, турли ерларга таркалиб кетишга сабаб бўлган. Уйғурлардан енгилганларидан кейин турли ерларга кўчиб кетишга мажбур бўлган. Ўша кезда ватанларидан мажбуран бадарға бўлганлардан бир гуруҳи, тахминан ўн икки минги Тошкент шаҳрига ҳам

кўчиб келиб жойлашган деган гаплар юради. Илгари миллатлар, эл-элатлар жанжаллар туфайли турли ерга кўчиб ўтишган, тилларининг ўзгаришга сабаб ҳам бўлишган. Туркий тиллар эса бир-бирига ўхшашлигидан ташқари урф-одатлари жиҳатидан ҳам бир-бирларига таъсирларини ўтказиб келишган. Қирғизлар илгари Онасой бўйларида яшаган. Бу Чингиз Айтматов қирғизларни Онасой бўйларидан, Сибирдан кўчиб келганини асослаб кетди. Чамаси улар ҳам Онасой томонларда хакаслар билан урушиб сўнг ҳозирги Ўзбекистон тоғлари атрофидан қўним топган бўлиши керак. Гап бу ҳақда эмас.

Гап Зомин тупроғининг гўзаллиги ҳақида кетаётир. Зомин тоғлари манзарасини илк бор кўрганимда Кашмир ҳам, Швейцария ҳам хотирамдан кўтарилиб кетди. Зомин тупроғида туриб чиндан ҳам жаннатда юргандай улуғ бир таассуротга эга бўлганман. Ҳавоси шу қадар мусоффо, соф эдики, бир кунда ўн марта овқатландик. Ҳар бир соатда овқат тортади. Ейилган овқат қоринда узоқ турмайди. Юз фоиз хазм бўлиб кетади. Назаримда бир челак қатиқ ичиб ҳам тўймаган эдик. Молларининг, айниқса қўй - эчкиларнинг гўштларининг мазаси, лаззатини ифодалаб бўлмайди. Мен кўп ерларда гўшт едим, бироқ Зомин моллари гўштидан ширин гўшт емадим. Ҳавонинг, сувнинг, ўтнинг тозалиги, тўйимлиги гўштларни ҳам, сут - қатиқларни ҳам лаззатли қилади. Зоминнинг мевалари, сабзавотларичи, тенгсиз...

Ер юзидаги чин маънодаги жаннатни эслатадиган, еб тўймайдиган, ичиб қонмайдиган, ухлаб соғаядиган, яшаб узоқ умр кўрадиган ифодага, тасвирга сиғмайдиган, ҳар қандай шоир, ёзувчини эсанкиратиб ташлайдиган бу гўзал манзил, макон, музофотнинг кун ботиш томонида, кўпроқ қуёшнинг кунгак ерида, денгиз сатҳидаги доимий равишда кўтарилиб, тушиб турадиган кудратли тўлқинларни эслатадиган қирлар бағрида, кўклам келиши билан ям - яшил майсараларга бурка-

надиган, от, моллар, қўй-эчкилар бошларини кўтармай ўтлайдиган, одамлари ўзларига хос кийимлари билан кўзга ташланадиган, қизларнинг кўзлари кўкиш ранга мойил, гўзал кўринадиган, йигитлари полвон бир гўзал гўша бор. Бу гўшани қачонлардир ўша ерларда яшаган, кейинчалик бошқа ерларга кўчган ва ҳали - ҳамон ҳасрат ва алам, орзиқиш, ҳаяжон билан она - оталари ҳақида энтикиб сўзлашадиган "Муғол" деган қишлоқ бўлган. Қишлоқнинг юқори қисмидан зилол сувли булоқ оқиб келиб, халқ билан бирга молларини ҳам, қушларини ҳам ҳаёт билан таъминланган.

Чиндан ҳам қачонлардир бу ерда минглаб одамлар яшаган. Уларнинг ўнлаб ота - боболари яшаб ўтган ва мозорлари бўлган. Уруш даври, ундан олдинги, яъни Сталин томонидан атайлаб қилинган очарчилик туфайли Муғол қишлоғи одамлари уч - тўрт чақрим пастроққа кўчиб кетишга мажбур бўлган. Ўзларидан булоқлари, лолазор, майсазор қирлари, ота - боболарининг мозорларини қолдириб, уларнинг руҳларини чирқиратиб кўчиб кетишган. Ҳозир у ерлар кимсасиз бўлиб, хувиллаб ётибди. Бағрида туғилган, яшаб ўтган юзлаб иқтидорли, истеъдодли шоирлар, ёзувчилар, олимлар, фан докторлари, профессорларини эндиликда бошқа қишлоққа кузатиб қолган. Ўша афсонавий Муғол қишлоқда қачонлардир улуғ раҳбарлар, фан докторлари, профессорлар, олимлар, шоир, ёзувчилар чиқишини балки бирор одам тасоввур қилолмагандир. Хаёлига келтирмагандир. Бугун эса ўзбек миллатнинг фахри-ғурури, ор-номусига айланган, жаҳонга маълум-машҳур бўлган, яъни ўзбек миллатнинг фарзандларига устозлик қилаётган, Ўзбекистоннинг тараққиётига, яъни бошқа ривожланган мамлакатлар қаторига қўшишга тиришаётган олимлар чиқди. Фақат Муғол қишлоқ бағрида яшамаётир...

Ўша Муғол деб аталмиш қирлар бағридаги қишлоқнинг қуйи қисмида, қирларнинг пастроқ ерида унча баланд бўлмаган, кўримсизгина икки - уч хонадан иборат

уйларда, моллари сероб хонадонда 1907 йилнинг ёз ойларида бир бола дунёга келди. Пешонаси кенг, кўзлари маъноли, беҳад харакатчан, раҳмдилликда тенгсиз, кўзлари кўкка мойил, бўйдор бўлиб етишган бу болага ўша кезлар отаси Умурзоқ бобо Парда деб исм қўйди. Чамаси чақалоқ Парда билан туғилган эди. Парда исмли бу бола чиндан ҳам ўзига хос, яъни бошқа болаларга ўхшамаслиги билан ўша кезлардаёқ кўни - қўшниларнинг, яқин-йироқдаги қариндошларнинг фикрини торта бошлади. Кўзлари катта, ўйчан, айни пайтда маъюс, кўпроқ ўйланиб юрадиган, раҳмдилликда тенгсиз бу бола чиндан ҳам ҳамманинг фикрини ўзига тортар эди. Зукко, харакатда тенгсиз, ўзича турли - туман ўйинларни ўйлаб топадиган, болаларни ўзининг фикрларига қарата оладиган, ортидан эргаштира оладиган бу боланинг юриш-туришлари, ўқишларида ҳам ўзгача мазмун - моҳият сезила борди. Кўз тегмасин деб онаси Чинҳол бону ўғлининг бошидан бир тутам сочини ҳам ниёз сифатида қолдириб, тегадиган кўзлардан асрашга урунди. Бундай урф-одат қадим - қадимдан ота - боболаримиздан, яъни исломгача бўлган ўзбекларнинг Зардуштийлик дини хукмронлик қилган даврлардан одат тусига кириб келган. Шундай урф - одатлардан қизни отга миндириб, узатиб келиш, гулхан ёқиш, гулҳан атрофида отни, келинни айлантириш, мозорга шам ёқиш, сувга тупирмаслик, ахлат ташламаслик, нонни муқаддас билиш каби одатлар ҳам сақланиб қолган.

Шундай қилиб Умурзоқ ота ва Чинҳол бибилар севимли ўғилларини ёт кўзлардан асраб, авайлаб ўстиришди. Болага катта - катта япроқ гули сатиндан тўн тикиб беришар, бошига гилам дўппи кийгазишиб, оёғига чийрлли чорик кийгазишиб мактабга юборишариди.

Қўлимда, Парда Умурзоқ ўғилларининг айни гуллаган, яъни навқирон ёшдаги суврати. Суврат ким томонидан олганлигини билмайман, ҳар ҳолда жуда юксак маҳорат билан, ҳафсала билан олинган ва ишланган.

Сувратда Парда Умурзоқ ўғиллари ўша кезлар урф бўлган - ёқаси бўғма, бўйнидан тортиб этагигача тугма қадаладиган кительда юрган. Бундай кительни ҳамма ерда жамоа хўжаликларининг раҳбарларида, оддий одамларда кийиш одатга айланган эди. Чўнтагининг устида эса олган орден ва медалининг белгиси-ўша кезги турли рангдаги читдан темирга ўраб боғланган тақинчоғи ҳам бор.

Парда Умурзоқ ўғиллари ҳақида Зоминда, Лойишда, Муғол қишлоғида бўлганимда турли кишилардан у зотнинг бўйи - басти, кўриниши, кўзлари, бурни ва қулоқлари тузилиши, қошлари, пешонаси ва қора сочлари бўлганлиги ҳақида кўп бор эшитдим ва ўзимча аниқ бир тасоввурга ҳам эга бўлганидим. Бўйлари ҳам нисбатан ўртадан баландроқ бўлиши керак, деган фикрда эдим. Қизиқ тасоввуримдаги, яъни ўзимча тасоввурлаган, кўрган - билганларнинг ҳикояларига биноан мавҳумроқ манзарани кўзларим олдига келтирган эдим.

Аммо, лекин у зотнинг ички олами, сиртқи олами, яъни сийрати билан суврати ҳақидаги фикр-мулоҳазаларим, тасоввурларим нисбатан оқланди. Тўғри чиқди. Эшитишимча, кўрган-кузатганларнинг гапларига қараганда Парда Умурзоқ ўғиллари олижаноб, камтарин, оққўнгил, ўн ўлчаб, бир кесадиган, бўлар - бўлмасга таъсирланмайдиган, ҳаяжонлаймайдиган, фикрлаш доираси кенг, ўйлаш доираси ҳам чуқур, хаёлат дунёси кенг деб тасоввур қилганидим. Сувратларини кўрганимдан кейин эса у зотнинг кўзларидаги раҳмдиллик, камтаринлик, озгина камсуқумлик, тортинчоқликка ўхшаш аломатлар ифодаланаётганини кўрдим, гувохлик қилдим.

Кўзларида, юзида, қараши, ўзини тутишда беғуборлик, самимият, оққўнгиллик аниқ - равшан кўзга ташланади. Шундан кейин ўйлаб, фикрлаб, ҳаёлга берилиб сурат, яъни ота - боболаридан давом этиб келаётган гўзал чеҳрали, олижаноб инсонлилиги, сувратида ҳам шундай бир гўзаллик, яъни кўзларининг чиройлилиги,

мулойимлилиги, бурнинг ҳам бичимлилиги, яъни ихчамлилиги, қулоғининг бир оз катталилиги, оғзининг ҳам кичиклилиги, юзининг беғуборлилиги, оқ ранглилиги у зотнинг ота - боболари, яъни у зот юзага келган пуштнинг ҳам гўзалилигидан дарак бериб турибди. У зотнинг яхши одамлилиги ҳамма, жумладан ватанига, милатига чин дилдан ҳизмат қилганлиги аниқ - равшан ифодаланади.

Мен Парда Умурзоқ ўғлининг икки фарзандини якиндан кузатдим. Катталари Илҳом Парда ўғиллари. Кичиги эса Ўктам Парда ўғиллари... Назаримда кичик ўғиллари Ўктам Парда ўғиллари тўла оталарининг мазмун - моҳиятига жуда ҳам тўғри келади. Бўйининг узунлиги, юзидаги беғуборлик ва раҳмдилилиги, чиройлилиги борасида оталарига мутлоқо ўхшаб кетади. Демак, отанинг сийратидаги, сувратидаги ўхшашлик кичик ўғилларига, кўпроқ ва аниқ кўчган экан. Бу менинг нуқтаи назарим.

Тириклик - Парвардигорга етишиш имкониятидир...

Демак, Парвардигорга фақат яхшилик қилиш билангина, яъни бундан мўминларга яхшилик қилиш, дарахтларни ўстириш, барча тирик жонворни манфаатдор этиш, билан бирга, жонворларнинг ҳам, ўзларини, қушларни ҳам асраб - авайлаш, жумладан барча курт - кумирсқаларга ҳам асло озор етказмаслик - мана шу етишиш имкониятидир...

Ёмонлик қилмаслик яхшиликка киради. Яхшилик қилмаслик эса ёмонликка киради. Бу дунёда, яъни Яратганнинг мулкида ҳисоб - китобсиз бирор кемиш жараён йўқ. Одамга кўз, мия, қулоқ, икки оёқ, юрак, жигар, буйрак, қора талоқ, ичак, ўпка ва бошқа ички аъзоларни ато этиб, гўзал чеҳра билан қаддини тик қилиб, кўриш, эшитиш, ўйлаш, фикрлаш, ҳаёл суриш каби улуғ жараёнларни, ҳис қилиш, сезиш ва шулар орқали гўзалликнинг мазмун - моҳиятини англаш ва сезиш учун юрак, қоннинг айланишини муросага киритиб сон - саноқсиз

томирлар яратиб, ичида қон, яъни жоннинг фаолиятини таъминлаган, руҳнинг сийрати - жонни яратиш бир парча гўштдан иборат юракни юз йиллик умрини таъминлаган ва ҳаммасини муросага киритган, барча тирик жонга ҳам шунча аъзо бериб, ўзларини ҳимоя қилиш учун, асраш учун, пуштларини давом эттириш учун улуғ имконият бергани ва ота - оналаримизнинг туғилишини ҳам муросага киритган табиийки Парвардигоримиз. Бошқа бирор мавжудлик - тупроқ, сув, ҳаво, ёмғир бундай улуғ яратишликни муросага киритолмасиди. Улар ҳам асли Яратганининг, барча тирикжоннинг ҳаётини таъминлаш учун яратган ноз - неъматлари ва эҳтиёжлари, заруриятларидир...

Мен мазкур китобда Парда Умурзоқ ўғиллари ҳақида қалам тебратаётгиб ўз нуқтаи назарим билан бирга, эркинликни кўзда тутиб, ўзим билан чекланиб қолмаслик ниятида, яъни Парда Умурзоқ ўғилларини турли томондан ёритиш мақсадида "Шарқ тонги" рўзномаси ёритган мақолани ўз ҳолича келтиришни эп кўрдим, зеро рўзнома ходимларини ҳам ранжитмасин. Ранг - баранглик эса ҳақиқатни тўла ва мукаммал даражада юзага чиқаради.

"ШАРҚ ТОНГИ"
Рўзномаси

1981 йил 17 январ

"Тарихни инсонлар, унинг буюк ақл - заковати, қаҳрамонона меҳнати, оловли курашлари яратади. Ана шу курашларда янги қаҳрамонлар, ўз даврининг ялангбардорлари туғилади. Улар она - ҳалқининг, мамлакатининг фидойилари бўлиб қолади ва ўзлари учун ўлмас ҳайкал бунёд этадилар.

Пардавой Умурзоқов ана шундай эл суйган, ҳар бир киши фахр билан эслайдиган инсон. Камбағол деҳқон ўғли Пардавой Умурзоқов қисқа лекин ёрқин саҳифа-

ларга бой умри давомида оддий колхозчиликдан етук раҳбар даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Пардавой Умурзоқов ўз даврининг қалби, кўзи бўлиб яшади. Ҳаёт қурилишининг актив иштирокчиларидан бири бўлган Пардавой Умурзоқовнинг ватандошлари, миллатдошлари ўзларига қилган ҳизматидан беҳад фахрланади. У зот асли мустақилликнинг, Парвардигор юрагига, кўнглига ато етган эркинликнинг, инсоний меҳнатнинг шони, шуҳрати, шарафи учун фаолият кўрсатган чин маънодаги фидойиликка ўзини бағишлаган одамлар тоифасидан эди. Пардавой Умурзоқов ҳали қашшоқ, боши жанглардан чиқмаган ҳалқни, ватанини чин фарзанд сифатида севариди. У зот буйнидаги маъсулиятни доим ҳам аниқ ҳис қилган ва бажаришга доим ҳам чин дилдан курашган, ҳамиша уддасидан чиққан инсон эди.

Пардавой Умурзоқов 1907 йили Зомин туманининг Муғол қишлоғида туғилди. 1921 йили эса меҳнат фаолияти бошланди. Тақдир у зотга кулиб боқди. Илк бор жамоа хўжалигига, яъни ҳалқ меҳнатини бошлаган жамоага аъзо бўлиб кирди. Маҳаллий аҳоли ўртасида ер ислоҳотининг моҳиятини, ҳақиқий меҳнатнинг афзаллигини тушунтириш билан шуғулланди. Айниқса жамоа хўжалигига раҳбар бўлиб ишлаган кезларида унинг ташкилотчилик, раҳбарлик қобилияти дарҳол кўзга ташланди.

Янгиликларга чанқоқ, меҳнатда тобланган Пардавой Умурзоқов қишлоқ хўжалиги мактабига ўқишга кирди. Бу воқеа 1933 йили юз берди. Ишни кейинчалик Жиззах МТСида директор ўринбосарлигидан бошлади. Ундан кейин эса Зомин МТСига директор қилиб тайинлади. Бу пайтга етиб Пардавой Умурзоқовнинг меҳнат фаолиятида қамров кенгайди. Қишлоқ хўжалиги техника ва қодирлар (кадрлар асли ўзбекча сўз, яъни қодирлар, яъни ишга яроқлилар, деган маънони билдиради, изоҳ ёзувчиники) билан таъминлашга куч сарфлади. Ғалла

ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш йўлида фидокорлик кўрсатди.

1941 йил иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Мамлакат тақдири, халқ тақдири хавф остида қолди. Тинч ижодий меҳнат билан банд бўлган жуда кўп кишилар қўлига қурол олиб жангга отланди. Халқ хўжалигида янги-янги қийинчиликлар содир бўлди.

Бу вақтда Пардавой Умурзоқов Зомин тумани ижроия қўмитасида раислик лавозимида ишлаётганиди. У зот халқнинг кўнглини кўтариш, бағрига кириш, урушга жўнаётганларнинг оилаларига, жамоатчиликка кўнгил бериш билан ва моддий ёрдам бериш маъсулиятини чуқур ҳис қилган, англаб етган ҳолда ўз бурчини адо этишга киришди ва бу маъсулиятни уруш тугагунига қадар ёдидан чиқармади. Меҳнат суъратини ошириш ҳам чин маънода у кишининг зиммасига юкланган эди. Пардавой Умурзоқов ғамхўр ва ташкилотчи раҳбаргина эмас, ажойиб тилчи, нотиқ, ишнинг кўзини билиш билан бирга, одамнинг қалбига кирабилишлик қобилятини ҳам тан оладиган даражадаги, яъни маҳтовга сазоввор раҳбар эди. Уруш барча инсоният бошига келган балолигини, бу балодан ҳамма биргаликда қутилишни, яъни бирга курашгандагина қутилиш йўлларини ҳам тушунтиришда, англатишда беназир инсон эди. Урушнинг оғир йилларида ҳам у зот суғориш ишларини яхшилашга, ернинг ҳосилдорлигини ортиришга, яъни пахтачилик, ғаллачиликни олий даражага кўтариш йўлида жонфидо қилган раҳбарлар тоифасидан эди. У зот халқни электор энергия билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берди. Ўша кезлар Фарҳод ГЕСи қурилиши бошланди. Шу ишда ҳам, уни ташкиллаштиришда ҳам Парда Умурзоқовнинг улиши улкан бўлди, раҳбарлик бурчини адо этди.

Моҳир раҳбар сифатида танила бошлаган Пардавой Умурзоқов 1943 йилда Ғаллаорол район партия қўмитасига биринчи котиб этиб сайланган. Пардавой Умур-

зоқ ўғли ўзининг тезкорлиги, яъни ишга ўзини бахшида эта билишлик иқтидори бу ерда ҳам очиқчасига номойиш бўлди. 1945 йилдан бошлаб Зомин районининг биринчи котиблигига ишга ўтказилди. Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин Собиқ Иттифоқ халқи қаторида Ўзбекистон халқи ҳам ночор аҳволга тушиб қолганиди. Қишлоқ хўжалиги учун техника етишмас, чорвачилик ҳам ниҳоя қадар оқсоқлаб қолганиди. Халқнинг аҳволи ачинарли даражага тушиб қолгани раҳбарларнинг диққат марказида эди. Шаҳсан Парда Умурзоқов зудлик билан ободончиликни, дон масаласини, чорвачиликнинг қаддини ростлаш масаласига қаттиқ киришди. Баҳоликудрат мактаблар, касалхоналар, маданият масаласи, маиший хизмат масаласини ҳам йўлга қўйди. У зот ўзига нисбатан, бошқаларга нисбатан ҳам ўта талабчан бўлиши билан бирга худди шундай раҳмдил ва ғамхўр раҳбар эди.

Парда Умурзоқов Зоминда раҳбар бўлиб турганида қодирларни тарбиялаш ишларига алоҳида диққатини қаратди. Иқтидорли йигитларни, қизларни зудлик билан ўқишга, ишларга жалб қилди. Ўша кезларда, кейинчалик етишиб чиққан иқтидорли йигитлардан Парда Қулмаматов, Бобоқул Умурзоқов, Назарбек Ҳайдаров, Бобоқул Норқулов, Раҳмат Турғунбоев, Бўриой Идиева, Жамол Муродов ўша кезги Парда Умурзоқовнинг шаҳсий ташаббуси билан етишган йигит - қизлар эди.

Парда Умурзоқов 1949 йилидан умрининг охиригача Оқдарё район қўмитасининг биринчи котиби сифатида ишлади. У зот бу ерда ҳам катта ташаббуслар билан чиқди. Қодирларга эътибор берди. Бу ердаги тараққиёт ва ривожланишга улкан ҳиссасини қўшди. Илғор хўжаликлар қаторига олиб чиқди. У зотнинг меҳнати, ташаббускорлиги, қодирларга кўрсатган беминнат илтифоти ўз вақтида ўша кезги раҳбарлар томонидан муносиб тақдирланди. У киши икки чақирик Ўзбекистон Олий Кенгашига депутатликка сайланган. Икки марта Меҳнат Қизил бай-

рок, Ватан уруши, Ҳурмат белгиси ордени билан мукофатланди. Шу билан бирга ўша кезлари Ўзбекистон Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган эди.

У зот умрининг энг олий куч - қудратига кўтарилган паллада орамиздан кетди. У зотнинг гўзал умри бугун тарихга айланди. Бугунги ёшларимиз учун улуғ мактаб вазифасини ўташи тайин. Парда Умурзоқовнинг қизи Ойсара Умурзоқова фалсафа фанлари доктори, Республикамизнинг етук олимларидан. Ўзбекистон фанлар Академиясида ҳам самарали меҳнат қилган. Техника фанлари номзоди Тошпўлат Умурзоқов Сирдарё Давлат педагогика институтида ёшларга таълим ва тарбия бериш билан банд. Яна бир ўғли Илҳом Вилоят ҳокимиятида ҳизматчи. Яна бир Ўктам исмли ўғли Тошкент Ирригация ва мелиорация институтининг илмий ходими.

Парда Умурзоқов умрини, изларини фарзандларига қолдирди. Фарзандлари ва шогирдлари энди ишларни талаб этилгандай давом эттираётир..."

ПАРДА УМУРЗОҚОВ ҲАҚИДА ЎРАЛ АБДУАЛИМОВ СЎЗЛАЙДИ

Парда Умурзоқовни гарчи ёш бўлса-да, жуда яқиндан кўрган ва кузатган, суҳбатини эшитган, яқиндан қиёфасини, кийинишини, юриш-туришини жиддий кузатган Ўрал Абдуалимов ҳозир саксон уч ёшни қоралаб бораётир. У зот ўша кезлар ўн олти ёшларда эканлигини айтади. Ҳозир ҳам куч - қувватда толиқмаётган бу зот ҳам Парда Умурзоқов ҳақида ҳаяжонланмай, таъсирланмай гапира олмайди. Парда Умурзоқов ҳақидаги китобга қўл уриш арафасида Ўрал отанинг уйига икки бор кириб, анча вақт суҳбатлашиб ўтириш бахтига муяссар бўлдик. Ўрал ота шошмайдиган, минг ўлчаб бир кесадиган одамлар тоифасидан. Бўлар бўлмасга асабийлашмайди ҳам.

Ўрал Абдуалимов мактабда ўқиётганида, яъни Увол қишлоғида ўқиётганида Парда Умурзоқов Зомин районининг биринчи котиби экан.

- Кутилмаганда мактабимизга биринчи котиб келар экан, - деган шов-шувлар тарқалиб, ҳамма бирдай безовталана бошлади, - дея ҳикоясини бошлайди Ўрал ота шошилмай, хотирасида сақланиб қолган ўтмиш хотирасини эслашга уриниб ва бир нуқтага термилиб хаёлга чўмади. - Тез орада биз - болалар шошилинч ташқарига чиқдик. У пайтларда ўқувчиларнинг кийим - бошлари жуда юпин бўлариди. Ялангбош, ялангоёқ ҳам мактабга келишариди. Ҳали эслатганимдай, мактаб директори, муаллимлари ҳам ҳаяжон билан янги меҳмонни қаршилашга шошиларидн. Болалар ҳам ҳайрат ва таажубга тушиб, мактабимизга районнинг биринчи котиби келганидан безовталаниб турли томонга ўтиб, меҳмонни кўришга, яқиндан овозини эшитишга шошилар эдик. У пайтлар мактаб директори Мажид Алматов эди. Янглишмасам Парда Умурзоковнинг яқин қариндоши эди. Одамлар ҳаяжонланаётгани, таъсирланаётгани сабаби бирортаси мактабга районнинг биринчи котиби келишини кутмаган эди. Айниқса мактаб директорининг ҳаяжони чексиз эди. Ўзини қўярга жой тополмасиди. Югур - югур ҳам бошланди. Кимдир: "Катта раҳбар келганида бирор нарса ҳозирла!"- деганида, буни Парда Умурзоқов эшитиб қолиб: "Худо ҳайрларингизни берсин, қўйинглар, одамларнинг аҳволи ночор, ҳамма нарса ҳарбийга жўнатилаётир..." - дея қайтарди. Чиндан ҳам ўша кезлар аҳвол жуда ночор эди. Ейдиган бирор нарса топилмасиди. Ер эшакда, хўкизда ҳайдалар, ғалланинг кўп экишнинг иложи йўқ эди. Одамлар озгина нарса билан қорин тўйдирса, шунга ҳурсанд эди. Кўплар қаторида мен ҳам биринчи котибни аввал ҳавас ва иштиёқ билан, кейинчалик қизиқиш билан жиддий кузатдим. Миямда: "Қачон улғаямиз? Тезроқ улғайсам, яхши ўқийман. Парда Умурзоқов каби раҳбарлик-

ка ўкийман...", деган фикр ўтарди.

Парда Умурзоқовнинг бўйи ўртадан баландроқ, қадди тик, пешонаси очиқ, қошлари қалин ва қора, кўзлари ҳам қора, лекин ёниб турариди. Юзи, чеҳраси, кўзларида гулгунлик, мамнунлик, меҳрибонлик, раҳмдиллик каби турфа туйғулар аниқ ифодаланиб турар эди ва бу манзарани ҳамма бирдай эътироф этариди. Ҳозир ўзимча ўйлайман. Кўзи, юзидаги нурланишлар ёшлиги ва ҳаракатчанлигидан бўлиши керак. Парда ака жуда ҳам ғайратли, серҳаракат одам эди.

Ҳозир ақлим меъёри билан ўлчаб ифодалайдиган бўлсам, у киши чин маънодаги раҳмдил, оққўнгил эди. Кўзи, юзи ва муомаласидан доим ақллилик, меҳрибонлик, ҳозир жавоблиликка ўхшаш аломатлар акс этиб турарди. Серфикр киши эди. Бўлар бўлмасга оғиз кўпиртирмас, одамни жиддий кузатар, феълини жиддий ўрганар, аниқ бир қарорга келганидан кейингина сўзлашар ёки суҳбат қилар, ёки гапларига жавоб бераркди. Эшитишимга қараганда у зот беҳад кўнгилчанг бўлгани учун арзимас ғамликдан ёки кўнгилсиз гапдан ёки бирор ерда ўлим бўлиб, болалари сағир қолса ҳам йиғлаб юборар экан. Бирор одам бирор нарса сўраб мурожаат қилганида илтимосини имкон қадар қондирар экан.

Хуллас, у зот мени икки бор учрашганимда ҳам беҳад ҳаяжонлантирди, таъсирлантирди. Чексиз орзу армонлар, ниятлар, умидлар қилишга сабаб ҳам бўлди. Миямда фақат Парда Умурзоқов каби катта раҳбар бўлиш, чиройли кийиниш, отни ўйнатиб далаларга чиқиш, колхозчилар билан, ишчилар билан суҳбатлашиб, уларга ёрдам қилишни мияга тугиб ҳам қўяридим. Катта раҳбар бўлганимда мактабимиз ўрнига катта, баланд мактаб биносни қуриб бераман. Ўқувчиларга ҳам ўқитувчиларга ҳам яхшилик қиламан. Ўшанда ўртоқларим ҳам, ўкитувчилар ҳам янги, мухташам мактаб қуриб берганим учун мени кўргани келишади, менга ҳавас қилишади...деган хаёл миямдан нари кетмасиди.

Болаликда яхши одамларни кўрганингда, яхшилик қилишига гувоҳ бўлганингда шундай одам бўлишни орзу қилиш ҳамма болаларга хос ҳислат экан. Бу ўй-ҳаёллар, фикрлар, мактабни битирганимдан кейин ҳам мени тарк этмади.

Ўша кезлар Парда Умурзоқов этикда, галифи шимда, тўғри ёқали кительда юрар, бу кийимлари ўзига жуда ҳам ярашар, бу ҳам биз - болаларни орзуларга кўмиб ташлариди. Шундай кийиниш катта раҳбарларга ўша кезлар удум бўлганиди.

У кишининг босиқлилиги, ҳеч кимга, ҳеч қачон дўқ урмагани, бақирмагани, ҳаммага бирдай муомалада бўлгани, саховатли бўлгани ҳали-хамон мени тўлқинлантиради. Ҳайратга ҳам солади. Бошқа раҳбарлар, кўпроқ кичикроқ раҳбарлар одамларга бақирар, сўкинар, баъзи холларда қамчи билан соваларидиҳам. Далада қолиб кетадиган, ёки қушлар, моллар териб ейдиган машоқларни ҳам теришга қўйишмасиди. Ҳозир ҳам ҳайрон қоламан. Нимага ўша кезги бригадирлар, раислар, қоровиллар машоқларимизни тортиб олиб қўйгани етмагандай, соваларидиҳ Далада қолиб кетгандан кўра одамлар машоқни териб еса яхши-ку! Савоб ҳам бўлади-ку. Халқнинг қорни ҳам тўяди. У кездаги оғир ҳаётни айтиб адо қилиб бўлмайди. Жоҳиллик беҳад кучайган, жоҳил одамларнинг ҳам назаримда сони ортганиди. Бир миллатнинг фарзандлари, бир қишлоқнинг одамлари бир - бирини совалар, машоғини тортиб олиб қўяр, отаси, онаси нима дейди, болалар улғайганидан кейин ёқамиздан олмайдими, деган хаёлларга бормас эди - да.

Албатта, ўша кезги ҳаётни қоралаш инсофдан эмас. Қийинчилик уччига чиққанди. Айниқса сув масаласи оғир эди. Етишмасиди. Аёллар далаларда ойлаб ётиб қолишар, чунки эркаклар, йигитларнинг ҳаммаси ҳарбийда эди. Сувларни қурт босиб кетган, одамлар сувни сузиб, қуртларни ташлаб юбориб сувни ичишариди. Боз устига ювиниш учун мутлоқо сув йўқ эди. Аёллар бир

ойда ёки ундан ҳам кўпроқ вақтда уйларига бориб келишариди. Кўйлаклари коп - кора кир, қасмоқ бўлиб кетар эди. Ичак, ошқозон, жигар, буйрак касалликлари авжига чиққаниди. У кунларни эсласам, ҳозирги ҳаёт билан солиштирсам дахшатга тушаман. Очлик, ташналикларни ҳозир ҳам эсласам кўнглимни айнитади. Одамлардан анқийдиган ҳидларга туриб бўлмасиди, лекин ҳеч ким, ҳеч кимни айбламас эди. Сассиқ ва қўланса ҳидлар одамларнинг димоғига ўтириб ҳам қолган эди...

Буғдой асосан қўлда, ўрокда ўрилар эди. Хирмонга ташланганидан кейин гоҳ от билан, гоҳ эшак билан, гоҳо ҳўкизлар билан янчилар эди. Ғалла эшакларда, аравараларда, отларда район марказига ташланар эди. Ўша кезларда ширкатимиз "қизил кетмон" деб юритилар эди. Зиғир, арпа, тариқ, нўхат ҳам экиларидн. Бир кун кимдир, бир аёл бошқа аёлнинг этагига кўзи ёриганини айтганиди, ростмиди, ёлғонмиди, лекин билмайман. Бечора аёллар очликдан тунлари буғдойни кафтларида янчиб, тозалаб донини ейишариди. Баъзан эса буғдойни қўғирмоч қилиб ейишарди. Ўша кезлар буни ҳам кўп биладиганлар, кўрадиган бўларди. Сиёсат оғир эди. Бировга бир оғиз гап гапириб бўлмас эди. Чамаси баъзи бир ишларга, яъни тундаги аёлларнинг донни қўғирмоч қилиб ейишига, уйларига, болалари ёнига яширинча бориб келишларига Парда Умурзоқовнинг рухсати билан розилик берилар эди. Чунки биринчи котиб шароитни, аёлларнинг, болаларнинг аҳволларини ўз кўзи билан кўриб турарди. Эшитишимизга қараганда бирор ерга иш юзасидан бориб қолса, бирор одам меҳмон қилиш учун ҳаракат бошласа: "Хой, биродар, шароитни ўзинг, ўз кўзинг билан кўриб турибсан. Мен учун тайёргарчилик қилиб юрма. Ҳамма қатори борини, насиб қилган бўлса еб кетаверамиз. Одамларга иссиқ овқат беролмай турган бир паллада, кимгадир алоҳида мулозамат кўрсатиш Худога хуш келмайди...", деб жавоб қилар экан. Табиий ҳамма нарса ҳарбийга, ҳарбийдагиларга юбо-

рилар эди. Бирон - бир эзгулик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди.

Ўша кезги мактабларда ҳам деярлик ҳеч нарса бўлмасиди. Биринчи котиб илк бор мактабимизга келганида директор билан, ўқитувчилар билан, узоқ муддат суҳбатлашган эди. Директор, ўқитувчилар ўзларининг етишмовчиликлари ҳақида гаплашишган бўлиши керак. Парда Умурзоқов ваъда бериб, кейинчалик ваъдасини устидан чиққанини гапиришар эди. Парда Умурзоқовнинг гўзал ҳислатларидан яна бири - йўқдан йўндира билиш одати эди. Ўз районидан, вилоятидан ёши битмаса, ўзга вилоятлар, районлардан битиришга уринар эди. Ўша қийинчилик йиллари Ўзбекистон, яъни Зомин районидан Россияга бош ҳисобчини юбориб, тахта арава олдириб келганини кўрганмиз. Ўша кезлари бу масалани бажариш беҳад қийин эди. Турли идоралардан рухсатномалар олишга тўғри келар эди. Ундан ташқари олинадиган нарсаларга тўланадиган маблағ масаласи ҳам бор эди. Поездда олиб келиш учун ҳам чакана пул керак бўлмасиди. Хуллас, мана шундай машаққатли ишни ҳам ўша кезлар районимизда, вилоятимизда биринчи бўлиб Парда Умурзоқов уддалаган эди ва у шундай узоқни кўра оладиган раҳбар эди.

Мана шу улуғ ишлари учун, зўр ташкилотчи бўлгани учун ҳам у кишини икки марта Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат қилиб сайлашган. Депутатлигидан фойдаланиб район ва вилоят халқига имкон қадар ёрдам қилиб келган. Қуришларни амалга оширган. Одам одамлардан қилган иши, бажарган юмуши билан фарқ қилади. Раҳбарларнинг ҳам кўр-кўронага, яъни ҳўжакўрсинга ишлайдиганлари ҳам бўлади. Ўз фойдаси учун ишлаганларини ҳам ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Майли, энди вақт ўтди. Уларни Худо раҳматига олган бўлсин.

Мана, ёшим саксондан ошиб бораётиб, ҳаёт деб аталмиш оғир ва машаққатли сўқмоқни охирлаб бораётган бир паллада, турли феълли одамларга дуч келиб, яхши-

ликларни, ёмонликларни яхшиларни, ёмонларни кўриб, шундай қарорга келдимки, Парда Умурзоқов мен кўрган, билган, бирга ишлаган, танишган, суҳбатлашган одамларим, раҳбарларим орасидаги яхшиларнинг яхшиси, доноларнинг доноси, олижаноблрнинг олижаноби, оққўнгиллиси экан. У зот ҳаммага бирдай, яъни аллаламай, ажратмай, ёт - бегона демай ёрдам қилгани, яхшиликни беминнат қилгани учун ҳам, ишбилармонлиги, тиниб - тинчимаслиги, бечорапарварлиги билан устозларим қаторида энг ҳурматлиси бўлиб, хотирамга ўрнашиб қолди. Мен ҳозир ҳам Парда акани эслаб қолганимда ҳаяжонланмай, таъсирланмай ўтиролмайман. Минг афсуслар бўлсинким, у кишининг умри қиска бўлди. Агар саксон - тўқсон йил умр кўрганида миллатимизга кўп яхшиликлар қилган бўлар эди. Кўп қурилишларга бош бўлар эди. Раҳматли ўн гулидан бир гули очилмай ҳаётдан эрта кетди. Барибир Зомин халқига, Оқдарё райони халқига талаб этилгандан ҳам кўра ортиқроқ саховат кўрсатиб кетди. Кўп иқтидорли, истеъдодли йигитларни ўзи юзага чиқариб, ўқитиб, турли лавозимларга кўтариб ҳам кетди. Уларни бармоқ билан санасангиз юздан ошади.

Парда Умурзоқов мана шундай тенги йўқ одам ва раҳбар эди...Шу сабабли зоминликлар ҳозиргача у кишининг номини роҳатланиб, лаззатланиб тилга олади. Хотирасидан чиқармайди. Бу дунёда абадий иш, ёки абадий умр йўқ. Биргина Парвардигор ва у Зотнинг ишларигина абадий. Одам зоти туғилади ва ўлади. Бу дунёда мазмунли иш қилганларгина тарихда, ҳотирада қолади. Илоё у зотнинг охирати обод бўлган бўлсин...

***

Энди биз Парда Умурзоқнинг яшаган ва тарихи бой Зомин туманининг озгина тарихига тўхталиб ўтамиз. Чунки бу заминга кўплар қаторида Парда Умурзоқовнинг ҳам меҳнати сингади ва ҳоки ҳам шу заминда ётиб-

ди. Қариндошлари ҳам шу ерда...

Антик дунё тарихчилари Страбон Кирабон Эрон шоҳи Кир томонидан бунёд этилган ва бу билан у, ўз давлатининг шимолий - шарқий чегарасини белгилаган деб ҳисоблайдилар. Искандар Зулқарнайн шаҳар асосчисининг ҳурмати учун ҳам шаҳарни вайрон қилишни истамаган, аммо бўйин синмас шаҳар аҳолисининг тез - тез ғалаён кўтариб турганлиги учун ҳам ғазабга минишга мажбур бўлади.

Кирополни олиш осон кўчмаган. Шаҳар ўта мустаҳкам қалъа билан ўралган, тажрибали жангчиларига эга эди. Тошотар палоҳмонлар қамалдагиларни чалғитиб турган бир пайтда Искандар бир гуруҳ қалқончилари, камончиларидан иборат шахсий жангчилари билан шаҳарга киради, шаҳар дарвозаларини бузиш бахтига муяссар бўлади. Маккор саркарданинг бу ҳийласи босқинчиларга шаҳарга киришга имкон беради. Жанг давом этди. Ўта шиддатли жангда Искандар бошидан жароҳатланди. Кратер ва бошқа кўпгина босқичи лашкарбошилар эса камондан отилган ўқдан яраландилар.

Кирополь (Киресчата, Курешата) шаҳрининг жуғрофий ўрни қаерда эди! Бу саволга фаранг солномачиси И.Г. Драйзон ўзининг бундан 100 йил бурун чоп этилган "Эллинизм тарихи - Искандар Зулқарнайн тарихи" деб номланган йирик асарида шундай хулоса беради. Кирополь Аррианнинг фикрига таянадиган бўлсак Яксарт (Сирдарё) бўйларига эмас, балки ёз ойларида қуриб қоладиган дарё бўйида жойлашган манзилдир. Демак, шаҳар тоғлар бағрида ва чўлнинг четида бўлиши лозим. Тожик тарихчиси Бобожон Ғафуров Кирополни Ўратепага қиёслаб бўлмайди, Ўратепа, Оқсув дарёлари ёзда қуринмайди, балки асосий дарёга етиб боради, дея уқтиришганга қараганда мутлақо бошқа шаҳар. Бироқ Ўратепа тоғларидан ғарбда жойлашган, Оқ тоғлардан оқиб келадиган Жон дарёсига қараб оқадиган Омин дарёси бор. Бу ерда дарё куз ойларида қуриб қола-

ди. Ибн - Хавқал айтадики, Зомин шаҳри Осрушон тоғининг этагида жойлашган ва унинг ёнида саҳролар бор. Мана шу Кироподь ёки Киресзата бўлиши керак, лекин буни Кир бунёд этмаган. Қур шаҳри ҳинд эпосида ҳам бир неча марта тилга олинади. Қурусметрда ҳиндлар ўртасида бўлган жанглар Искандардан бир неча ўн минг йиллар илгари юз берганиди.

Қадим Суғдиёна, Усрушонасидаги Оқ тоғлардан бошланиб, шаҳарни кесиб ўтадиган, ёзда қуриб қоладиган дарёси Кироподь шаҳри, ҳозирги Зомин бўлиши ҳам мумкин ва шундай тахминлар йўқ эмас. Тошдан бунёд этилган "Тупроқ қўрғонлар" Оқтепа, Ўртатепа, Боғишамол, Жартепалар шундан далолат беради. Агар антик дунё тарихчилари бизгача етиб келган манбалари асосида хулоса чиқарсак Кироподьни Зомин дейилса, унда ҳозирда бизга маълум бўлган бир неча қадимий шаҳарлардан ҳам Зоминнинг тарихи қадимий бўлиб чиқади. Искандарга қарши Кироподь ҳимоячиларининг ғаллаёнларидан бошлаб тарихни ҳисобласак, Зомин ёши 2321 йилга тенглашади. Булар шунчаки тахминлар. Одамзот яралган кундан эътиборни сувли, деҳқончилик қилишга қулай бўлган ерларда доим ҳам инсоният ҳаёт кечирган. Антиқ дунё солномачилари Кироподьни Эрон шоҳи Кир томонидан бунёд этилганини эрамиздан олдинги X аср хабар бераётир - ку!

Қадимда, бундан икки минг йиллар бурун Окс - Амударё ва Яккасарт-Сирдарё оралиғида, машриқдан мағрибгача чўзилиб ётган аждодларимиз яшагани ҳаммага аён. Стабоннинг (Эрамиздан XI аср илгари ўтган) ёзишича, скифлар Сўғдиёнанинг шимолида яшовчи кўчманчи қабилалар бўлиб, улар ўзларини "скиф" деб аташмаган, бу юнонларнинг атамалари. "Скиф" сўзи "кўчманчи" маъносини англатади. Скиф қабилаларининг энг йириклари исаклар (сакуклар), дахллар, тоҳарлар, массагетлар бўлиб, скифлар ўта кучли жангчилар тариқасида талқин қилинади. Бу қабилалар асосан чорва-

чилик билан шуғилланганлар.

Антиқ дунё тарихчиларидан яна бири Руф Курций Искандар Зулқарнайн Суғдиёна - сўғд ботири Ахримиз ва унинг лашкарлари билан олиб борган жанглар тафсилотини баён қилганида ушбу жанглар билан боғлиқ ғор Перитакен Туркистон тизмасининг ғарбий қисмларида эканлиги эҳтимоли борлигини айтади. Тарихий манбаларда жумладан мана бундай баённомалар зикр этилади.

...Эрамиздан олдинги 327 йилда Искандар Зулқарнайн истилосига бўйинсиниши истамаган сўғд ботири Аҳримиз ўзининг 30 минг кишилик лашкари билан икки йилга етарли озиқ - овқатини ғамлаб, ўтиб бўлмас тоғ қоялари оралиғидаги ғорга яширинади. Баландлиги 30 стадий (5549,4 метр) этаж айланаси 27747 метр бўлган бу тоққа фақатгина сўғдлар қўриқлаб турган торгина сўкмоқ орқали чиқиш имконияти бўлган. Искандар Зулқарнайн жанг билан бу ерларни забт этолмаганидан кейин ўзининг элчиси Артабазнинг ўғли Кофни шартнома тузиш учун юборди. Аммо Аҳримаз македониялик шоҳ учар жангчиларгагина эга бўлса, шартномага розилигини айтади. Шундан кейин босқинчи 300 эпчил ва жасур жангчиларини тўплаб сўғдлар қароргоҳига, улар кутмаган бир пайтда қоя орқали чиқиб боришларини буйиради. Қояга чиқиш қийинлашади. 32 киши даррадан учиб кетади. Бошқалар беҳад толиқиб уйқуга кетишади. Сўғдликлар эса яна ҳам баландга кўтарилади. Ватанпарварларнинг туғлари яна ҳам баланд чўққида хилпираганини кўрган Искандар иккинчи бор Кофни Аҳримазнинг ҳузурига юборади. Аҳримаз эса Искандарнинг енгилиш шартномасига келишиш шартини мутлақо рад этади. Юнонлар ўзлари ҳийла йўли билан ясаган "қанотли" юнонларни кўрсатади. Юнон шоҳига берган сўзининг устидан чиқиш учун, яъни қанотли келгиндиларни кўрганидан кейингина Аҳримаз чамаси кўп қон тўкилишини истамаган кўринади, 30 кишилик вакили-

ни Искандарга юборади. Шоҳ ғаллаёнчиларни қаттиқ жазолайди. Мана шу 30 мингли лашкар сиғадиган ғорлар қаерда бўлганини аниқлаш деярлик осон иш эмас. Қадимий "Аҳримаз қоялари" солномасида тилга олинган улкан ғор ҳақиқатдан ҳам мавжудми? Шу худудга кирувчи Ҳисор, Нурота, Туркистон тоғ тизмалари, Самарқанд вилоятига қарашли Карс ғори ҳақидаги маълумотлар ҳам Аҳримаз қоясида келтирилган ғор эканлигига асос бўлолмайди.

Ҳозирги Жиззах ва Самарқанд вилоятлари қадимий Суғдиёнанинг тоғли қисмларидир. Шундан келиб чиқиб, Курцийнинг "Аҳримаз қоялари" ва пишағор қишлоғининг устидаги номсиз ғор ўртасида боғлиқлик бордай туюлади. Бу бизни қизиқтиради.

Тарих ҳақидаги мулоҳазаларимизни шу ерда озгина тўхтатиб туриб, сўзни яна Парда Умурзоқовни билган, маълум маънода кўрган замондошларига берамиз. Зоминлик Ўрал Абдуалимов яна Парда Умурзоқов ҳақидаги ҳикояларини давом этиради.

* * *

- Мен Парда Умурзақовни иккинчи бор 1949 йили вилоят ўқитувчиларининг катта йиғилишида нутқ сўзлаганини кўрдим, - дея суҳбатимизни давом эттиради Ўрал Абдуалимов. - Ўша куни у киши нутқ сўзлаганида бир менинг эмас ҳамманинг ўй - ҳаёлини, фикрини бир зумда ром - қарам қилиб қуйди. Мени билган, таниганлар аста мен томонга юзланиб: "Сизларнинг Зоминингизда ҳам шундай гапга чечан одамлар борми? - дея сўради, - қаранг жуда ҳам чиройли сўзлаяпти ... Хой - хой, кўз тегмасин..." Бу гаплар ҳозиргидай эсимда. Хотирамда ҳам яхши сақланиб келди. Биринчи марта у киши мактабимизга от миниб келганида, ҳамма билан чуқур мулозамат билан кўришиб, ҳол - аҳвол сўраганида қандай ҳаяжонланган, таъсирланган бўлсам, ёшим анча улғайиб қолганида кўрганимда ҳам шундай таъсирланиб,

ҳаяжонларга тўлиб - тошдим. Ёшлигимда озгина довдираб ҳам қолган эдим. Бироқ иккинчи бор кўрганимда бундай ҳолни танамдан кечирдиму қиёфаси, сўзларининг мазмунини англаган ҳолда фикрлаб, мулоҳаза билан, онгли равишда ҳаяжонландим, таъсирландим. Кейин кўрганимда олий маълумотли, серфикр даврда эдим. Ёшликдаги хотира билан ақлга тўлган кездаги хотиранинг фарқи катта. Бу гал онгли равишда, чуқур мулоҳаза билан одамга баҳо бердим. Қиёфасидаги, сўзлар маданиятидаги, ўзини тутишдаги маданиятини онгли равишда тафтиш қилиб баҳо берилганда ҳам амин бўлдимки, Парда Умурзоқов жуда кам учрайдиган гўзал феълли одамлар тоифасидан эди.

46 ёшлардаги Парда Умурзоқов ўттиз ёшлардаги Парда Умурзоқовдан ҳам ақлан, ҳам ҳиссан кескин фарқланар эди. Энди тўлишган, кучга ҳам тўлган, салобатли бўлган, қараши, сўзлашида, муомаласида ҳам босиқлик айниқса сезилар, лекин муомиласидаги ҳозиржавоблик, меҳрибонлик, қиёфасидаги гулгунлик, олижаноблик аломатлари анчагина қуюқлашган эди. Ўзини тутишда ҳам, ён - беридагиларга қилаётган мулозамати ҳам жиддийлашган ва ижобий томонга ўзгарган эди. Шу билан у киши катта ва маъсулятли йиғинда нутқ сўзлаётгани, бу йиғилиш район, вилоят хизматчилари томонидан жиддий кузатилаётганини, турли - туман одамлар билан даврада қатнашаётганлигини ўйлаб, фикрлаб, атроф - муҳитни ҳис қилган ҳолда, турли лавозимдагилар билан мулоқатда бўлаётгани, турли - туман кўзлар, нигоҳлар, кўз, қулоқлар ҳам кузатаётганини унутмаган ҳолда, жумладан йиғин аҳлининг диққат - эътибори ўзига қаратилганини ҳам унутмаган ҳолда, ҳис қилган ҳолда нутқ сўзлар, ўзини инсоний маданиятнинг ҳамма шартларига лойиқ даражада тутишга уринар ҳам эди.

Нутқини ким ёзиб берганини ёки нутқини ким билан бирга ёзилганини билмайман. Балки мен бундай катта,

маъсулиятли нотиқнинг нутқини биринчи бор эшитаётганим учун менга гўзал бўлиб туйилгандир. Ёки бошқаларнинг оғзидан бундай чиройли гапларни кам тинглаганим учун менга шундай, яъни бекамикост туйилгандир...

Парда Умурзоқов ўша кунги нутқида бутун инсониятнинг, эзгуликнинг бошланиши ўқитувчидан, ўқитувчиликдан эканлигини, бу касбнинг вакиллари ҳалол бўлишлигини, уларнинг меҳнати абадул - абад тарих сахифасига ёзилиб қолишини ва эътироф этилишини ҳам жуда чиройли сўзлар билан ифодалаб беради. Шу билан урушнинг оғир йилларида ҳам барча каби меҳнат қилаётганлиги, меҳнат қилиш зарурлигини, миллатимиздан, ватанимиздан Амир Темурдай, Жалолиддин Мангубердидай, Шерғозихондай жаҳонгирлар, Беруний, Улуғбек, Али Қушчи, Хоразмий, Ал - Бухорий, Навоий, Машраб, Увайсий, Зебуннисо, Нодира каби улуғ шоирлар, олимлар чиққаннини, бизлар уларнинг давом эттирувчилари эканлигимизни ҳам алоҳида бир меҳр билан гапириб, мана шу улуғ зотларнинг илмини чиқарган, фан соҳасида кўзларини очганлар ҳам ўқитувчилар эканлигини ва йиғилганларни худди шу масалага диққат - эътиборларини қаратишини алоҳида меҳр - муҳаббат билан эслатиб, ўқитувчилар, ўқувчи болалар давлатдан нимани илтимос қилсалар, йўқ, демаслигини уқтириб узоқ сўзлади.

Нутқида у киши кўпроқ қаровсиз қолган сағирлар, ночор оилалар, етим болаларга алоҳида меҳр кўрсатишимизни, жумладан ночор ўқитувчиларга ҳам қийналмаслик учун ёрдам бериш зарурлигини фаҳр билан, ғурур билан, кучли ҳаяжон, таъсирланиш билан ўқтирганиди. Ўша пайтларда у кишининг нутқини қизиқиш билан, ҳайратланиш, таажубланиш билан тинглаганмиз. Ёши бир ерга етганидан кейин жиддий ўйлаб, фикрлаб, чуқур мулоҳаза билан ўтмишдаги ўша нутқ ва нутқда ифодаланган ардоқли сўзларни, яъни мазмундор нутқни ҳозир ўйлаб қарасам, у зот ўз замонасининг нотиғи,

ўз замонасининг маориф соҳасидаги етук донишманди эканлиги аён бўлаяпти. Албатта, иккиланмай, бирор шубҳага ҳам бормай айтиш мумкинки, Парда Умурзоқов ўз халқига, ватанига қўлидан келганича барча имкониятини заррача ҳам аямай, яхшилик қилган, хизмат қилган улуғ шахслардан бири экан.

Ғалланинг камлиги, ҳарбийдагиларга жўнатилиши, сувнинг етишмаслиги, бир ойга йўқса, бир ярим ойга бир мартагина ювинишга сув берилгани, аёлларнинг тунлари башоқни эзиб қовириб ейиши ҳам ҳисобга олинса, бўйга етган қизларнинг вақтида турмушга чиқолмаслигини, йигитлар ва катталар ҳарбийда юргани ҳам ҳисобга олинса, шундай қийинчилик замонда турли йўллар билан одамларга, болаларга овқатдан, кийимдан бахоликудрат ёрдам қилишлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермасиди. Бир кунда бир одамга йигирма сотик ернинг ғалласини ўриш режаси белгиланар эди. Шу топшириқни бажарганларига битта нон олар эди. Одамлар иккита, ёки учта нон олай деб жонини жабборга берар эди. Туну кун ишлар эди.

Назаримда Худо одамларни баъзан шундай оғир меҳнат билан синар экан.

Мана шу синовда Худо баъзан яхши феълли кишиларни, гўзал табиатли одамларни ҳам яратар экан. Айни пайтда ёмон феълли одамлар ҳам туғилиб турар экан. Яхши одам раҳбар бўлса, халқнинг омади юришади. Ёмон одамдан раҳбар чиқса халқнинг омади юришмай қолар экан. Раҳматли Парда Умурзоқов яхши феълли, яхши раҳбар эди. У киши Оқдарёга биринчи котиб этиб тайинлаганда ҳам Зоминдаги анъаналарини давом эттириб меҳнаткашлиги, ҳалоллиги, одиллиги билан донг таратиб, халқ орасига кириб фақат яхшилик қилган экан. Шу сабабли ҳар йили давлат режаларини ортиғи билан бажарар экан. Буни ҳамма бир оғиздан гапиришар эди. Оқдарёликларнинг айтишларига қараганда, у кишини қидирган одам на кун, на тун бўлсин фақат даладан топишар экан. "Парда Умур-

зоқов одам наслидан бўлса, нимага ухламайди, туну кун далада, дала кезиб деҳқонлар билан ишлагани ишлаган. У киши қачон ухлайди?" - дер эканлар.

Мана сизга фидойилик, мана сизга ўзини ҳалқ манфаатига, ватанига, миллатига бағишлашнинг ҳақиқий намунаси. Тўғрироғи Парда Умурзоқовнинг муваффақияти. Инсонийлиги... У киши кейинчалик, гарчи қишлоқ хўжалик соҳасида катта мактабларни битирмаган бўлса-да, деҳқонлар билан бирга, ҳамжиҳатликда ишлагани, деҳқоннинг фарзанди бўлгани сабабли ернинг ҳолатини, деҳқончиликнинг усуллари ва услубларини, яъни ерни қачон ҳайдаш, қачон суғориш, қачон экишнинг ҳам ҳадизини талаб этилгандай олган миршкор деҳкон экан. Сиртдан қараганда деҳқончилик жуда оддий, жўн туйилади, бироқ бу соҳа биз ўйлаганчалик осон эмас, жўнмас. Гарчи ер назаримизда жонсиз-ўликдай туюлган билан бизга дондан тортиб, барча дарахтлар ва меваларини, ўсимликлар меваларини гўзал лаззат билан, таъм билан етилтириб беради. Ер ҳам гўё одамга ўхшаган тирик вужуд. Ўзига қилинадиган меҳнат ва экишларнинг ҳам ҳисоб - китоби мавжуд. Ернинг ҳайдашда ёки суғоришда, чопишда бир ё икки кун ҳам катта фарқ қилади. Масалан: деҳқонлар ёзги чилланинг бир кунига ҳам кечки экинлар илинса, экин пишади, бир кун кечикса пишмай қолади, дейишади. Бир кун эса ҳамма нарсани хал қилаётир... Мана шу бир кун кўкламдан тортиб кузгача қонунга айланган. Кун санайди, дегани ҳам шу...

Мана шу аломатларни, қонун - қоидаларини Парда Умурзоқов яхши англаб еткани, ўзлаштиргани учун ҳам Зоминда биринчи котиб бўлганидан сўнг Оқдарёга биринчи котиб бўлиб ўтганида ҳам доимий равишда режаларини ўринлатган эди.

Уруш йиллари ҳам, урушдан кейинги қийинчилик йиллари ҳам бирор раҳбар бирор одамга яхшилик қилиши, яъни саховат кўрсатиши осон бўлмаган. Журъат этма-

ган. Бундай яхшилик, саховатлар кўп ҳолларда ишдан четлатилишгача бориб етган. У пайтлар трактор бўлмаган, ҳамма иш эшак, отларда, хўкизларда бажарилган. Меҳнатни тўғри йўлга қўйиш, меҳнаткашларнинг кўнглини топиш ҳисобигагина режаларини аъло даражада ўрнатилган. У киши икки марта Ўзбекистон олий кенгашига депутат бўлган, бу эса ўша кезлар ҳаммага насиб этавермаган. У киши самимий бўлиши билан бирга ўта ишонувчан ҳам бўлган, дейишади. Мана шу олий даражадаги инсонийлиги у зотни мана шундай юксак пояларга кўтарди.

Юқорида эслатганидай у киши авлодларнинг, яъни келажакда улғаядиган ёшларнинг тақдирлари билан ҳам жиддий қизиққан, жиддий шуғулланган. Ҳар йили ўзи бошчилик қилиб ёшларни турли ердаги, дейлик Республика, вилоят марказларидаги катта ўқишларга олиб бориб, киритиб қайтар экан ва ўша ўқишга киритган ўқитувчилари билан доим кўришиб, тарбияси, ҳаёти ва яшаш шароити билан қизиқар экан...

Айниқса иқтидорли, истеъдодлиларини алоҳида меҳр-муҳаббат билан тарбиясига олар эди. Бу гапларни биз кўпроқ у киши билан бирга ишлаган, ҳизматда бўлган одамлардан эшитар эдик. Ўрнак олишга уринар эдик. Масалан, мактаб директорлари, муаллимлари билан суҳбатлашиб, яхши ўқийдиган иқтидорли йигит - қизларга ўзи ташаббус кўрсатиб, институтларга киритиб, тугатганидан кейин турли жойлардан иш берар ва раҳбарлик лавозимга кўтарар экан. У кишининг шогиртлари Зомин-да, Сирдарёнинг турли районларида, жумладан Булунғурда, Оқдарё, Нарпайда, Пойариқда, Баҳмалда ҳам ишлашган экан. Парда Умурзоқов олтмиш - етмиш йил умр кўрганларида фақат зоминлик, оқдарёликларни эмас, бошқа ўнлаб, юзлаб районларнинг мехнаткашларини қулидан келгунча ўқитган, тарбиялаган бўлар эди. Ватанимизга улкан ҳиссасини қўшиб, бу борада муқаддас бурчини, маъсулиятини аъло даражада бажарган ҳам бўлар

эди. Мана шу жойда аниқ бир ҳақиқатни гапириб ўтиш мақсадга мувоффиқ бўлар: Парда Умурзоқовнинг ота - боболари, она - боболари ҳам ўзига ўхшаб олижаноб, оқкўнгил, меҳнаткаш, ўзгаларга саховат кўрсатадиган олижаноб, эзгу ниятли кишилар бўлган. Йўқса, Парда Умурзоқов бунчалик гўзал феълли инсон бўлиб етишмас эди. Агар у зотнинг аждодлари ўзгаларга манфаат келтирмаганда, яъни яхшилик қилмаганида, бугунги кунда, яъни Парда Умурзоқовга, унинг авлодларига Яратгандан раҳм ёғилмасиди. Катта ва улуғ ишларни бажармаган, ота - боболари каби бошқаларга ҳам яхшилик қилмаган бўлар эди. Ота - боболарининг халққа қилган яхшилиги эндиликда фарзандларига эзгулик бўлиб қайтди ва Парвардигорнинг иноятига сазоввор бўлди.

Ота - боболарининг ўзгаларга қилган яхшилиги набиралари, чеваралари, эвараларига яхшилик бўлиб қайтди ва таъсирини ўтказди. Фарзандлари, набиралари, чеваралари ҳам яхши мутахассислар, олимлар, фозил кишилар бўлиб етишди. Ҳамма эзгуликлар, саховат кўрсатишлар аждодларга боғлиқ. Аждодларнинг қилган эзгу ишларига, олижаноблиликларига боғлиқ. Аждодларнинг қилган яхшиликлари ҳеч қачон ерда қолмайди Авлодларига кўринади. Ёмонларнинг, қотилларнинг аждодлари ҳам шундай бўлган ва авлодлари ҳам шундай бўлиб кетади.

Бир томон шайтонлар ва шайтон йўлига кирганлар доим ҳам васвас дардига йўликади. Фақат ёмонлик қилиб лаззатланади. Бир томон фаришталар ва фаришталар йўлига кирганлар, Худони деганлар бўлади. Бу йўлга кирганлар фақат яхшилик қилибгина фахрланадилар, ғурурланадилар, яхшилик қилиш билангина лаззатланадилар... Фаришталарни тан олганлар, йўлига кирган одам боласигина фарқламайди. Катта-кичик, яхши-ёмонга ажратмайди... Ҳаммага бирдай саховат кўрсатаверади. Ёмонлар аксинча... Одамларни алдаш, яъни тоифаларга бўлиш на шариатга, на одамийликка

тўғри келади.

Парда Умурзоқовни ҳамма, жумладан мен ҳам яхшилик билан, ғурур билан, фахр билан эслаймиз. У кишининг ватанига, миллатига қилган яхшиликлари ҳозирча ҳаммага ўрнак бўлиб келаётир ва ҳамма ҳаяжонланиб, таъсирланиб эслаётир. Орадан қанча вақт ўтди, демак яхши одамнинг хотираси асло унитилмас экан. Чунки у зот ҳаётлигида кўпроқ етим - есирларни, оч-ларни, қашшокларни, қўли калталарни, сағирларни қўллаб - қувватлади. Бировларни уйлантирди, бировларни уйлик бўлишида кўмаклашди. Баъзи бировларга уйидаги нонидан ҳам бўлиб берди. Буни ҳеч ким, ҳеч қачон қилолмайди. Ўйлаб кўринг, бир одам доимий равишда кимгадир яхшилик қилишни қонунга киритолмайди. Валломати ҳам бир - икки яхшилик қилиб, сунг унитади. Кимки доимий равишда, ҳар куни, ҳар лаҳза, ҳар дақиқа, ҳар он, ҳар йили узлуксиз равишда яхшилик қилса, ўша одамгина жаннати, ўша одамгина ўз хотирасини башариятнинг тарихига, хотирасига абадийликка михлаб кетади.

Парда Умурзоқов шундай одамлар тоифасидан эди. Худо илоё раҳматига олган бўлсин!

Демак, яхшиликкина бандаи мўминларни жаннатга элтади. Одамдан бу дунёда фақат яхшиликкина, савобгина қолади. Бу эса жаннатга умид уйғотади...

Ўрал ота биз билан суҳбатга бирон - бир манфаатсиз, беминнат юрагидаги ҳисларини, туйғу - тушунчасидаги улуғ инсон Парда Умурзоқовни кўрганича, билганича, тасаввур қилганича ифодалашга уринди. Табиийки, ҳамма нарса, жумладан яхши, ёмон одамлар ҳам ўтиб кетганидан кейин, узоқ муддатли йиллар орқали қолганидан кейингина улуғлиги сезилади. Катта дарахтни ҳам ағанатганидан кейин бахайбатлигини кўриш мумкин. Ҳаммани ҳам ҳаётдан кўз юмганидан кейин мақтасин. Ёмонламасин. Кетганидан кейинги ёмонлашдан кўра дахшатли иш йўқ. Кўргилик йўқ. Тарих эса

олий хакам, тарих ўз хукумини чиқариб бўлганидан кейин эса бирон-бир сиёсат ҳам оқлолмайди...

- Назаримда 1955 йиллар бўлиши керак... - дея Ўрал ота суҳбатини давом эттиради. - Парда Умурзоқовнинг аҳволи оғирлашганини гапиришди. У пайтлар Оқдарё районида биринчи котиб бўлиб ишлар эди. Жарроҳлик йўли билан шифолашга уринишган экан. Яхши чиқмабди. У пайтлар вилоятнинг биринчи котиби Нор Ёқубов деган одам эди. Кутилмаганда Парда Умурзоқовнинг тобутини Зоминга олиб келиб қолишди. Вилоят биринчи котибининг ўзи ҳам мотамда қатнашди, нутқ сўзлади. Одам тумонат йиғилганиди. Мен эсимни таниганимдан буён бир одамнинг жаназасига бу қадар кўп одам йиғилганини кўрмаган эдим.

Парда Умурзоқовни ўз туғилиб ўсган Муғол қишлоғига дафн этишни режалаштирилган экан. Зомин билан Муғол қишлоғи оралиғи саккиз чақрим. Мана шу масофага ҳалқ у кишининг тобутини аввал автомашинада сўнг елкама - елка кўтариб боришган. Ўша кезда бу масала хазилакам иш эмас эди. Биргина Парда Умурзоқовга кўрсатилган ҳалқнинг, қолаверса Яратганинг илтифоти эди бу...

Ҳозиргидай эсимда. Парда Умурзоқовнинг кумиш маросимида озгина кўнгилсизлик юз берганиди. Албатта, бу ўша кезги мустабид тизмнинг найранги туфайли содир бўлган эди. "Қизил Ўзбекистон" газетасида муҳбир бўлиб ишлайдиган Салим Каримов деган бир тожик йигити Парда Умурзоқовни ёмон кўриб қолган экан. Дафн этиб бўлинганидан кейин уйларига келиб: "Акам эди, раҳматли яхши одам эди ...", деб йиғлаб киради - да, қандай дафн этилганини сўрайди. Замонавий қилиб қуйилдими ёки мусулмонча қўйилдими, у киши мусулмон эди, дея сўрайди. "Замонавий қилиб кўмилди...", деганларида ҳам ишонмай, сабр қилмай қабрни очиришга даъват этади. Халқ уни мозордан ҳайдаб чиқаради. Аслида у киши мусилмончиликнинг ҳамма қонун - қоида-

лари билан кўмилган эди...

Ўша воқеани эсласам нафратланганимдан, ғазабланганимдан асабийлашиб қоламан. Одам вафот этганидан кейин Парвардигор буюргандай кўмилиши керак. Ўлимнинг, ўлган одамнинг сиёсат билан неча пуллик иши бор. Маҳрум - тамом. Сўнгги йўлига ҳурмат - эҳтиром билан кузатилиши керак. Бизлар мусулмонлармиз. Ҳамма ҳам эртами кечми бандаликни бажо келтиради. Шундай экан ўлгандан, унинг кўмилишидан қандайдир сиёсий масала изламаслик керак. Парда Умурзоқовнинг қандай кўмилишини назорат қилган Салим Каримов ҳам вафот этганмикин, этган бўлса унга ҳам жаноза ўқилгандир. Ёки у "менга жаноза ўқиманглар, замонавий қилиб кўминглар ...", деганмикин? Ҳиндистонликлар мурдаларни оловга ёқишади. Бу ҳам ўзларининг иҳтиёри. Уларни бошқача қилиб кўм дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ёки насронийлар қора кийим билан дафн этилиши мумкин. Бунга, нимага қарши чиқиш керак? Одам ўлганидан кейин моҳият - мазмунини, миллатини йўқотади. Оддий одам наслига айланади. Гапиролмайди. Бир ҳил тобутга тушади, бир хил ибодат қилинади. Бир масжидда номоз ўқийди...Бир тупроқ тагига киради...

Салим Каримов аввал "Парда Умурзоқов акам эди", дея йиғлаб, уйига кириб, сўнг қандай дафн этилгани билан қизиқиб, сунг "Қизил Ўзбекистон" газетасида кўнгилсиз мақола ёзганини, билмайман, бирор одам тушунмаса керак...

Гап яна яшилик ва ёмонлик, яхши одамлар ва ёмон одамлар ҳақида кетаётир.

Одам вафот этганидан кейин тозаланиб, ювилиб, турли - туман ёмон ҳидлардан фориҳ бўлиб, у дунёга кузатилишининг нимаси ёмон, оппоқ матога ўралиб кузатилганини нимаси ёмон? Одам ўзининг ўлимига ҳам, дафн этилишига ҳам, сўнги кузатилишига ҳам шундай ҳайвонларча муносабатда бўладими?

Ўлим ҳаммага баробар улашилган улуғ неъмат. Ту-

ғилиш ҳам ҳаммага баробар улашилган улуғ неъмат...- Бу икки неъматни улуғ тантана, улуғ ҳурмат - эҳтиром билан кузатганга не етсин!

Қадимий китобларда "Эр - хотининг тупроғини бир ердан олади...", деган гаплар бор. Парда ака билан Ҳосият аянинг табиатлари, феъллари бир - бирига ўхшашлиги, олижаноблик, саховат, эзгулик борасида бир - бирларига яқинлиги мени ҳаяжонга солади. Парвардигорга шундай зотларни яратгани учун шукроналар айтиб қоламан. Ахир ёмонлик қилмаслик яхшиликка, яхшилик қилмаслик эса ёмонликка киради. Яхшилик томонда Парвордигор ва фаришталар. Ёмонлик томонда эса биргина шайтон...

Энди қаҳрамонимиз Парда Умурзоқов ҳақидаги иккинчи мақола билан танишамиз. "Шарқ Тонги" газетаси. 1968 йил 9 март...

"ШАРҚ ТОНГИ" ГАЗЕТАСИДАН

Тарих, халқ яхши кишиларни асло унутмайди. Бахт - саодат йўлида, ҳалқ манфаати йўлида хизмат қилганларнинг номи тиллардан - тилларга, эллардан - элларга кўчиб юраверади. Абадий яшашининг сабаби шу. Қачонлардир Зомин районидан, ватан йўлида, халқ йўлида бутун куч - қувватини аямай, эрта - кеч, кун - тун даладан чиқмаган ажойиб меҳнаткаш, ғаройиб ташкилотчи, элпарвар бир зот чиқди. Ардоқланди. Биргаликда улуғ меҳнатни йўлга қўйишди. Бу Парда Умурзоқов эди...

У зот 1907 йили Зомин районининг Муғол қишлоғида дунёга келди. Кўп одамларга номаълум бўлган Муғол қишлоғи тез орада ҳамма ерга танилди. Машхур ҳам бўлиб кетди. У ердан катта раҳбар чиқди, яъни Зомин районининг биринчи котиби ... Бу ҳақида кейинроқ...

Отасидан ёш етим қолиб турли кишиларнинг меҳнатини қилиб улғайган Парда Умурзоқов 1928 йили кўплар

қаторида қишлоқ хўжалиги артелига ишга кирди. Колхоз тузилишида ҳам шиддат билан қатнашди У 1929 йили ўша кезги Сталин номли колхозга Раис ўринбосари этиб тайинланди. Бу воқеа Қудуқча қишлоғида юз берди. Бу ерда ҳам қишлоқ хўжалиги артерлини ташкил қилишда жонбозлик кўрсатди. Колхозда ишлар бароридан келиб халқнинг ҳаёти бир оз оёққа туриб қолди. Халқ Парда Умурзоқовнинг меҳнатини ўз кўзлари билан кўргач, Қудуқча колхозига Раис этиб сайлашди.

1933 йили Ўзбекистон Олий қишлоқ хўжалиги мактабига ўқишга юборишди. 1937 йили мактабни тугатганидан кейин Жиззах 2-МТС директорининг ўринбосари бўлиб ишлай бошлади. Кейинчалик эса "3-Зомин" МТСига директор этиб тайинланди. Мана шу лавозимларда ишлаган кезлари у зот қодирлар (кадрлар) танлаш, уларни тарбиялаш, тайёрлаш ишларида катта фаолият кўрсатди. Унга давлат томонидан ҳамма илтифотлар кўрсатилди. Парда Умурзоков 1941 йили Зомин район Ижроия қўмитаси раиси қилиб сайланди. Худди шу паллада Иккинчи Жаҳон уруши бошланиб қолди. Олдинги қийинчилик, яъни қошоқчилик устига иккинчи дахшатлиси келиб қўшилди. Халқ беҳад оғир аҳволда эди. Парда Умурзоқовнинг ташвиши минг бор ортиб кетди. Қўлидан келган хизматларни, яъни шиддатини, шижоатини, жасоратини халқдан, ватандан аямади. Худи шу кунларда у киши учун ухламайдиган, эрта - кеч даладан қайтмайдиган, халқ орасида бўладиган вақт етган эди. ...Фронтга қилинадиган барча хизматларга кўкраги билан туриб берди. Фронтдагиларга ғалла, гўшт, тухум, жун, сабзовотлар ва бошқа махсулотларни етиштириб беришда чин маънода шижоат кўрсатди. Ортиқча ер экишни муросага киритди. Халқ билан далада тунаб қолиб ишлади. Зарур пайтда ўзи ўроқ ҳам ўрди.

Ўша йилари турли ташаббуслар ўртага ташланар эди. Ўшалардан бири тамбовликлар, саратовликлар ташаббуси эди. Бу ташаббусга ҳам Парда Умурзоқов халқ би-

лан биргаликда ўз ҳиссасини қўшади. 1943 йили Ўзбекистон меҳнаткашлари Фарход тоғлари этагида гидроэлектростанция қурилишини тезлаштириб юборди. Бу қурилишда Зомин меҳнаткашларининг ҳам ҳиссаси улкан бўлди. Зоминликлар ўша кезлар хукуматнинг Қизил байроғини олиш бахтига ҳам муяссар бўлган эди. Мана шу умумхалқ ишида Парда Умурзоқов анча вақтгача бошлиқ бўлиб ишлади. Табиийки Парда Умурзоқов ўзининг тиниб - тинчимаслиги, шиддати, шижоати, жасорати билан бу қурилишда ҳам биринчилар қаторида фаолият кўрсатди. Мақтовларга сазоввор бўлди.

Маълумки, ҳамма эркаклар, яъни ишга яроқлилар ҳарбийга жўнатилган, ҳамма ишлар аёллар, қизлар ва ўсмир болаларга қолиб кетганиди. Бу масалада Парда Умурзоқов оқилона иш кўрди. Аёлларнинг, қизларнинг ва ўсмир йигитчаларнинг бағрига кириб, ранжитмаган холда, қўлидан келган ҳамма хизматларни баъзан яширинча, баъзан ошкора қилди. Ўз халқини ранжитишга, хафа қилиш даражасига олиб чиқмади. Табиийки бу, у зотнинг қалбидаги олижаноблик туйғусидан келиб чиқадиган ватанпарварлик, миллатпарварлик ҳисси эди. Чунки у зотнинг ота - онаси ҳам ўта мулойим, соддадил, одампарвар кишилар тоифасидан эди.

Парда Умурзоқовнинг меҳнати чиндан ҳам тақдирланди. 1943 йили Ўзбекистон ҳукумати у кишини Ғаллаорол районининг биринчи котиблигига сайлади. Бу ерда Парда Умурзоқов келиши билан Зоминда ортирган тажрибаси қўл келиб, ҳар йили давлат режасини бажарилишини 110 дан туширмади. Аввал Зоминда, кейин Ғаллаоролда деҳқончилик бўйича катта тажриба орттирган Парда Умурзоқов 1945 йили Зомин районига биринчи котиб этиб сайланди. Ўз юрти, ўз халқи бағрида ишлашига тақдир илтифот кўрсатди. Парда Умурзоқов Зоминда меҳнатни гуллатиш билан бирга, халқнинг ҳаётини яхшилаш билан бирга, янги мактаб биноларини, клубларни қуриш борасида ҳам ташаббус кўрсатишга эришди. Хуллас, ма-

даниятга алоҳида эътибор бера бошлади. Шу пайтда Парда Умурзоқов олдинги кодирлар (кадрлар) масаласида ҳам ташаббус кўрсатди. Худди шу пайтда у зот Парда Ҳуммаматов, Ў. Мамараҳимов, Э. Эшмуродов каби колхоз раисларини вояга етказди. Бобоқул Умурзоқов, Эргаш Холматов, Назарбек Ҳайдаров, Б.Норқулов, Бўриой Идова, Ҳалима Ўсарова каби ишчан ходимларни танлаб турли лавозимларга кўтарди. Улар орасида қишлоқ хўжалиги мутахассислари ҳам бор эди.

Халқ ишончини ситқидилдан адо этган Парда Умурзоқов 1949 йили Оқдарё районига биринчи котиб этиб сайланди. Бу ерда асосан пахтачилик эди. Парда Умурзоқов келгунига қадар Оқдарё райони пахтачилик режаларини ўринлатолмай келариди. Катта тажриба орттирган Парда Умурзоқов бу ерда ота - боболаримизнинг пахтачиликдаги тажрибаларидан фойдаланиб, раҳбарлар билан, халқ билан гўзал муомалада бўлди. Бирга, ёнма - ён туриб ишлади. Режаларини ўринтала борди. Шу тариқа Пардавой Умурзоқов 1951 йили иккинчи бор Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат этиб сайланди. Бир неча орден ва медаллар билан тақдирланди. Қизил Байроқ, "Ватан уруши", "Ҳурмат белгиси". Давлатнинг бир неча Фаҳрий ёрликлари билан ҳам тақдирланди.

У зот 1955 йили бетобликдан кейин 48 ёшида бандаликни бажо келтирди...

Парда Умурзоқов ҳақидаги мақоладан маълум бўлаётирки, у зотнинг асосий моҳият - мазмунидан келиб чиқмай, аксинча ўша кезги сиёсат, яъни коммунистик партия, "Ленин", каби сўзлар билан ҳашамланган, шу нуктаи назарнигина ифодалаган мазкур мақолада биз одамларнинг суҳбатидан, кўрганлар ва у кишини билганларнинг, кузатганлардан англашиладики, ҳақиқий сийрати ва суврати тасвирланмаган, қуруқ гаплар билан мақталган. Албатта, ўша кезлар, ҳаттоки Парда Умурзоқов ҳақидаги мақола эълон қилинган 1981 йилда ҳам, мақола бошқача ёзилиши мумкин эмас эди. Би-

рор одам ҳақида бирор мақола ёзиладиган бўлса, партияга, коммунистик жамиятга, социалистик тузмга муносабат ва қаҳрамоннинг нечта орден олганлиги, қанақа "ёрлиқлар"га эга бўлганлиги, хуллас, халққа қилган ҳизматлари кўр - кўрона яширилиб ўтилариди. Оддий меҳнаткаш орден, медал олмаган бўлса, у ҳақда ёзиш мумкин эмас эди. Орден - медаллар фақат маддохлар, маҳтанчоқлар, мансабпарастлар, манфаатпарастлар, яьни ишни дўнтирса ҳам, дўндирмаса ҳам, коммунист раҳбарларни мақтаса бўлгани, олаверар эди... Мазкур мақолада ҳам Парда Умурзоқов фалон ерда, фисматон ерда раҳбар бўлиб ишлади. Режаларини ўринлашга уринди, бажарди. Партия, ҳукуматнинг, социалистик жамиятнинг топшириғини, режасини ўринлатди, дейишдан нарига ўтилмаган...

Агар Парда Умурзоқовнинг Зоминда ишлаган пайтларида, Ғаллаоролда ишлаган палласида, Оқдарё туманида ишлаган кезларидаги ҳаётига, моҳият - мазмунига жиддий эьтибор берилса, диққат қилинса, чиндан ҳам бошқа бир улуғ манзара, моҳият ва мантиққа тўғри келиш мумкин.

Юқорида биз бу дунёга келишдан мақсад ва мазмун фақат овқат ейиш, сув ичиш, ухлаш ва пушт қолдиришдангина иборат эмаслигини тилга олдик. Парвардигор бу дунёга биргина одам жинсини яратгани йўқ. Қушлар билан бошқа жонзотни ҳам, қурт - қумирскаларни ҳам яратди. Демак, ер юзидаги барча ноз - неьматлар, яьни емиш, ичмишлар ҳамма тирик жонга баробар бўлинган ва бир - бириникига ҳиёнат қилишга ҳақсиз. Шу билан бирга Парвардигор буни инсон наслига ёмонлик билан яхшиликни намуна қилиб яратди. Яхшиликни ёмонликнинг фарқига бориш учун, қадрлаш учун, ёмонликни эса яхшиликнинг фарқига бориши учун, шу билан бирга яхшилик қилганлар учун жаннат, ёмонлик қилганлар учун дўзахни ҳам яратди. Бир одам юз ё минг одамнинг насибасини ейишга ҳақсиз. Чунки ҳамма тирик жоннинг

риски ҳаммасига баробар тақсимланган. Яхшилик қилганлар муродига етиши, ёмонлар эса етолмаслиги масаласи тирикликнинг, «Тириклик - Парвардигорга етишиш учун имконият» эканлигини англаш, ҳис қилиш масаласи эса доим ҳам қаршимизда кўндаланг бўлиб туради.

Парда Умурзоқов табиий равишда мана шу инсоний фалсафани, мазмун - моҳиятни англаб етган, ҳис қилган иймонли зот эди. У зот доим ҳам мана шу нуқтаи назардан четлашмади. Бу масалани гарчи тушуниб етса - да, ҳис қилса - да, доим ҳам сездирмасликка, кўрсатмасликка уриниб келганлиги суҳбатлардан, кўрганлар, билганларнинг сўзларидан англашилди, равшанлашди.

Биз буни аста - секинлик билан мисоллар билан исботлашга уринамиз...

Китобхон зерикмаслиги учун, бадиий китобнинг талабларидан келиб чиқиб, қаҳрамонимиз Зоминлик бўлгани учун, яна Зомин тарихига озгина тўхталамиз.

ҚУТАЙБАНИНГ ЮРИШЛАРИ

Бундан 1500-1600 йиллар муқаддам Ўратепадан Илонўттигача бўлган жуда катта тоғолди ҳудуди - Туркистон ва Моргузар тоғ тизмаларининг шимолий ёнбағирлари Усрушона - Уструшона, Устараушан - Истаравашан, Сутулисен, Судуйшана, Перитаккен каби атамалардан иборат давлат таркибида бўлган. У 18 рустакдан (Искандар замонидан қолган ҳудудий бўлак номланиши) иборат бўлиб, пойтахти Бунжикент шаҳри ҳисобланган. Араб саёҳи Ал - Муқаддасий (Х - аср) ёзишича, Бунжикент катта шаҳар бўлиб, ерлари серҳосил, эли кўп, боғлари ва ажойиб иморатлари бўлган. Усрушанда бир неча ўн минг аҳоли истиқомат қилган. Жиззах, Зомин, Ховос, Вагат, Шавкат, Марсманд каби қатор шаҳарлари ҳам фаолият кўрсатган. Исрушона ҳукмдори афшин (унвон) ўз тангаларини зарб эттирган,

ўз муҳри ва тамғаларига эга бўлган. Давлатнинг ҳудуди 400 дан зиёд қальалар бўлиб, улар ўта мустаҳкам эди. Қальалар бой деҳқонларга қарар, кези келганда ташқи босқинчилар, ҳамда ёвлардан асрар эди.

Ҳозир у тепалардан фақат дўнгликларигина қолган. Бу шаҳарлар гўзал ва бой бўлганлиги сабабли рақиблари ҳам кўпайган ва тез - тез урушлар манбаига айланиб ҳам турган. Эрамизнинг VIII асрида Усрушонга араб лашкарларини амир Қутайба ибн Муслим бошлаб келганиди. Араблар бутун Суғдиёнада энг қаттиқ қаршиликка шу тоғларда учрайдилар. Тарихчи Табарийнинг хабар беришича, ҳўталёнлик (қадимги Сурхон замини) бир ҳоким араблардан қочиб аввал Фарғонага, сўнг Усришонага келиб жон сақлайди. У билан бирга сафдошлари ўзлари билан оташпараст зардуштийларнинг санамларини ҳам олиб келадилар. Усрушонада ўрнатадилар. Ташқальъага араблар юриш қилганларида Усрушонада қора либос кийган кишилар қаттиқ қаршилик кўрсатадилар. Қутайба ибн Муслим катта талофатлар бериш эвазига қалъани зўрға қўлга киритади. Тоҳирийлар сулоласидан бўлмиш Талх Тоҳир замонидаги унинг ўғли Абдуллоҳ томонидан Усрушонда ислом дини сингдирилган. Шу билан бирга ерликлар исломни қабул қилишлари билан бирга доимий равишда ўзларининг миллий урф - одатларига содиқ қолганлар. Бўстон шаҳарчаси, Чакалактепа ёдгорлиги, Аччи қишлоғи ўртасидаги Оқтепа, Пишағар қишлоқларининг юқори қисмидаги номсиз қурғон қолдиқлари тадқиқ этилди. Миқ қўрғонида ҳам текширувлар ўтказилди. Бу ерлардан топилган қадимги тангалар, сопол идишларини кузатилганида бир - бирларига ўхшашлик аломатлари кўринди.

Бугунги кунда Зомингa туташ туманларда ва Зоминнинг ён - атрофидаги дашт ва тоғлар бағрида жуда кўплаб қалъа, қўрғонлар қолдиқларини кўриш мумкин. Миқ қўрғони - Зомин сув дарёсининг ирмоғи - Еттикен-

тсой водийсининг Чортанги дарасига туташ манзилларидан сал берида, сойнинг ўнг томонида баланд қирда жойлашган харобалар бўлиб, қадимда тоғ кони меҳнатчилари учун яшаш ва ташқи ҳужумдан сақланиш вазифасини ҳам ўтаган.

Ўрда, Оқтепа - Зомин қилоғининг ичидаги баланд тепаликлари жойлашган ҳоким қўрғонлари бўлиб, ўрта асрларда мудофаа иншоати вазифасини ҳам бажарган.

Оқтепа - Аччи қишлоғининг ичидаги баланд жойлашган қўрғон, қадим улкан шаҳарнинг қолдиғи, шахристон эканлиги машҳур "Абдулланома" китобида ҳам тилга олинган. Бугунгача қадим қўлёзмаларда тилга олинган Арсманд шаҳрини шу ердан изламоқ лозим.

Кўлтепа - ҳозирги "Туркистон" ширкати ҳудудидаги Култепа ва Ҳайткултепа қишлоқлари оралиғидаги жуда катта қўрғон иншоатлари қолдиғи. Ёши эса 1300 йил билан ўлчанади.

"Пишағор" - ҳозир ҳам мавжуд. Пишағор қишлоғининг юқори қисмида ҳозирги Хўжаи сароб манзилгоҳи теварагидаги қадим улкан шаҳар харобалари мажмуийи бор. Айни кунда у ерда жуда кўплаб қоровул тепаларни, қўрғонларни, деворли мудофаа иншоатларининг қолдиқларини топиш мумкин.

Умуман, Зомин ўлкасининг қалъалари, қўрғонлари бутун Сўғдиёна ва Ўрта Осиёда ўша даврларда ҳукм сурган ва одат бўлган тарзда табиий ва мавжуд тарихий шароитлардан келиб чиқиб, қурилган иншоатлар эди. XVI асрнинг бошида Муҳаммад Солиҳ томонидан ёзилган "Шайбонийнома" тарихий достонида қўрғонлар ва қалъалар қамали ҳусусида ажойиб ҳикоя бор. Ҳикояда Усрушонадаги Хайбар эли (Зомин - Ўратепа оралиғида бўлиши керак) қалъасини Шайбонийхон томонидан қамал қилиниши жараёни тилга олинади. Ўша ҳикояда ўша замонларнинг қалъалари тасвири атрофлича баён этилади. Мазкур достондан икки мисра келтирамиз:

Усру мазбут эди қальалари,
Муттафиқ қалъадаги халқлари.
Бор эди томлари усру баланд,
Солмас эрди анга андиша каманд.

95 ЁШЛИК
ДЎЛОН ТУРСУНМУРОДОВ ҲИКОЯСИ

- Парда ака Оқдарёга келганида, биринчи котиб бўлиб келганида мен қирқ ёшларни қоралаб қўйганидим, - дея ўтмиш ҳикоясини бошлайди Дўлон ота. Бу чол эндиликда ҳаддан зиёд кексайган, хотираси ҳам деярлик бир мунча сусайган, қайсидир тўйда, одамлар тун яримдан ошганида уйларига қайтишини илтимос қилаётганида бетобланиб йўқилган экан. Шундан бери оқсоқланиб юрар экан. Шунга қарамай ота хотирасидаги Парда бобо ҳақидаги хотираларини тўла тиклашга уриниб кўрди. Абдусаид билан биринчи гал борганимизда анчагина тетик эди. Иккинчи гал борганимизда эса сезиларли даражада кексайганининг гувоҳи бўлдик. Олдинги сафар ўтириб ҳам қолмаган эди. Иккинчи сафар борганимизда анчагина чўқиб қолибди.

- Мен Парда ака билан учрашганимда ўқимаганидим,- дея Дўлон ота ҳикоясини давом эттирди: - Парда ака ҳақида ҳаяжонланмасдан, кўзларга ёш олмасдан гапириб бўлмайди. У зотни ўхтин - ўхтин эслаб қоламан. Беихтиёр кўзларимга ёш қалқийди. У кишидай меҳрибон, беминнат яхшилик қиладиган одамни топиш амри маҳол. Оқдарёга биринчи котиб бўлиб келганида, биринчи галда ишга яроқли, ишбилармон ва уқувли, ишлашга қодирлар ("кадрлар" - унутмаслик керакки ҳозирда "кадр" деб ишлатилаётган сўз асли ўзбекча сўз бўлиб "қодир" маъносини англатади; қодирлар сўзи "кадрлар" бўлиб кетган) масаласи билан қатъий ва жиддий шуғулланар эди. Парда ака йўлидами, идорадами, тўйдами,

даладами қаерда бўлишидан қатъий назар бир - икки бор суҳбатлашганида, суҳбатлашган одамнинг кимлигини дарҳол англаб олариди. Эринмай, шошмай суҳбатлашишининг сабаби шу эди. Бунинг маъносини биз кейинчалик билиб қоларидик. Ақли бутун, юраги пок йигитларни дарҳол ёнига чорлаб, бирор ишни таклиф этариди. Ишга тайинларди ҳам. Шу тариқа меҳнаткаш, ҳалол йигитларни кўзининг тагига олиб қўйиши, кейинчалик ўқишга юбориши, яхши ишларга қўйиши аста - секинлик билан ўз самарасини берди. Парда ака билан юз берадиган ҳар бир учрашув ҳаммамизга доим ҳам мактаб, ҳам синов вазифасини ўтариди. Аёлларнинг орасида ҳам иқтидорлилари учраб қолгудай бўлса, албатта, ўқишга юбортирар, ўқишни тугатиб келиши билан бирор лавозимга тайинлар ҳам эди. Мактаб директорлари, маъориф мудирлиги ва бошқа идоранинг хизматчилари ҳам иқтидорли аёллар билан таъминланар эди.

Мен билан ҳам шундай воқеа юз берганиди. Очиғини айтишим керак. Ўзим ҳам ёшлигимдан беҳад харакатчан, тиниб - тинчимас бола эдим. Ўтдан ҳам, сувдан ҳам қайтмасдим. Чайир одам эдим. Шунинг учун бўлса керак, Худога беадад шукрлар бўлсинким, мана юз ёшни қоралаб боряпман. Астойдил ишлаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Узоқ яшашнинг асосий сабаби ҳам шу меҳнаткашлик. Уруш даври, урушдан кейинги қийинчилик... Буларни айтиш осонмас. Эртадан - кечгача аёллар, болалар ҳам тинмай ишлайди. Уруш пайтида ҳамма эркаклар урушга жўнаган, аёллар, болалар қолган. Ҳамма қийинчилик шуларнинг елкасига тушганиди. Уруш тугаганидан кейин эса эркакларнинг ҳаммаси ҳам ҳарбийдан қайтмади. Бу, бева қолган аёллар, етим қолган болалар учун ҳаддан зиёд оғир қайғуга айланди. Унутиш осон бўлмади. Бутун Ўзбекистон халқнинг кўзлари ҳалқа - ҳалқа ёшларга тўлди... Боз устига урушдан кейинги қийинчиликни ҳам енгиш осонликча кечмади. Эртадан кечгача тинмай ишлаймиз. Қайта тик-

лаш фасли бошлаган, давлат халққа деярлик ҳеч нарса бермас эди. Фақат қилинган оғир меҳнатга битта ёки иккита нон берар, иссиқ овқат ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Урушдан беш - олти йил ўтганидан кейингина озгина ҳаёт фаровонлиги бошланди. Мана шундай оғир кунларда Парда аканинг ҳизмати беҳад улуғ бўлди. Давлатнинг буйруғини бажаришини унутмаган ҳолда, халқнинг қаддини тиклаш, уруш фожиасини унутириш билан бирга, биринчи галда халқнинг қорнини тўйдириш, устини бутлашни ўйлади. Ҳозир айтсам бўлади, илгари айтиб бўлмас эди. У киши гоҳ яширинча, гоҳ ошкора халққа дон тарқатар эди. Ёки тунлари ўзлари билан оз миқдорда уйларига олиб кетишга ҳам розилик берган эди. Буни кўриб кўрмаганга, билиб билмаганга олар эди. Бундан кўра ортиқроқ халқпарварлик, ватанпарварлик бўлишини тасаввур қилиш қийин.

Ўша кунларда Парда ака мени ёнига чақириб ётиғи билан тушунтириб ўқишга юборди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги курсни битириб қайтдим. У киши мени аввал звеноликка. кейин эса бригадирликка тайинлади, орадан озгина вақт ўтганидан кейин эса бригадирларга бошлиқ қилиб қўйди. Бу мен учун катта лавозим эди. Буни қарангки, Парда ака ўзининг меҳнати синган шогирдларини унутмас эди, мени тез орада колхоз раислигига кўтарди. Қизиқ, ҳаяжонланганимдан йиғлаб юборибман. Чунки бизга бирор одам шу пайтгача Парда ака каби меҳрибонлик қилмаган, мурувват ҳам кўрсатмаган эди. Боз устига катта хўжаликка раис бўлиш, бутун бир хўжаликнинг халқини бошқариш, ҳол - аҳволиндан хабардор бўлиш, буйруғини ўтказиш билан бирга, бўйнига олган режаларини халқ билан биргаликда бажариш маъсулиятини уддалаш ҳамманинг қўлидан келавермас эди.

Мана шундай оғир дамларда қариндош - уруғларим орасида мен учун фахрланишга, ғурурланишга имкон туғилди. Бу эса Парда аканинг менга кўрсатган улуғ илтифоти

эди. Мен раис бўлгунимча ҳам, ундан кейин ҳам одамларга бундай беминнат яхшилик қиладиган, зарур пайтларда бағрига кириб тироғич бўладиган, йўғини йўлдирадиган, гоҳ ота - онанинг қўли етмаган эҳтиёжини ҳам қондириб берадиган, гоҳ акангга, гоҳ укангга, гоҳ опангга, гоҳ синглингга айланадиган, хуллас жигаринг каби, сендан ҳеч нарсасини аямайдиган тоифадаги одам - Парда ака мен учун илгари ҳам, ҳозир ҳам улуғ бир ҳазинага айланиб келди, айланиб қолаётир... Нимагаки эришган бўлсам, ҳаммасига сабабчи Парда ака бўлди. Мен у кишини учратолмаганимда балки, бундай шарафларга эришолмаган бўлардим. Аввало Парвардигор. Парвардигор менга ёрдам беришни Парда аканинг кўнглига солган экан.

Парда ака доим керза этикда, оқ шиляпада, китель, гилифи шимда, отда дала айланариди. Қамчини этигининг қўнжига сиққанича, иссиқни иссиқ демай, совуқни совуқ демай, туну - кун далада, меҳнаткашлар орасида бўлариди. Идорада қачон ўтирарди, қачон ухлариди, ҳеч ким билмас эди. Ёкангизни ушлайсиз...Ҳайратга тушасиз, таажжубланасиз... Одам ҳам ухламай ишлар эканми. дейсиз...

У киши мана шундай меҳнатни эъзозлайдиган, ҳурмат қиладиган, халқнинг қадрига етадиган, бутун дала ишлари дала меҳнаткашларига, яъни халққа боғлиқ эканини, халқсиз ишлар битмаслигини, давлат деган тушунча ҳам халқдан иборат эканини, халққа яхшилик қилмасдан туриб, халқнинг эҳтиёжини қондирмасдан туриб режаларини ўринлатолмаслигини ҳам ақлан, ҳам ҳиссан англаб етган, сезган улуғ иқтидорли одам эди. Котиб эди... Ким билан учрашмасин биринчи галда эҳтиёжини сўрариди. Илтимосини қондиришга урунариди. Кимдан қандай илтимосни эшитса, орқага сурмай бажаришга тиришариди. Шу сабабли бўлса керак, Парда акани кўчада учратганлар салом беришга шошилиб, ҳаяжонланиб қолариди. Ҳурмати, маъсулияти шу қадар юксак эди. Биринчи марта мени миробликка тайинла-

ганидаёқ тагимга от берганиди. У пайтлар ҳамма ҳам от минавермас эди. Қизиқ, одам ўзига бирор одамнинг назари тушса, яъни кимдир ўзига диққат - эътибор қилса, ўша одамнинг қурбонига айланиб қолар экан. Парда ака биринчи кундан эътиборан эътибор берди. Шунинг учун бўлса керак, тун - кун, эрта - кеч жонимни жабборга бериб ишладим. Ўзимни кўрсатишга урундим. Парда ака меҳнаткашлар орасида, мажлисларда ўрнимдан тургазиб, ҳаммага намуна қилиб мақтаганида хижолатдан букилиб қочиб кетишимга озгина қолган. Ахир, биз бундай мақтовларни илгари эшитмаганмиз-да.

Парда аканинг одампарварлигига тан бермасликнинг асло иложи йўқ: Буни мен сизнинг олдингизда кўр - кўронага айтаётганим йўқ. Кўрганимни, кузатганимни, тушунганимни ва ҳис қилганимни айтаяпман. Одамгарчиликда, оққўнгилликда, сахийликда тенгсиз эди, беназар одам эди. Билмайман, бундай одамлар нима учундир кам бўлади. Нимага кам бўлади? Районда Мегз Эдуард Алексеевич деган ҳосилат бўлариди. Ўзини доим ҳам арман деб айтариди, кейин билсак, у яхудий экан. Ўта шафқатсиз одам эди. Ўзи балони ҳам билмас эди, лекин халққа, меҳнаткашларга заррача ҳам шафқат қилмас эди. Кимнинг даласида озгина ўт ўсса, кимнинг даласи суғорилиши озгина кечиккан бўлса, ё ишга озгина кечикиб чиқса, дарҳол қамашга хукм чиқарар эди. Ҳамма ундан азроилдан қўрққандай қўрқар эди. Биринчи назоратчи бўлгани учун хамма айбдорни биринчи котибга етказар эди. Парда ака эса: "Яхши, ўзим кўриб, масаласини хал этаман...", дея Мегзни жўнатиб юбориб, қораланувчини озгина жеркиб қўярди-да, кичик мажлисда ўзи койиган бўлиб, ишига қайтарар эди. Мегзга: "Биродар, ҳаммани қамаб юборсак, дала ишларини ким бажаради? Партиямиз бизга мана шундай эзгуликни йўлга қўйишни ўргатаяпти...", деб тинчитар эди. Оқдарёда Парда ака келгунича қанчадан - қанча одам мана шундай сиёсий айбнома билан қамалиб ҳам кетган эди.

Тасаввур қилинг! Ўша кезлар меҳнаткашларга ширкатларнинг ўзи дон, гўшт, ёғни берар эди. Лекин беришга ҳеч нарса йўқ эди. Одамлар ишлаган иши ҳақига ҳеч нарса олмай, баъзан терган машоқлари эвазигагина кун кўришар эди. Урушгача, уруш даврида ҳам, нисбатан урушдан кейинги даврда ҳам шундай ҳол юз берган эди. Одамлар даладан қайтмас эди. Сигирга сув, ўт бермасдан соғаверсангиз, нима бўлади? Очдан ўлади. Бироқ ўша кезлар бу ҳақда бирор одам ўйлаб кўрмас эди. Далада пахта ё буғдойга сув вақтида қўйилмаса, ўт ўсса, халққа кун йўқ эди. Мегз айбнома ёзар эди. Бола - чақасининг етим қолишини ўйлаб кўрмас эди. Бу қандай дахшатли даврлар бўлган экан...Уйингда бир тишлам нонинг борми, йўқми, бирор одам қизиқиб кўрмас эди. Бу қийинчиликни биргина Парда ака тушунар эди. Силлиқлик билан халққа яхшилик қиларди, хар қалай қорнини тўйғазиш йўлини излар эди. Халқнинг тақдирини биринчи навбатга қўйган, сиёсатни иккинчи навбатга қўйган раҳбаргина доим эъзозда бўлади.

Ҳамон ўйлайман. Мана шундай оғир, қийин шароитда Парвардигор бизга Парда акани етказган экан. У пайтлар бу хаёл каллага келмаган. Мана энди келяпти...Демак, Яратганнинг ўзи доим банди мўминларнинг ғамини ер экан. Парда ака Оқдарёда ишлаганида бирор одамнинг бурнини қонатмади. Бундай куфр иш қилганини ҳеч ким билмайди. У пайтлар Оқдарёда турли - туман миллатлар истиқомат қилар эди. Жумладан мўлтонлар ҳам. Мўлтон деганимиз, Ҳиндистондан, Мўлтон деган штатидан келган халқ. Улар деярлик меҳнатни ҳуш кўрмайдиган миллат. Лекин Парда ака мўлтонларнинг ҳам кўнглига йўл топа олди. Уйларига кирди, бир пиёла чойини ичишдан жирканмади, одатда бошқа одамлар жирканиб лўлиларнинг уйига киришмас эди. Аслида улар ҳам мусулмонлар. Яхшига яхшилик қиладиганлардан. Парда ака уларнинг қўйнига қўл солиб, саховатини аямай, ўзбекка кўрсатган илтифотини

уларга ҳам баробар кўрсатиб, ҳурмат - эътиборини қозонди. Уларни меҳнатга жалб қилди. Ичларидан бирини бригадирликка сайлаб қўйди. Зевино ҳам қилди. Ана уларнинг ишлашини кўрсангиз. Бирор бригадир ёки ширкат ўша кез 17-18 центнердан ҳосил кўтармаган, мўлтонлар эса бундан ҳам ошириб юбориб Парда аканинг ишончини қозонди. Ҳар икки томоннинг ҳам ҳурмати бир - бирига кучайди. Мўлтонларнинг ҳаммаси ширкатга кириб ишлай бошлади. Ҳаққини ҳам вақтида олди. Парда ака мўлтонлардан ажойиб - ғаройиб деҳқонларни юзага чиқарди. Мана шу нуқтада ҳар бир бандаи мўминнинг Парвардигор олдидаги муқаддас бурчи, маъсулияти кўринади. Чин маънодаги мусулмонлигини кўрсатади. Миллатларни, тилларни Аллоҳ яратади. Демак, биз Аллоҳдан устун эмасмиз. Миллатларни айиришга мутлақо ҳақсизмиз... Айирсак, ажратсак гуноҳкор бўламиз. Парда ака, энди ўйласам мана шу муқаддас тушунча - туйғуни ўша кездаёқ англаб етган, ҳис қилган экан, биз тушунмай, ҳис қилмай Яратганга баъзан ширк келтирган эканмиз... Ана бу улуғликка нима дейсиз?...У зот ҳеч кимга озор бермади, бирор одам ҳам у кишига озор етказмади... Мана исломнинг ягона ақидаси...

Парда ака Эрназаров Хотам деган одамни Мегз деган яхудий билдирмай қамаб юборганида, елиб - югуриб қамоқдан чиқариб олгани эсимда. Хотам раҳматли йиғлаб, Парда аканинг оёқлари остига йиқилганини ҳам яхши эслайман. Мутлоқо қашшоқ, бирор ерда суянчиғи бўлмаган Абдураҳим Абдуқодировни оддий меҳнатдан, Парда аканинг ўқитиши, етаклаши туфайли мактабга директор даражасига кўтарилганини ҳам биламан. Яна бир шогирди Элибой Қорабоев эди. Парда ака у кишини алоҳида меҳр билан тарбиялаган, ўқитган, ўзи ишларга кўтарганиди. Лекин мевасини ўзи кўролмади. Элибой Қорабоев кейинчалик меҳнат қаҳрамони даражасига кўтарилди.

Парда аканинг кўп шогирдлари ҳозир ҳам Даҳбетда бор. Улар ҳам тўқсон ёшларга яқинлашиб қолди. Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган пахтакор, янглишмасам исми Фармон эди. Ўша шогирдлари ҳам ҳозирги кунларда устозларини ҳурмат билан эслаб, ҳаққига дуо қилиб туришади. Парда аканинг яна бир яхши ҳислати: Мактаб, маданият ишларига алоҳида эътибор берар эди. Қаердан ўтса, кайси йўлдан ўтса, ўша ўтган ерида, ўтган ариғи ёки кўчасида нимаки етишмаса, ўшани дарҳол хашар йўли билан бўлса - да, қурдирар эди, ёки тузатар эди. Ариқларга кўприклар, йўлларга тошлар ётқиздирарди. Ҳеч нарса у кишининг диққат - эътиборидан қочиб қутилмас эди. У киши катта пахтакор, деҳқон, қурувчи, маърифатчи, маданиятчи эди. Айни пайтда меҳрибон раҳбар эди. У киши жаннати бўлди. Қиска умр кўрди, бироқ мана шу қисқа умрида узун умр кўрганларнинг ҳизматини тўла - тўкис бажариб кетди. Парда аканинг бетобланиб қолганини эшитганларнинг кўзларидан ёш аримади. Беллари букилиб ҳам қолди. У кишининг халқдан, яъни қариялар, етим - есирлар, сағирлардан олган дуолари чин маънода ижобат бўлди. Эшитишимизча фарзандлари ҳам илмли кишилар бўлиб етишибди. Ўғиллари ҳам, қизлари, набиралари ҳам Парда акага ўхшаш раҳмдил, меҳрибон бўлиб етишганмиш. Илоё, фарзандларининг ҳам умрини берсин. Оталарига ўхшаб саховатли бўлишсин! Шундай қилишса, оталарига раҳмат келтиради, ўзлари ҳам кам бўлмайди. Умр киска, бир зумда ўтиб кетади. Аммо қилинган яхшиликларигина қолади. Яратгандан яхшиликларига мукофот олади, агар кимгадир озор берса, бунга ҳам жавоб олади...

Ҳар бир бандаи мўмин бу икки эзгуликни унутмаслиги керак...

Яхшилик жаннатга элтади, ёмонлик эса дўзохга олиб киради...

Илоё, Парда ака, у зотнинг аёлларини, бевақт кетган фарзандларини ҳам Парвардигор раҳматга олган бўлсин, Сиз ёзувчи, олим болаларини ҳам доим Аллоҳ

қўллаб - қуватласин! Менинг ёшимга кириб, менинг ёшимдан ҳам ошиб, тинч - омон юраверинглар! Омин!

Ҳурматли китобхон! Мана шу нуқтадан қаҳрамонимиз Зомин тупроғида туғилгани, вафот этганини, ҳалққа қилган хизмати ҳам шу тупроқда ўтганини ҳисобга олиб озгина яна Зомин туманининг тарихига тўхталамиз.

БЕРУНИЙ ГУВОҲЛИК БЕРАДИ

Қомусий олим, бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний ҳазратларининг номи ҳам Зомин тарихи билан боғлиқ кечмишларнинг асосчиларидан бири, десак янглишмаймиз. Унинг энг йирик асари - астрономик асари буюк шарқ султонларидан бири Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли, Ғазнавийлар сулоласининг давомчиси Султон Маъсудга бағишланган эди. Ана шу асарда Боталимусни улуғ Юнон олими Птолимей фан аҳлининг пешвоси деб аталади. Боталимус "Жуғрофия" номли асарида қадимий шаҳарлар, жумладан Ўрта Осиёнинг Бухоро, Самарқанд, Кос, Бинкент, Шош, Фароб, Қулоб, Фарғона, айни пайтда Зомин каби шаҳар ва вилоятларнинг жуғрофий координатларини келтиради. Агар Клавдий Птолимей эрамизнинг иккинчи асрида Искандарияда яшаб ўтган қадимги Юнон эканлигини назарга олсак, Зоминнинг "Зомин" атамаси бундан 1800 йил илгари ҳам маълум эканлиги тарихда асосланган бўлади. Беруний "Қонуний Маъсудий"да Зоминни бешинчи иқлим шаҳарлари қаторида кўрсатади. 89 замон, нолинчи минут узунлик ва 40 даражада, 20 минут кенглик дея жуғрофий ўлчамларда белгиланган. Демак, Зомин Беруний ҳазратларининг даврида ҳам беҳад нодир шаҳарлардан бўлган.

Худди шу давр қўлёзмалари, жумладан араб олими Мукаддасий (X - аср) Зоминнинг араблар келишигача (VII - аср) мавжуд бўлганлиги ва Усрушонанинг йирик шаҳарларидан бири эканлигини ҳам эътироф этади.

983 йили номаълум муаллиф томонидан ёзилган, яъни исм - шарифи тушиб қолган муаллиф томонидан ёзилган "Худуд - ул олам" асарида Зомин ва Жиззах ҳақида ҳам баъзи бир маълумотлар бор. "Зомин Усрушона шаҳарларидан, Ҳўжанд билан Фарғона йўлида, мустаҳкам қўрғони бор. Жиззах - кичик бир шаҳар. Бу ерда кунда бозор бўлади. 100 минг динорлик савдо қилинади... Сув бўйида. Унинг ёнида Марсапонда номли бир жой мавжуд..."

ЙИГИРМА ЕТТИ ЎЛКАНИНГ БИРИ

Туркийлар дунёсининг улуғи , буюк бобомиз Амир Темур Тарағай Боҳодир улуғ Темурийлар давлатига асос солди. "Биз ким, турки Турон, Амири Туркистонимиз. Биз ким , миллатларнинг энг қадимийси ва энг улуғи - Туркнинг бош бўғинимиз ...", дея каромат қилган бобомиз, ҳазрат Амир Темур Москвадан тортиб Ҳидистондаги Ганг дарёсиганча, Тенгритоғ - Ўролдан тортиб шомгача ястаниб ётган улкан жуғрофий худудни, халқи ва элатларининг бирлаштириб улкан мамлакатга асос солди. Ва у: "Қимматли баҳодирлар соясида 27 ўлканинг ҳоқони бўлди" дея фахр ва ғурур билан тарихга ўз сўзини муҳрлаб кетган эди. Бу ўлкалар: Турон, Рум (ҳозирги Туркия мамлакати) Мағриб, Сурия, Миср, Ирок, Араб, Мазандарон, Кейлон, Ширвон, Озорбайжон, Форс, Хуросон, Жида, Буюк Татаристон, Хоразм, Хўтон, Қобулстон, Бохтар, Зомин, (эътибор Беринг - "Зомин"!) Ҳиндистон, Дашти, Қипчоқ, Оқўрда, Гуржистон ва Олтин Ўрда...

Тенгсиз жоҳонгирнинг тилига тушган ўша кезги Зомин тупроғи қаерлар билан чегараланар эди? Туркистон ва Маргузар тизмасининг шимолий этакларини Ховос, Ўратепа, Шаҳристон, Жиззаҳгача, бутун Мирзачўл, Чиноз, Фориж...

Соҳибқирон охири Ҳитойга қилган сафарига ҳам шу йўлдан ўтганлиги маълум.

"БОБУРНОМА"даги Зомин зикрида.

Бобур Мирза "Бобурномада": "Успушона Умаршайх мирзо тассаруфида эди", дея зикр этади. Демак, отаси Умаршайх Султон Ахсида вафот этгач Успушона отаси шоҳлик қилган бутун мамлакат ўғлига ўтади. Лекин бу мамлакатга шоҳлик қилиш Бобур Мирзога абадиётга насиб қилмайди. Зомин ҳам, Бобур мазкур асарида Зоминнинг ва ён - атрофдаги кентларнинг табиати ва мулки хусусида ёзади. Султон Умаршайхнинг отаси Султон Аҳмад Мирзо ҳақида зикр этади: "Тўрт масоу урушда. Аввал Шайх Жамол арғуннинг неъмати арғувон билан урушиб, Зомин навҳасида Оқар тузида ғолиб бўлди. Яна бир марта Умаршайх Мирзо урушиб Хавасда ҳам ғолиб бўлди..."

Зоминнинг шимолида ҳозирги "Оқар" ширкати хўжалиги худудида маҳаллий аҳоли томонидан ҳозир ҳам "Оқар" деб аталади. "Оқар тузи" - дашт, "шўрхок дашт" маъносини беради. 1495-96 йиллар воқеаларини қаламга ола туриб Бобур "Ҳамза Султон Зоминдан ижозат бирла Самарқандга борди...", дейди. Бобур бу сатрларни ёзаётган паллада Маҳмуд Султон Ҳамза Султонга Зомин ҳокимлигини берган шекилли.

Орадан 3 йил ўтиб 1488-99 йилларнинг қишида воқеалар яна қаламга олинади: "Самарқанд ва Андижон муқарраран юришиб, иш ечилмай, яна ёниб Хўжандга келдик. Маҳмуд Ҳусайн Кўрагон Дуғатиким, Ўратепада эди. Самарқандга эришмак доираси бирла анга кишилар юбариб, сўзлашди. Ёр яйлоқ кентларидан Пашоғорниким, Ҳазрат Хожанинг мулки кентларидандур, бу фаторотта анга таалуқ бўлиб эди, бу қиш орияти келгунча эврушгаймиз. Муҳаммад Ҳусайн Мирзо ҳам рози бўлди. Хўжанддан отланиб Пашоғорга мутаважжиҳ бўлдим. Зоминга етгач фурсатда иситгим. Бовужуди истма Зоминдан отланиб илғор қилиб, тоғ йўли билан ўтириб, Работи Хожанинг устига келдиким, ғофиллоқта шоту қўйиб чиқиб, Работи Хожи қўрғонигаким, Шов-

дор туманининг оруғанишини улдур олилиғай..."

"Ёр яйлоқ кентларидан Пешоғар" бўлмиш Кент қишлоқ ҳозирда ҳам бор. "Хазрат хўжа"нинг мулкий кентларидан деб аталган бу қишлоқ ўша замонларда анча ичкарироқда, тоғнинг бағрида жойлашган эди. Бугунги кунда кўпчиликка маълум Хожа Ахрор Валийнинг (XV - аср) Ўрта Осиёнинг турли ерларида 1300 мулки ерлари, кентлари мавжуд эди. Пешоғар ҳам шундай мулкий кентларидан бири эди. "Ёр яйлоқ" бизнингча Зомин ва Жиззах оралиғидаги кенг тоғнинг бағри, ўша замонларда ана шундай номланган, шекилли. Бобур 1501 йили Самарқандни қўлдан бой берганидан кейин Илон ўтди билан "Дизак" - Жиззахга келиб, ҳоким Ҳафиз Муҳаммадбек дўлдойнинг ўғли Тоҳир дўлдойнинг меҳмони бўлиб, дам олади.

Бобур замонида тилга олинган ва Зомин тоғларига таалукли дея эътироф этилган юкоридаги жой номлари қаторида Ём, Қўлба уланги, Муғ, Бўрка яйлоқи, Сангзор, Работи Хожа каби "Бобурнома"да, учровчи, аммо бугунги ўрни баҳсталаб атамаларни ҳам келиштириш мумкин.

***

Бу тарихни титкилаш ва ёзишдан мақсад - қаҳрамонимизнинг қайси наслданлиги, қайси улуғ мамлакатларнинг фарзанди эканлиги, бугунги кунда оддий туман деб келаётган Зомин тарихда қандай улуғ шаҳар бўлгани ва улуғ шаҳарлар қаторида тургани ва улуғ зотлар Амир Темурдай, Бобурдай зотларнинг назарида бўлганлигини айтишдир. Демак, қадимий ва улуғ шаҳарларнинг қадимий кишилари - аждодлари ҳам бугунги кунларга улуғ ҳисса қўшганлиги ва улуғ фарзандларини - авлодларини қолдирганини эътироф этишдир. Шу билан бирга орадан кечган бир кун ҳам эртага тарихга айланиши ва бу тарихга мансуб кишилар ўз тарихларини билишлари шартлики, яъни ўзлари яшаб меҳнат фаолиятини

кўрсатаётган юртларининг тарихини билишлари зарурлигини, шу билан фахрланишга, ғурурланишга ҳақлилигини ҳам эътироф этиш билан бирга, яқин ўтмишда ва ватанига, юртига улуғ ҳизматларини аямаган ва авлодларига баҳоли қудрат ҳизмати қилингани ва бу ҳизматлар бугунги кунда ўз самарасини кўрсатаётгани, яъни улуғ олимлар, тарихчилар, шоиру ёзувчиларни юзага чиқараётгани, етиштираётганини ҳам фахр билан тилга олиш, зикр этиш ва эртанги тарихга айлантиришдир...

Тириклик - Парвардигор етишлик имконияти экан, бу имконият жараёни ҳам тарихга айланиши керак. Бу фаолиятда гўзал феълли, гўзал табиатли қахрамонимиз, яъни Отахонимиз Парда Умурзоқ ўғли ҳам бор... Улар вояга етказган ва жон - танлари билан меҳр қўйиб улғайтирган ва ҳозир Ўзбекистоннинг, ватанимиз, миллатимизнинг фахрига, ғурурига айланиб келаётган ўғил - қизлари ҳам бор...

ПАРДА УМУРЗОҚОВ ҲАҚИДА САИД ОТА МАМАТҚУЛОВ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Мен "даҳо" сўзининг мазмун - моҳиятини унчалик тушунмайман. Аммо, лекин эшитишимга қараганда фозил, оқил, иқтидорли, истеъдодли кишиларнигина, улар орасидан ҳам саралганини "даҳо" дейишар экан. Яъни фанда, илмда, санъатда, ёзувчиликда, шоирликда, олимликда, кашфиётчиликда, ихтирочиликда камёб бўлган улуғ зотларнигина шу сўзларга таққослашади. Улуғлар кўп бўлиши мумкин, бироқ даҳолар кўпчиликни ташкил этмайди. Даҳолар бармоқ билан санокли даражада кам бўлишини ҳам эшитганман. Парда Умурзоқов ҳақида шу сўзни ишлатишдан асло қўрқмайман, ийманмайман. У зот чиндан ҳам даҳоларга хос хислатга, саховатга, олижанобликка, иқтидорга, истеъдодга эга одам зотидан эди.

Отам Маматқул Умурзоқов билан Парда Умурзоқов бирга ишлашганиди. Отамни беҳад севариди ва отам ҳам бу зотни ўзи ўйлагандан ҳам ортиқроқ ҳурмат қилариди. Баъзан отамни Парда ака суйганидан "ота" ҳам деб қўяриди. Мени кўриши билан: "Эй, отамни ўғлимисан?", дея алоҳида мулозамат кўрсатариди.

Отам Маматқул Умурзоқов "Қизилой" колхозини ташкил этиб, ўзи шу колхозда 30 йил раислик қилди. "Қизилой" колхозини совхозга айлантирди, яъни меҳнаткашларни доимий равишда маош билан таъминлаш ниятида шундай қилган эди. Отам 91 йил умр кўриб сўнг бандаликни бажо келтирганиди. Бобом эса 93 йил яшади.

Парда Умурзоқов ҳақида гап кетганда тинчликда, саромжонликда гапириб, ёки тинглаб бўлмайди. Танангизга титроқ киради. Кўзларингизга ёш қалқийди. Яхшиликкина одамни ҳаяжонлантиради, таъсирлантиради. Ёмонлик эса одамни нафратлантиради, ғазаблантиради. Кўпчиликка нафи текканлар табиийки жаннати одамлар. Яхшилик қилганларнинг соғлиғи доим ҳам меъёрида бўлади. Сабаби: ўзи бировга ёмонлик қилмайди, ёмонлик қилмаганидан кейин кайфияти бузилмайди, бошқанинг ҳам кайфияти бузилмайди. Демак, ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам соғлиги яхши бўлади.

Парда Умурзоқов Худо ёрлақаган, танасига, юрагига яхшилик уруғини сепган Худоназар одам эди. Фақат ва фақат яхшилик қилишни, саховат кўрсатишнигина ўйлар эди. Эрта - кеч кимнингдир дардига шерик бўлиш, ўзганинг дарди билан ёниш, ўртаниш унга одат эди. Яхшиларнинг яхшилиги билан қувонар эди. Ёмонлик билан, ёмон одамлар билан ўтирганда ёки бирор ишга қўл урганида сиқилиб қолар эди, оғир изтироб ҳам чекар эди. У зот Зоминга биринчи котиб бўлиб тайинланганида омади юришди. Толеси кулиб боқди. Дала ишлари ҳам, пахтачилик ҳам, боринки ҳамма соҳадаги юмишлар бирдан ривожланиб кетди. Ғалла ҳам, пахта мўмай ҳосил берди. Ҳосил мўл бўлганидан кейин ҳалққа ҳам ғалла,

маош бериш имконияти туғилади. Раҳбар кўлини қаерга чўзса, етади. Ер тўймаса, эл тўймайди. Эл тўймаса ҳамма тўймайди... Назаримда Парда Умурзоқов мана шу мақолни, унинг моҳияти - мазмунини жуда ҳам яхши англаб етган эди. У киши биринчи котиб бўлиб Зоминга тайинлангандан кейин зоминликларнинг ҳаёти сезиларли даражада юксалишига юз бурди. Халқнинг дастурхони нонга, мевага, сабзавотларга тўла борди. Янги мактаблар биноси қад ростлади. Маданият саройи, маърифат масаласи, маориф масаласида ҳам бир мунча ўзгариш, кўтарилишлар содир бўлди. Яхши котиб доим ҳам биринчи галда маорифга, маданиятга, таълимга, шифолаш масалаларига диққат - эътиборни қаратди. Хой - ҳой, эсласам, ёқамни ушлайман. Одамнинг ҳам ухламайдигани, тиниб - тинчимайдигани бўлар экан. Биз буни Парда Умурзоқовнинг тимсолида кўришга мушарраф бўлганидик. Қачон қарасанг далада. Одамлар даврасида, иш устида эди. Ухламай ишлаб чарчамаганига ақл танг қолар эди. Одам уч - тўрт кун ухламаса, бетобланиб қолиши мумкин. Лекин Парда ака толиқмас эди, бетобланмас эди... Ҳаммaнинг оғзида шу гап айланар эди ўша кезлар.

Мен мактабни битириб, институтга ўқишга кирдим. Битирганимдан кейин эса мактабга муаллим бўлиб ишни бошладим. Парда ака орқаворатдан мени кузатиб юрар экан, тез орада мени мактабга директор қилиб тайинлади.

Шу тариқа у кишининг назоратига ўтдим. Парда ака ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган, ақлига сиғдиролмайдиган бир ишни амалга ошириб ҳамманинг фикрини қарам- ром этган эди. Ўша кезлар колхоз ишлари фақат от - эшак, хўкизлар билан битар эди. Ғаллани от - эшакда ташланар эди. Бу билан эса режаларни бажариш оғирлашиб кетар эди. Шу пайтда Парда Умурзоқов ҳеч кимнинг бошига келмаган ва сиғмайдиган улуғ бир ишни - ташаббусни амалга оширди. Зоминда Файзуллоҳ де-

ган ҳисобчи яшар эди. Маблағ билан таъминлади. Россиядан тахта арава олиб келинди. Бутун бир районга, ғалла, пахта ташлашга етадиган арава ҳам олиб келинди. Буни кўрганлар ҳайратдан ёқаларини ушлашди. Балки ўша кезлар бошқаларнинг район биринчи котиблари ҳам шундай ишларни, ёки ташаббусларни амалга оширгандир. Буни биз билмасдик. Аммо бизнинг районда амалга оширилгани ҳалқнинг ҳайратланиш, тааж-жубланишига сабаб бўлди. Бу иш чиндан хам янгилик эди. Ҳамманинг ҳам ҳаёлига келавермайдиган иш эди.

У киши серғайратлиги учун аввал Зомин районига, сўнг Оқдарё районига биринчи котиб этиб тайинланди. Чамаси бу воқеа 1949 йили содир бўлган эди. Орадан анча вақтлар ўтиб биз зоминликлар пахта териш учун Оқдарёга ўқитувчилар, ўқувчилар билан бордик. Бизни у кишининг ўзи кутиб олди. Раисларга: "Булар менинг ҳамшаҳарларим. Менинг ҳурматим учун бу ерга теримга келишди. Яхши қаранглар", дея тайинлаб кетди ва хар куни хол - аҳволимиздан хабар ҳам олиб турди. Жой билан, озиқ - овқат билан аъло даражада таъминлади. "Отамнинг ўғлисиз" дея уйига, меҳмонга ҳам таклиф этди. Алоҳида мулозамат кўрсатди.

Биз Оқдарёга теримга борганимизда, оқдарёликлар билан суҳбатлашганимизда ҳамма бир оғиздан Парда Умурзоков биринчи котиб бўлиб келганидан кейин чин маънодаги тўкинчилик бўлганини қувонч билан, ғурур билан, фаҳр билан гапириб беришди. Халқ билан бирга ишларни аъло даражада йўлга қўйган экан. Кўп камбағаллар, сағирларни уйлантирган, жойлантирган, бошини силаган экан. Айниқса етим - есирларнинг раҳмини ортиқча еган дейишади. Оқдарёликлар у кишининг кўрсатган илтифотини, мурувватини бири куйиб, иккинчиси қўйиб бошқаси мақтагандан мақтар эди...

Бундан илгари Ғаллаоролга ҳам биринчи котиб этиб тайинланган эди. Ғаллаораликлар ҳам Парда акадан беҳад миннаддорлигини орқаворотдан эшитган эдик.

Парда Умурзоқовга Худо саховатини аямаган эди. Кимнинг фарзанди, қанақа одамнинг фарзанди, ўзи ким, нима қилган, нима билан шуғулланганлиги билан асло қизиқмас эди. "Ўзбекистоннинг фарзандими, Амир Темур, Навоий, Берунийлар туғилган ватаннинг фарзандими, етади. Ўқитамиз, ишга кўтарамиз", деган тушунча билан иш кўрар эди. Иқдидорли, истеъдодли йигит - қизларни дарҳол эътиборига олариди. Зоминлик йигитлардан, яъни қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассис бўлганларни Парда Умурзоқов Ғаллаоролга, Жомбойга, Бахмалга, Норпайга, Булунғурга, Пойарриққа тарбиялаб, ишларга кўтарди. Хатто биринчи котиб даражасига олиб чиқди. У киши юрист кодрларни ҳам саксондан ортиқроғини турли ерларга ишларга жойлади. Аввал ўқитди. Мана шу шогирдларини қаерга ишга кўтарган бўлса, ёки ишга тайинланишига сабабчи бўлса, ҳаммасини беминнат қилди. Бирор манфаатсиз қилди. Парда Умурзоқовнинг отаси ҳам кўп саҳоватли, ўзининг яхшилиги билан халқ тилига тушган одам дейишариди. Ўша қилган яхшиликлари, кўрсатган саҳоватлари вақти билан фарзандларига қайтди. Ўқимишли бўлди. Катта лавозимларда ишлашди, ишлашяпти... Фарзандлари ҳам қўлларидан келган хизматларини халқдан аямай беминнат яхшилик қилиб келаётир... Оналари ҳам шундай саҳоватли инсон эдилар. Отаси билан онасининг барча яхши сифатлари фарзандларига тўлалигича кўчди. Парда Умурзоқовнинг фарзандлари орасида икки фан доктори, икки фан номзоди бор.

Тўсатдан Парда ака бетобланиб қолганини эшитдим. 50 ёшни тўлдирмай ногоҳоний бандаликни бажо келтирди. Маълум бўлишича кўричак бўлган экан. Қаранг, арзимаган бетоблик. Ҳозир кўричакни ярим соатда олиб ташлашади. Тақдир экан. Унинг жасадини Зоминга олиб келишди. Вилоятнинг биринчи котиби Норқобулов Нор деган киши эди. Маросимда ўзи қатнашди. Нутқ ҳам сўзлади. Одам тумонат йиғилди. Ўша кунги қайғу, ҳас-

ратни айтиб адо қилиб бўлмайди. Ўзи туғилган саккиз - тўққиз чақрим ердаги Муғол қишлоғига дафн этишди. Одам яёв анча масофага тобутни елкаларида кўтариб боришди. Ота - боболарининг хилхоналарига кўмишди. Мусулмончасига қонун - қоидалар билан дафн этишди. Яширинча жаноза ҳам ўқишди. Лекин бир кўнгилсизлик ҳали ҳам ёдимдан кўтарилмайди. Ўша кезлар "Қизил Ўзбекистон" деган газетада Салим Каримов деган муҳбир ишлар экан. Ўзи самарқандлик экан. Парда Умурзоқов дафн этилганидан кейин уйига: "Вой акам! Туғишгандай акам эди! Дафн этиш насиб қилмаган экан!..", дея йиғлаб, дод солиб киради. Даврадагилар чиндан ҳам бу одамга яқин экан, деган фикр билан ачинишади.

Сал ўтмай Салим Каримов: "Биз ўзбеклармиз, мусулмонлармиз. Парда акамни қандай қилиб дафн эттингиз", дея одамларнинг кўнглига қўл солади. Ҳеч кимдан дафн ҳақида аниқ гапни эшитолмаганидан кейин қабрни очтириш, қандай дафн этганлигини кўришга, сўнг топширилган жойига ахборот беришга, бел боғлаганида, ғазабга минган халқ уни шармандаларча хайдаб юборганини кўпчилик ўз кўзи билан кўрган. Орадан ҳеч қанча ўтмай ўша дафн борасида "Қизил Ўзбекистон" газетасида кўнгилсиз бир хабар босилади. Эшитишимизча орадан бир неча йиллар ўтиб Салим Каримов ишдан хайдалиб, хор-зорликда вафот этган экан...Майли, у кишини ҳам Худо раҳмат қилган бўлсин. У дунёнинг азоблари ҳам бор. Бу дунёда кўрмаганини, албатта у дунёда кўради. Парвардигор ўчкор. Ўчини олмай қўймайди...Бу борада биз умримизда ўнлаб, юзлаб мисолларни кўрдик.

Парда Умурзоқовнинг аёллари Ҳосият аянинг гўзал феълларини айтмайсизми. Бутун умр топган пулларини етим - есирларни, камбағалларни, сағирларни уйлантиришга, жойлаштиришга сарфлаб юборди. Давлат йиғмади. Укасини уйли - жойли қилди. Саккиз фарзандини

ўзи ўқитди. Илмли қилди. Ҳосият ая фарзандларини ҳам эъзозлади. Ўқишига, турмушга чиқишига ҳам астойдил кўмаклашди... Ҳосият ая тоғасининг қизи ...Икки саховатли дарёнинг бир нуқтада бирлашгани ҳаммани ҳайратга солар эди...

- Саид ота! Неча ёшга чиқдингиз? - дея сўрадим. У киши одатий жилмайиши билан менга термулиб тураверди. - Саволимни иккинчи бор такрорлаганимда жавоб беришга қўрқаман... - дея ҳазил билан гапини давом эттирди. - Чунки ўртоқларим менинг ёшимда кетиб қолишди...Менга ҳам юр дейишган эди, мен йўқ, ҳозир бормайман. Менга жой тайёрлаб тураверинглар", дедим. Мен шошмайман. Отам 91 ёшда, бобом 93 ёшда бандаликни бажо келтирди. Мен ҳам бобомнинг ортидан қувиб бораман... ҳозирча ер тагига киришни ҳоҳламайроқ турибман...

Ичакларимиз узилгудай қаҳ - қаҳ этиб кулишдик. Саид ота чиндан ҳам ҳазилкаш, олийжаноб инсон. Одамнинг меҳнатини қадрлайдиган инсон. У киши ҳам мактабда директорлик қилганида кўп қурилишлар, маърифат - маънавият борасида яхши ишларни амалга оширган эканлар. Газеталарда ҳам мақталган экан. Парда Умурзоқовни ҳозиргача устози деб билади. Парда Умурзоқовга нисбатан "даҳо" сўзни ишлатишни, такрорлашни хуш кўрарди.

Қилинган яхши ишлар эртами - кечми барибир юзага чиқади. Халқ уни юзага чиқарди. Ёмонлик ҳам юзага чиқади. Уни ҳам халқ юзага чиқаради. Яхшиларнинг фарзандлари ҳам юзага чиқаради. Тарих юзага чиқаради. Парда Умурзоқовни халқ ҳам, тарих ҳам барибир юзага чиқарди. Бу ҳам мутлақо табиий ҳол...

ЗОМИН ТАРИХИ ҲАҚИДА ОХИРГИ ИЗЛАНИШ

Пишағар қишлоғи устида жойлашган улкан Ғор тафсилотлари ва антик давр тарихчиси Курцийнинг "Ахримаз қоялари" ҳикоясида келтирилган жой ўрни юзасидан ўхшашликларни қиёсласак қуйидаги ўхшашликларни кўриш мумкин. Солномада ёзилган 30 стадий баландлик ҳозирги Пишағор қишлоғидаги йилқичилик базаси ёнгинасида қад ростлаган қояли тоғлар ва шу тоғ этагидан қорағзигача бўлган масофага нисбатан тақосланганда тўғри келади. Ҳақиқатдан ҳам бу масофа беш километр атрофида. "Ўтиб бўлмас қоялар" ҳам шу ерда, фақат эпчик тоғигача, тоғ тепаларига чиқиши мумкин. Тоғнинг қояли қисмининг айланаси йигирма километрдан ортиқроқ. Бу Кацийнинг 150 стадийсига анча яқин. Бу тоққа фақатгина сўмсоқ орқалигина чиқиш талаб этилади. Бу ердаги ғор ҳам юқорида ҳикоя қилингани каби ўттиз минг лашкар сиққан афсонавий ғорга монандир. Гап яна қадимий замон тупроғи ҳақида кетаётир...

Ғор билан боғлиқ яна қатор хужжатлар мавжудки, улар ҳақида ҳам тўхталмасликнинг иложи йўқ. Хитой манбаларида Усрушона "Цао" ёки "Су - дайшана" деб юритилган "Тан - шу" манбасида айтилишича, Ши - Тошкент ва Канн - Самарқанд шаҳарларигача бир хил масофада бўлган. "Йе - ча" шаҳрида маҳкам беркитилган ғор бор. Бу ғорда йилига икки марта қурбонлик қилинган. Одамлар ғор оғзида туриб юзларини ғордан чиққан тутунга тутишган. Тутун қурбон қилаётганларнинг турли бало - қазолардан асрайди, деган ақида бўлган.

Эрамизнинг 618-626 йиллари Судуйшанада ёш ҳоким бўлиб Канн ҳокими билан бирга Хитойга элчи бўлиб боради. Бу пайтда Су - ду шаҳри ҳам Судуйшанага қараган. Хитой тарихчиси Сюань - Узан бу ўлкани Су-

тулисен деб атаган ва унинг худудини 1400-1500 ли Чоч - Тошкент ўлкасидан 1,5 баробар узун. Урф - одатлари, удумлари ҳам чочликларга - тошкентликларга ўхшайди. Сутулисенда шоҳ бўлганидан бери бу ўлкада туркlар яшашган. Шимол - ғарби томонидаги ўсимликсиз ва сувсиз, чўл йўли - Мирзачўл бўлганлиги аниқ.

Туркистон тизмасининг ғарбий қисми - Моргузорнинг шимолий ёнбағрида, Зомин - Жиззах автомобиль трактининг пастки Пишағар қишлоғидан ўтиш чорраҳасидан 20 километр жанубда, Пишағарсой ирмоғи Дўлана қудуқсойнинг ўнг томонида жойлашган ғор хусусида фақат кексаларигина билади. Бобур "Бобурномада", "Пишағар", "Зомин", "Работи Хожи" каби "кент"лар номини қайта - қайта тилга олади.

"Пишағар" - қишлоғи номининг этимологияси хусусида гап кетса, жой номи тарихи, маъносини ўргатувчи топономия фанининг етакчи олимлари маҳаллий аҳоли ўртасида "Пишағар"нинг "Беш оқар" сув тарзида тилга оладилар. Аммо "Пишағар"нинг "Пишағар" - ғор оғзидаги ёки этагидаги маъноси ҳам бор. Қишлоқ ичидан оқиб ўтадиган сув "беш оқар", эмас, балки "бир оқар" - бир сойнинг "Хўжаи Сароб" сувининг боши деб номланган жойдан бошланувчи Пишағарсойнинг суви, "беш жилға" дан эмас, қиш, баҳор мавсумида юзлаб жилғаларидан йиғилади. "Пишағар" асли "Пишағор" деб юритилган ва даврлар ўтиши билан ўзгарганлиги аён.

Гап яна Зомин тупроғининг тарихи ва асосланиши ҳақида кетаётир.

* * *

Абдусаид билан Оқдарё туманига қарашли Лойиш шаҳридан чиқиб Дўлон ота билан узоқ сухбатлашганимиздан кейин Самарқанд шаҳрига қараб йўл олдик. Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи Парда Умурзоқовнинг 1946 йилда туғилган тўртинчи фарзанди Тожиҳол Умурзоқованинг уйини қидириб топдик. У кишининг уйида шу кунларда таъмирлаш ишлари давом этаётган

экан. Тожиҳол опа озгина жисмоний паришонлигига қарамай бизни самимий кутиб олди. Асосий яшаш уйининг айвонларида у киши билан омонатгина ўтириб, омонатгина суҳбатлашдик. Тожиҳол опа бизнинг Тошкентдан келганимиз, укалари Ўктам Пардаевичнинг илтимоси билан қадам ранжида қилганимизни айтганимизда беҳад қувониб кетди. Айниқса отаси Парда Умурзоқ ўғли ҳақида китоб ёзилаётгани, яъни у кишининг тарихи тикланаётганидан хабардор бўлганларидан кейин кўзларидан дувуллаб ёшлар тўкила бошлади. Анча вақтгача кўз ёшларини тиёлмай, бошини экканича ғамга чўмиб ўтирди. Гўё бирор айбдор иш қилиб қўйганидай бир мунча вақт бошини кўтариб, юзимизга қарашга ҳам журьат этмади.

Бу холни ва кечаётган манзарани кузатиб туриб, сукут сақлаган холда Тожиҳол опанинг оталарини жуда ҳам соғинганини, оталарига ҳаддан зиёд ичикканликларини, яъни оталарини беҳад севганликларини, ҳозир эслаш билан ўша қизлигидаги меҳр - мухаббати сиртига тепиб кўз ёшларини тўкиш, йиғлаш билан изхор қилганликларини англаб, ҳис қилиб опага ўзини тутиб олиш учун озгина имкон бердик. Яна бир неча дақиқалардан кейингина опа биз билан суҳбатга кириш ниятида эканлигини бош ирғаш билан англатди.

***

- Мен 1946 йили Парда Умурзоқов ҳонадонида тўртинчи фарзанд бўлиб дунёга келганман. Зоминда туғилганман. Отамнинг биринчи фарзандлари Ойсара Пардаевна 1931 йилда таваллуд топган. Иккинчи фарзанди Мелихол... Отамнинг учинчи фарзандлари Тошпўлат Пардаевич 1944 йилда туғилган. Олтинчи фарзанлари эса Дилбар Пардаевна 1952 йилда дунё юзини кўрган. Ойсара опам Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб фалсафа фанлари доктори унвонига сазовор бўлган аёллардан. Тошпўлат акам техника фанлари

номзоди. Кўп йиллар Сирдарё олийгоҳида ўқитувчилик қилган. Мен уй бекаси бўлиб, болалар тарбияси билан шуғулландим. Ишлай олмадим. Синглим Дилбар Тошкентда яшайди. Низомий номли педагогика институтида чет тилидан дарс бериб келди. У ҳам чет тилидан фан номзоди. Яна икки укам бор, бири Илҳом Пардаевич ва иккинчиси Ўктам Пардаевич. Илҳом кўп йиллар масъул ишларда ишлаб келди. Ўктам эса асосан олимлик билан шуғулланди. Ойсара опамизга ўхшаб фан доктори унвонини олиш бахтига муяссар бўлди. Ўктамбой беҳад гўзал феълли йигит. Олижаноб йигит. Бирор одамнинг кўнглини бирор вақт қолдирмайди. Камбағалларга, ночорларга имкон қадар ёрдам қилиб келади. Ўктамбой билан ҳам, акаларим, синглим, опам, Илҳомбой билан ҳам фахрланаман. Ғурурланаман... Холимиздан хабар олиб туришади.

Мана шу отамизнинг фарзандларининг маъсул ишларда ишлагани, бугунги кунда ватанимизга, ҳалқимизга қўлларидан келаётган хизматларини бажонидил бажараётганидан ҳам отамизнинг мазмун - моҳиятини чуқур англаб етиш мумкин, - дея суҳбатини давом эттирди Тожиҳол Пардаевна, - яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ қолади, деб машойихлар бекорга айтишмас экан. Отамиз яхши одам эди. Улуғ раҳбар эди. Фақат ва фақат яхши ном қолдирди. Эрта узилган умрини болалари яна ҳам гўзал қилиб давом эттирди ва ҳозирда отамизнинг чироқлари ўчгани йўқ. Ловуллаб ёниб турибди. Уни ҳозирда ҳаёт фарзандлари ёқиб келаяпти... Мана шу бўлса керак: "Яхшилик боғининг боғбони ...", деганлари. Отамиз балки яхшироқ одам бўлмаганида фарзандлари ҳам ҳозир бу қадар машҳур бўлмасмиди. Фарзандлари ҳам беҳад тиришқоқлиги билан, меҳнаткашлиги билан қойилмақом лавозимларга эришди.

Отам вафот этганларида мен атаги тўққиз ёшли қизалоқ эдим. Деярлик ота - онанинг қисмати, яъни ўлиши мумкинлиги ҳақида бирор вақт бош қотириб кўрмаган

эдим. Ўзимча "отам, онам ўлмайди" деб ўйлардим ва шу сабабли отамнинг ўлишига, ўлганидан кейин дахшатли ҳасратларга тайёр эмас эдим. Шу сабабли мен опам, акам, укаларим, синглимдан ҳам кўпроқ изтироб чекдим. Танам, назаримда сув бўлиб оқиб кетгандай туюлди. Бир ҳафтада таниб бўлмайдиган даражада озиб ҳам кетдим. Овқат ўтмай қолди. Фақат сув ичардим. Боз устига онамнинг тун - кун ёлғиз қолиб, ёки бир четга чиқиб, яшириниб йиғлаб олишлари фарзандларининг қайғусини минг бор ошириб юборган эди.

Ота - она учун фарзандларнинг яхши - ёмони, қадрли- қадрсизи бўлмайди. Буни мана она бўлганимдан кейин англаб, ҳис қилиб турибман. Бироқ отам мени опам, акам, синглимга қараганда ортиқроқ севгандай туюлар эди. Чунки биринчи котиб бўлиб ишлаганида "Победа" номли машинаси бўлар эди. Ўша машинасига бизни, кўпроқ мени мингдириб кўчаларга олиб чиқар, сўлим табиатли ерларга, жумладан Ургут томонларга олиб борар эди. Томоша қилдириб, қорнимизни тўйдириб ва музқаймоқларни бурнимиздан чиққунча едириб қайтариб олиб келар эди. Онамга ҳам ҳурмат - эътиқодлари беҳад кучли эди. Улар қариндош эди. Отам онамга амманинг ўғли, онам эса отамга тоғанинг қизи эди.

Отам эрта - кеч даладан қайтмас эди. Аввал Зоминда биринчи котиб, сўнг Оқдарёга биринчи котиб бўлиб келган эди. Оқдарёга кўчиб келган эдик. Мен отамни кўпроқ идорасига бориб овқатга чақириб келар эдим. Эркаликни ҳам кўпроқ мен қилар эдим. Ҳаётимиз беҳад гўзал кечаётган эди. Ҳамма нарса етарли, муҳайё эди. Ўша кезлар хотирамда қолган воқеаларга жиддий назар ташлайман. Хотирамда жонлантираман. Отамнинг қўллари шу қадар очиқ эдики, бундай саховатни ҳозиргача бирор одамда кўрмадим. Уйимизга бирор тиламчи келиб қолса, аввал уйга олиб кириб, овқатлантириб сўнг эҳсонини бериб кузатиб қўяр эди. Уйимизга хар куни бир одам турли нар-

саларни сўраб келар эди. Отам ҳаммасига ҳам ижобий жавоб қилиб кузатар эди. Назаримда отамнинг шундай гўзал феълли одам бўлгани учун ҳам Худо насибасини ва рисқини бутун қилган экан. Насиба деганда бир одамнинг насибаси кўзда тутилади. Рисқи деганда фарзандларнинг ҳам насибаси англашилади. Отамиздан кейин фарзандларнинг ҳам насибаси бутун бўлди. Демак, Худо берганга берар экан...

Кейин... Яратган отамни бизга кўп кўрди. Отам умрининг айни гуллаган бир пайтида, 48 ёшида, 1955 йили тўсатдан бандаликни бажо келтирди. У қаро кунлар ҳозир ҳам ёдимдан кўтарилмаган. Онам, опаларим, мен, синлим ёш бўлишимизга қарамай кўк кийдик. Раҳматли отамиз кўричак бўлган экан. Демак, ўша пайтларда жарроҳлик ишлари яхши йўлга қўйилмаган экан-да... Йўқса, отам соғайиб кетган ва узоқ умр кўрган бўларди. Онам отамдан кейин қолиб 88 ёшларида вафот этди. Отам ҳам шунча яшаши мумкин эди...Начора! Парвардигор шуни хоҳлаган экан... Албатта, тўққиз ёшли қизалоқнинг хотиралари кўп бўлмайди. Отамнинг ўлимидан кейин хонадонимиз хувиллаб қолди. Ва бу хувиллаш доим ҳам сезилиб турди. Ҳеч қачон бу бўшлиқ тўлмайди. Ҳеч ким уни тўлдириб беролмайди, бермади... Отам вафот этган кезлар дафн маросимида қатнашган одамларни айтиб адоғига етиб бўлмайди. Отамни кўмиб келишганларидан кейин ҳам онам билан, акам, опам билан қабрларига бориб йиғлаб, кўзларимиз шишиб қайтардик. Ва бу қайғу, ҳасрат ҳали - ҳамон тингани йўқ...

Суҳбатимиз шу ерга етганда Тожиҳол опанинг боши беихтиёр эгилиб, яна елкалари кўтарилиб тушиб, титроқ киргани сезилди. У киши отасини хотирлаб ҳамон ўлганини хазм қилолмай, қабул қилолмай изтироб чекар эди...

- Опа... изтироб чекаверманг...- деган юпатишимиздан кейингина опа бошини кўтариб ўтирганларга назар ташлади.

- Энди ёшларнинг умрини берсин, набираларининг, ҳаёт фарзандларининг умрини берсин...- дея суҳбатимизга якун ясади. Тожиҳол опамнинг турмуш ўртоқлари ҳам фан доктори экан. Фарзандлари ҳам маъсул ишларда хизмат бурчларини адо этишар экан.

Тожиҳол опамнинг уйидан чиқиб йўлимиз Булунғур туманига тушиши керак эди. Борадиган манзилимизнинг хонадон аъзолари билан ҳам суҳбатда бўлишимиз керак эди. Йўлни шу томонга солдик.

ИЛҲОМ ПАРДАЕВИЧ УМУРЗОҚОВ ОТАСИ ҲАҚИДА

- Мен отамнинг олтинчи фарзандиман. Отам Парда Умурзоқовнинг тўнғич фарзанди Ойсара Пардаевна, иккинчи фарзанди Мелихол опам, учинчи фарзанди акам Тошпўлат Пардаевич, тўртинчи фарзанди опам Тожиҳол Пардаевна, сўнг мен Илҳом Пардаевич туғилганман. Кейин синглим Дилбар Пардаевна туғилган ва энг кенжа фарзанд Ўктам Пардаевич - укам. Ота - оналаримизнинг биз учун қилган улуғ хизматлари бизларни яхши ўқитиш, илм бериш, яхши ниятли, олижаноб инсон қилиб етиштириш бўлган экан. Ҳар иккаласи ҳам ниятларига етди, деган фикрдаман, фарзандларнинг яхши одам, яхши илмли бўлиб етишишда на фақат ота - онанинг меҳнати керак экан, шу билан бирга ниятлари ҳам холис бўлиши керак экан. Яхши одамларнинг, яхши ниятли ота - оналарнинг фарзандлари ҳам яхши одамлар бўлиб етишиши ҳам табиий бир ҳол экан, - дея ўз хотиралари билан отамлашарди Парда отанинг бешинчи фарзандлари Илҳом Пардаевич биз билан бўлган узоқ муддатли суҳбатида. - Мен отам ҳақида яхши гапларни кўпроқ катталардан, яъни отамнинг тенгкурларидан эшитганман. Ўзим эса отам ҳаётлигида атиги беш ёшда эдим. Ота - онам борлиги, фарзандга бўладиган муносабатларини, ота - онанинг моҳият - мазмунини де-

ярли англаб етмаганман. Лекин шу ҳиссиёт билан яшаганман. Одам биринчи галда ота - онага ҳиссиёт билан боғланади. Ҳиссиёт улар орасидаги боғланиш ҳисобланади. Англаш, яъни тушуниш, онгли равишда қадрига етиш эса улғайганидан кейингина юзага чиқади.

Отам хушмомала одам эди. Бирор одамга бирор вақт ёмон гапирмаган эди. Айниқса биз - болаларига ўта меҳрибон эди. Айтганимизни, сўраганимизни дарҳол муҳайё қилар эди. У пайтлар отам "Победа" деган машинади юрар эди. Бизларни миндириб ўйнатар эди. Энг чиройли кийимларни ҳам биринчи биз кияр эдик. Яхши таомларни ҳам ердик. Музқаймоқларни эса истаганимизча олиб ердик. Беш ёшли бола одам сифатида деярлик шаклланмаган бўлади. Шунинг учун ҳамма нарсага, дейлик ҳаётга, ҳаёт ташвишларига деярлик тушуниб етмайди. Лекин кўрган - кечирганларини хотирасида яхши сақлаб қолади.

Хотирамда ҳозиргача рангини ўзгартирмай келаётган хотира, яъни ҳозир ҳам эслаганимда вужудимни титратадиган беҳад кўнгилсиз воқеа кутилмаганда отамнинг вафоти бўлган. Тасаввур қилинг. Туғилиш нима, ўлим нималигини билмаган, ўзининг ҳам туғилишини билмаган, гўё ота - онаси бағрига осмондан тушиб қолгандай тасаввур билан яшаётган бола учун кутилмаган "ўлим" тушунчасининг содир бўлиши ... Яъни кутилмаганда қаердандир машинага ортиб отасининг жасадини олиб келишлари нақадар дахшатли ... Дахшатли бўлганда ҳам ифодага сиғмайдиган даҳшатли ...

Мен кўчада бир таёқни от қилиб миниб, қамчи билан ёғоч отни савалаб югириб юрганимда, отамнинг ўлими ҳақидаги хабар ва жасадини олиб келиши илк бор болалик тушунчамда, ҳисларимда чиндан ҳам дахшатли бир фожеани юзага келтирди.

"Отамни ким ўлдирди? Нимага ўлдирди?" деган тушунча пайдо бўлган шекили: "Отамни ўлдирганларни катта бўлганимда сўяман! Сўяман" деганим ёдимда. Бу

сўз тилимга қандай келиб қолганини ҳам билмайман. Чамаси мен ўша кезлар эртакларда ўғрилар борлигини, одамларни ҳам ўлдириш мумкинлигини эшитган бўлишим керак. Йўқса, нимага дабдурустдан шундай деганман? Худо ҳаққи билмайман. Лекин кимнидир отам учун ўлдиришни, сўйишни режалаганим аниқ. Балки отамни жаррохлик йўли билан ўлимига сабаб бўлган жаррохларни сўяман, дегандурман. Чунки шивир - шивирлардан маълум бўлган эдики, отам кўричак билан оғриган ва врачлар олиб қололмаганлар.

Кутилмаган Полуторка номли машинада отамнинг жасадини олиб келишди. Яхши кийинтириб машинанинг ўртасидаги ёғоч тобудга солишиб, ўзи туғилган Муғол қишлоғи томонга олиб кетишгани ҳам ёдимда. Мен укам билан дод солиб йиғлаганим ҳам эсимда. Ўктам укам бизнинг, яъни катталарнинг йиғлашидан қурқиб, ранги оқариб кетган, саросима билан йиғлар эди. Отамнинг эскича удум билан кўмишган. Лекин кўмиш маросимида нима гаплар бўлганини билмайман. Салим Каримов деган "Қизил Ўзбекистон" газетасининг мухбири озгина кўнгилсиз гаплар қилган, дейишади, мен эслолмайман. Дафн маросимида йиғилаган одамларни эслайман. Кўчаларга одам сиғмай кетган эди. Нотаниш кишилар ҳам қатнашган эди. Район, вилоят раҳбарлари ҳам қатнашгани маълум. Машинанинг бир томонида ёстиққа тикилган орден ва медаллар қўйилган эди. Опаларим, акам ҳам қаттиқ йиғлаганини эслайман...

Бошқа хотиралар деярлик ёдимда қолмаган. Кейинчалик отамни билганлар, таниганлар, бирга ишлашганлар, у кишидан яхшилик кўрганлар беҳад камтар инсон бўлганини, туну кун дам олмай ишлаганини, икки марта Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат бўлганини айтишади. Бизни кўрганлар, билганлар доим эркалатиб: "Эй оталаринг жаннати одам эди. Фақат одамларга яхшилик қилди. Ватанига, халқига хизмат қилди!..", дея кўнглимизни кўтаришди. Отамиз ҳаммага яхшилик қил-

ган экан, эвазига биз ҳам элдан яхшилик кўрдик. Яхши ва маъсул лавозимлардан ишладик. Биз ҳам отамизнинг йўлидан бориши, ватанига, ҳалққа хизмат қилиш орзусида бўлдик. Кам бўлмадик. Худо ҳам иқтидорли бандасини юзага чиқариши аниқ экан. Ойсара опам фалсафа фанлари доктори деган шарафли номга сазовор бўлди. У киши ўзбек аёллари орасида биринчиларидан бўлиб бу шарафга эришган эди. Акам ҳам техника фанлари номзоди. Укам фан доктори... Профессор ... Синглим Дилбархон ҳам чет тили бўйича мутахассис, фан номзоди ... Шунисига ҳам минг бор шукур. Отамиз, онамиз экиб кетган умр дарахти ўзлари ўйлагандан ҳам кўра яхшироқ ҳосил бера бошлади ва биз бундан беҳад мамнунмиз...Илоё ота - оналаримизнинг у дунёсини берган бўлсин...

ҒАЙБУЛЛО ЭРГАШЕВ ПАРДА УМУРЗОҚОВ ҲАҚИДА

Парда Умурзоқов менинг амакиваччам бўлариди. Худо раҳматига олган бўлсин, кўп яхши одам эди. Мен шу уруғдан ўзимгача ўтган бешта оталарини биламан. Катта бобомизнинг асл исмини билмайман. Чамаси лақаби бўлса керак, Тоғошар, деб аташариди. Шу уруғни ҳозирги Тошкент вилоятининг Ангрен томонларида ҳам яшаган дейишар эди. Балки кўп саёхатларда бўлгандир... У бобомизнинг ўғилларини оталаримиз Шодибой дер эди. У бобомизнинг ўғлини Норбўтабой деб эшитар эдик. Норбўтабойнинг ўғли Суюнбой, Суюнбойнинг ўғли Умурзоқбой... Бизлар мана шу Умурзоқбойдан тарқалганмиз... Менинг отам Эргашбой. Пардабойнинг фарзандлари Ойсара, Мелихол, Тошпўлат, Тожихол, Илҳом, Дилбар, Ўктам...Ойсара 1996 йилда, Мелихол эса 1963 йилда вафот этди.

Ота - боболаримиз асосан деҳқон бўлишган. Деҳқончиликни ҳам қойил қилишган экан. Пардабой акам

ҳақида гапирадиган бўлсам, у киши ёшлигиданоқ ўзининг тиришқоқлиги, уддабуронлиги, меҳнаткашлиги билан ажралиб турарди. Жуда ёшлигиданоқ ўзини меҳнатга урган экан. Мана шу сизлар кўриб турган Муғол қишлоғида туғилган. Ота - боболари ҳам шу ерда ўтган. Қадди - қомати ҳам келишган эди. Тезгина кўзга кўринар, диққат - эътиборни тортар эди. Парвардигор пешонасига битган бўлса, Ўзи қўллар экан. Мактабни битирганидан кейин ўзини меҳнатга урди. У пайтлар ёшларга, айниқса етим қолган болаларга алоҳида эътибор билан қарашариди. Парда акам Қишлоқ хўжалиги техникумини битирган эди. Кейинчалик Тошкентдаги Қишлоқ хўжалиги Олий курсини ҳам битириб келган эди. Янглишмасам қисқа муддатли раҳбарлик лавозимларида ишлаши мумкин бўлган курсни ҳам тугатди. Шу билан меҳнатдаги фаолияти бошланди. Ҳамма жойларда ҳам ғайратини номоён қилди. Қисқа муддатда турли ерларда ишлаб, ундан кўтарилиб, ўринбосар бўлиб, сўнг раҳбарликка тайинланди. Ширкатлар раиси бўлди. Кейин Зомин районининг раисполкомлигига кўтарилди. Ундан бошқа районларга биринчи котиб бўлиб кўтарилди. У ерда ҳам ишларни боплаганидан кейин ўзимизнинг Зомин районига биринчи котиб этиб тайинланди. Бу ерда ҳам ишларни аъло даражада йўлга қўйиб, ўзининг ташкилотчилик иқтидорини намоён қилди.

Мана шу ерда ишлаганида у киши диққат - эътиборини кўпроқ ўша кездаги қийналганларга, етимларга, сағирларга, қаровсиз қолганларга қаратди. Гоҳ яширинча, гоҳ ошкора ёрдам қилди. Эй, у пайтлардаги қийинчиликларни айтиш осонмас. Уловлар йўқ. Ҳамма ишлар отлар, эшаклар, ҳўкизларда битирилар эди. Мактабларни ҳам хашар йўли билан битирар эдик. Гувала қуйиб, гувалаларнинг орасига иримига ёғоч ўрнатиб, деворларини сомон лой билан суваб кўтарардик. Ҳозирги Парда Умурзоқов номидаги мактабни кўпчилик бўлиб хашар йўли билан кўтарганмиз. Ярими битганда қиш тушиб ёмғир ёғиб қолган.

Тўртта - бешта хонани суваб, оқлаб ўқишни бошлаб юборганмиз. Болалар икки марта - тушгача, тушдан кейин ўқишариди. Келгувси йили эса яримини тугатганмиз. Ўзим шу мактабда қарийиб эллик йилга яқин муаллимлик қилдим. Мактаб директори ҳам бўлдим. Тарихдан дарс берар эдим.

Пардабой акам Зоминда ишларни қойил қилганидан кейин уни Оқдарё районига биринчи котиб қилиб тайинлашди. Оқдарёга Зоминдан ҳам, Муғол қишлоғидан ҳам пахта теришга борардик. Чунки Пардабой акам ўзи номидаги мактабга илк таомил тошини қўйиб берган эди. Буни қарангки, вафот этганларидан кейин мактаб ўзининг номига қўйилди. Биз болаларни олиб Оқдарёга, пахта теришга борганимизда бизни алоҳида эъзоз билан қарши олар эди. Чиройли ётоқхонага жойлаштириб, бир маҳал холимиздан хабар ҳам олиб турар эди. Овқатларни эса алоҳида эътибор билан етказиб турар эди. Биз билан кўп бор суҳбатлашар эди. У киши бетобланиб қолгунига қадар Оқдарёга, пахта теримига бориб турдик. Кейинчалик бетобланиб қолганини эшитдик. Оқдарёдан Тошкентга олиб кетишибди. Тошкентда жарроҳликка ҳам тушибди. Жарроҳликдан кейин чамаси аҳволи яхши бўлмаган кўринади. Зудлик билан яна Оқдарёга қайтариб олиб келишибди. Кутилмаганда, ҳа кутилмаганда Муғол қишлоқликлар учун, Тоғошар авлоди учун ҳам қора кунлар бошланди. Муғолликлар ҳам, бизлар ҳам, Пардабой ака билан фахрланиб, ғурурланиб юрган эдик. "Кўксимизга офтоб тегди" дея мақтаниб ҳам юрган эдик. У зотнинг вафотини эшитганимиздан кейин осмонга кўтарилган қуёшимиз бирдан ерга қулагандай туюлди. Бошларимиз солиниб, белларимиз эгилиб қолди... Бир неча кунлар овқат ҳам ўтмади. Фақат сув ичиб ҳаётимизни сақлаб турдик.

Тасоввур қилинг! Бир камбағал йигит бирданига оз фурсатда юксак чўққига кўтарилиб олса - ю, бирдан толесизликка учраса... Бу қандай кўргилик, бу қандай

бахтсизлик!!!

Пардабой аканинг жасадини Муғол қишлоғига олиб келишди ва боболари ётган қабристонга дафн этишга қарор қилинди. Бутун Муғол қишлоғи халқи оёққа қалқиб, Зоминдан келаётган Полуторка машинасини кута бошлади. Узоқлардан машина кўринди. Одамларнинг сабри чидамай машинани қаршилаш учун шошилишди. Тумонат одам. Мингтами, икки мингтами, ҳозир аниқ айтолмайман. Машиналарда, аравaларда, отларда, эшакларда ҳам турна - қатор бўлиб одамлар келишарди. Машинага тобут қўйилган, тобутда марҳум ётар эди. Орденларини ёстиқларга қадаб олиб келишар эди. Икки томонида фарзандлари, эндигина беш ёшни, уч ёшни тўлдирган икки ўғилчаси, бир қизчаси келишар, додлаб йиғлашар, кўзлари қип - қизариб кетган эди. Аёлларнинг ҳам кўзларидан ёш аримас эди. Бунақа мотамни Муғол қишлоғи тарихда кўрмаган, эшитмаган эди. Шу сабабли халқ бирдай оёққа қалқиган эди.

Машина бизнинг уйнинг қаршисидан ўтиб қабристон томонга юрди. Қабристонда митинг бўлди. Вилоятнинг биринчи котиби, Зомин районининг биринчи котиби, юқоридан келган вакиллар, мактаб болалари, мактаб директори нутқ сўзлади. Фарзандлари ҳамон додлаб, шашқатар кўзёшларини тўкиб, оталарини ҳеч кимга бермасликка урунишар эди. Хуллас тушга яқин дафн маросими бошланди. Бошлаганидан кейинги дод - фарёдларини, кўзёшларини ҳозир ҳам унутолмайман. Каттадан - кичик бирдай йиғлар эди. Айниқса фарзандлари ва аёллари кўпроқ изтироб чекди. Пардабой аканинг Илҳом исмли ўғиллари: "Катта бўлсам, сенларни ўлдираман, отамни ўлдириб қўйдиларинг...", дея жасадни олиб келганларга қарата бақирар эди...

Жасад ерга қўйилди. Шу билан Пардабой ака учун ер юзидаги ҳаёт ниҳояланди...Одамлар аста - секин тарқалишга бошлади. Лекин у кишининг аёллари, фарзандлари қош қорайгунича қабристон томондан кетишга

журъат этмади...Хуллас машинада уйларига қайтишди.

Кутилмаганда қайғули бир машмаша ҳақидаги гаплар қишлоқ оралаб ўрмалаб қолди... Пардабой ака дафн этилганидан кейин билмадим, бир ойдан кейинми, бирдан шов - шув тарқалиб, бир тўда одамлар, марҳумнинг оила аъзолари Муғол қишлоғига келиб қолишди. Салгина олдин у кишининг уйига Салим Каримов деган, ўша кезлар "Қизил Ўзбекистон" деган газетада мухбир бўлиб ишлайдиган одам, кўчадан уйига бор овозида: "Вой акам!" деб фарёд солиб кириб келибди. Ўтирмасданоқ яна: "Менинг қадрдон акам эди. Хабарсиз қолибман. Дафн маросимида қатнашолмай қолибман. Бизлар мусулмонлармиз. Шариат бўйича мусулмонча қилиб, кафанлаб кўмишларинг керак эди..." дебди. Пардабой аканинг оила аъзолари "янгича қилиб кўмилди", деганига ҳам ишонмай қабрни очишни, қандай кўмилганини кўришни талаб эта бошлабди. Ҳамма ҳайронмиш. Акам, меҳрибоним, деб кўчадан йиғлаб келган одам бирдан душман бўлиб чиқибди. Кимдир, балки Салим Каримовнинг ўзи, Москвага: "Парда Умурзоқов коммунист бўла туриб, эскича - мусулмонча дафн этилди. Вакил юбориб: "Қабрини очиб кўришингизни сўрайман", дея ёзиб юборган экан... Салим Каримов москвалик бир вакилни бошлаб олиб келганидан кейинги машмашани кўринг! Кўпчилик қабрни очиш ҳайъати ҳам келган эди. Бир неча кун одамлар ҳурматли жигарларининг маросимида йиғилган бўлса, энди Салим Каримовдан нафратлангани учун йиғилишди. Очамиз, деб туриб олишди вакиллар. Олдинроқ у кишининг аёлини одамлар пишиқлабди: "Қабрни очсаларинг, ўзимизни ўлдирамиз. Мен ҳозироқ ўзимга ўт қўйиб юбораман...", дейишибди. Бошқа одамлар ҳам шундай дағдағага борди. Хуллас, биз ютиб чиқдик. Москвадан келган вакил: "Парда Умурзоқов янги костюм - шим билан янгича, яъни коммунистчасига кўмилган..." - деган хулоса билан ортига қайтиб кетди. Бари бир одамлар ишонмай қабрни назорат қилиб туришди. Йўқ, ҳартугил, Салим Каримов ҳам, москвалик вакил ҳам қай-

тиб келмади. Ҳаммаёқ тинчиди...

Ўйлаб ўйимга етолайман. Одам вафот этиб, бу дунёдан ўтиб кетганидан кейин қандай кўмилса, кўмилади - да...Мусулмонлар мусулмонча, насронийлар насронийча кўмилади - ку! Ўлишнинг ҳам, кўмишнинг миллати бўладими?! Сиёсий томони бўладими? Бу одамизоднинг эса ақли кирмас экан. Бир пайтлар Абдуллаева деган аёл одамларга дўппи кийгизмаган эди. Тавба! Биз томонларда кун иссиқ бўлади, офтоб урмаслиги учун одамлар дўппи кийишади... Буни сиёсатга қанақа алоқаси бор?!

Пардабой акамнинг вафотларидан кейин шундай кўнгилсиз гаплар бўлиб ўтди. У одам чин маънодаги йирик одам эди. Ҳамма томонлама етук одамлар ҳаёти шундай катта қийинчиликлар, гап - сўзлар билан кечар экан.

Орадан бир неча йиллар кечиб раҳматли Пардабой акам чин маънода баҳоланди. Ҳаётига, қилган ишларига талаб этилгандай баҳо берилди. Раҳматли Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Холматов деган зот - Зомин районининг биринчи котиби - Пардабой Умурзоқовнинг хотирасини тиклаш учун беҳад улкан хизматлар қилди.

Вилоятга чиқиб, ўзи эса ўз районида Пардабой Умурзоқовнинг хотирасини абадийлаштириш учун қарор қабул қилиб, вилоятга чиқиб вилоятдан Марказкумга ҳам чиқиб шу ҳақда қарор чиқариб олиб, ишга киришди. Зоминда бир мактаб, бир кўча, бир совхознинг номи Пардабой Умурзоқовнинг номи билан атала бошлади. Ҳаммаёқда байрам. Ҳамманинг қувончи ичига сиғмайди. Илгари Салим Каримов билан боғлиқ гаплар ёлғонга чиқиб қолди.

Ўша куни Пардабой Умурзоқовнинг фарзандлари районга таклиф этилиб, катта, тантанали маросим ўтказилиб, қарор эълон қилиниб, халққа ош тортилди. Сўнг бу тантаналар бизнинг Муғол қишлоғига ҳам етиб келди. Ҳалққа катта ош тарқатилди. Одамлар таналарига сиғмай, қувончларини яширолмай тўйга келди. Сўнг,

ҳамма қабристонга бориб, марҳумнинг қабри ёнида Қуръон тушириб, дуо - фотиҳалар қилишди... Ота - боболарининг, она - бибиларининг ҳам руҳларини шод этишди. Мана шунга ҳам қарийб 30 йилга якин вақт ўтибди...Илоё, у зотининг у дунёсини берган бўлсин! Ҳаммага яхшилик қилиб кетди. Бирор одамга ёмонлик қилмади, бурнини ҳам қонатмади...

Эслатма: Биз Парда Умурзоқовнинг амакиваччаси Ғайбулло Эргашев билан суҳбатлашганимизда 90 ёшни қоралаб қўйган эди. Анчагина бетоб эди. Орадан бирор йил ўтмасдан у зот бандаликни бажо келтирди. Ғайбулло ота билан биз атиги бир мартагина гаплашиш бахтига муяссар бўлдик. У киши Муғол қишлоғида қизининг ўғли, яъни набираси билан истиқомат қилар эди.

ЎКТАМ ПАРДА ЎҒЛИ УМУРЗОҚОВ ОТАСИ ҲАҚИДА...

Отам раҳматли вафот этганларида атиги уч ёшда эдим. Вафот этганларида, дафн этилганларида онам, опаларим, акаларимнинг, тоғам, тоғаларимнинг фарзандлари, қариндош - уруғлар ва у кишини билган, ёрдами теккан ва ҳамкасбларнинг уввос солиб йиғлаганларини кўриб мен ҳам, акам ҳам гўдаклик самимияти билан қон - қақшаб йиғлаганимиз ҳозиргидай ёдимда. Аёлларнинг баъзилари хушларидан ҳам кетаёзганиди. У пайтлар биз- Илхом акам, мен отамиз ҳақида, боболаримиз, бобокалонларимиз, оналаримиз, бибиларимиз, бибикалонларимиз, умуман туғилиш, ўлиш ҳақида аниқ бир қарорга келмаган, бундай оғир қайғунинг моҳият - мазмунига ҳам тушуниб етмаган бир паллада эдик. Отамиз Оқдарёда ишлар эди. Тез - тез келиб турар эди. Машинасига ўтказиб кўчаларга олиб чиқиб, ўйнатиб, турли мевалардан, конфетлардан олиб берар эди. Булар хотирамда ғира - шира сақланиб қолган. Лекин вафот эт-

ганларида, жасадларини машинага қўйиб, бизларни ёнига ўтказиб Муғол қишлоғи томонга олиб боришгани хотирамда, ойнада кўраётгандай тиниқ сақланиб қолган. Сарғайиб, кўкиш тусга кирган юзини ҳам яхши эслайман... Отамизни кўмиб қайтишди. Йиғлаётганлар ҳам уйларига қайтишди. Кейин болаликка бориб бу хотиралардан бир оз узоқлашганмиз... "Отанг бунақа эди, яхши одам эди, ҳаммага беминнат яхшилик қилар эди, шогирдлари кўп эди...", қабилидаги гаплар тез - тез қулоқларимизга чалиниб турар эди. Отамиз улуғ одам бўлган экан, деган болалик тушунчаси билан ғурурланиб, фаҳрланиб юраверганмиз.

Ёшимиз бир ерга етиб, мактабни битириб, институтга кириб, уйланиб, бола - чақали булганимиздан кейингина туғилиш ва ўлимнинг мавжудлиги, ота - онанинг борлиги, улар тепадан - бир нечта ота - боболардан навбатма - навбат туғилиб келаётгани, мана шу сақланиб келаётган инсоний пуштнинг азизлиги, бу азиз пуштга нисбатан ҳар бир авлод улуғ эҳтиромда бўлишлиги, яъни ўз қонини ҳурмат қилиши, эъзозлаши шартлигини англаб етдик. Ўзимизнинг ҳам ота бўлишимиз аждодга бўлган эътиқодимизни танамизда, шууримизда мустаҳкамлади.

Энди ўйларга толиб, баъзан отам ҳақида, онамнинг отам ҳақидаги таассуротларини, қариндош - уруғларнинг хотираларини эслаб қалбимда, тафаккуримда инсон наслини яратган Парвардигор ҳақида ота - онанинг туғилишини муросага киритгани, улар туғилмаганда биз ҳам туғилмаслигимиз мумкинлигини ва биз туғилмасак фарзандларимиз туғилмаслигини, инсон пушти тугаб кетишини ўйлаб отам Парда Умурзоқ ўғли чин маънода онгимда, ўй - ҳаёлимда Илоҳий бир зот бўлиб кўринади. Илоҳий деяётганимнинг сабаби - ахир одам зотини Илоҳ, яъни Парвардигор яратганидан кейин Илоҳий бўлади - да... Мен отамнинг ва онамнинг қонидан буёдга келдим. Демак, менинг ўз қонимда, яъни ота - онам

танасида оққан қонимга ачинмаслигимнинг, қайғурмаслигимнинг иложи йўқ...Отам каби етти ёки ўн отамга, яъни олдин ўтган боболарим, оналарим, бибиларимга ҳам ачинмаслигининг асло иложи йўқ. Қон қаримайди. Қон эскирмайди. Фарзандларда янгиланиб бораверади. Қайсидир боболаримда яхшилик туйғуси кучли бўлган экан, бу отам Парда Умурзоқ ўғлида яққол кўринди. Ўзидан фарзандларгина эмас, ажойиб шогирдлар ҳам қолдирди. Яхши ном қолдирди. Бу эса бизга мактаб бўлди. Тарих деган тушунча, беҳад шафқатсиз тушунча. Тарих инсон қилаётган яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам яширмайди. Авлоддан авлодга олиб ўтиб, кимларнидир шарманда қилади, кимларнидир кўкларга кўтариб, улуғлаб кетади...

Шу маънода йиллар ўтган сари отам тасаввуримда, шууримда яна ҳам улуғлашиб, буюклашиб, Илоҳийлишиб бораётир...Бунинг сабаби битта: Яъни бизлар ҳам яралганимиз. Яратганга беадад шукрлар бўлсинким, ҳеч кимга ёмонлик қилмадик. Бирор одамнинг бурнини қонатмадик. Бу ишлардан Худонинг ўзи асрасин... Мана шу қоний, наслий яхшилик тушунчасигина, аждодингизни сизга улуғ қилиб кўрсатади. Лекин яна бир шафқатсиз тушунча мавжуд экан. Бу даврнинг тез айланиши ва ўткинчилиги. Отамизнинг вафот этганларига қарийиб 55 йил бўлаётир... Умр ўтган сари, одам қариган сари тушунчалар, хотиралар ҳам қарир экан, иштиёқ ҳам сусаяр экан. Биз оталаримизни, оналаримизни оташин бир муҳаббат билан севиб, ардоқлаб, ҳурмат кўрсатиб, эъзозлаб қабрларига бахолиқудрат хотира тошларини ўрнатиб, қўл тегиши билан, йўлимиз ўша томонларга тушганида қабристонга кириб, Қуръон тушириб, ҳақларига дуои - фотиҳа қилиб қайтамиз. Бироқ фарзандлар бу масалага оталаридай қарамайди. Улар ўз ота - оналарига ҳурмат - эҳтиром кўрсатади... Шу тариқа инсоний хотира ҳам аста - секинлик билан унутилиб бораверар экан...

Отамдан ёш етим қолганим учунми, у зот билан улғайгунимизча яшамаганимиз учунми, ҳар ҳолда отам Парда Умурзоқ ўғли ҳали - ҳамон назаримда, тасоввуримда улуғлашиб бораверади. Ўғил набираларим туғилганда, ўғиллар уйланганида, набираларни тўй қилаётганимизда албатта, отам кўзларим ўнгида жонланади. Бирдан ғамгинлашиб қоламан. "Оҳ, қани эди, бугун отам тирик бўлса, ўғилларининг камолини, набираларининг тўйларини кўрса эди, туғилганидан, фарзандлар кўрганидан мамнунлик ҳосил қилар эди. Шодлигимиз, бахтиёрлигимизни баҳам кўрар эдик", деб ўйлайман... Отанинг ҳаётдан тезроқ кетиши, аёлларига ҳам, фарзандларига ҳам, ака - укалари, опа - сингилларига ҳам қайсидир маънода таъсирини ўтказар экан. Кўнгли ўксик бўлиб қолар экан. Бу ўксиклик умри бўйи идрокидан, хотирасидан чиқиб кетмас экан. Ёшлигимизда бирор ерда тўй бўлса, тўйга борсак, тенгқурларимизнинг оталарини кўрсак кўнглимиз чўкар эди. Отамиз ўлмаган бўлишини жуда - жуда истар эдик...

Барибир ҳар бир инсон бу дунёга, яъни ўткинчи дунёга туғилганидан кейин узоқ умр кўриши керак экан. Узоқ умр кўрган одамлар кўп ишларга улгурар экан. Бола - чақасининг ҳам орзу ҳавасини кўришга улгурар экан. Шу тариқа отамиз ҳақида хотиралардан, фарзандларимизнинг ҳам боболари ҳақидаги афсуслари, яъни кўролмаганлиги афсусларини эслаб, хотирлаб, отамиз ҳақида эшитган, баъзи бир одамларнинг хотираларини ҳозир ҳам эслаб хотирлаб юраман... Сардор исмли ўғлим Англияда ўқиганида, у ердаги катта кутубхоналарга кириб, аждодларимиз ҳақидаги ҳужжатларни излаб, баъзи бир янгиликларни топиб, менга гапириб берганида бошим кўкларга етди. Беҳад қувондим. Демак, фарзанларимиз ҳам боболарини ҳурмат - эҳтиром билан эслар экан. Боболари хали - бери унитилмас экан...

Юқорида эслатганимдай падари бузрукворимиз вафот этганларида уч ёшда эдим. Илҳом акам эса беш

ёшда эди. Вафот этганларидаги хотирадан бошқа ҳеч нарсани эслолмас эдим. Онам, тоғам, тоғамнинг аёллари - келин ойимиз, опаларим, акам оркалигина отам ҳақида кўп гапларни, воқеаларни эшитганман ва ғойибдан отамга улуғ бир меҳр билан боғланганман... Шу сабабли отам ҳақида бир неча ҳаётий воқеаларни одамлардан, яъни замондошларидан, ёру дўстларидан эшитганман ва мана шу эшитганларимни сўзлаб бераман...

Падари бузрукворим ҳақидаги биринчи ҳаётий лавҳалардан... Ёшимиз улғайиб қолганидан кейин Зомин туманига Эргаш Холматов деган киши биринчи котиб бўлиб келди. Бу пайт мен аспирантурада ўқиридим. Илҳом акам эса институтни тугатиб Зомингa қайтган эди.

Бир куни Эргаш ака Холматов акамни қабулига чақириб:

- Илҳомбой! Отанг Пардабой акани Худо раҳмат қилган бўлсин, беназир одам эди. Каттадан кичикка беминнат яхшилик қилди. У зот айниқса шогирд етказишда беназир эди. Менинг мана бу даражага кўтарилишимда асосан отанг катта хизмат қилди. У киши Зомин районига биринчи котиб бўлиб келганида мен комсомолнинг биринчи котибилигига тайинланган эдим. У киши мени ёнига чақириб, ҳушмаомалалик билан: "Эргашжон, ўғлим. Сени кўпдан бери кузатиб юрибман. Тиришқоқлигингни, меҳнатсеварлигингни ҳам ўрганиб чиқдим. Бир тупроқданмиз. Сени ўзим тарбия қиламан. Бирга ишлаймиз. Фақат ёлғон гапирма, алдама. Ёлғон гапирганлар, бировларни алдаганларнинг бири икки бўлмайди. Одамни меҳнат тарбиялайди, номини ҳам улуғлаштиради... Бирор жиддий масалалар юз берса, ечолмасанг, ўзимга очиқчасига айтаверасан... Чунки отангга фарзандларингизнинг тарбияларидан хабар олиб тураман, дея сўз берганман... Юқори билан келишдим. Зомин районидаги комсомолларга раҳбарлик қиласан. Биринчи котиб бўласан...", дея юрагини ёради. Шу билан Илҳом акам Зомин районининг комсомол қўмита-

сига биринчи котиблик вазифасида ишлай бошлайди.

Онамиз Ҳосият Турсунбой қизи бизларни эркалаб доим:

- Илҳомжон, сен дадангнинг ортидан борасан. Дадангга ўхшаб раҳбарлик ишларида ишлайсан. Мана биринчи қадамингни кўрдим. Худога беадад шукур. Лекин Ўктамжон илмнинг орқасидан қувади. Илм олишга иштиёқи кучли. Тошкентда қолади, - дея акамнинг ўша кезги лавозимда кўрганидан беҳад кувонган эди. Чиндан ҳам акам раҳбарлик йўлидан кетди. 30 ёшли Илҳом акамни раҳматли Эргаш ака Холматов шу тариқа бағрига олиб, доим диққат - эътиборидан қочирмай, отамиз олдидаги бурчи, маъсулиятини аъло даражада ўринлатиб кетди. Эргаш ака Холматов кейинчалик ҳам яхши лавозимларда ишлади. "Меҳнат қаҳрамони" деган улуғ даражагача кўтарилди. Лекин отамиз олдидаги бурчларини, маъсулиятини доим ҳис қилиб, номларини абадийлаштириш ишига катта ҳисса қўшди. Онамиз, опаларим, акаларимни қабулига чақириб, отам Парда Умурзоқ ўғлининг хотирасини абадийлаштириш масаласини гапиради. Онам ҳам, опаларим, акаларим ҳам бу ишдан бошлари кўкка етгунга қадар шодланиб, бу ташаббуси учун Эргаш ака Холматовга миннатдорчиик билдиришади.

Бу масала, яъни отамнинг номини, хотирасини тиклаш ҳаммамиз учун ҳам орзу армон, ният эди ва бунинг тезроқ ушалишини тоқатсизлик билан кутар эдик. Биз учун бу масала айни муддао бўлди. Эргаш Холматов чиндан ҳам отам ҳақидаги ташаббусини вилоятга кўтариб чиққан. Бу ташаббусни вилоят раҳбарлари ҳам мақуллаб берган. Шундан кейин Эргаш Холматов Марказкумга шу масала билан чиққан. У ердан ҳам ижобий жавоб олганидан кейин шоду ҳуррамлик билан Зоминга қайтиб келди. Отамнинг номини абадийлаштириш масаласидаги тўй - маракаларни бошлаб юборди. Шу тариқа Парда Умурзоқовнинг ҳамма қариндошлари, фар-

зандлари, набираларини ҳам катта йиғилишга таклиф этиб, марака қозонда катта палов дамлатиб, гўзал дастурхон тузиб, бутун Зомин халқини мана шу анжуманга таклиф этди. Тўйга қатнашган ҳамма одамларга Зомин районининг, вилоятнинг, Марказқумнинг Парда Умурзоқов ҳақидаги қарорини, яъни отамиз ўзи туғилиб ўқиган Муғол қишлоғидаги мактабга уларнинг номини берилиши, Зомин районида бир кўчани у зотнинг номи билан аташни, бир совхозни ҳам номлаш ҳақидаги қарорини ўқиб беради...

Тасоввур қилинг! Отамнинг аёллари (отамнинг катта аёллари ҳам борлигини, кичик аёллари - бизнинг онамиз эканлигини кузда тутаётирман), фарзандлари, қариндошларидан ташқари, отамни билганлар, кўрганлар, бирга ишлашганлар, Оқдарёдан келганлар, яъни отам билан бирга ишлаганлар, нон - туз бўлганлар ҳам шодликларидан, яъни отамизнинг қилган меҳнатлари зое кетмаганидан, яхшилик барибир йўқолиб кетмаслигидан, бир куни юзага чиқишидан, яъни отам тимсолида яхшилик юзага чиққанидан қувонишиб, кўзлари ҳам ёшланиб кетган эди. Рахматли отамнинг вафотларидан кейинги қайғулари қанчалик оғир кечган бўлса, номлари тикланганидан кейин шодликларимиз ўша қайғуни гўё ювиб кетгандай бўлди. Гўё осмондан ёқимли, рангли, оҳангли, лаззатли бир ёмғир ёққандай таналаримизни ҳам роҳатлантириб юборган эди. Тушунчамиз, ҳилсаримиздаги роҳатни, лаззатини ифодалаб бўлмасиди.

Район марказидаги тўй, яъни отамизга бағишланган маросимдан кейин ҳамма Муғол қишлоғига, яъни қурилишида отамнинг ўзи жонбозлик кўрсатган мактабга бориб тўй - тантаналарни давом эттиришди. Мактабдаги муаллимлар, раҳбарлар, ўқувчиларнинг отам ҳақидаги сўзлари, нутқлари ниҳояланганидан кейин тортилган қизил лента узилиб, яна шоду хуррамлик бошланди. Номи мактабга берилди. Ҳозир ҳам ўша мактаб отамизнинг номи билан юритилади.

Мактабдаги қутловдан кейин халқ Муғол қишлоғидаги Ғайбулло амакиваччамизнинг уйига йиғилишди. Бу ерда ҳам отамизнинг ҳурмати учун катта қозонда палов дамланиб, халққа ош тортилди. Руҳларига қуръон туширилди. Қабрини зиёрат қилишга борилди. Бир пайтлар отамизнинг кўмилишидаги кўнгилсиз гаплар ҳам орқада қолиб, мутлоқо унитилди... Бунинг учун Эргаш ака Холматовга бир умр миннатдорчилик билдириб ўтамиз. Илоё, у зотнинг ҳам у дунёсини Худо берган бўлсин. Қилинган яхши иш ҳеч қачон ерда қолиб кетмас экан. Бир куни албатта, юзага чиқар экан. Мана шу ҳаёт ва ҳаётдаги тажрибадан келиб чиқиб, шундай бир қарорга келдимки, ҳар бир инсон боласи, ўзининг, бола - чақасининг ғамини ейиши билан бирга, албатта, такрор айтаман, албатта, ёшларнинг бошини силаш керак экан. Шогирд тайёрлаб кетиши керак экан. Мана шу шогирдларгина устозларининг номларини абадиятга элтар экан. Тақдирни қарангки,кўп йиллар ўтиб кутилмаганда Эргаш ака Холматовнинг энг кенжа фарзандининг ўғли Равшанжон Камилжон ўғли Холматов бизнинг институтга ўқишга келиб қолади. Бу ҳақда менга алоҳида таъкид билан хабар қилишди. Мен ҳам раҳматли отам ва раҳматли Эргаш ака Холматов олдидаги бурчимни адо этиш учун Равшанжонга қўлимдан келган хизматларни қилдим. Кўнглим жойига тушди. (Равшаннинг отаси ёшлигида автоҳалокатда вафот этган эди...) Буни тасодиф деб бўлмайди. Отасидан кўролмаган мухаббатни Яратган чамаси қисман бўлса ҳам биз орқали кўрсатди...

***

Отам Парда Умурзоқов ҳақидаги иккинчи ҳаётий лавҳа: Акам Илҳом Парда ўғли 38 ёшида Арнасой районига биринчи котиб бўлиб ишга тайинланди. Акам ёш котиб, боз устига онамизнинг ниятлари кетганидай, раҳбарлик ишларига берилди. Зоминда Эргаш ака Холма-

товнинг қўлида, комсомолнинг биринчи котиби бўлиб ишлаганида эрта туриб, кеч ётиб, Эргаш ака билан доим бирга юриб, биргаликда ишларни битириш билан у кишидан кўп ишларнинг тажрибасини ўрганган эди. Ёшгина йигит Арнасойда ишларни ҳаркалай яхши ишга қуяётгани қулоғимизга чалинар эди. Акамнинг Арнасойдаги фаолиятини гапиришдан мақсад, инсоний ҳаётнинг такрорланиши, яъни кимгаки яхшилик қилсангиз яхшиликнинг қайтиши, ёмонлик қилсангиз ёмонликнинг қайтишини таъкидлаб ўтиш...

Отам Парда Умурзоқ ўғлига ўша кезлар Қорақалпоғистон, Хоразм, Самарқанд, Сирдарё вилоятларида биринчи котиби бўлиб ишлаган Носир Маҳмудов ўз вақтида кўп яхшиликлар қилган экан. Районнинг биринчи котиблигига кўтарилишида ҳам яхшилигини, саховатини аямаган экан. Айтишларича Носир Маҳмудов табиатан ҳам яхши, ҳам камтарин одам бўлган. У зот кейинчалик Республика ҳалқ назорат қумитасини бошқарди. Чамаси шу ердан нафақага чиққан эди.

Илҳом акам Арнасойда ишлаётганида собиқ Иттифоқ Олий Кенгашига депутатлик сайлови бошланади. Шунда Арнасойдан Владимир Носирович Маҳмудов деган генералны собиқ Иттифоқ Олий Кенгашига депутатликка кўрсатишади. Гапдан - гап чиқиб Илҳом акам ўша Владимир Носирович Маҳмудов билан суҳбатлашиб қолади. Илҳом акам Парда Умурзоқовнинг ўғли эканлигини гапирганида:

- Эй, биродар эканмиз-ку. Отангиз раҳматли бизникига кўп бор борган эди. Отам Носир Маҳмудов билан доим суҳбатда бўлар эди. Жуда яқиндан отангиз билан гаплашганман. Отангиз мард, жасур, тиниб - тинчимайдиган, меҳнаткаш одам эди. Отам отангиз ҳақида фақат яхши гапларни гапирар эди. "Пардабой одамларга доим яхшилик қилгиси келади", дерди. Отангиз бизникига келганида, мени кучиб, пешонамни силаб, чамаси ҳарбий бўласан, шекилли, деб қўяр эди. Буни қарангки

отангизнинг сўзи ижобат бўлди. Ҳарбий бўлдим. Генераллик даражасига кўтарилдим,- дебди. Илҳом акам гапидан таьсирланиб, ҳаяжонланиб генерал Владимир Носирович Маҳмудовнинг депутат бўлишига катта ҳиссасини қўшган экан. Буни қарангки, бир пайтлар Владимир Носировичнинг оталари отамизга беминнат яхшилик қилган экан. Кутилмаганда, ҳеч кимнинг хаёлига келган бир пайтда Илҳом акам отамга қилинган қарзни узибди. Демак, юқорида эслатганимдай қилинган яхшилик ҳеч қачон тупроқнинг остига кириб йўқолмас экан... Владимир Носирович Маҳмудов умрининг охирги йилларда Ўзбекистон Ҳарбий академиясини бошқарди.

Ёмонлик қилмаслик яхшиликка киради. Яхшилик қилмаслик эса ёмонликка киради. Яхшилик қилган одам ҳеч қачон ёмонлик кўрмайди. Узоқ яшайди. Чунки, ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам асабини бузмайди. Ахир ҳамма бетобликлар асабийликдан, яьни ҳафақонликдан келиб чиқади. Демак, оталаримизнинг тутган йўллари тўғри экан. Яхшилик томонда Парвардигор, Унинг фаришталари туради. Ёмонлик қиладиган одамлар томонда эса фақат шайтонлар туради. Яхшилик одамни жаннатга, ёмонлик эса одамни дўзахга етаклайди...

Ойсара опам, отамнинг тўнғич фарзанди, 1953-1954 йиллари Самарқанд давлат университетининг тарих куллиётига қарашли фалсафа бўлимини битиради. Бу ҳақда отамга хабар қилишади. Назаримда ўша йилларда Самарқанд вилоятининг биринчи котиби ҳам Носир Маҳмудов бўлган. Отам онамга бу ҳақда оғиз очиб: "Юринг, қизингиз университетни битирибди. Қутлаб келамиз..." - дейди. Шу тариқа отам билан онам - Ҳосият Турсунбой қизи (унутмаслик керак - Ойсара опам катта онамизнинг биринчи фарзандлари...) билан Самарқандга жўнашади. У пайтлар университетнинг ректори академик, таниқли ўзбек олими Иброҳим Мўминов эди. У вақтларда университетни камдан-кам одам битирар эди. Шу сабабли битирувчиларга дипломларни тўй -

тантана қилиб беришар экан. Битирган ўқувчиларнинг йиғинига, яъни кузатиш маросимга кутилмаганда Шароф Рашидов ташриф буюради. Отамни кўриши билан ёнига яқинлашиб:

- Пардабой ака! Соғ - саломат юрибсизми? Бола - чақалар эсон - омонми?- деб сухбатга киришди.

- Эй, Шарофжон!- дея отам ҳам кучоқ очиб Шароф Рашидов билан чин дилдан кўришади. "Биринчи фарзандимиз, Ойсара бону тарих бўлимининг фалсафа куллиётини тугатибди. Шодлигимизни яширолмай, Окдарёдан етиб келдик. Бу киши келин ойингиз,- дея онамни кўрсатади.

- Ундай бўлса Иброҳим Мўминовичдан илтимос қиламиз. Қизингиз Ойсарахонни олим қилиб берадилар,- дея гапини давом эттиради Шароф Рашидов.

-Қизимиз Ойсарахон жуда иқтидорли қизлардан. Биз уни албатта олима қилиб етиштирамиз,- дея Иброҳим Мўминов Шароф Рашидовга жавоб қилади. Чиндан ҳам раҳматли Иброҳим Мўминов Шароф Рашидовга, отамга берган ваьдасининг устидан чиқди. Ойсара опамни номзодлигига ҳам, докторлигига ҳам раҳбарлик ва устозлик қилди. Ойсара опам ўзбек аёллари орасида фалсафа фанидан биринчи докторлик ишини ёқлаган олима эди.

Кўп бош қотираман. Ўзимча ўйлайман - аждодлар кимларгадир яхшилик қилса, ҳалол меҳнат билан умр кечирсалар, саховат кўрсатса, авлодларига ҳам яхшилик билан қайтар экан. Отамиз, онамизнинг одамларга қилган яхшиликлари бизларга ҳам улгуржи бўлиб қайтди... Илоё, яхшилик қилганларнинг икки дунёсини ҳам берсин... Бизлар ҳам мана шу ота - оналаримизнинг саховат йўлидан янглишмай борайлик... Бари бир яхшилик қилганлар кам бўлмайди...

* * *

Отам ҳақидаги ҳаётий лавҳалардан яна бирини онам раҳматли Ҳосият Турсунбой қизи гапириб берган эди.

Отам Парда Умурзоқ ўғли чин маънода ўз ишига, яъни халқнинг манфаатига садоқатли одам бўлганлигини ҳамма бир оғиздан гапиришар эди. Бугунги кунда одамлар коммунистларга салбий фикр билан қарай бошлади. Мен ҳам шундай фикрдаман. Коммунистлар, комсомоллар ўз вақтида кўп нарсаларни ўйламай - нетмай, билиб - билмай бажариб, миллатига ёмонлик қилган холлар ҳам бўлди. Бу саводсизлар эса тепадан қандай буйруқ келса, уни ортиғи билан бажарди, юқоридан ҳар йили ҳар бир республикадан икки юз минг одамни ўлдиришга, яъни "халқ душмани", "миллатчи" сифатида йўқатишга буйруқ келар экан. Маҳаллий раҳбарлар эса бу режани икки юз фоиз бажардик, дея рапорт ҳам берар эканлар. Мана шу тушунча билан ўлчанадиган бўлса, коммунистлар ғирқ қотилга айланган эди.

Бироқ бизнинг оталаримиз раҳбарлик қилган кезларда коммунист тушунчасини поклик - тозалик рамзи деб тушунилган. Чиндан ҳам "коммунист" тушунчаси қоғозда гўзаллик деб айтиларди. Аслида эса акси юз берган. Қотиллик, қатағонликдан иборат бўлган. Миллатларни ёппасига қириш масаласини ким ўйлаб топганини ҳали - ҳамон тушуниш қийин...

Гап бу ҳақда эмас, Парда Умурзоқ ўғли - отам ҳақида кетаётир. Онамизнинг гапларига қараганда отам чин маънодаги ҳалол, фақат меҳнатнигина балган одам ва раҳбар бўлган. Отамни билган, кўрган, таниган, суҳбатлашган юзлаб одамларни кўришга, гаплашишга тўғри келди. Ёшлигимизда отам билан бирга ишлаганлар кўпчилик эди, бирор одам отамни бирор одамга ёмонлик қилганини, ёки бурнини қонатганини айтмади. Фақат ва фақат одамларга, одам танламай баробар яхшилик қилганини доим ҳам эътироф этишди. Ахир буни қалби, тушунчаси пок одамгина қилиши мумкин. Парда Умурзоқ ўғли менинг отам бўлгани учунгина бу мисолларни келтираётганим йўқ. Бир халол одамни, мен ҳам бир одам сифатида баҳолаётирман.

Одам доим ҳам бирор одам ҳақида гапирганда, бу гапга Худо гувоҳлик қилаётганини ҳис қилиши шарт. Айни пайт иймон ҳам гувоҳлик қилади. Одам у дунёда ота - она учун, хотин, бола - чақа учун жавоб бермас экан. Ҳамма бандаи мўмин сифатида фақат ўзигагина жавоб берар экан. Фақат норасида кетган гўдакларгина, ота - онанинг орасига тушиши, гуноҳларини кечириб беришини сўраши мумкин экан. Мана шу Илоҳий ҳис - туйғуни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шундагина биз ҳеч қачон виждон - иймондан четлашмаймиз... Ахир ҳар бир қилинган яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам жавоб бўлаётганини кўзларимиз билан кўриб турибмиз. Ҳаммани ҳам Яратган гуноҳу зинолардан асрасин.

Демак, отам бетобланиб қолганида, у зотни ҳукуматнинг биринчи шифохонасига ётқизишади. Отам биринчи котиб сифатида шу шифохонада ётиш ҳуқуқига эга бўлган экан... Онамнинг айтишига қараганда отам Ойбек домла билан бирга, бир хонада ётган экан... Онамнинг ҳикоя қилишича ўша пайтлар ёзувчи Ойбек бошидан оғир бетобликни кечираётган экан, яъни чап қўли, чап оёғи ишламай қолган экан... Дудуқланиб гапирар экан. Эшитишимизча Ойбек домлани ҳам 1937 йили "миллатчи", "халқ душмани" сифатида қоралашиб, роса азоблашган экан. Ўзи билан бирга ишлашганлар унинг устидан шикоят ёзиб берган экан. Шу сабабли ўша кезлар оғир бетобликни бошидан кечираётган экан. Ойбек домла кўп раҳмдил, озорсиз, бировга тик ҳам қаролмайдиган одам экан. Одамлар билан кўп гаплашишни ҳам истамас экан. Чамаси сотиб қўйишидан шубхаланган бўлса керак. Ойбек домланинг аёллари Зарифа опа доим қўлтиғига кириб, бир қадам ҳам, бир дақиқа ҳам ўзини ёлғиз қолдирмай доим овқатидан, сувидан, уйқусидан хабардор бўлиб турар экан. Ҳатто ёзилишига ҳам ёрдам берар экан...

Онам, опаларим, акам деярлик ҳар куни отамдан хабар олиб турар экан. Демак, ҳар куни отамни ҳам, Ойбек домлани ҳам кўриш насиб этган. Ойбек домла

қишлоқ ҳаёти, деҳқонлар ҳаётини сўрар экан. Зоминнинг табиатини сўрар экан. Отам бетоблигидан безовталаниб, азият чекан кезлари:

- Пардабой Умурзоқович! Кўп бетоблигингиз ҳақида ташвиш тортаверманг. Саноқли умр бор. Парвардигор ёрлақаса узоқ умр кўрасиз. Отангизнинг исмлари Умурзоқ экан. Сизнинг ҳам умрингиз узоқ бўлади. Яхши бўлиб, оёққа туриб кетганиздан кейин мени Зоминга олиб борасиз. У ернинг жаннатмакон тоғларини кўрсатасиз. Мевалари-ю, қимизларидан, шарбатларидан татиб кўрамиз. Келин умридан барака топсин. Сизга жуда ҳам меҳрибон экан. Тақдир қилса сиз ҳақингизда, оилангиз ҳақида, Зоминнинг азамат деҳқонлари ҳақида бир китоб ҳам ёзармиз, -деган экан. Отам ҳам фахр ва ғурур билан, ўзига бир катта ёзувчининг эътибори тушганидан қувониб:

- Сиздай ўзбекнинг улкан ёзувчиси бизнинг юртларга-Зоминга борадиган бўлса, катта байрамга айланиб кетади... Жоним билан олиб бораман. Озгина оёққа туриб олай,- дея жавоб қилган экан. Шу орада отамни бошқа шифохонага олиб боришиб жарроҳлик ўтказади. Отам бу жарроҳликдан яхши чиқмайди. Шундан кейин Ойбек домланинг ҳам, отамнинг ҳам ниятлари ушолмай қолиб кетди.

Бир - икки кундан кейин отамнинг ахволи жуда ҳам ёмонлашди. Отам онамга:

- Зудлик билан Ойсара қизимни Ўктам ўғлимни олиб кел!- дея илтимос қилади. Чамаси отам ўзининг тугаб бораётгани, яъни ер юзидаги умри ниҳоялаётганини сезган экан. Ойсара опам тўнғич қизи, мен эса энг кичик фарзанди эдим. Нима учун бош фарзандини ва кенжа фарзандини кўришни истаганини ҳозир ҳам ҳеч ким англаб етганича йўқ. Онам отамнинг сўнгги илтимосини дарҳол бажаришга киришади.

Демак, онам ўша кезги кичик машинасидами, ёки отамнинг "победа" номли машинасидами, опам Ойсарани ва мени дарҳол Тошкентга, давлатнинг биринчи

шифохонасига етказиб беради. Онамнинг гапларига қараганда Ойсара опам катта фарзанди бўлгани учун, отам унга ниманидир айтгиси, ниманидир уқтиргиси келгандир: "Укаларинг ёш, оёққа туришга ўзинг ёрдамлашасан. Назаримда, менинг бу дунёдаги умрим ниҳоясига етаётир... Сизлар билан кўришиш бошқа насиб этмайди... Ҳар қалай бу дунёда яшадим. Қисқа бўлса - да, яшадим. Худо сизларни берди. Туёқсиз кетмайдиган бўлдим. Синглинг Дилбар, уканг Илҳомжон, Ўктамжон ёш. Уларнинг ўқишлари ҳам сенинг бўйнингда...", демоқчи бўлган бўлиши керак. Онам оғир дард чеккани, яъни эрининг оғир бетоблиги ва умри ниҳояланаётганини сезиб, англагани туфайли кўзларига ҳеч нарса кўринмаган, қулоқларига ҳам ҳеч нарса кирмаган бўлиши керак.

Раҳматли отам мени кўксига босиб, чин маънода шашқатлар ёшларини тўкиб, зор - зор йиғлаб, юз - кўзларимдан такрор - такрор ўпиб, мутлақо айрилгиси келмай, оғир - оғир сукутга толганини ҳозир кўз олдимга келтираман... Қўлида, ёки кўксида уч йил бурун дунёга келган ёшгина гўдак - мен мултираб отамга термулиб турган палламда, отамнинг зор йиғлаб, кўзларидан тўкилаётган ҳисобсиз ёшларни кўриб, каттиқ изтироб билан йиғлаган бўлишим керак. Уч ёшли гўдак тасаввур қилиши мумкин эмас. Бу дунёга туғилиш нима, ўлиш нималигини билмаган, онасининг отасига термилиб сўзсиз йиғлаши ва отасининг ҳам хотини ва ўғилчасига, қизига термилиб қон йиғлаши манзараси, жараёнини ҳеч ким, ҳеч қачон ифодалаб беролмаса керак... Бу воқеанинг тафсилотини онамдан эшитганимдан кейин, яъни эсим кирганидан кейин қандай ҳолга тушганимни, бундай воқеалар бошидан кечган одамлар яхши билишади...- Ўша воқеани эсласам, ёки ёдимга тушса жимиб қолардим...Бошим эгилиб, ҳеч кимга билдирмай йиғлаб ҳам оларидим. Овқат ҳам, сув ҳам ўтмай қоларди. Бу кулфат ёшим улғайиб, уйли бўлганимга қадар, фарзандлик

бўлгунимга қадар ҳам такрорланаверди. Ҳозир, яъни умр олтмишга яқинлашганида, оталикдан кексалик фаслига кўча бошлаганимда ҳам отамнинг ёш вафот этганлиги, онамнинг ҳам улуғ ёшга етмаганлигини ўйласам оғир ахволга тушиб қоламан...Начора, Парвардигорнинг ҳаммага аталган насибаси, рисқи, умри бор. Буни ҳеч ким, ҳеч қачон оширолмайди, кам ҳам қилолмайди. Ҳамммаси ҳисоб - китобли...Ота - онамизнинг яшолмаган умрларини Яратган фарзандларига, авлодларига берсин.

Барибир умри тугаётган инсон билан, қолаётган инсонлар орасидаги дахшатли жараён оғир кечар экан... Буни мен онамнинг вафотидан кейин ҳам англадим.

* * *

Отам билан боғлиқ ҳаётий лавҳалардан яна бири...

Онам, отасидан бир қиз, тўрт ўғил бўлган. Бир акаси ва бир укаси II жаҳон урушида ҳалок бўлган. Кичик тоғамни ҳам онамнинг ўзи уйлантирган, бола - чақаларини ҳам ўзи тарбиясига олган. Ўқитишини ҳам, турмушга чиқариш ва уйлантиришни ҳам онамнинг ўзи бажарди. Тоғамнинг саккизта фарзанди бор эди. Улардан олтитаси қиз, иккитаси ўғил эди. Тоғамнинг иккинчи қизини Абдумалик Абдураим ўғлига турмушга беришганиди. Абдумалик ака чин маънодаги олижаноб, гўзал табиатли йигит. Бир сўзли, сўзининг устидан чиқадиган, меҳнаткаш, бола - чақаси деб жонини фидо қиладиган, одамшаванда одам. Бирор ердан Зомингa меҳмон борадиган бўлса, албатта, Абдумалик аканикига қўнади. Чунки у киши меҳмонга истаганичалик мулозамат кўрсатади. Абдумалик аканинг отаси - Абдураим ака бир куни менга бошидан кечган ўтмиш воқеаларини гапириб берди. У киши саксон ёшларга бориб бандаликни бажо келтирди. Умри яхши кечди. Қизлар чиқарди, ўғиллар уйлантирди, невара - чеваралик бўлди.

- Ўктамжон! - дея Абдураим ака суҳбатини бошлади: -Бир пайтлар мен ҳеч қаерда ишламас эдим. Эрта - кеч умримиз Зоминнинг боғида кечар эди. Боғга ўзимга ўхшаган безори, ҳеч қаерда ишламайдиган, нашаванд йигитлар билан боғда кундузи ва кечаси қиладиган, яъни ўмарадиган нарсаларимиз ҳақида режалар тузиб олар эдик. Топилган нарсаларга наша чекиб, фақат қорин тўйдириш билан шуғулланиб, маст - аласт одамларга ёмон кўринар эдик, аёлларга ҳам шилқимлик қилар эдик.

Бир куни, эсимда йўқ, қайси кунлиги, ўртоқларим билан яна боғга йиғилдик. Нима қилиш, нималарни ўмариш, кимнинг кармонини тунашни режалаштириб турганимизда, боғнинг қаршисига "Победа" маркали машина жуда ҳам юқори тезликда келиб, кескин тўхтатди. Ичидан голифе шимдаги, кителдаги бир киши тезлик билан боғга кирди. Тўғри менинг ёнимга яқинлашди. "Умурзоқов Абдураим сенмисан?- дея сўради. Индамадим. -Сен безори ўртоқларингни йиғиб эрта - кеч ўғирлик, безорлик қилармишсан. Одамларнинг тинчлигини бузармишсан. Наша ҳам чекармишсан. Бу пулларни қаердан олаяпсан?! Зоминликларнинг бири онанг, бири отанг, бири ака - уканг, опа - синглинг бўлса, қариндошларингнинг ҳаққига ҳиёнат қилишга қандай кўзинг кияди! Аблах, -дея Парда ака ёнидан тўппончасини чиқариб, нақ пешонамга тиради. Ўтакам ёрилиб кетди. Отиб ташласа керак, деб ҳам ўйладим. -Менга қара, ҳозир қурилиш ташкилотига айтаман. Эрталаб ишга борасан. Сени ишга қабул қилишади. Ўзим назорат қилиб тураман. Агар ишламасанг, яна безорлик билан шуғуллансанг, нақ пешонангдан отиб ташлайман. Менга шундай ҳуқуқ берилган...Эшитдингми?" -дея гапини давом эттирди. Чиндан ҳам ўтакам ёрилишга етган эди. Қўрқиб кетганимдан бир оғиз ҳам сўз айтмадим. Сукут ризолик аломати деб тушунган бўлса керак, ортига ўгирилиб машинасига ўтириб кетди. Айтган қурилиш ташкило-

тига бордим. Айтиб қўйган экан, мени дарҳол ишга қабул қилишди. Бир ой ишладим. Бўйним ишга ёр бермайди. Ноилож бир ой ишладим. Кейин маошлар берди. Кўникиб ҳам кетдим. Сўнг уйландим, бола - чақа қилдим. Одам бўлишимга Ўктамжон, сизнинг отангиз сабаб бўлди. Бўлмаса, безорли бўлиб қамалиб кетар эдим. Уйланолмас эдим, фарзандлар орттиролмас эдим. Илоё, Парда акамнинг жойлари жаннатдан бўлган бўлсин! Ҳеч кимда йўқ фарзандлар менда - 15 та...Мана Худонинг бериши.

Тақдир тақазосини қаранг. Биз, яъни Парда Умурзоқов хонадони, яъни тоғам мана шу киши билан қуда - анда бўлди. Ўғлига қизини берди. Апоқ - чапоқ бўлиб кетдик. Эндиликда эса Абдумалик ака бизнинг севимли куёвимиз. Дўстимиз, биродаримиз, суянчиғимиз, дардкашимиз...

Демак, қилинган яхшилик ҳеч қачон ерда қолиб кетмас экан. Бир кун мевасини берар экан...

* * *

Отам Парда Умурзоқ ўғли ҳақидаги яна бир ҳаётий лавҳа ҳам хотирамда яхши сақланиб келади. Институтни тугатганимдан кейин Тошкентда, яъни шу ишлаётган институтимда ишга қолишга жазм этдим. Раҳбарият мени: "Яхши ўқиган экансиз, рози бўлсангиз ишлашга олиб қоламиз...", дея таклиф киритди. Раҳматли онамнинг истаги ҳам шундай эди. У зот эрта - кеч Худодан олим бўлишимни сўрар эди. Она - ота Худодан фарзандларининг камолини сўраса, орзу армонлари ижобат бўлар экан. Мен бунга ўз ҳаётимда иқрор бўлдим.

Ўқишни тугатганимдан кейин онам Ҳосият Турсунбой қизи Тошкентдан бизга уч хонали уй сотиб олиб бердилар. Бу пайт ўзим билан бирга ўқиган бир қизга онамнинг розилиги билан уйланган эдим. Турмушимиз аъло даражада изига тушиб бораётган эди. Онам раҳматли ҳар хафтанинг шанба кунлари албатта, тонг сахарда

эшигимизни қоқиб, Зоминдан бизларни кўргани келиб турар эди. Баъзан келиши орқага сурилар эди. Ишлар тиғиз бўлганида, ёки мажлислари кўпайиб кетганида.

Мен аёлим билан ўзимиз Зомингa боришга бел боғлаган эдик. У пайтлар енгил машиналар жуда кам учрар эди. Асосан усти очиқ юк машиналарига дуч келиш мумкин эди. Зомингa олиб чиқадиган Даштободгача Тошкентдан поездда ёки автобусларда борса бўлар эди. Ундан уёғига яна бошқа машинага ўтириб борилар эди. Даштободгача амал - тақал қилиб етиб ҳам олдик. Қош қорайиб келар эди. Қош қорайган сари ваҳимага тушар эдик. Чунки яқин - орада танишларимиз, қариндош - уруғларимиз йўқ эди.

Кутилмаганда Зомингa қараб бир юк машинаси кела бошлади. Қўл кўтардим. Машина ҳам Зомингa кетаётган экан. Тўхтади.

- Қаерга борасан?- дея сўради сариқ рангли хайдовчи таажжубланиб. Чамаси бизнинг тунда Зомингa бораётганимиз, кечикканимиздан хайратланар эди.

- Зомингa бораяпмиз. Тошкентдан келаётган эдик. Кечикиб қолдик. Енгил машина учрамади,- дея жавоб қилдим.

- Ўтира қолинглар,- деди ҳайдовчи бу гал хушмуомалалик билан. Ёнига аёлим билан ёнма - ён ўтириб, ҳайё - хут, дея Зомингa қараб юк машинасида жўнадик. Анча йўлни босиб қўйганимиздан кейин хайдовчи менга юзланиб:

- Ўзинг қаерликсан?- дея қайта сўради.

- Зоминликман,- деганимда шиддатланиб менга бир нафас тикилиб туриб:

- Зоминда кимнинг ўғлисан?- дея яна хайратланди.

- Парда Умурзоқовнинг ўғлиман...- деганида чиндан ҳам таажжуби ортиб менга жиддийроқ назар ташлади.- Отам вафот этиб кетган...

- Хой, оғайни, сен жуда ҳам катта одамнинг фарзанди экансан - ку. Отангга чиндан ҳам катта раҳбарлар-

нинг назари тушган экан...Сен чиндан ҳам бахтли одам экансан. Мен ҳам отангни ғойибдан танийман...- деди хайдовчи. -Энди сенга отанг билан боғлиқ бир тарихни гапириб бераман. Мен Қарабчиданман. Боёвутга кўчиб кетган эдик. 26 ёшимда хайдовчи бўлдим. Юк машинасини хайдар эдим. Ўша кезлар кутилмаганда Усмон Юсупов Боёвутга директор бўлиб келди. У пайтлар қишлоқларда, районларда енгил машиналар кам учрар эди. Мени Усмон Юсупов ўзига хайдовчи қилиб тайинлади. Ишлаб юрдим. Усмон Юсупов ғўлабир одам эди. Қишлоқ ҳўжалигини яхши биларидн. Турли ерларга олиб борардим, олиб қайтардим. Ҳаётим яхши кечаётган эди. Овқатлар яхши, баъзан дам ҳам олиб олардим. У киши одамлар билан кўп хушмуомалада бўлар эди. Бир куни гапдан гап чиқиб қаерданлигимни сўради.

- Мен асли зоминликман. Боёвутга тақдир тақозоси билан кўчиб келганмиз. Ота - онам ҳам шу ерда, -дея жавоб қилдим.

- Ҳой шошма, Зоминдан бўлсанг, бир кишини танишинг керак,- менга Усмон ота жиддий тикилди. - Зоминда Парда Умурзоқов деган биринчи котиб бўлар эди. Кўп яхши одам эди. Ўта меҳнаткаш, ишни дўндирадиган, серхаракат одам эди. Раҳматли жуда ёш ҳаётдан кетди. Мен у кишини яхши танир эдим. Марказкумга ҳам кўп бор келган эди. Катта йиғинларда ҳам учрашганмиз. Бир - икки бор нутқини ҳам тинглаганман. Нутқи ҳам ўткир эди. Деҳқончиликни яхши билганлиги учун режаларини аниқ айтиб, аниқ бажариш йўлларини ҳам бошқа котибларга ўргатар эди. Айни пайтда кўп жасур одам эди. Ҳеч нарсадан қайтмас эди. Ёш вафот этгани яхши бўлмади. Назаримда эллик ёшга ҳам бормади чоғимда. Вафот этмаганида катта лавозимларгача борар эди. Вилоятнинг биринчи котиблигига ҳам номзоди қўйилган эди...Қизиқ, унинг фарзандлари кўп эди. Уларнинг тақдири нима бўлди экан?

- Усмон ота, мен сиз айтаётган Парда Умурзоқовни

танимайман. Биз ёш бўлганмиз. Отамдан сўраб кўраман,- дедим, чиндан ҳам отангни танимаганидим ҳижолат тортиб.

- Албатта, қизиқиб кўр, -гапини давом эттирди Усмон Юсупов. -Топилса, ўқишлари билан қизиқамиз. Биронтаси институтда ўқий олдимикин?

- Мен Усмон Юсупов билан узоқа вақт ишладим, - дея бизларни Зомингa олиб бораётган хайдовчи гапини давом эттирди: -Усмон Юсупов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлган. Отанг эса биргина районнинг биринчи котиби бўлган. Демак, катта раҳбарнинг назари ҳам отангга тушган экан, демак, отанг ҳам чакана одам эмас экан. Мен сизлардан пул олмайман. Отангнинг халқига, етим - есирларга, камбағалларга қилган яхшигинининг савобидан оламан...Мен ҳам, сен ҳам, келин ҳам отангга ўхшаб яхши одамлар бўлайлик...

Хайдовчи бизларни Зомингача олиб бориб, жуда қуюқ - қариндош - уруғлардай самимият билан хайрлашди. Ортимиздан ҳам анча жойгача қараб турди.

Бу воқеа ҳам менда улуғ бир таассурот қолдирди. Парда Умурзоқовнинг ўғли бўлганимдан беҳад ғурурландим, фахрландим. Бу дунёдаги инсоний умр жуда қисқа. Мана шу қисқа умрда барибир яхшилик қилганларгина ютар экан. Яхшилик қилмаганлар ютқизар экан. Ахир ер юзида сонсиз - саноқсиз одамлар мавжуд. Улардан бармоқ билан санарли даражада кам одам инсоний тарихда, тарих сахифасига мухрлаб қолган. Фақат яхшиликлари билангина тарихда қолган. Демак, одам қанчалик тезлик билан яхшилик қилишга шошилса, ютар экан. Йўқса, кечикиши мумкин экан...Яхшиликни тарих саҳифасига мухрлаб қолдиришдан ташқари, савоби ҳам бор. Жаннатга элтиши ҳам бор...

Отам ҳақидаги охирги хотирамни ҳам айтишим керак. Чунки бу воқеанинг ҳам гувоҳи бўлганман. Гарчи ёшим уч ёшда бўлса - да, ўша кунги манзара ҳали ҳам ёдимда. Отамнинг жасадини олиб келишганидан кейин

ичкарига, уйга олиб киришиб, мусулмончиликнинг ҳамма қонун - қоидалари билан ювишиб, кафанлашиб, хўжакўрсинга кафаннинг устидан кулранг кастюм - шим кийдиришган экан. Буни онам менга гапириб берган. Русча гробни машинага олиб чиқишди. Отамни ўртага ётқизишди. Атрофига биз - фарзандларини ўтказишди. Опаларим, акаларим - ҳаммамиз отамга термилиб ўтирибмиз. Қариндош - уруғлардан ҳам бор эди. Икки онам - катта онам, кичик онам ҳам бор эди. Кўпчилик бўлиб "полуторка" машинада чумоли қадамида бораяпмиз. Машина отам туғилган Муғол қишлоғига қараб жўнади. Орқадан отлиқлар ҳам, аравадагилар ҳам изма - из боришар эди.

Хуллас, Муғол қишлоғига етиб ҳам келдик. Яна отамнинг ҳамқишлоқлари ҳам бу қайғули воқеадан қаттиқ қайғуга тушиб, жигарлари учун уввас солиб йиғлашди. Отамни дафн этиш ҳайъати тузилган эди. Ҳайъат аъзолари ҳам, баъзи бир таниқли кишилар ҳам нутқ сўзлади, назаримда. Кейин қабрга жасадни тушуришди. Жасадни қабрга тушурганларидан кейин гўрковлар жасаднинг устидаги кастюм - шимини ечиб, олиб ташлашади. Жасадни кафан билан мусулмонча қилиб кўмишади. Назаримда одамлар кетганидан кейин жаназа ҳам ўқишган эди. Яширинча. Ҳамма қаторида биз ҳам орқага қайтдик. Гробдаги қизил бахмални нима қилганини эслолмайман. Гроб ҳам гўрга тушурилган. Чамаси гроб ҳам четга суриб ташланган бўлиши керак. Лекин ёстиқларга қадалган орден ва медаллари қайтариб уйга олиб келинди. Орден ва медаллар Ойсара опамда қолган...

Кимдир, отамнинг кўмиш маросими ҳақида Москвага: "Парда Умурзоковни мусулмонча қилиб кўмишди. У коммунист эди. Қизи ҳам коммунист бўлган холда шундай ишга йўл қўйилди...", дея шикоят хати йўллабди. Орадан анча вақт ўтганидан кейин қабрни очиш ва текшириш учун яна алоҳида ҳайъат тузилганини ҳам онам айтиб берган. Ҳайъат Муғол қишлоғига бориб, одамларни йиғиб, жасад-

ни янгича кўмгани, яъни гроб билан кўмганлиги ҳақида сўраб - суруштиради. Бу масала кўтарилганда эса қариндош - уруғлар ўзаро келишиб отамнинг катта хотинлари, яъни катта онамизни ва кичик фарзандларини роса пишиқлашган. "Агар қабрни очишга бошласалар, сизлар қабрга ётиб олиб, дод солиб, "ўзимизни ёқиб юборамиз!" дея қаршилик кўрсатасизлар...", дейишган экан. Қабр очилишга келганда чиндан ҳам катта онам, баъзи бир кишилар қабрга ётиб олишган. "Ўзимизни ёқиб юборамиз!", дейишган. Кичик онам коммунист эди. Амакимнинг ўғли Ғайбулла акам ҳам коммунист эди. Бундай ишларга очиқчасига журъат этмас эди. Хуллас, олатўпалондан кейин Москвадан, Марказкумдан келган вакиллар ҳам қайтадан гувохлардан гроб билан кўмилганини тасдиқлаб, қўл қўйдириб: "Парда Умурзоқов гроб билан кўмилганини ҳамма гувоҳлар тасдиқлайди...", деган қарорни чиқариб қайтиб кетишади. Кейинчалик билсак, бу хатни Москвага Салим Каримов деган "Қизил Ўзбекистон" газетасининг мухбири ёзган экан...Бу одам кейинчалик Зомингa мутлоқ келмай кетган экан...

Отамиз ҳақидаги билганларим, одамлардан, жумладан оналаримдан, опаларимдан, акаларимдан эшитган ўтмиш хотиралари шулардан иборат. Ва бу тарихга айланган бугунги кунда ҳам қалбимизда, юрагимизда, тафаккуримизда, шууримизда сақланиб келаётир. Биздан фарзандларимизга кўчиб, ўтиб бораётир...Отамнинг, онамнинг қабрларини чиройли қилиб, қора тошлар билан безаб қўйдик. Шу билан кичкина эзгулик бўлса-да, ота - онамиз олдидаги фарзандлик бурчимизни, маьсулиятимизни маълум маънода адо этдик, деган фикрдаман...Илоё, отам Парда Умурзоқ ўғлининг ота - боболари руҳи қўллаган бўлсин! Парвардигор илоё, жаннатдан жой берган бўлсин...

САРДОР ЎКТАМОВИЧ УМУРЗОҚОВ БОБОСИ ҲАҚИДА

- Бобомиз Парда Умурзоқовнинг вафот этганларига ҳам қарийб 55 йил бўлди. Мен шахсан бобомларни кўрмаганман. Бувимиз Ҳосият Турсунбой қизининг уйида Парда бобомнинг катта портретлари доим осиғлиқ турар эди. Мана шу катак - рамкадаги суратни кўрганимда, тагига бориб узоқ муддат термилиб қолар эдим. Хаёлларга берилар эдим. Тассоввуримда бир неча йиллар орқага қайтгандай бўлар эдим. Ҳаёллар мени бобомнинг тириклик кезларига элтар эди. Аста - секин кўз ўнгимда бобом тикалиб борар эди. Ниҳоят қадди - қоматини ўнглаб, қирқ саккиз ёшли, яъни навқирон ёшдаги бобом қаршимда қад кўтарар эди. Хаёлан бобомнинг пинжига суқилар эдим. Бобом ҳам гўё бошимни, пешонамни силагандай бўлар: "Сардоржон! Қадди - қоматингдан ўргилай! Бирам чиройли йигит бўлибсанки, нақ менинг ўзимга ўхшайсан. Амакинг ҳам, отанг ҳам, сен ҳам юзимни ерга қаратмадиларинг! Ўқимишли одам бўлдиларинг. Ичкиликнинг ортидан қувмадиларинг. Ўғирлик, муттаҳамлик қилмадиларинг! Халол меҳнат билан ҳаёт кечираяпсизлар...", деётгандай туюлар эди.

Ўқишлардан ёзги таътилга чиққанимизда Зомингa, бувимнинг уйларига ташриф буюрар эдик. Оҳ, бувимнинг уйи бу пайтда чиройли бўлар эдики! Ариқдан шовиллаб сув оқиб турар, гуллар очилган бўлар эди. Бувимнинг биринчи севган машғулоти гул экиш, гул ўстириш бўлар эди. Бирор тўй - маракага бориб қолсак, одамлар биздан: "Кимларнинг ўғлисан?" деб сўраганида, "Парда Умурзоқовнинг набираси бўламиз...", деганимизда бизга бошқача муомалада бўлар эди. Ҳамма ҳурматимизни ўринлатар эди. Мени кўрганлар биринчи галда: "Бобонгнинг нақ ўзгинасисан...", дейишар эди. Чиндан ҳам мен бобомга ўхшайман. Бувим ҳам шу сабабли бўлса керак, акамдан, синглимдан кўра менга

ортиқчароқ илтифот кўрсатар эди. Менга яхши гапирар эди. Заррача ҳам озор бермас эди. Ваҳоланки бувим беҳад қаттиққўл одам эди. Ёмонлик қилганларни омон қўймас эди. Бувимнинг уйларидан доим ҳам одам аримас эди. Аёллар - эркаклар тирнақатор бўлиб келишар эди, оилавий можароларини, фарзандларининг масаласини ҳам битириб кетар эди. Бувим келиб - кетувчиларга, яъни ўзига эҳтиёж туғилганларга махалланинг етакчиси ҳисобланар эди. Тошкентда бўлганимизда эса шанба, якшанба кунлари бувимиз бизникига келар эдилар. Бу кунлар биз учун қувончга айланар эди. Ўзлари билан бозордан ҳамма бор нарсаларни олиб, кўтариб келар эдилар. Тожибой бобо деган хайдовчилари бўлар эди. Кўп доно одам эди...

Ҳамма одамларда ҳам шундай ҳол кечса керак. Ўзи учун азиз - мўътабар бўлган инсонни тириклигида кўролмаса, ёки ўша азиз одами ҳақида одамлар доим яхши гапларни гапирса, ўша мақталадиган одам тобора илоҳийлашиб бораверади. Кундалик илинж, юпанчига айланади. Бобом мен учун ҳам доим етиб бўлмас чўққи, эришиб бўлмас армонга, ниятга айланиб қолганиди. Мана энди ўзим ҳам фарзандлик бўлиб, чет элларда ўқиб, ишлаб келганимдан кейин бобомнинг суратига термилиб туриб чуқур мулоҳаза юритаман...Нима учун одам жигарларига доим талпинади, топинади? Нимага доим ичикади, соғинади? Кўргиси, суҳбатлашгиси келади!? Нимага одам тез вафот этади? Нимага кўп яшаб, набиралари билан ҳам бирга яшамайди. Фарзандларининг камолини кўрмайди?! Нимага марҳумлар тириклар учун доим сирли - сеҳрли ва Илоҳий бир манзилдай кўринаверади, туюлаверади?

Бунга бугун мана бундай жавоб беришим мумкин: Менинг қоним отам Ўктам Парда ўғлининг қонига, Ўктам Парда ўғлининг қони Парда Умурзоқ ўғли қонига, Парда Умурзоқ ўғлининг қони Умурзоқ Суюн ўғли қонига, Умурзоқ Суюн ўғлининг қони Суюн Норбўта

қонига, Суюн Норбўта ўғли қони Норбўта қонига, Норбўтанинг қони - Шодибойнинг қонига, Шодибойнинг қони эса Тоғошарнинг қонига бориб туташади. Ундан олдин эса юзлаб, минглаб ота - боболаримиз ўтган, демак, ўшларнинг қонига бориб туташади. Мендаги аждодларимнинг қони, илк бор дунёга келган боболаримнинг қонини қўмсайди, ўша қонга ичакади. Ўша қонни соғинади. Демак, қонлар бир - бирига талпинади, топинади. Менинг гўштдан, суякдан, теридан иборат танамнинг ўзи эмас, ундаги қонлар юзага чиқарадиган ҳисиёт ва онг орқали ўз наслимни, қонимни севаман. Энди бу ёғи Парвардигорий тушунча - туйғу билан боғланиб кетади. Олдинги боболарим бой - бадавлат кишилар бўлган, кейингиси Умурзоқ бобомиз катта бой - деҳқон бўлган. Парда бобомиз эса раҳбарлик лавозимларда ишлаган. Мен, менга энг яқин бобом - Парда бобомга кўпроқ талпинаман. Бобом мен учун етиб бўлмас орзу армонга, умидга, ниятга, илоҳий бир даҳога айланиб боради.

Бош бобомизни Тоғошар дейишларининг сабаби, қачонлардир кимлардандир қочиб тоғма - тоғ ошиб охир-оқибат Зоминнинг Муғол қишлоғига келиб, кўним топган экан. Муғол қишлоғига ҳам ўша бобомиз асос солган дейишади. Ўзбекларнинг 92 уруғи бор. Шу уруғлардан бири "Мўғил" деб юритилади. "Мўғил" дегани "монгол" дегани эмас. "Муғ" сўзи "Туғ" - байроқ сўзига яқин. Мазмунини шу сўзлардан излаш керак. "Муғил" сўзи "Муғол" бўлиб кетгани, "Муғол" эса ўзбек уруғларининг энг қадимий улуғларидан бири - "Юз" уруғининг "Хитаюз" (айрим манбаларда - "Хитаис") деб номланган бўлагига киради. Қолаверса, XVI асрда юртимизга келган кўчманчи ўзбекларнинг раҳнамолари ҳам "Муғоллар" деб номлангани тарихдан маълум (Мирзо Бобурнинг кўпчилик вазиру амирлари ҳам айнан шу уруғга тегишли бўлгани учун Европа тарихий китобларида Бобур Мирзо томонидан Ҳиндистонда асос солинган

давлат "Буюк Муғоллар Империяси" деб номланган эди).

Муғол қишлоғидаги амакимиз, яъни Парда бобомнинг амакиваччаси Ғайбулло Эргашевнинг уйига ҳам бориб турардик. У киши уруғларимизни қаердан келганини, нимага тоғ ошиб юрганликларини гапириб берар эди. Кўп маданиятли, ҳушмуомала киши эди. Ғайбулло бобомизнинг гапига қараганда Тоғошар бобомиз Ҳисор тоғларидан ошиб, маълум муддатда Тошкентда, Ангрен тоғларида ҳам яшаган. Шу тариқа Муғол қишлоғига келиб қолган экан.

Мен 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умид" жамғармаси синовларидан маваффақиятли ўтиб, чет элда ўқиш грантини кўлга киритдим ва магистрликка ўқиш учун Англияга жўнадим. Ундан олдин эса мен Тошкентдаги иқтисодиёт университетини тамомлаган эдим. Шу тариқа Англияга ўқишга жўнаш имкониятини кўлга киритдим. Англияга борганимдан кейин у ердаги университетда ўқий бошладим. Рединг шаҳрида яшардим. Бу шаҳар Лондондан 30 чақирим узоқликда эди. Ўқиш даврида ингилизларнинг "Рождество" (яъни Исо пайғамбарнинг туғилган куни - "Мелод") байрами вақтида кўпчилик талабалар ўз она шаҳарларига қайтишарди. Улар байрамларини ўз уйларида, яқинлари олдида ўтказишар экан. Биз бошқа мамлакатдан келганлар эса бошқа юмушлар билан шуғулланишимиз мумкин эди. Мен таътилимни бекор ўтказмаслик учун университет кутубхонасига бориб Туркистон тарихига оид асарлар билан шуғулланишга аҳд қилдим. Кўп китобларни кўздан кечириб, охири "Тараққиётнинг қалбидаги тарих" номли китоб бизнинг мамлакат ҳақидалигини аниқладим. Китобни олиш тўғрисида илтимос қилдим. Илтимосимни қондиришди. Бу тарихий асар тахминан 1864 - 1865 йилларда ёзилган экан. Китобнинг муаллифлари бир неча бор Туркистонга келиб, ҳамда бошқа тарихий манбаларни кўриб чи-

киб, тарихни ўрганишган экан. Китобнинг муаллифлари машҳур тарихчи Вамбери билан ҳам таниш бўлган чоғи. "Тараққиётнинг қалбидаги тарих" китобида Бухоро хонлигига бағишланган қисмини мутолаа қила туриб қизиқ маълумотларни ўқиб қолдим. Ўзларини "ўзбек" атамаси билан илк бор номлаган ва Темурийларнинг ўрнига XVI асрда ҳокимият устига келган Шайбонийзодалар сулоласидан бўлмиш охирги хон Абдумўмин ўлдирилган. Унинг фарзандлари, яқинлари анча заифлашгани боис ҳокимият Аштархонийлар сулоласи қўлига ўтиб кетган. Лекин Аштархонийлар ҳам Чингизхон авлодидан бўлгани туфайли Шайбонийзодаларга (аниқроғи уларнинг қолдиқларига) тазйиқ ўтказмасдан, уларни сиёсатдан четга чиқариб, ҳаёт кечиришларига изн берган экан. Вақт ўтиб, Аштархонийлардан ҳокимият манғитларнинг қўлига ўтиб кетади. Бухоронинг олдинги хони кексайиб, тахтни бошқаролмай қолган. Бундан манғитлардан бўлган вазир фойдаланган ва ўз сулоласига асос солган. Лекин манғитлар Чингизхон авлодидан бўлмаганлиги учун "хон" унвони ўрнига камтарроқ "амир" унвони билан мамлакатни бошқарган. Шу боис, ҳокимиятни йўқотмаслик учун манғитлар аввал барча Аштархонийларни қириб ташлайди. Кейинчалик эса, XIX асрнинг бошларида "Қассоб" лақаби билан тарихда ном қолдирган Амир Насрулло Шайбонийзодалар тўғрисида эслаб қолади ва уларнинг қолдиқлари, яъни тирик қариндош - уруғларини топиб қатл этишга буюради. Бундан хабар топган айрим Шайбонийзодалар қочиб қутилишга ҳаракат қилади. Уларнинг фақат саноқлиларинига қочишга эришиб, Ҳисор тоғлардан ўтиб, бир неча бор қайта-қайта кўчиб кетадилар ва исмларини ўзгартириб, янги жойларда оддий ҳаёт кечира бошлайдилар. Уларнинг изларини шу тариқа тарихда йўқолиб кетади. Англиядаги китобда шундай маълумотлар ёзилган эди.

Мен "Тараққиётнинг қалбидаги тарих" асарини син-

чиклаб ўқиганимдан кейин боболарим ҳам Шайбонийзодаларданмикин, деган эҳтимолга ҳам бордим. Чунки Парда бобомнинг амакиваччалари Ғайбулло аканинг гапи бўйича XIX асрнинг 1-ярмида яшаган катта бобомиз Тоғошарнинг асл исми бошқача - зодагонларнинг исмларига ўхшаш арабий исм - бўлган, лекин Муғол қишлоғига келганидан кейин оила қуриб, асл исмини ҳеч кимга ошкор қилмаган экан. Амир Насруллонинг қатлидан кейинги қочқинлар бизнинг боболаримизга ҳам таъсир қилиб, Ҳисор тоғлари, ундан Тошкентнинг Ангрен тоғларига келиб, у ердан ошиб Зоминга, Муғол қишлоғига келиб кўним топганмикин, деган фикрга ҳам бордим. Чунки Муғол қишлоғи ҳам деярли унчалик кўп тарихга эга эмасдай кўринади. Қабристони ҳам деярлик минг йиллик тарихини қамраб олмайди. Қабристон унча ката эмас ... У ер - бу ерларга одамлар дафн этилган...

Назаримда, оддий деҳқон оиласида туғилган бобом Парда Умурзоқ ўғлига хос бўлган олижаноблик, зиёлилик (интеллигентлик), илм-фан ва санъатга муҳаббат, инсонларда кам учрайдиган мисли кўрилмаган саховат ва бошқа ҳислатлар асрлар оша ҳалиги буюк аждодлардан қон орқали, ген орқали ўтиб келгандир балки... Лекин бу муҳим эмас... Умуман олганда одамнинг қайси табақадан келиб чиқиши асло муҳим эмас... Энг муҳими, бобомнинг қисқа, лекин сермазмун умрини олдида биз - уларнинг авлодлари - ҳар бир қадамимизга масъул эканлигимизни, у кишининг ҳаётий принципларига содиқ қолишимиз лозимлигини унутмаслик...

Англияда магистрликни битириб қайтганимдан кейин Тошкентда, давлатнинг йирик банкларидан бирида ишлаб, мутахассисликдан бўлим бошлиғигача кўтарилдим. Кейинчалик мени банкнинг Самарқанд вилоят бошқармасига бошлиқ ўринбосари қилиб юборишди. У ерда ҳам ишладим. У ердан Англиядаги халқаро молиявий институтлар қаторига қўшилган йирик банкка ишга таклиф

қилиб қолишди. Бола - чақам билан 2003 йили бордим. 2007 йилгача ўша ерда ишладим. У ерда бир нечта ҳамюртларим ҳам ишлар эди. Ҳаёт чакки эмас эди. Маошлар ҳам яхшигина эди. Банк орқали бутун дунёни кўриб, саёҳат қилиб қайтган эдим. Ўғлим ҳам ўша ерда туғилган эди. Исмини Темур-Малик қўйганман. Лекин ватанга қайтдим. Сабаблари бир нечта. Чет элда яшаб ишлаётган ҳамюртларимизнинг фарзандлари ўзбек тилини билишмайди.

Ўзбекларнинг урф - одатларини ҳам билишмайди. Биргина инглиз тилида сўзлашади. Ота - оналари шунга кўникишган. Ўзбекларнинг, Ўзбекистоннинг қадимий маданияти, маънавияти, тарихи, адабиёти, санъати билан ҳам деярли қизиқмайдилар. Балки вақт етар, қачонлардир ўша ҳамюртларимиз ҳам бу ҳақда аниқ қарорга келишар. Ақалли уйларида она тилларида сўзлашар, тарихлари билан, адабиёти, санъати билан қизиқар, лекин бунга жуда ҳам узоқ вақт керак бўлади. Унгача фарзандларнинг тиллари қотиб қолади, ўзбек тилига тез орада ўрганолмайди. Чет элдаги болаларнинг ахлоқлари қизиқ... Уларни ҳеч нарса қизиқтирмайди...Фақат ўзлари учун яшашга интилади.

Ўртоқларим менга: "Ҳамма нарса муҳайё бўлган ерда ишлайвермайсанми? Нимага келдинг?" - дейишди ҳам. Барибир одам боласига Худо ватан, тил, аждодларини берган. Шу ватанда, шу миллат орасида, аждодлари хотирасини улуғлаб, шу тилда гаплашганга не етсин! Ҳамма нарса юрагингга яқин. Ота - онанинг қайноқ бағри. Ўз уйинг - ўлан тўшагингдан қўймасин! Бу ерда баҳри - дилинг очиб кетади.

Ота - боболар, она - бибиларининг хотиралари қанчалик қадрли бўлса, ватан туйғуси ҳам, миллат туйғуси ҳам шунчалик қадрли...Мана ҳозир Парда бобомнинг генлари таъсиримми, билмайман... давлат ишида фаолият кўрсатиб келяпман. Ишларим жуда ҳам яхши...Отам, онам ёнимда. Акам, синглим ёнимда...Истаган пайтим-

да уларнинг олдига бориб, суҳбатлашиш имкониятим бор...

Бобом ҳақида гапираётиб, бир нарсага амин бўлдимким, ҳар бир ўзбек, Ўзбекистон фарзанди ҳеч нарсага, ҳеч қачон лоқайд бўлмаслиги керак. Ота - боболаримиз озодликка чиқолмай, яъни мустақилликни кўролмай, ҳасрат чекиб ўтиб кетишди. Худо ёрлақаб 1991 йили мустақилликка эришдик. Байроғимиз БМТда ялтираб, силкиниб турибди. Дунёдаги озод мамлакатлар қаторида хариталарга киритилдик. Тилга олинамиз... Буни чиндан ҳам қадрига етишимиз керак. Мустабид тузм бўлганида ўзбекларнинг фарзандлари чет элларга бориб ишлармиди, яшармиди?! Пардабой бобом ҳам, Ҳосият бувим ҳам (биз бувимизни ҳурмат қилиб ва эркаланиб, "оппоқ буви" деб чақирар эдик...) халқимизга беқиёс хизмат қилганлар, ҳаётларида жуда кўп яхши ва ёмон ҳодисаларни кўрганлар, лекин набираларининг икки нафари хорижий юртларга бориб (туғишган акам Элёр ҳам аввал АҚШда, кейин Англияда таҳсил олган), университетларда ўқиб келишларини тасаввур ҳам қилмаган бўлсалар керак... Афсуски, бу ёруғ кунларгача яшаш уларга насиб этмади...

Бугун биз оламдан ўтиб кетган боболаримиз ёки бибиларимизнигина эмас, ҳозирда ҳаёт бўлган отамиз, онамиз, акамиз, укамиз, опамиз, синглимизни ҳам қўлдан келганича, имкон қадар қадрлашимиз, эъзозлашимиз шарт ва керак. Кейинчалик, яъни оламдан ўтганларидан кейин афсусланмаслик учун ҳам. Кўп холларда одамлар ота-оналари, қариндошларига тириклигида бир оз лоқайдроқ бўлади, кетганларидан кейин эса афсусланиб юришиди. Бундай афсусланишни ҳеч ким бошидан кечирмасин...

Ота - онага, яқинларга қилинган яхшилик албатта, фарзандлардан қайтади. Чунки фарзандлари, ўз ота - оналарига қилаётган яхшилигини кўриб туради. Қуш "уясида кўрганини қилади" дегандай, фарзандлар ҳам

ота - оналарининг қилганларини такрорлайди.

Бобом Парда Умурзоқ ўғли билан фахрланганим, ғурурланганим учун ҳам шунча мулоҳаза билан дилимни ёрдим. Кўнглимни бўшатдим. Мен ҳам, туғишган акам Элёр ҳам, синглим Элнора ҳам ҳар лаҳзада, ҳар куни бобомизнинг ҳам, бувимизнинг ҳам олдиларида қандайдир маънавий масъулиятни ҳис қилганлигимиз туфайли, уларнинг хотираси учун ҳеч қачон оиламиз шаънига путур, иснод келтирмаслик учун доимо ҳаракат қилишга, ўз устимизда доим ишлашга аҳд қилганмиз. Илоё, бобомизни, бувимизни, аждодларимизни Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!

АБДУМАЛИК АБДУРАИМ ЎҒЛИ ПАРДА УМРЗОҚОВ ҲАҚИДА

Ёшим олтмишни қоралади. Болаликдаги, ўсмирликдаги, йигитликдаги, ўрта ёшдаги, кишиликдаги ва ниҳоят чолликка кўча бошлаган фасилдаги, яъни ҳазрат Расуллоҳнинг ёшларига яқинлашаётган бир пайтда, оқ - қорани, яхши-ёмонни, хунуклик, гўзалликни, яъни бу дунёда биргина Парвардигор мавжудлиги, бутун борлиқнинг Шоҳи эканлигини, бандаи мўминлар У Зотнинг яратган мавжудодилиги, жумладан қушлар, жониворларнинг ҳам, қурт - қумирисқаларнинг ҳам биз каби бу дунёга яшашга ҳақли эканлигини, қайсидир маънода бизнинг уларга раҳнамолик қилишимиз зарурлиги, яъни парваришлашимиз шартлиги, айни пайтда ўсимликлар, дарахтлар ҳам инсон билан боғлиқ эканлиги, бир - бирлари билан узвий боғлиқлигини, умуман бу дунёда бирон тирик жонга озор етказиш, мевали дарахтларни бевақт қирқиш, ўсимликларни ҳам бекорга нобут қилиш ҳам оғир гуноҳлигини, яхшилар учун Яратган жаннатни, ёмонлар учун эса дўзаҳни яратганини, бу дунёда ота - она, опа - сингил, ака - ука борлиги ва биз ҳаммасига

Худо буюргандай, илтифот кўрсатишимиз зарурлигини, яхшиларга яқинлашиш бахт эканлиги, ёмонларга яқинлашмаслик, яьни умуман инсон ҳаёти ҳақида аниқ бир қарорга келдим...

Яхшилар мавжуд дунёда инсон бошига кулфатлар тушмас экан. Яхши ҳам, ёмон ҳам яхши кишиларга бирдай талпинар, топинар экан. Ёмонлардан қочишга уринар экан. Мана шу икки қутб одамни саралаб ташлар экан. Бу дунёда яхшиликдан бошқа тушунча - туйғу йўқ, десам ҳам бўлади. Дунё, бани инсон насли фақат ва фақат яхшиликкагина муҳтожлик сезар экан... Яхшиликнинг ортида Парвардигор ва фаришталари, ёмонликнинг ортида эса шайтонлар турар экан. Шундагина ўғирлик, бузуқлик, ҳиёнат ва ёмонликдан юз ўгирар экан. Яхшиликка юз бурар экан...

Яхшилик билан, ибодат билангина биз Парвардигорга яқинлашар эканмиз. Туғилиш - Яратганга етиш имкониятидир... Бу имкониятдан кимки яхши фойдаланса, ниятига етиши табиий экан.

Одам бу дунёдан ҳеч нарсани у дунёга орқалаб олиб кетолмаслиги ҳам ҳаммага аён. Демак, бирга яшайдиган одамлар, жонворлар, қушлар, хашаротлар билан Яратган берган насибани баҳам кўриб кетишгина бизни жаннатга етаклаши мумкин.

Мен, ўзим куёв бўлиб катта иззат - икром кўрган, кўп илтифотлар билан эъзозланган бир хонадон ҳақида улуғ бир қувонч билан, чексиз бир фахр, ғурур туйғуси билан гапиришни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан... Бу муқаддас бурч, маъсулият мени доим ҳам бахтиёрлик нури билан таъминлаб турди. Биз баъзан ичган сувмизни, еган нонимизни, олган нафасимизни - ҳавомизни насиба дейишга кўниканмиз. Менимча яхши одамлар билан танишиш ва умр бўйи бирга нон - туз бўлиш ҳам улуғ насибага киради. Масалан, ақлли аёлга уйланиш ҳам... Яхши оилага куёв бўлиш, яхши одам билан умр бўйи дўстлашиш ҳам инсоний насибага ки-

ради. Назаримда бу дунёда яхшиларга нисбатан ёмонлар купроқдай туйилади. Демак, мана шу ёмонлар орасида яхши одамларни топиб дўстлашиш ва ёки қариндош - уруғ бўлиб қолишдан кўра бахт, бахтиёрилик йўқ...

Тақдир тақазоси билан мен Парда Умурзоқов деган улуғ бир шахснинг хонадонига бориб туташадиган Ҳосият Турсун қизининг укалари Ҳайрулла деган қайин отамизга куёв бўлдим. Парда Умурзоқовнинг аёллари Ҳосият аямиз бу борада бизга катта илтифот кўрсатди. Бу хонадонга куёв бўлишимизда ўзларининг катта ҳиссаларини қўшди. Қолаверса у зотнинг гўзал табиатли ўғли Ўктамжон ҳам бу гўзал ишга ўз улушини аямади.

Мен бугун бу хонадонга куёв бўлганимни эмас, шу хонадонга алоқадор улуғ зот - Парда ота билан боғлик бир қадимий ҳақиқатни гапириб бериб, марҳум отамиз учун, отамизнинг фарзандлари учун, уларнинг эришган бахтлари учун минаддорчилигимни баҳолиқудрат айтиб бериш ниятидаман...

Отам саксон яшдан ошиб бандаликни бажо келтирдилар. У кишидан мўл - кул фарзандлар қолдик. Сонсиз набиралар, чеваралар ҳам қолди. Отам умри бўйи ўзи учун улуғ бир вазифани бажариб кетган Парда ота Умурзоқовга ғойибдан раҳматлар айтиб, миннатдорчилик билдириб ўлди. Беш маҳал номозларида ҳам отамиз доим Парда отага Ҳаққий дунё лаззатини тилади. Жаннатга киришини, бу гўзал маввонинг лаззатини татишини Яратгандан сўраб ўтди... Иймоним комилки, бу масала ҳаммани бирдай хайратга, таажжубга солиши тайин...

Раҳматли отамнинг ҳикоя қилишларича, йигитлик йиллари, кўп таъсирчан, ҳаяжонга тез тушадиган йигитлардан бўлган экан. Роса куч - қудратга тўлган палласида ҳеч кимни менсимай, кучига ишониб, умрнинг илк фаслида тўғри йўлини тез орада тополмай, бир оз гангишлар, иккиланишлар, яъни баъзи бир ноқобул тенгқурлари таъсирида нотўғри йўлга кириб қолганлигини

чексиз бир афсус ва надоматлар билан сўзлаб берар эди. Бирор ерда ишлашга энсаси ёр бермаган, бир оғиз ёмон гапга эса сиркаси сув кўтармаган...ҳеч кимга қулоқ солмай, Зоминнинг марказидаги дам олиш боғига кириб, ўша кезги безори йигитлар билан дўстлашган, аста - секинчилик билан ароққа, мусалласга кейинроқ эса нашага ўрганган...Бу ёшда бу хол ҳамма йигитларда ҳам юз беради. Камдан - кам йигитларгина бу балодан ўзини тийиши мумкин... Хуллас, отамиз ҳар эрта тонгдан, кечгача боғдан чиқмас экан. Ёмон йўллар билан пул топиб, кимнидир жиғига тегиб, ичиш билан, чекиш билан шуғулланиб юрган бир палласида, яъни айни ўқийдиган, ишлайдиган, уйланадиган, бола - чақа қиладиган фаслида мана шундай ноинсоний йўлга кириб қолган...

Ўша кезлар Зоминда Парда Умурзоқов деган районнинг биринчи котиби бўлган. Парда ота чин маънодаги ватанпарвар, миллатпарвар кишилигини отам кўп гапирар эди. Зоминлик бўлгани учун ҳаммага бирдай яхшилик қилар экан. Катта - кичик, ёш - қари, эркак - аёл демай бир хилда илтифот кўрсатар экан...

Кунлардан бир куни отам ва ўртоқлари ҳақидаги кўнгилсиз гаплар районнинг биринчи котиби қулоғига етади. Йўлдан ўтаётганида бир неча бор кузатади, назоратига олади. Ниҳоят бир куни ниятига етади. Отам билан ўртоқлари боғда турганида, ўзининг "Победа" машинасида келиб, шиддат билан боғга киради. Югуриб келиб отамни ушлайди. Ўртоқларини ҳам кетмасликка, қочмасликка ундайди. Лекин миршабларни чақирмайди, ушлатмайди. Ёмонлик қилишни хаёлига келтирмайди. Отамни ушлаб, отаси ҳақида, қариндош - уруғлари ҳақида бирма - бир гапириб беради. Аждодлари яхши одам бўлганини ҳам айтади.

- Эшитишимга қараганда сен эрта - кеч мана шу боғга кириб, кимларнидир жиғига тегиб, кимларнидир кармонини қоқлаб, нарсаларини ўмариб арок ичармишсан,

мусаллас ичармишсан. Наша ҳам чекармишсан. Кейин атайлаб жанжал чиқариб, кучсизларни роса калтаклармишсанлар... Бунақада қамалиб кетиб, ўзингни катта холангникидан кўрасан - ку! Мен сенга ёмонлик қилмайман. Ёмонни ёмонлик билан одам қилиб бўлмайди. Ёмонни яхшилик билан, одам қилиш мумкин,- дея ётиғи билан тушунтиришга уринади. - Эртага қурилиш ташкилотига учрашасан. Фалон жойга борасан. Ўзим бориб тайинлаб қўяман. Ишга олишади. Яна ўзим бориб хабар олиб тураман. Доим назоратимда бўласан. Агар гапимга қулоқ солмасанг, мана шу тўппончани кўрдингми, нақ пешонангдан отиб ташлайман... Менга шунақа хукук берилган... Биламан, менинг бу гапим сенга ёқмайди. Вақт келиб, уйланганингда, ишга кириб, бола - чақаларни ҳалол пул билан боққанингда, тушунасан. Умринг бўйи менга раҳмат айтиб ўтасан...

Отам Парда отага жавоб қилолмаган. Буни Парда ота "розилик" аломати деб англаган шекилли, чиндан ҳам қурилиш ташкилотига отамни ишга қабул қилишни тайинлаган. Район раҳбарларидан қурилиш ташкилотига юбориб, назорат қилиб ҳам турган.

Отамнинг ҳикоя қилишича ишга борган. Айтилган ташкилотга учрашган ва бир неча йиллар шу ташкилотда ишлаган. Уйланган, бола - чақа қилган ва катта нафақа билан қарилик нафақасига чиқди. Зомин халқи орасида, тенгқурлари орасида, маҳаллада, оиласида отам фақат яхши ном қолдирди, яхши одам, деган мақтовларга ҳам сазовор бўлди.

Тасаввур қилиш унчалик қийин эмас. Отамиз кўп фарзандлар қолдириб, Яратган олдидаги бурчини адо этиб кетди. Илоё, жойлари жаннатдан бўлган бўлсин! Лекин мен ўз фикрим, ўз нуқтаи назаримни айтиш ниятидаман. Парда ота нафақат отамизни, жумладан отамиз билан алоқадор бўлган бизнинг ҳам бутун умрли насибамизни ҳам берди. Парда ота отамни ишга жойлаштирди. Шу насиба билан биз ҳам улғайдик. Ўқидик, одам

бўлдик. Ўғил уйлантирдик, қиз чиқардик. Парда ота орқали Парвардигор берган насиба хали - ҳамон бизга насиб этаётир... Агар отамиз ўша кезлар Парда отага қулоқ солмай, ўз билганидан қолмаганида, оқибати нима бўлиши ҳаммага аён. Қамаларди, биз балки отамиздан туғилмасдик... Отам бутун умр мана шу улуғ ҳизматни, Парда ота қилган ҳизматини фахрланиш, ғурурланиш билан эслаб ўтди. Отамиз орқали, мана бугун китоб ёзилиши баҳонаси мен ҳам отамнинг фарзандлари номидан марҳум Парда отамизга у дунёсини сўраб, минаддорчилик билдиришни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан...

Мазкур китоб ёзилиши жараёнида Ўктам Пардаевич билан Абдумалик Абдураим ўғлининг уйларига бир неча бор ташриф буюришимизга тўғри келди. Абдумаликнинг аёллари, Парда отанинг аёллари - Ҳосият аямизнинг туғишган укалари Ҳайрулло аканинг қизи экан. Тақдир тақазоси билан қачонлардир ҳаётини тўғри йўлга тушишга катта хизмат қилган Парда ота туфайли Абдураим отанинг тақдири билан боғланиб кетган бу хонадонда экилган мева хосилини берди. Бу ҳам инсоний ҳислат, қолаверса Яратганнинг илтифоти... Парда отанинг илтифоти, Абдумаликнинг фарзандлари ҳам дунёга келишида улуғ хизмат вазифасини бажарган экан. Вақт келиб, Парда ота ҳақида китоб ёзила бошлаганида, Абдураим отанинг фарзанди, беҳад ақлли, доно, олижаноб, мард, жасоратли, жасур Абдумалик улкан ҳизмат бурчини адо этаётир... Иккиланмай, бош силкамай, айтилган пайтда, исталган пайтда меҳмонларни қарши олиб, нон - туз қўйиб, зарурият туғилган жойларга элтиб, яна нон - туз билан сийлаб, қилаётган яхшилигини бугунги кунда ҳамма ҳам қилавермайди. Бу саховат ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Қўлидан келса-да, истамаслиги мумкин... Демак, қилинган яхшилик ҳеч қачон ерда қолмас экан. Парда ота Абдумаликнинг отасига яхшилик қилди. Абдураим ота Парда

отага балки ўз вақтида яхшилик қилолмагандир. Аммо фарзанди Парда отанинг фарзандларига исталгандан ҳам кўра ортиқроқ хизмат қилаётир...Мазкур китобнинг ёзилишида, дунёга келишида муаллифдай, балки ортиқроқ хизмат бурчини адо этаётир. Машинаси билан ҳам исталган пайтда "лаббай" деб қаршилаб, кузатиб қўяётир...

Абдумалик буҳад раҳмдил, камсуқим, дарвешваш одам. Дарвешваш, деганимизда биз шоир табиатли, олимлардай паришонхотир бўладиган одамларни кўзда тутамиз... Абдураим ота Парда отанинг бир оғиз сўзини инобатга олиб, шу даражага эришган экан, буни ақлан, ҳиссан тушиниш ва сезиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Абдумалик эса бирор одамга мутлақо беминнат яхшилик қилади. Мутлақо иккиланмасдан қилади. Шахсан мен, у кишидан маъсул бир ишни бажаришини сўрадим. Аъло даражада бажариб берди. Шу билан босилажак китобимга ҳам улуғ ҳиссасини қўшди.

Мен Парда отанинг, Ҳосият аянинг саховатдаги гўзаллигини Абдумаликда кўрдим. Гувоҳлик қилдим. Илоё, умри узоқ бўлсин! Кам бўлмасин! Парвардигор қалбига, юрагига улуғ бир мардликни, саҳоватни солар экан, аввало Яратганга шукрона айтишга бурчлимиз... қолаверса Абдумаликбекка бошимиз ерга теккунга қадар эгилиб, миннддорчилик билдирамиз. Илоё узоқ яшаб, бола - чақасига бошлиқ қилсин...Омин!

ХУЛОСА ЁКИ АСАРНИНГ НИҲОЯСИ

Бизни ким яратган? Қандай Илоҳий мавжудлик яратган? Умуман бани одам насли каби бани қушлар наслини, бани жонворлар ва майда хашаротлар наслини, осмонни, юлдузларни, дарахтлар, сув, ҳаво, тупроқ ва яна икки орадаги ақлимиз етган, етмаган, кўзга кўриниб

кўринмаётган барча мавжудликни яратувчиси ким? Бирор нарса ер юзига ўз - ўзидан яралмаганини эътиборга олинса, ҳамма мавжудликнинг Яратгувчиси борлиги аён бўлади... Бу масала ҳали - ҳамон оқиллар, фозиллар, олимлар, мунажжимлар каби ёзувчи, шоирлар, файласуфлар, тарихчи, мусиқачиларни ҳам, рассомлик санъатини ҳам қизиқтириб, хайратга солиб келаётир. Ҳамон ҳайрат ва таажжубдан ёқаларини ушлаб, бирлари табиат, дея бошқалари эса Парвардигор, деган қарорга аниқ келолмай бошлари қотган. Бу масалада биргина ҳазрат Пайғамбаримиз ва у зот ваҳий орқали муросага киритган Муқаддас Китобимиз - Қуръони Карим тўғри ва мукаммал изоҳни берди.

Парвардигорни тўла англаб, ҳис қилиб етмаганлар, тўғрироғи қайсидир идоранинг, қайсидир шаклланмаган миллатнинг зулми ва зуқими туфайли шаклланмай қолган миллатлар, жумладан олимлар, файласуфлар Яратганини "табиат" билан чалкаштириб юбораётир... Бу мутлоқо миллат сифатида, одам сифатида шаклланмай қолишлик аломати, деб қараш тўғри бўлади.

Ана шундай миллатлардан бири Кавказда, ҳозирги Сочи деб аталмиш жаннатмакон юртга яшарди. Камсонли бу миллат бошқа миллатларнинг қизларини ўғирлаб, йигитларини ўғирлаб эвазига бойиш ёки кун кўришни қонунга айлантириганиди. Аввал ўзларнинг бургутга ўхшаш хайкалчасига сиғинар, талпинариди. Кейинчалик насроний динини қабул қилди. Унга итоат этмади. Ниҳоят исломни қабул қилди ва унга ҳам итоат этмади. Охир - оқибат босқинчи-ёвнинг босқини туфайли асли миллати бошқа бўлган миллат томонидан бошлиқлари сотиб олиниб, ўрнига ўша ер юзини талон - тарож қилаётган миллатни жойлаштириш учун уларни Туркияга хайдашди. Туркияда ҳам ўзларининг ҳайкалчасига сиғинишни, талпиниши тарк этмадилар. Бу миллатнинг убих деб аташар эди. Убихлар Туркияга ҳайдалаётганида, яъни бошлиқлари олтинлар эвазига миллатини со-

тиб Туркияга ўтказиб, балога гирифтор қилганларида, улар ўз юртидаги жамийки отлар, сигирлар, майда молларни отиб кетишган, яъни ёвнинг қўлига тушмасин, уларга хизмат қилмасин, дея. Тасаввур қилиш қийин эмас. Уларнинг мушкулини осон қилган бечора отларда нима гуноҳ? Нимага ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, отилиб кетиши керак? Сути билан, гўшти билан убихларни боққан қора моллар, майда молларда, товуқларда нима гуноҳ? Улар одамларни танламай тухум билан, гўшти билан, сути билан боқаверади - ку!

Мана шу жонворларнинг ҳам уволи тутиб, динсизлик бошларига етиб, бечора убих миллати ер юзидан қирилиб кетди. Асосан сотқин, яъни ватани, миллатини олтинга сотиб, Туркияга ўтгандан кейин қочиб кетган ватангадо, юртгадолари сабабчи бўлди. Шундай қилиб Парвардигорнинг гўзал бир миллати ер юзидан қирдирилиб йўқолиб кетди. Улар ҳақида "Кетганларнинг сўнгиси" номли Баграт Шинкуба деган абхаз ёзувчининг романи бор. Романда мана шу қисмат тўла ёритиб берилган. Мен мазкур романдаги убихларнинг қирилиб кетган сабабини бор ҳолича келтираман: "Булутлар қизариб кетганиди. Осмон қуруқ хас - чўп сингари ёнариди. Оловдан учқунлар сочилариди...

- Бу нима? - деб сўрадим, - дейди роман қаҳрамони юз ёшли Зауркан.

- Парвардигорнинг бизга кўрсатаётган жазоси. Яратган убихларнинг бутун уруғларини ўзидан четлатди. Ер юзидан қуритиб ташлашга қарор қилди. Туни билан намат қор ёғди. Шу қадар кўп кийгиз ёғдики, улар остида тоғлар кўринмай қолди... Югур, Зауркан! Югур неварагинам! Тоғларни қутқар!..»

Бу роман қаҳрамони Заурканинг шу кеча тушига кирган катта бобосининг тушида жонланаётган лаҳзасидаги ҳитоби эди... Мана Парвардигорнинг бир миллатнинг динсизлиги, ўз ватани, миллатини олтинга сотганидан, молларини отиб кетганидан кейин гуноҳлари учун

берган жазоси...Зауркан Ойша исмли опасини излаб борганидан кейинги, яъни опаси, поччаси Ҳорун ва жиянини излаб борганидаги, улар вабога учраб ўлганидан кейинча, ўзи уларни ёнма - ён кўмиб қабрлари устида тунаган кездаги туши самараси эди. Катта бобоси тушида Яратганнинг қарорини унга етказган эди...

Бу яқин тарихда бўлган энг дахшатли инсоний қисмат... Мана шу аниқ юз берган фожеадан кейин ҳам бани инсон насли Парвардигорнинг мавжудлигига, Ягоналигига, қилинган гуноҳлар, зинолар учун дахшатли даражада жазолашишига шубҳа билан қарашими мумкинми?! Мумкинмас...

Демак, Парвардигор Яратгувчи ва жазолагувчи... Унинг гўзаллиги ифодага, тасвирга, тавсифга сиғмайди. Унинг гўзаллигини қандай кўриш ва ҳис қилиш мумкин? Иқтидорли ва иқлидорсиз инсонлар бор. Ҳазрат Навоийнинг шеъриятини ҳеч ким билан, яъни инсон яратилган кундан эътиборан ҳозиргача маълум шоирлар билан тенглаштириб бўлмайди. Ҳиндлар, эронликлар, туркий тил миллатларнинг мақомларини, жумладан Бетховеннинг бетокрар мусиқасини, ҳазрат Беҳзод, Микеланжело, Леонардо Да Винчининг, Лев Толстойнинг асарларидаги гўзалликни уларгача, улар орасида содир бўлган, кейин юзага келган санъат асарларида кўриш, ҳис қилиш мумкин. Сувда, денгиз, океан ва дарё сувларининг қудрати тўлқинларида, тоғларнинг гўзаллигида, водийларда, дарахтларда, ўсимликларда, мевалар, барча ноз - неъматларда, айни пайтда булбулларнинг сайраши, оҳуларда кўриш, англаш, ифодалаш мумкин...Биргина булбулларнинг сайраши ёки "Муножот" оҳанги гўзаллигини, Муножот Йўлчи қизи овозидаги ифодага, тасвирга сиғмайдиган гўзалликни, бу гўзалликни нима учун, кимга яратганини ҳақида бош қотирилса, Яратганнинг Гўзаллиги онгимиз, шууримизда яққол намоён бўлди. Қор билан ёмғирнинг ёғиши ва осмондай чексизликдан қор, ёмғир ёғиб тупроқни мунав-

вар этиши, барча тирик жоннинг ҳаётини асраб қолишдаги Яратганнинг гўзаллигини қандай бахолаш мумкин?

Насл қолдириш борасидаги лаззатланиш, ноз - неъматларни ейишдаги, фарзандлар лаззатини нимага қиёслаш мумкин? Дарахтдан дарахт, одамдан одам, хайвондан хайвон, қушдан қуш униб чиқишига ва бу борадаги гўзалликка қандай баҳо бериш мумкин? Тош билан тупроқнинг, тупроқ билан сувнинг турлилиги ҳавонинг сувга ўхшамаслиги бир - бирини такрорламаслиги, жамланганда улуғ қудратга айланиши ва барбодликлар келтириши мумкинлиги... Оловнинг сувга, ҳавога ўхшамаслиги, озлигида овқат пиширишга, танани иситишга яраши, кучайганда ер юзини куйдириб кулга айлантиришдаги сифатларнинг ранг - баранглиги ифодага сиғадими?!

Гарчи эркак билан аёлнинг вужуди бир хиллилиги, яъни бир ота - онадан яратилган гўшт ва суякдан, кўз, қулоқдан, жигар, ўпкадан, буйрак, ичаклардан, қўл - оёқдан иборатлиги, лекин мазмун - мохият жиҳатидан бир-бирини такрорламаслиги, бири туғувчи, иккинчиси туғдирувчилиги, айни пайтда абадул - абад бир - бирига муҳаббат йўли билан талпинишидаги гўзаллик ва бу гўзаллик фарзандларни юзага келтириши, юзага келган фарзандларга Парвардигор мусиқа, рассомлик, бадиий адабиёт каби иқтидорни ато этиши ва бу билан ёруғ дунёда зерикмаслигини, ўзини овитиши билан, ҳаёти мазмунли ўтишини ҳам таъминлади. Буни биз инсоний иқтидор, гўзаллик деймиз, бироқ Яратгувчиси яна Парвардигорнинг Ўзи. Демак, гап ҳамма мавжуд гўзалликни Яратган Яратувчи ҳақида, Унинг, олижаноб бандаи мўминлари, яъни сифатли инсонлари, яъни фақат ўзи учун эмас, бутун инсониятнинг гўзаллиги учун кўришадиган олимлари, фозиллари, файласуфлари, донишмандлари ҳақида кетаётир... Демак, инсон тафаккури юзага чиқарадиган, кашф этадиган диний тушунчаларни ҳам содир этадиган ва инсонни фақат гўзалаштирадиган

ибодат, таодат, яъни гўзалликка интилиш ва гўзалликни гўзал таризда муросага киритиш, ижро қилиш чин маънода инсоннинг ўзи ва тафаккур қудратини оширади, намоён қилади.

Инсон мутлақо иқтидорсиз, яъни барча хайвонлар каби урушиш, қорин тўйдириш билан чекланиши ҳам мумкин эди - ку! Кришна номи билан биринчи бор Ҳиндистонда юзага келган диний тушунчалар кейинчалик бутун дунёга тарқалди, ўзича ифода топди. Шу тарика инсоний насл моҳият - мазмуни, яъни Яратгангагина таодат - ибодат билан топиниш, шу баҳонада ўз ташаккурини ифодалашдан иборат бўлди. Дин фақат Парвардигорнинг Гўзаллигини ифодалашга, тасвирлашга, Парвардигорий тушунчаларни тўлалигича, мукаммаллигича изоҳлашга қаратилди. Бу билан бани инсон насли ўзидаги Парвардигорий Гўзалликни кенглигича, тўлалигича ифодалаш ва тасвирлаш билан банд бўлди. Демак, биз ўзимизда кўраётган, сезаётган барча гўзаллик аввало Яратганнинг Гўзаллигидир. Демак, инсон Парвардигорий гўзалликни ўзида ифодалайди, тасвирлайди...

Парвардигорий олижаноблигини ҳам, саховатлилигини ҳам, барча бандаи мўминларига беминнат яхшилик қилишни ҳам инсон ўзида кўради, ўзида ифодалайди. Тасвирлайди. Йўқса Яратганимиз гўзаллик билан хунукликнинг фарқини ажратиш учун яхши билан ёмонни, жаннат билан дўзахни муросага киритмаган бўлариди. Гап яна олижаноб инсонлар ва уларнинг Худо томонидан алоҳида меҳр - муҳаббат билан яратилгани, яхшиларни яратиб ёмонликнинг олдини олиш учун яратганини англаш, сезиш ҳақида бораётир...Дунёда ёзилаётган барча асарлар мана шу фалсафага асосланади...

Бир одамдаги кўзнинг, юзнинг, қошнинг, киприк, сочнинг, қўл - оёқларининг ва танавий гўзаллиги, икки оёқда юриши билан бирга қушларнинг қанотлари бўлиши, учишлари, хайвонларнинг сузиши, чопишлари билан ўзларини ҳимоя қилишлари билан бирга, одамни нонга,

гўштга, хайвонларнинг ҳам гўштга ва ўтга, қушларни ҳам ўтга ва донга, гўштга кўниктирилишидаги турфа гўзалликка доим ҳам эътибор беравермаймиз. Ҳар бири ўзича гўзал, аммо бирлашганида умумгўзалликни ташкил этади ва Парвардигорнинг тўла ва мукаммал гўзаллиги намоён бўлади. Нонсиз, сувсиз, ҳавосиз ва бола - чақа қолдирмай яшаш мумкин эмас. Кўриниб турибдики, барча яратилиш ва яратмишнинг асоси Парвардигоримизнинг Ўзи. Биз умр бўйи Ўзига етишга интиламиз. Ўзининг гўзаллигини саньат билан, рассомлик, бадиий адабиёт билан ифодалашга, тасвирлашга уринамиз, тиришамиз ва Ўзи олдидаги қарзимизни узишга билиб - билмай харакат қиламиз. Асосийси таодат - ибодатимиз билан яқинлашамиз...

Демак, Тириклик - Ҳаққа етиш учун берилган улкан имкониятидир...Гўзаллик Ўзидан бошланади ва бани инсон, бани қушлар, бани хайвон, бани хашаротлар билан, ер, осмон, тоғлар, барча мавжудликлар билан ва яна жаннати, дўзахи билан ниҳояланади. Яьни бир инсон, бир хайвон, бир қуш ва бир хашарот учун нихояланади. Ўзи учун, бани инсон учун, бани қушлар учун, бани хайвон, бани хашарот учун ниҳояланади. Давом этаверади...Ўлимнинг ҳақлигини янги туғилган чақалоқ билан сезилади, англанади. Туғилишнинг ҳақлигини эса бир ўлим билан белгиланади, ва айни пайтда янгиланишни равшанлаштирилади. Бошқа йўл йўқ. Бўлмаган, бўлмайди...

Бизни гўзалликда, ақлда, онгда, мулоҳазада, фикрлашда, ҳаёлат олами билан, идрокда, моҳият - мазмунда, сийратий, сувратий гўзалликда тенгсиз қилиб яратган Яратгувчимизга умримиз бўйи ҳамду сано айтишга масъулмиз, бурчлимиз... Парвардигор биргина бани инсон насли учунгина жаннат билан дўзахни муросага киритди. Бошқа мавжудодлар бундай жараёндан бенасибга ўхшайди. "Ўхшайди" дейишимнинг бойиси - биз ҳали қушлар, ҳайвонот оламининг нимага қодирлигини деярлик кашф қилиб улгурмадик. Масалан, итнинг

одамга вафоси инсонда йўқ. Одам одамга итчалик вафо қилолмайди. Отда ҳам шундай вафо мавжуд. Эгасини севса, эгасининг ўлимидан кейин ўзини ўлдиради. Албатта, инсон оламида ҳам шундай вафо бор. Яъни бир - бирини севган йигит билан қиз умрларида бир - бирига ҳиёнат қилмаса, яъни фақат ҳалол, пок - покиза ўтсалар, улар ҳам бир - бири учун ўлишгача бориши тайин... Қушлар ҳаётига, хайвонот хаётига қандайдир шубҳа билан қарашлик, яьни иккиланиш билан қарашлик, шундай муносабатда бўлишлигимиз, ёки ирқий, турий муносабат билан миллатларга қарашимиз, демак бизнинг тўла ва мукаммал даражада шаклланмаганлигимиз оқибати ёки шаҳсий, хирсий манфаатларимиз борлиги оқибатидир...

Худодан бошқа бирор куч - қудрат бундай турфа гўзалликни, мазмун - моҳияти билан, жараёнлари билан яратолмас эди. Бизга бутун умр борлиқнинг яратувчиси "табиат" деб ёлғон сафсатани миямизга қуйиб келишди. Ваҳоланки табиатнинг ўзи ҳам Парвардигор яратган мавжудлик, дейлик, одам каби...

Иймон билан мулоҳаза юритиладиган бўлса, табиат ҳеч қачон инсоннинг мия фаолияти, кўриш қобилиятини, ёки насл қолдириш фаолиятини муросага киритолмасиди. Тупроқ - ер - озиқ - овқат манбаи ... барча тирик жонни боқиш учун Худо томонидан яратилган мавжудлик.

Иносоний гўзаллик ҳақида гап кетадиган бўлса, чуқуроқ ўйлашга, фикрлашга, мулоҳаза юритишга, ҳаёл суришга тўгри келади. Инсоннинг гўзаллиги, унинг мазмун - моҳиятини белгилайди. Мана, масалан: Парда Умурзоқ ўғли ҳақида китоб ёзаяпмиз. Нимага ёзаяпмиз? Нима учун ёзаяпмиз? Парда Умурзоковнинг бани инсон наслига нима алоқси бор? У ҳақида китоб ёзилар экан, "китоб" деб аталар экан, бу умуминсоний манфатига киради. Бир - икки киши учун, ёки қариндош - уруғ учун китоб ёзилмайди. Китоб умуминсон учун умуминсон фа-

олияти ҳақида ёзилади. Сабаби: инсон инсонларсиз яшамайди, яшолмасиди. Зерикишдан ўлиб кетариди. Хизмат қилган бўлса кимгадир хизмат қилди. Ким билан-дир хизмат қилди? Кимга яхшилик қилди, кимга ёмонлик қилади? Булар инсоний мазмун - моҳиятни белгилайди...

Парда Умурзоқов ҳақида жиддий ўйлаб, фикрлаб яхши асар ёзишим керак. Мен ёзган ҳар бир асаримни келажак учун, илмли инсоният учун, бадиий адабиётни севадиган инсон учун, яъни бўлғувси Навоийлар, Толстойлар, Машраблар учун ёзаман. Бугун Ўктам Парда ўғли учун ёзилган асар эртага адабиёт майдонига чиқади. Енгил - ялпи,тузсиз, маза - матарасиз асар ёзиб, уч - тўрт сўм қўл ҳаққи олиб, бу масалага маьсулиятсизлик билан қараш, бу борадаги бурчни ҳис қилмасликнинг орқаси - вахшийликдир, йиртқичликдир...Шунинг учун бу асарни ёзишга жиддий киришдим.

Мана шу нуқтада бизнинг мазмун - моҳиятимиз келиб чиқади. Дейлик, Парда Умурзоқ ўғли қачонлардир бир районни, сўнг яна бир районни бошқарди. Урушнинг энг оғир йилларида қийналган миллатини бахоликудрат боқди. Бағрига кирди. Уйлантирди, жойлаштирди. Бундан ҳам кўра улуғ ижтимоий масала борми?! Бутун бир миллатга яхшилик қилган одамнинг умри солномаси, нима учун ўғлининг фарзандларига хотира сифатида сақланмаслиги керак?! Нимага бундай гўзал табиатли инсонни бугунги кун одамлари, ёшлари билмаслиги керак?! Нимага яхшилигини ўрганмаслиги керак?! Демак, одам бу дунёга келиб кетади, ўлади ва унитилади. Қилган ишлари қайсидир бурчакда китоб шаклида чанг босиб ётади...Кимдир қачонлардир истаса очиб кўради, озгина танишади. Мана шу нуқтада бизнинг одам сифатида, олим сифатида шаклланганлигимиз яққол намоён бўлади. Ўктам Парда ўғли менга ота - онаси ҳақида китоб ёзиб беришимни сўради. Мен ноилож, яъни ҳурмат юзасидан рози бўлдим.

Гап бу ҳақда эмас. Гап яхши одамлар, яхши феьлли одамлар, яьни жаннатни умид қилган одамлар ҳақида бораётир...Ўктам Парда ўғлининг отаси Парда Умурзоқ ўғли ҳақида бораётир...

Бугунгача юзага келган саньат кошоналари, рассомлик, мусиқа саньати, бадиий адабиётнинг ихтиролари, кашфиётлари, дейлик, юзага келтирилган ва барбод этилган ёдгорликларида бани инсон наслининг, тафаккури қудратининг, яьни Парвардигорнинг бани инсон наслининг мияси ва танасига, ҳисларига ато этилган қанчадан - қанча гўзаллигининг ҳам барбодлиги ётганини қайси бир инсон боласи ўйлаб кўрди?! Бу ҳам Яратганнинг гўзаллигининг моҳият - мазмунига бориб тақалади. Бу моҳият - мазмуннинг сўз ифодасидаги, харакатдаги, муносабатдаги, ижродаги кўриниши қандай?! Қуърони Карим: "Сўз билан, қўл билан, харакат билан, кўз билан, мазмун - моҳият билан озор етказмаслик", фалсафасини олға суради. Бунинг ифодасини қуйидагича тушуниш мумкин: Сўзнинг гўзал бўлиши, бирор одамнинг кайфиятига озор етказмаслиги, яьни ёлғон гапиролмаслиги, хақорат қилмаслиги, сўкинмаслиги, кўз билан олайиб қарамаслиги, меҳр - муҳаббат билан қарашлиги, яьни кайфиятига зиён - захмат етказмаслик, қўл ёки оёқ билан қаттиқ ҳаракатда бўлмаслиги, суврат билан, яъни сиртқи кўриниш билан жилмайиб муомалада бўлишлиги, сийрати, яьни мазмун - моҳият билан ҳам асло ўзга ҳаққига ҳиёнат қилмаслиги, ноҳақ хақорат қилмаслиги, умуман беозор бўлишлик, биз юқорида эслатган Парвардигорий гўзалликка киради. Бундай ҳолда асабийлик жараёни содир бўлмайди. Демак, ҳеч ким асабийлашмайди, узоқ умр кўради. Қисқа умр кўришлар, ахир биргина асабийлик - ҳафақонликдан келиб чиқади...

Яхши одамларнинг узоқ умр кўриши, ёмон одамларнинг узоқ яшай олмаслиги фалсафаси мана шу...

Гап Парда Умурзоқ ўғлининг ҳамюртларига, қондош-

ларига, жумладан ҳаммага баробар қилган яхшилиги ва унинг ижродаги ифодаси ҳақида кетаётир.

Ёмонлик қилмаслик яхшиликка киради. Яхшилик қилмаслик эса ёмонликка киради. Озорлилардан Худо безор деган гап ҳам бор. Парвардигор исрофчинигина бандам демайди... Бу ҳам Парвардигоримизнинг ваҳий орқали юборган қонунияти... Бу дунёдаги энг кечириб бўлмас гуноҳлардан асосийси - бани инсон наслининг яралганига миллиард йиллар бўлгани ва ҳақиқий Парвардигорий динни кашф қилгани, яъни шу даражага етганда ҳам баъзи бир нонкўр бандаи мўминларнинг Яратганимиз ва У Зотнинг Ягоналигига, Улуғлигига ишонмаслик, яъни тўла Парвардигорга қайтмаганлигидир...

Парвардигор ва Парвардигорий тушунча - туйғулар, яъни Қуърони Карим ҳеч қачон бандаи мўминларни ёмонликка бошламайди. Барча ёмонликлардан, гуноҳу зинолардан тийилиши зарурлигини кўра - била туриб, одамлар бу улуғ дин ҳақида баъзан иккиланиш билан, эҳтимол билан яшаб келаётир...

Демак, бизнинг бу асар ниҳоясидан мақсадимиз ҳам фақат ва фақат яхшиликни тарғиб қилиш, яхши одамларни тасвирлаш бўлганини ҳурматли китобхонларга эслатиб қўйиш бўлади.

Бани инсон наслининг моҳият - мазмуни жуда ҳам содда ва оддий, жўн...

Айни пайтда беҳад мураккаб ва сирли, сеҳрли ... Масалан: миллатни ёки халқни ташкил этган инсон зотидан туғиламиз. Улғайгунимизча, бирор касбни танлаб, ўзимиз ота - она бўлгунимизча ҳам ота - она хонадонида, уларнинг насибаларига шерик бўлиб яшаймиз. Хонадон эса халқ дегани. Демак, доим ҳам халқ билан бирга фаолиятда бўламиз. Уйланганимиздан кейин эса ўзимизнинг бола - чақамизни боқиш пайида бўламиз. Ота - она насибаси, деганимизда ҳам барибир Парвардигоримизнинг ноз - неъматлари билан кун кўриш тушунилади. Ота - онамиз ўша Парвардигор ато этган ноз - неъматларини

меҳнат орқали топиб, ўзи ейди, бизга едиради. Болаликда халқ орасидан чиқдик, нафақага чиққанимиздан кейин яна халқ орасига қайтамиз ва мазмун - моҳият бир тушунчага қайтади. Ватандан, халқдан ташқарига чиқиб кетолмаймиз. Бир тобутга тушилади, бир тобутда қабристонга элтилади ва бир тупроқ остига кирилади. яна мазмун - моҳият бир тушунчага қайтди...Халқ, ватан, деган тушунчада ҳам яна Парвардигор ва Парвардигорий тушунча - туйғу ётади. Демак, биринчи галда ҳам Яратганимизга ҳурмат - эҳтиром бўлиши шарт. Кейин юқорида эслатилгандай йўқлик манзили... Кимга жаннат буюрилади, кимга дўзах буюрилади...

Янги авлод ўз йўналиши бўйича фаолиятини давом эттиради ва вақт етиши билан кейингисига ўрин бўшатиб беради. Бирор одамга ўзгалар ҳисобига орттирилган мол - мулки, яъни ҳаром йўллар билан топилган дунё буюрмайди... Буни тарих исботлаб берди. Демак, яна биз фақат яхшиликни, яхшиларни мадҳ этишга шайланишимиз керак. Тарих яхши ва ёмон ном қолдириш билан ниҳояланади. Тириклик эса фаолиятда баҳоланади. Инсон яралган онлардан ҳозирга қадар сонсиз - саноқсиз донолар ҳам изсиз йўқолиб кетди, улардан фақат яхшилик биноларигина қолди. Ўн - йигирмата даҳоларгина сақланиб қолди.

Гап шу ҳақда кетаётир. Парвардигорни Ҳақ, деб тушунганлар, англаганлар, ҳис қилганлар, идрок этганлар ўз жинси - инсонга фақат яхшилик қилади. Уни тушунмаганлар, англамаганлар, идрок этмаганлар, ҳис қилмаганлар эса ёмонлик қилади. Маддоҳлик билан, турли манфаатлар йўли билан ўз қорнини ўйлаб иш кўради. Яхши нисон бўлишдан ҳам кўра улуғ неъмат - мукофот йўқ. Бўлмаган, бўлмайди. Мана шу фалсафа, мана шу мантиқ, нуқтаи назар ва дунёқараш билан ҳурматли китобхон мазкур китобнинг ниҳоя қисмига нуқта қўйишдан олдин фикр юритиши зарурлиги мақсадида қалам тебратаётирмиз.

Бани инсон наслининг моҳият - мазмунини тўғри ва талаб этилгандай англаб етганлар, тушунганлар, ҳис қилганлар бармоқ билан саналарли даражада кам. Албатта, бу масалага ҳам мажбурият юзасидан одамларни ундаш ёки киритиш гуноҳ саналади. Ҳамма масала яхши англаш, ҳис қилиш билан ижро этилади. Ўша бармоқ билан санарли гўзал ва етук инсонлар орасида энг етуги, комили,яьни Парвардигорнинг назарига тўла тушгани, менинг назаримда ҳазрат Навоий саналади. У зот умрида 338 та масжид, мадраса, мақбара тиклаган ва бир неча кўприклар қурдирган, каналлар қаздирган, уларга кетган маблағини ўзининг хусусий еридан келган даромад ҳисобидан сарфлаган. Шу билан бирга ҳазрат Навоий ўз замонасида яшаган улуғ шоирлар, олимлар, файласуфларнинг ҳам, ўзидан олдин ўтган ижодкорларнинг ҳам кўпжилдли китобларини яна ўз маблағидан чоп эттирган. Юз жилдга яқин тарих китобларини ҳам чоп эттирганини тарихчи Мирҳон ёзиб қолдирган. Маьлумки, ҳазрат Ҳусайн Байқаро ўзига қарашли ерлардан - кўп миқдорда суғориладиган ерлардан Навоийга ажратиб, ҳусусий мулк сифатида совға қилади. Мана "Яхшилик боғининг боғбонлари", яьни бугун қайд этаётган улуғ кишилар тарихига кирувчи Парда Умурзоқовдан олдин ўтган саховатли кишилар. Яна бир яхшилардан бири ҳазрат Амир Темурнинг набираларидан бўлмиш "Тожмаҳал"ни инсониятга абадиятга тортиқ этди. Бундай улуғ ишларни асли ўз даврида ҳазрат бобомиз Амир Темур бошлаб берган эди. Бу яхшилик ҳозиргача Амир Темурни ҳам, ҳазрат Навиойни ҳам, Шоҳ Жаҳоннинг ҳам номларини ўчирмай асрдан асрга кўчириб келаётир... Бошқа эзгулик боғида боғ йўқ. Бошқа эзгулик йўли йўқ... Демак, халққа нафи тегмаган яхшилик яхшилик эмас. У шахсий манфаат. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг гўзаллиги, яьни мазмун - моҳиятига бориб тақаладиган Илоҳий тушунча. Эзгулик - гўзаллик билан боғлиқ тушунча. Биз бу инсоний гўзалликда

аввало Парвардигорий гўзалликни кўрамиз. Ҳис қиламиз, англаб етамиз. Тилга олинган шоҳлар ҳам, шоирлар ҳам ўзи билан ҳеч нарса олиб кетолмади. Фақат эзгуликни мулк сифатида қолдириб кетдилар... Бу эзгулик эса уларнинг номларини тарих саҳифасидан ўчирганича йўқ. Демак, эзгулик, яхшилик, яъни гўзаллик қаримайди. Эскирмайди. Ҳашам талаб этмайди. Йўқолмайди. Доим ҳам инсонга, яхшиликка қўйилган ҳайкал сифатида эътироф этиб келинади. Барча ёзма, оғзаки битиклар фақат яхшилик эвазига қурилади. Эътироф этилади. Бирор ерга йўлимиз тушса, нон - туз есак, сув ичсак, насибамиз қўшилган экан, деймиз, бироқ ҳаво ҳам насиба бўлиши хаёлимизга келмайди. Одам билан танишиш, нафасини туйиш ҳам насиба. Яхшиларни кўриш, билиш ҳам насиба. Беш вақт намоздан кейин: "Эй, Поки Парвардигор! Ёмонлардан узоқлаштир, яхшиларга яқинлаштир, шайтоннинг юзини тескари қил, фаришталарга дўст тутунтир!", дея бекорга айтмаймиз. Демак, яхши одам билан танишиш, мулоқотда бўлиш энг улуғ насибадир. У ҳақда ёзиш ҳам эзгуликка киради...

Мана шу нуқтада яхшилар ва ёмонлар орасидаги фарқ ва инсон наслининг мазмун-моҳияти ҳақида озгина тушунтириш қилишга тўғри келади. Чет мамлакатларда "ген" деган тушунча бор, бизда буни "ирсият" дейишади. Яъни насл-насаб билан боғлиқ тушунча-туйғу. Булар қон тушунчаси билан боғланиб кетди. Аждодлардан қандай қон томирлар орқали оқиб келаётган бўлса, бу қон абадул - абад такрорланиб бораверади. Яхшилар қонидан яхшилар туғилади. Бунинг азали ҳам барибир Яратганга боғланади. Парвардигор яхшиларнинг ҳам, ёмонларнинг ҳам зуваласини узаётганда ниятига қараб яхши ёмонга ажратади. Мен умримда яхшилар аждодини ҳам кузатдим. Чиндан ҳам яхшидан яхши, ёмондан ёмон туғилишига ҳам амин бўлдим. Қишлоқда Исмойил деган бир ўғри ўтган. Тақдир тақозоси билан, яъни ўша замоннинг айрим раҳбарларининг советсиз-

ларни ишга кўтариш, у ахмоқлар билан истаган ишини амалга ошириш, яъни уларнинг қўллари билан миллатларни ёппасига қиришни қонунга киритиш туфайли оқсоқол бўлиб олади. Бировларни қулоқ қилиб уйидан хайдаб чиқариб, ўзи кириб олади. У одамнинг бири - икки бўлмади. Қамалди. Фарзандлари ҳам шундай бўлиб чиқди. Бутун аждоднинг пушти қуриш даражасига етди. Набиралари ёмон йўлларга кирди. Қизлари бузилиб кетди. Хуллас, икки қизи туғмади, бир ўғли ўз қизи билан гап бўлди. Бошқа бир Соҳиб деган киши ўз қизи билан гап - сўз бўлди. Қизини ўлдиришди, кейин отасини "от судраб кетди" дея ўлдига чиқаришди. Маназар деган ўғли укасининг аёли билан дон олишиб, буни укаси кўриб қолиб, ўзини осиб қўйди. Қизини эса эри осиб қўйди. Бозор қайтишини қаранг. Яқинда ўғил набираси, ўша одамнинг келини билан қўлга тушди. Янги уйланган бола ва ўғлининг хонадони вайрон бўлди... Бунга нима дейиш мумкин? Маназар деган одам мактабда ўқиган кезларимиз, сойга чўмилишга борганимизда, биздан олдин сувдан чиқиб кийимларимни тош билан уриб, тешиб қўяр эди. Буни кейинчалик билиб қолар эдик...

Буни биз бировни ёмонлаш учун ёзаётганимиз йўқ. Қоннинг не чоғлик тоза бўлиши ёки нотоза бўлиши ҳақида гапирмоқчимиз. Мисоллар келтирилганида ҳар бир нарса асосланади. Яхши билан ёмоннинг фарқига ҳам борамиз.

Бу масаланинг бир томони, иккинчи томони - Худо яхшиликни англаб етиш ва фарқлаш учун, яхшиликка эргашиш, яхшиликнинг қадрини ортириш учун ёмонларни, ёмонликни яратди. Ёмонларни, ёмонликни кўриб яхшиликни баҳолаймиз. Бу гапни минг марта такрорласа ҳам камлик қилади. Чунки ҳаёт яхшилик билан ёмонлик мазмунига қурилган. Яъни яхшиликнинг ғалабаси - жаннат билан ниҳояланиши, ёмонликнинг ниҳояси дўзах билан ниҳояланиши ҳақида...

Демак, гап яхшилик, эзгулик учун хизмат қилганлар ҳақида бораётган экан, демак жоҳонгирларнинг ҳам, олим, фозилларнинг ҳам яралиши Парвардигордан. Унинг илтифотига, иноятига боғланиб кетади. Яхши ниятли кишилардангина шоирлар, ёзувчилар, файласуфлар, олимлар, фозиллар чиқади. Булар эса ўз яхшиликлари, эзгу ишлари билан бизга ва битикларга Яратгувчимизнинг гўзаллигини намаён қилади. Биз мана шу тенгсиз гўзалликка ҳавас қиламиз. Умримиз бўйи таодат - ибодатда бўламиз...Умуман олганда майда, катта, йирик иш йўқ. Ҳар бир инсоний муносабат улуғ эътиборга, эътиқодга лойиқ. Биз бирон - бир илтимосни ёки бирон - бир одамнинг гапини, сўзини эътиборсиз қолдиришга мутлоқо ҳақсизмиз. Ахир Парвардигор сўзлаш учун нутқ саънатини, кўриш учун кўз, эшитиш учун қулоқ, ҳаммасини хазм қилиш ва жавоб бериш учун мия фаолиятини ҳам берган. Мана шу аъзоларининг вазифасини бажармасак, кимнидир, ниманидир эътиборсиз қолдирсак, яратган олдидаги қарздорлик бурчимиз ва маъсулиятимизни бажармаган бўламиз.

Ҳазрат Навоий одатига кўра ҳар куни номоздан кейин биродарлари билан қучоқлашиб, кўнгилларига қараб дин ва кундалик турмуш тарзи ҳақида, долзарб масалалар ҳақида суҳбатлашар эканлар. Бир куни пешин номозидан кейин ҳеч кимга қарамай, қаёққадир югуриб кетибдилар. Бундан ҳайрон бўлган биродарлари ҳойнаҳой қайтиб қолсалар керак, деган умид билан кутиб туришибди. Чиндан ҳам тез орада ҳазрат изларига қайтибдилар.

- Тақсир, хар куни бизлар билан суҳбатлашиб, ечилмаган масалалар ҳақида гаплашиб, сўнг хайрлашар эдилар, бугун ҳеч кимга, ҳеч нарсага эътибор бермай қаёққадир югуриб кетдингиз? -дея сўраганларида:

- Ҳали замон бир - икки чақирим наридаги булоқ бўйида тахорат олганидим. Номоз ўқиётганимда елкамда ўрмалаб юрган бир чумолига кўзим тушиб қолди. Но-

моздан кейин, бола - чақаси, жуфтидан айирибман, деган ниятда ўша булоқ бўйига югурдим. Чумолини инига ташлаб қайтдим, -дея жавоб қилади. Албатта, бу унчалик диққат - эътиборга лойиқ масала эмасдир. Аммо бундай Парвардигоргагина ҳос бўлган саховатни, эътиқодни ҳазрат Навоийдан бошқа одам қилиши мумкинлигига ишонмайман. Ўзим ҳам қилишим мумкин, бироқ илгари қилмасдим...

Ҳаммага маълум бир ҳақиқат. Ҳазрат Пайғамбаримизнинг кўчаларида, яъни масжидга ўтадиган кўчасида бир жугут аёл яшар эди. Аёл ҳазрат Пайғамбаримиз номозга, масжидга ўтаётганларида болахонадан туриб доим устиларига ахлат ағдарарди. Ҳатто бир кур устидан ёзилиб ҳам юборган. Шунда ҳам ҳазрат Пайғамбаримиз бирор марта аёлга ўгирилиб қарамаган. Фақат: "Е, Парвардигоро! Мана шу бандаи мўминанга ҳам инсоф бер!", дея ортларига ўгирилиб қайтадан тахорат олиб яна номозга отланганлар. Аёл бир куни кўринмай қолади. Ҳазрат Пайғамбаримиз қўшниларидан: "Ана у болахонада ажойиб бир онахон бор эдилар. Доим саломлашиб турар эдилар. Кўринмай қолдилар!", деб сўрайдилар. Қўшнилар эса бақир - чақир билан: "Ҳазрат Пайғамбаримизнинг устидан доим ахлат ағдарадиган, бир марта номуссизлик қилган жугут аёл ҳақида гапираётган бўлса, бўйни узилсин, унга Яратган кўрсатди, бетоб бўлиб қолди!..", дея жавоб қилишади. Ҳазрат Пайғамбаримиз: "Эй, у зотни хақоратлаб гуноҳкор бўлдингиз, у эса савоб олди... Бундай холларда хақорат қилинмайди. Яратганимиздан инсоф сўралади...", дея тушунтиради.

Шу тариқа ҳазрат Пайғамбаримиз аста кампирнинг эшигини очиб ховлига киради. Назарлари билан беморни ҳис қилиб, лекин бошларини кўтармай:

- Онажон, тузук бўлиб қолдингизми?! Ҳар куни саломлашиб турардингиз, болахонада кўринмай қолдингиз...- дея хол сўраган бўлади.

- Сен Муҳаммадмисан?! Мен сен билан ҳеч қачон сўрашмаганман. Сени доим хақоратладим. Устингдан ахлат ташладим, бир марта ёзилиб ҳам юбордим. Ақилли бир мартагина бошини кўтарсин, жамолини бир кўрайин, мен билан саломлашсин, деб шундай қилдим. Лекин бирор марта бошингни кўтариб қарамадинг! Доим: "Парвардигорим! Шу бандаи мўминингга ҳам инсоф бер!" дея ўтиб кетардинг. Бошингни кўтариб менга қараганингда, ўзинг сезмай, англаб етмай нафрат билан қараганингда, ё бирор ҳақоратли сўз гапирганингда, ёки қўлларинг, оёқларинг билан харакат қилганингда Пайғамбар бўлолмас эдинг. Шундай қилмаганинг учун ҳам Яратганимиз сени Пайғамбарлик даражасига кўтарди. Энди мен сенинг Пайғамбарлигингга ишондим. Энди иймон келтираман. Энди ширк келтирганим учун Яратганимиздан узр сўрайман. Энди менга "калима" келтиришни ўргат. Сенинг динингга кириб ўламан...- деди. Шундай қилинади. Жугут аёл ислом динига кириб бу дунёдан ўтади...

Гап яна тўла ва мукаммал яхшилик ҳақида кетаётир... Бу дунёда диққат қилинмайдиган, эътибор берилмайдиган бирор нарса йўқ. Диққатсиз, эътиборсиз қолдирилган ерда Яратганга ширк келтирилади...

Мен Ўктам Парда ўғлининг таклифи билан Зомингa бордим. Ота - оналарига қилган хайри - худойисида қатнашдим. Дастурхон ҳамманинг ҳам эътиборини аъло даражада тортди. Ҳамма ҳам ўз ота - онасига шундай гўзал марака ўтказишни орзу армон қилди. Мана шу тўла ва мукаммал гўзаллик ва гўзаллик ижросига киради. Мен ҳам шундай маракани ўтказишни умр бўйи орзу қиламан...

Демак, биз маңа шундай ота - оналаримиз, опа - сингилларимиз, ака - укаларимиз учун турли худойи, маракалар ўтказиш билангина кушлар, хайвонлардан фарқланамиз...Навоий ҳазратлари: "Тил одамни хайвондан жудо этди...", деганларида, биз ҳам асли хайвонмиз, бироқ биз ота - онамизни, қондошларимизни тани-

ганимиз, хайри - худойи ўтказганимиз, яъни бир - бирларимизни эъзозлаганимиз учунгина муқаддасмиз, демоқчи бўладилар. Мана Яратганнинг биз - бани инсон наслига кўрсатган улуғ илтифоти...

Мен қариб қолдим. Илгариги шиддатим йўқ. Бирор одамга, бирор нарса ёзиб беришга ваъда беролмайман. Чунки ўзимнинг ёзган асарларим бор, қайта кўчиришим керак. Лекин Ўктам Парда ўғли ота - оналари ҳақида бирор хотира ёзиб беришни илтимос қилганида йўқ деёлмадим. У зот билан чукурроқ сухбатлашганимдан кейин мутлақо эътироз билдиролмадим ва қайсидир маънода лаззатландим ҳам.

Мен маракадан кейин Ўктам Парда ўғлининг куёви Абдумаликжоннинг уйида қолиб, тунадим ва Парда бобони билган, таниган, бирга ишлаган одамлар билан таништиришни, суҳбатлаштиришни сўрадим. Мени Парда бобонинг амакиваччалари билан таништиришди. Бироқ у зот қариб қолган, амакиваччаси ҳақида деярлик ҳеч нарса билмас экан. Кўп сухбатлаша олмадик. Сўнг мени Ўктам Парда ўғлининг оналарини билган икки ё уч кампирлар билан суҳбатлаштиришди. Беҳад мамнун бўлиб қайтдим.

Парвардигор яратган, айни пайтда муросага киритган қонуниятларини биз инсон болалари тўлалигича ва мукаммалигича кашф ва ихтиро қилиб улгурганимизча йўқ. Ваҳоланки, Парвардигор яратган қонун - қоидалар деярлик сирли, сеҳрли, қийин туюлгани билан аслида ундай эмас. Жиддий диққат қилган одам боласига жўнлиги тез орада аён бўлади. Мана шу яралмишлардан жуда кўп, ҳар сония тилимиз орқали такрорланадиганларидан бири "Шайтон" сўзи, иккинчи эса "Фаришта" сўзидир. Бу икки сўз ёмонлик ва яхшилик мазмунини англатади. Шайтон сўзида қотиллик, фирибгарлик, сотқинлик, ҳиёнат, гуноҳи зино тушунчалари ётади. Барча ёмон тушунчалар мана шу сўзда мужассамланган. Фаришта сўзида эса гўзаллик тушунчаси ётади.

Вафо, тараққиёт, ривожланиш, озорсизлик, гуноҳсизлик, зиносизлик, сотилмаслик, қотилмаслик, ҳиёнат қилмаслик, фирибга берилмаслик, ўзгалар мулкига ҳам зиён - захмат етказмаслик каби минглаб тушунча - туйғулар чўкиб ётади.

Азалдан ота - боболаримиз ўнг елкангда фаришта, чап елкангда шайтон туради, фаришта яхши ниятларингга, шайтон эса ёмон ниятларига "Омин" дейди, кабилидаги сўзларни сўзлаб келишар эди. Бу масалага асло ширк келтириб бўлмайди. Яратган ҳақидаги, фаришта, шайтон ҳақидаги, икки дунё, яъни жаннат билан дўзах ҳақидаги тушунчалар инсон яралгандан салгина кейинроқ кашф қилинди ва кенг кўламда муросага киритилди. Демак, инсон ҳам бошқа мавжудлик ҳам ўз - ўзидан яралиб қолмайди. Ҳаммасининг Яратгувчиси Парвардигор.

Мана шу тенгсиз, ягона, такрори йўқ, беназир зот – Парвардигор фаришта билан шайтоннинг фарқлаш учун кўз ўнгимизда яхшилик билан ёмонликни, яъни яхши кишилар билан ёмон одамларнинг туғилишини муросага киритди. Шу билан яхшидан яхшиликни, ёмондан ёмонликни ўргандик ва яхшилик ёмонликнинг, ёмонлик эса яхшиликни фарқини бизга аниқлаштириб берди. Яратган ер юзига кўпроқ ёмонларни яратган кезлар очарчилик, гуноҳ, зинолар, ўғирлик, қотилликлар, фириб, сотқинлик, нашавонлик, маддохлик каби иллатлар юзага чиқади. Яхши одамларни яратганда эса акси юз беради. Ер юзида гўзаллик тантана қила бошлайди.

Демак, ёмонлик узоқ вақт давом этган кезлар Парвардигоримиз ер юзига яхшиларни яратади ва қайтадан мутаносибликни тўғирлаб олади. Инсоннинг феъли беҳад мураккаб. Тезлик билан турли томонга оғиб кетади. Шу феъли учун ҳам Яратган масжидларни муросага киритиб, доимий равишда бизга яхшилик ва ёмонлик, фаришта ва шайтон ҳақидаги тушунтириш бериб боришга кўниктирди. Демак, ер юзида ёмонлик авж

олганда яхшилик ва яхшилар юзага чиқади. Ёмонлик ва ёмонлар остига чўкади. Бу икки оқим, икки тўлқин доимий равишда алмашиб ҳам туради. Мен мазкур китобнинг бошида жиянимнинг арзимас иши билан Ўктам Парда ўғли билан танишганим, у зотнинг кўзлари, юзи, сурати ва сийратининг беҳад гўзаллигини, аслида ҳам мард, олижаноб, камтарин, камсуқум ва эътиборли киши эканлигини айтиб ўтганидим. Демак, у зотнинг ота - оналари ҳам яхши инсон фарзандлари бўлганини таҳмин қилган эдим. Зоминга ва Оқдарёга Парда ота борасида қилган саёҳатларимдан кейин чиндан ҳам фарзандларини кўриб ота - оналари ҳақида яхши фикрга борганим оқланди. Ҳамма ерда Парда ота ҳақида фақат яхши фикрлар эшитдим. Ҳосият ая ҳақида у зотнинг беназирлиги, олижаноблиги ҳақида фахр, ғурур билан гапирганларни ўзим кўрдим. Илоё, бу отахонимиз ва онахонимизни яратган паноҳига олгани рост бўлсин. Омин!

БИРИНЧИ КИТОБ ТУГАДИ.



Парлабой ота Умурзоқов



Хосият ая Турсунбой қизи




Ойсара
Пардаевна



Мелиҳол
Пардаевна



Тошпўлат
Пардаевич



Дилбар
Пардаевна



Ойсара опа турмуш ўртоғи Орифжон ака билан



Ўктам Пардаевич



Ҳурматли ўртоқ

Район партия комитети ва район ижроия комитети Сизни шу йил 18 январь куни соат 11^00 да район партия комитетининг залида партия, совет, ташкилотларининг таниқли раҳбарларидан бири, район партия комитетининг собиқ биринчи секретари, марҳум,

УМРЗОҚОВ ПАРДАБОЙ УМРЗОҚОВИЧ

туғилган кунининг 75 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган йиғилишга таклиф этадилар.

ЎЗКП ЗОМИН РАЙОН КОМИТЕТИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ



П. Умурзоқовнинг 75 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш таклифномаси

Абдумалик ака



Оилавий расм 1978 йил



Хосият ая





Рисолат ая Воҳидова





Илҳом Умурзоқов
ва умр йўлдоши Дилоромхон



Ёзувчининг ўғли Каъба



Ҳосият ая шоира Зулфия опа, ёзувчи Нурали Қобул ва жамоа аъзолари билан



Ўктам Умурзоков рафикаси Замирахон, фарзандлари ва набиралари билан



Ҳосият ая дугонаси Қорасоч опа билан



Ёзувчи Абдусаид Исоков билан



Сардоржон Умурзоков



Хосият ая дугонаси Антонина Королёва билан



Хосият ая келини Зубайда билан



Ҳосият аянинг боқиб олган ўғли Имомқул
(ўнг томондагиси)



Илҳом Пардаевич

Узяли Ілляшенко Вас
Уклонился!

Исҳоқжоним қайтарин бўл,
Ёлғиз ўғлим бирдани бўл.
Ҳамдамимнг бўлгин ахшилик,
Одамларни хурмат қил.
Меҳнатсевар мустаҳкам бўл,
Жон фидо қил ватанларинга,
Одобли бўл, ҳаёли бўл,
Номард бола деманглар.

Сатрларимга кўчиб олгин,
Айтганимни билиб олгин.

Усмонжоним мардгигит бўл,
Кучлик бўлгин ҳаммадан,
Таълим олгин ахшилардан,
Олам курмасдан ҳеч.
Меҳнатингни аямагин,
Жонким болам эл учун,
Одамлар алқишласин,
Ҳолимдасин хеч қаган.

Сатрларимга кўчиб олгин,
Айтганимни билиб олгин.



Ҳайрулла ака
Турсунов



Тожихол
Нарчаевна



Саид ака Маматқулов ва
Ўрал ака Абдуалимов





Ғ. Умурзоқов халқ хўжалиги
ўтмасида Москва ш. 1954 йил



Ғанбул[illegible]ашев қизи билан



Малоҳат опа



Зулфия



Хосият ая укаси Ҳайрулла ака,
келини Зубайда,
синглиси Кароматхон билан



Пардабой ота Умурзоқов



П. Умурзоқов Фарҳод ГЭСи қурилишида



Илҳом Умурзоқов рафиқаси Дилоромхон ва набиралари билан



ият ая Москвада хизмат сафарида



Зубайда ая қизи Малоҳатхон билан



Парда Умурзоқов
қизлари Ойсара, Мелиҳол,
Тожиҳол ва ўғли Тошпўлат билан


УМУРЗОКОВ
ПАРДА

ЯХШИЛИК БОҒИНИНГ БОҒБОИИ

Иккинчи қисм

Ҳақдан бўлак ҳаммаси ёлғон,
Ҳақиқати сенсан - онажон.
Ҳақдан яратган мўъжиза аро,
Мўъжизасан - Илоҳий танҳо...

Мазкур ҳужжатли қиссада чин маънода Ҳақнинг мўъжизасига айланган, умри бўйи халқнинг хизматини беминнат бажарган зоминлик онахонимиз - Ҳосият ая ҳақида ҳикоя қилинади.

Ҳурматли китобхон! Мазкур қиссани ўқиганингиздан кейин бу мўътабар онахоннинг яхшилиги билан жаннати бўлганлигига амин бўласиз, деган умиддамиз.

"Мен Ҳосият аямдай мард инсонни эркаклар орасида ҳам учратмадим..."

Абдумалик Абдураимов - Ҳосият аянинг укаси Ҳайрулла аканинг куёви...

Абдумалик Абдураим ўғли билан орамизда кечган суҳбатда, кутилмаганда Ҳосият аяга шундай баҳо берилди. Назаримда Абдумалик Ҳосият аяга нисбатан бу ифодани мутлоқо ўйламай, табиий бир холда изоҳлади.

"Мен Ҳосият аядай мард инсонни эркаклар орасида ҳам учратмадим..."

Гап яна "яхшилик боғининг боғбони" - ўзининг олижаноблиги, мардлиги, оққўнгиллиги билан Зомин тупроғида ҳамманинг кўнглига бирдай кириб борган ва тириклигида ўй - хотираларига мустаҳкам жойлашган ажойиб - ғаройиб инсон - Ҳосият ая ҳақида бораётир... Парвардигорнинг инсониятга, абадиятга тортиқ қилган, яъни "Она" деб катта харфлар билан ёзиладиган ва барча бани инсон насли томонидан эътироф этиладиган, эъзозланадиган, туғилган онларидан бошлаб то кўзлари юмилгунича "онам...", деб такрорлаб турадиган муқаддас зот ҳақида бораётир. Шу ўринда қачонлардир ўз онам ҳақида ёзган шеърим ёдимга тушаверди ва бу шеърни Ҳосият аяга нисбатан ҳам ишлатгим келди:

Ҳақдан бўлак ҳаммаси ёлғон,
Ҳақиқати сенсан - онажон.
Ҳақ яратган мўъжиза аро,
Мўъжизасан - Илоҳий танҳо...

Онани эслаганингда фақат гўзал ўй - хаёл, фикр билан гўзал - тушунча билан лаззатланасан... Дунёдаги барча гўзаллик фақат она, ёлғиз она бўлиб туйилади. Чиндан ҳам барча гўзал оламларни, шу оламда мавжуд барча мавжудликни яратган Парвардигор гўзал. Ягона мўъжиза... Мана шу мавжудлик, яъни мўъжиза ичидаги ягона Мўъжиза - она... Она тарифга ҳам, ифодага ҳам, тасвирга ҳам сиғмайди...

Гап Ўктам Пардаевичнинг онаси - Ҳосият ая ҳақида кетаётир. Яъни Ўктам Пардаевичнинг отаси Парда Умрзоқ ўғлининг аёли ҳақида кетаётир...Хурматли китобхонларга биз биринчи китобда марҳум Парда Умрзоқ ўғли ҳақидаги хотираларни бир нави қаламга олиб, маълум маънода тушунча бердик. Демак, биз яна яхшилик ҳақида фикр юритаётирмиз. Турон тарихида ўзларининг жасурликлари, жасоратлари, мардликлари билан, яъни босқинчи - ёвларга қарши тик туриб курашган юзлаб аёллар - оналаримизни биламиз. Мана шу ватанлари, миллатлари учун жонларини гаровга қўйиб курашган даҳо оналаримиз чин маънода ўз номларини абадиятга тарих саҳифаларига михлаб кетишди.

Бизнинг эрагача Эронда яшаган Кайҳисрав Биринчининг ўғли Кайҳисрав Иккинчига қарши мардларча курашиб, ўзининг теран ақли - фикри ва даҳиона тафаккури билан Эрон шоҳини енгиб, бошини кесиб, мешга солиб, устидан хайвонларнинг қонидан қуйиб, тўлдириб кўзини қонга тўйдирган, муқаддасликда, улуғликда беназар Тумор ҳоқонни ҳозиргача жаҳон тарихчилари эътироф этиб келишади. Юнон тарихчилари ҳам ўз салномаларида бу улуғ онамизни дунёдаги улуғ аёллар қаторида эътироф этиб келдилар. Тумор ҳоқони юнонлар Ту-

марис, дейишади. Турон хоқон Алптекин хоқонинг аёли эди. Эрининг ўлимидан кейин давлатни қўлига олади. Бу пайт ўғли ёш бўлиб, давлатни бошқаришга ярамасиди. Кайҳисрав Иккинчи бу пайтда Ҳиндистондан тортиб Муғилистон, Арабу Ажамни, Румни, боринки Юнонистонни ва унга яқин мамлакатларни ишғол қилиб улгурганиди. Бироқ кўпдан бери жангари турклар мамлакати - Туронга бостириб киришга қўрқар эди. Чиндан ҳам қўрққанича бориди. Чамаси Худо Туронда Эрон шоҳини жонтаслим қилишини кўнглига солган экан. Шу сабабли узоқ вақт бу юртга бостириб киришга журъат этмаган кўринади.

Кайхисрав Иккинчининг ўша пайтларда беш юз минг аскарлари бор эди. Турон мамлакатида эса атиги икки юз минг аскарлар ҳисобга олинганиди...Лекин туронликлар сиртлон итлардан алоҳида чорва қилиб боқариди. Ёв кириши билан мана шу боқилган ва тайёрланган - жангга ўргатилган итларини босқинчига кўйиб юборишар, итлар ёвнинг отларига ташланиб, тумшиқларидан олиб, ҳўркитиб, устидаги аскарларни ташлаб қочишга мажбур қиларди. Икки томонда қазилган хандакларда эса туронликлар мана шу лаҳзаларни кутиб туришар, отдан йиқилган аскарларни осонгина калласини кесишариди. Чингизхон ҳам мана шундай услубни ишлатган ва у ҳам бу услубни асли туронликлардан ўрганган эди.

Буни фақат туронликлар, Тумор хоқонгина муросага киритган ва ўзининг ҳарбийларидан уч баробар кўп ҳарбийларни осонгина енгиб ташлаганиди...Шу билан бирга бошқа қарам давлатларни ҳам Кайҳисрав Иккинчининг таъқибидан асраб қолганиди...

Яна бир ёвга - босқинчига қарши курашган ва Тумор хоқондай мардлиги, жасорати билан ватани, миллатини улкан қирғиндан асраб қолган Зарина исмли онамиз ҳам борки, унинг номини ҳам улуғ эътибор билан, фахр билан тилга олмаслигимизни асло иложи йўқ...Худди шундай Сфатера исмли яна бир онахонимиз ҳам ёвга

қарши курашиб нафақат Турон тарихига, жаҳон тарихига ҳам ўз номини абадиятга мухрлаб кетган.

Улар қаторига ўзининг ягона Парвардигорий эътиқоди билан, яъни турмушга чиқмай, йигирма икки йил ўғли томонидан қамоққа ташланган отаси - Шоҳ Жаҳонни боқиб ўтирган тўнғич қизи Жаҳонарони ҳам қўшмасликнинг асло иложи йўқ. Тарихда ўз аёлини севган ва бошқа аёлга уйланмаган биргина шоҳ ўтган. Бу темурий шоҳзодалардан, яъни Бобурнинг чевараси Жаҳонгирнинг ўғли Шоҳ Жаҳон эди. Шоҳ Жаҳон бетобланиб қолганида кенжа ўғли Аврангзеб (маъноси Давлатнинг безаги) тахтни эгаллайди. Доро исмли акаси отасининг ёнини олиб курашади, бироқ енгилади. У отасини қамоққа ташлайди. Акасини эса қатл эттиради...

Шоҳ Жаҳоннинг (унинг асли исми Ҳуррамшоҳ) севимли хотини Мумтозмаҳал ўн олтинчи фарзандини туғаётиб оғир бетобланади. Эрига бошқа уйланмасликни васият қилади. Эр: "Менга ким қарайди?", деб сўраганида, хотини: "Тўнғич қизимиз - Жаҳонаро қарайди...", деб, рижлат топади. Чиндан ҳам Жаҳонаро йигирма икки йил отаси билан қамоқхонада яшайди. Отасига қарайди. Отаси вафот этганидан кейин ёши бир жойга етиб қолган, ҳаётида фарзандсизлик фасли бошлаганиди. Жаҳонаронинг жияни Зебуннисо бегим бобоси ва аммасидан вақти-бевақт хабар олиб турариди. Озиқ-овқатига қарариди. Мана шундай кезларда Жаҳонаро жияни Зебуннисо бегимга йиғлаб: "Малика! Мен бобонгизга қараб, қизлик фаслимни хазони айладим. Энди турмишга чиқмайман. Чиқолмайман... Гўзал умрим бобонгиз билан у дунёга кетди. Энди ғамимни, аламини шеър ёзиб унутаман...", дейди. Зебуннисо ҳам аммасининг билагига пешонасини босиб: "Аммажон! Йиғламанг! Сиз ўз отангиз учун умрингизни хазон қилган экансиз, сиз учун мен ҳам турмушга чиқмай умримни хазон айлайман...", дея юрагини ёзади. Чиндан ҳам Зебуннисо бошқа турмушга чиқмайди. Олимлар бу масалага нотўғри ёнда-

шиб: "Зебуннисо Маҳфий исмли боғбонни севган, отаси бермагани учун турмушга чиқмаган...", деган ақидани олға суришади.

Аврангзеб отасининг тахтини тортиб олди. Отасини қамоққа ташалди. Опасининг умрни хазон қилди...Жаҳонаро эса умрни отаси учун хазон қилди...Мана, аёлнинг муқаддаслиги, улуғлиги...Аммаси учун, унинг хазон бўлган умри учун ўз умрини хазон этган Зебуннисонинг қисмати қайси Тумар ҳоқондан, Зарина ҳоқондан кам?! Ёки Уморхон вафот этганидан кейин давлатни қўлга олиб, бошқарган, шоҳ саройини санъат майдонига - шеърият майдонига айлантирган, маданиятга, маърифатга кенг йўл очиб берган Нодира бегимнинг ҳаёти барча аёлларга ибрат бўлмайдими? Манғитлардан бўлмиш Насурулло Умрахоннинг ўғли Мамадалихон, отаси ният қилган каназакка уйланмоқчи, деган фириб иғвоси билан шаҳзодани қатл этиш мақсадида Қўқонга юриш қилади. Иккинчи юришда Қўқонни босиб олади. Ҳозирги олимлар Нодира бегим ва унинг ўғлини Насрулло майдонга олиб чиқиб, халқни йиғиб қатл этгани ҳақида зўр бериб ёзишади. Бу собиқ мустабид тузмнинг шиори эди. Яъни шоҳ бўлса, ёмон, қашшоқ бўлса, яхши деган ақида эди... Аслида эса Нодирабегимни ҳам, ўғлини ҳам ўзларининг хужраларига қамаб, устиларидан девор урдириб, суваб ташлатади... Лекин Нодира Насуруллога ялинмайди, бўйин ҳам эгмайди... Бу ҳам даҳиона жасорат...

Яқин тарихда юз берган ва ҳали эскирмаган яна бир туронлик қаҳрамон аёл ҳақида гапириш ҳам ўринли бўлар. Черняев деган босқинчига карши курашган Алимкулнинг аёли Қурбонжон дадохо (дадҳо - генерал, дегани) Руссия қўшинлари билан узоқ муддат курашади. Беш ўғли билан курашади. Лекин енгилмайди. Охири тоғларга қочиб бориб курашади. Бу пайтда Туркистонда "жаллод" деб ном олган Скобелъев найранг йўли билан Қурбонжон дадҳони қўлга олишга эришади. Ўғил-

ларига яхши лавозим беришга ваъда қилиб, чиндан ҳам вақтинчалик ўғилларига яхши лавозим беради, аста - секинлик билан ўлдириб юборди. Шунда ҳам она русларга ёлланмайди...Ўғилларнинг ўчини олиш учун яширинча Руссияга қарши курашади...

Бундан ҳам кўра улуғлик бўлиши мумкинми?! Бу аёллар ватанларини, миллатини чин дилдан севгани учун ҳам, Худога содиқ қолгани учун ҳам эътиқодларидан қайтмадилар...Аввало бу Яратганнинг қудрати. Бандаи мўминлари қалбига ато этган қудрати...Ҳамма фирибгар, сотқин бўлса, ёвга сотилиб ватанига, миллатига қарши курашса, Парвардигор бундай бандаи мўминини қаттиқ жазолайди... Сотилмаганларни алқийди...

Амир Темурнинг севимли аёлларидан Бибихонимнинг тарихдаги жасоратини ҳам фахр билан эслаш мумкин. Туркистондаги кўп маданий, маърифий қурилишларнинг иштирокчиси, ҳазрат Темурни асраб - авайлаган, фарзандларининг тарбиясини ўз қўлига олган бу аёл эрининг ўлимидан кейин тахтдаги, саройдаги тартибсизликларни йўлга қуйишга шайланганида, тахтини эгаллаган шаҳзоданинг хотини томонидан захарланиб ўлдирилади...Гап бу ҳақда эмас... Гап улуғ оналаримиз ҳақида кетаётир...

Тарихимизда ёвга қарши курашмай, тинчлик - фаровонлик даврида ҳам, ёки эл бошига оғир кунлар тушганида ўзидаги имкониятидан келиб чиқиб, етим - есирларга, қашшоқ - камбағолларга, сағирларга, қаровсиз кишиларга бутун вужуди билан яхшилик қилган, баъзан ўзи емай ўзгаларга едирган, уйлантирган, жойлаштирган, бола - чақали қилган, кийинтирган оналаримиз ҳам борки, улар ҳам мана шу яхшиликлари билан тарихдаги оналари билан бемалол тенглаша оладилар...-Шу ўринда оналаримизнинг сийратий, сувратий, яъни иймоний гўзалликлари ҳақида ўйланиб қоласан...Одам зотининг оналаридан тортиб қушлар ва бошқа жонворларнинг ҳам оналари болларига бирдай қайғурадилар

Ҳимоя қиладилар... Оналаригина баъзан фарзандлари учун ўлимига ҳам қарши боради. Фарзандлари оёққа туриб, ўз насибасини емагунига қадар ҳимоясига олади. Демак, Парвардигорнинг гўзаллиги кўпроқ оналарда кўзга ташланади. Назаримда Парвардигор кўпроқ эътиқодини ҳам аёлларга сарфлагандай. Фарзандларини ҳимоя қилиш, бало - қазолардан асраш учун ҳам аёлларга Улуғ эътиқодни ином этган, шекилли. Тарихда, ўзлари оч қолиб кетса-да, болаларини ҳимоя қилиб, силласи қуриб бандаликни бажо келтирган оналарни ҳам биламиз... Шеърият ҳам, барча санат асарлари ҳам маълумки ўз сахифаларини кўпроқ аёлларга бағишлайди.

Эркаклар мени кечиришсин. Мен ҳам эркак наслиданман. Тахминларга қараганда эркакларда, яъни оталарда оналарга қараганда фарзандларини ҳимоя қила билиш тушунча - туйғуси озгина сустдай кўринади. Масалан: оиласини, яъни бола - чақасини ташлаб, бошқа аёлларга уйланиб кетган эркаклар жуда кўп учрайди. Бироқ бундай аёллар кам учрайди. Бари бир Парвардигорнинг эътиқоди кўпроқ аёлларга ином этилган, деган фикрдаман.

Улуғ ватан уруши йиллари менинг Абдуманноб деган дўстимнинг онаси бир қиз, бир ўғил билан тул қолади. Янглишмасам йигирма беш ёшларида қолади. Комил исмли эри ҳарбийдан қайтмайди. Салима исмли бу аёл шу тариқа турмушга чиқмайди. Икки фарзандини тарбиялаб ўтади. Бу аёл менинг онамга амманинг набираси бўлар эди. Шоир Чўлпон Эргашнинг онаси ҳам тўрт фарзанд билан тул қолган. Эрини кута - кута умрини хазон қилди. Миразиз Аъзамнинг онаси ҳам шундай қилди. Уч фарзанди билан бева қолиб, охири хаёли ҳам паришон бўлса-да, қайтиб турмушга чиқмади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шу нуқтада яна оналаримизнинг меҳнаткашлиги ҳақида ҳам озгина гапиришга тўғри келади. Биз қишлоқда ўсганмиз. Қишлоқ аёллари назаримда фақат меҳ-

натга туғилади. Турмушга чиқади. Хомиладор бўлади, бола туғади, болани тарбиялайди. Шу билан бирга хонадоннинг кирини ювади, чойини қайнатади, овқатини пиширади. Айни пайтда томарқасидаги меҳнатни бирон - бир иккиланишсиз бажаради. Боз устига баъзи холларда жоҳил эркакларнинг калтагини ҳам ейди. Аросҳўр эркаклар кам эмас. Мана шундай аросҳўр билан ҳам фарзандларини, деб умр ўтказадилар.

Умуман одамзотнинг вужудидаги турфа аъзолари қаторида, қонларини ҳайдаб берадиган, яъни жонининг маскани бўлмиш юрагидан тарқаладиган турфа ҳислари, туйғулари, тушунчалари ҳақида озгина бош қотиришга тўғри келади. Юрак бутун вужуднинг фаолиятини харакатга келтиради. Ҳис - туйғулар эса қондан таралади. Харакатидан эса ҳаяжонланиш, таъсирланиш юзага чиқади. Улуғ адабиётни, саънатни, илм - фанни ҳам мана шу ҳис - туйғулар, тушунчалар содир этади. Қонсиз ақл, идрок, ўй, фикр, хаёл ҳам юзага келмайди...Инсоний эътиқод, яъни айнамайдиган, фақат Худо билан боғланадиган Улуғ эътиқод туйғусини, тушунчасини ҳам қон ифодалайди. Қон эса насл - насаб билан боғланади...Насл - насаби кучли одамлар эса ҳеч қачон айнамайди...Улуғ эътиқодини абадул - абад сақлаб, асраб ўтади. Ота - онага, ака - укага, опа - сингилга, қариндош - уруғларга бўлган эътиқод ҳам мана шу қондан чиқади. Қон онгга, ақлга, яъни тафаккурга куч - қудратини ато этади. Бошида эса яна Парвардигор туради...

Биз - бандаи мўминлар Яратганга қарши бормаслик учун доимий равишда миллатларга, қушларга, жонворларга, ҳаттоки қурт - кумирскаларгача ҳурмат - эътиқодда бўлишимиз керак. Ноз - неъматларга, ҳаво, сувга, тупроққа ва тузга нисбатан ҳам эъзозда бўлишимиз керак...

Гап инсоний гўзаллик ҳақида, аёллар, яъни оналар гўзаллиги ҳақида кетаётир. "Яхшилик боғининг боғбони" китобининг иккинчи қисмига қаҳрамон бўлиб кираётган зомин-

лик гўзал феълли аёл, беҳад меҳрибон она - Ҳосият ая ҳақида бораётир. Назаримда Парвардигорнинг тўлақонли эътиқодини, юқорида эслатганимдай, яъни Тумор ҳоқон, Зарина ҳоқон, Сфатера ҳоқон, улуғ шоирларимиз Зебуннисо, Жаҳонаро, Нодирабегим, Қурбонжон дадҳонинг эътиқодларини Ҳосият аяга яна ҳам майинроқ қилиб берганга ўхшайди. Бу аёл тарих ёзмада, адабиёт ёки шеърият ёзмади. Улуғ қурилишлар қилмади. Аммо инсон оламида, инсон ҳаётида, инсоннинг юрагида, тушунча - туйғусида улкан қурилишларни юзага келтирди. Етимларни боқиб олиб, бир муҳташам Сарой қурди. Уйлантириб, ўқитиб иккинчи саройни тиклади. Укасининг фарзандларининг тарбиясини қўлига олиб, уйлантириб, ўқитиб, аммасининг икки қизини ҳам бағрига олиб, яъни уйига кўчириб, келиб боқди, ўқитди. Қариларни, марҳумга айланганларини кўмди. Имом исмли етим болани боқиб олди. Ўқитди. Уйлантирди. Чечакда эсидан оққан ва бутун умр уйланмай, бола - чақа қилмай умрни хазон қилган акаси - Қурбонбой акасини боқди. Кўмди.

Ҳазрат Расуллоҳ: "Онангга уч марта салом бер, отангга бир марта салом бер!", деганида, ёки Хадиси шарифда: "Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир...", деганларида, онанинг улуғлигини эъзозлаш билан бирга, онага ҳизмат қилгандагина жаннатни топасан, жаннатга кирасан, деганлиги аниқ. Онага қилинган ҳизмат билан онаннинг оёқлари остидаги жаннат топилади.

Аёлларга, оналарга ширк келтириш, яъни оналарга бутун вужуд билан ҳизмат қилмаслик, Яратганга ширк келтириш билан баробар бўлади. Ахир шундай қилмаслигимизнинг асло иложи йўқ. Отамизнинг белидан онамизнинг қорнига тушганимиздан кейин то туғилганимизга қадар онанинг қонидан озиқаланамиз...Демак, тўқсон фоиз вужудимиз онанинг вужудига бориб тақалади. Уч - тўрт ёшимизгача она сути билан яна озиқаланамиз. Онамиз, отамиз тириклигида биз доим ҳам болалигимизни сезиб юрамиз. Улар ўтганларидан кейин эса болалик тугайди...Одам боласи то умрининг охиригача

онасидан кўрган мурувватини бошқа зотлардан кўрмайди. На хотинидан, на бола - чақасидан. Онанинг муруввати бошқача мурувват...У Парвардигорий Мурувват...

"Мен Ҳосият аямдай мард инсонни эркаклар орасида ҳам учратмадим..." Энди мана шу тушунчани озгина иззоҳлашга киришамиз.

Юқорида эслатганимиздай фаросат билан, дид билан, ақл - идрок билан, тушунча - тунғу билан тафаккур қилинса, мулоҳаза юритилса, инсон вужудидаги турфа ҳис - туйғулар ва ҳис - туйғуларни ифодага, тасвирга кўчирадиган тушунчада мана бундай манзара, жараён юзага келади: Яъни яхшилик, олижаноблик, саховат, мардлик, жасурлик, шиддат, ботирлик, қўрқоқлик, тортинчоқлик, хасислик, хирсийлик, қотиллик, жоҳиллик, фирибгарлик, сотқинлик, маддоҳлик, дангасалик, ишёқмаслик, яхшилик ва ёмонлик, озорсизлик билан озорлилик, раҳм, шавқат, ғаму ҳасрат, андуҳ, ғусса, алам, орзу армон, умид ва ният...Парвардигор яратган буғдойни қайта экиш ва кўпайтириш, барча тирик жоннинг насибасини бериш, сувни ифлослантирмаслик, ҳавони бузмаслик, тупроқни эъзозлаш, инсон наслини ҳурмат қилиш, яъни бу борада Парвардигорга ширк келтирмаслик, ўзгалар ҳаққидан қўрқиш, поклик, покизаликкагина талпиниш ва топиниш, ўзгаларнинг боласини ўз боласидай эътиқодда тутиш, эрта - кеч ер юзига яратгани учун, шунча ноз - неъматларни беминнат ато этгани учун Парвардигорга такрор ва такрор шукрона билдириш, ўлимни ҳақ деб билиш, яъни тириклик қарзга берилганлигини тан олиш, яъни Тириклик - Ҳаққа етиш имконияти эканлигини Ўзига қилинадиган таодат - ибодат билан оқлаш каби, чексиз - чегарасиз тушунча - туйғуларни саралаш, тан олиш заруриятини билган холда онанинг вужудига берган, яъни оналарнинг вужудида тўла камол топмаган фарзандларига, яъни инсон наслини ер юзида абадиятга асраб қолишни Парвардигор кўпроқ

аёл зотига буюрганини тўла ва мукаммал даражада англаш, ҳис қилиш зарурияти туғилади.

Оналарнинг вужудида оталарнинг вужудидагига қараганда олижаноблик туйғуси бир неча баробар ортиқроқ ривожлангандай кўринади. Сабаби битта: бола онанинг вужудида тарбия топади. Бундай ҳамвужуд иштиёки отада йўқ. У пуштини аёлга тўкиши билан боланинг вужудидан узоқлашади. Она эса яқинлашади. Мана инсоният онага ортиқча меҳр қўйиши сабаби. Қони, жонининг кўп қисмини болага беради ва ачиниши, қайғуриши, саховат кўрсатиши ҳам шунга яраша бўлади... Оналар тушунча - туйғуларда эркакларга қараганда кенгроқ бўлади. Боласини силтаса ҳам астойдил силтамайди, шунчаки пўписа учунгина силтайди...Демак, она учун биринчи галда муқаддас тушунча - туйғу фарзанд, яъни инсоннинг наслини давом эттириш ва асраш учун қиладиган кураши...Демак, она боласи учун ўзини қурбон қилиш даражасигача боради. Бу ҳиссиётлар отада, назаримда деярлик юксак даражада ривожланмаган.

Парвардигор онанинг вужудига отанинг вужудида йўқ, яъни бир қўшимча ҳисни, яъни ортиқча қайғуриш, ачиниш, куйиш, топиниш, талпиниш туйғусини, тушунчасини ортиқча ато этган...Бизнинг ўлим олдидан "она" деб бўзлашимиз сабаби ҳам шу...

Гап Ўктам Парда ўғлининг онаси, яъни яхшилик, саховат, гўзалликда тенгсиз деб ном чиқарган, яъни вужудида фақат ва фақат яхшилик туйғуси тараққий қилган Ҳосият ая ҳақида кетаётир. Чунки "Яхшилик боғининг боғбони" номли китобнинг иккинчи қисми мана шу гўзаллик, яъни гўзал феълли аёлга бағишланаётир...

РИСОЛАТ ВОҲИДОВА
«ЭРИГА МОНАН ХОТИН»

Ҳосият опам менга тоғанинг қизи бўлар эди. Шунинг учун ҳам мен у кишини бошқаларга нисбатан яхшироқ биламан, кўпроқ мулоқатда бўлганман, кўпроқ ишлаганман, турли соҳаларда ҳам фикрлашганман. Ёшим мана анча жойга бориб ўтмишга, Ҳосият опам билан кечирган йилларга жиддий назар ташласам, эндиликда тарихга айланаётган умримда, ўтмиш хотирасида кўзларим олдидан ўтиб кетган ёки ҳозирда яшаётган жигарларим - қондошларим ўтади. Ўйларим, фикрларим, ҳаёлим мана шу қондошларим билан боғланиб ҳам қолади. Гоҳ ҳаяжонланаман, гоҳ таъсирланиб, ҳаттоки кўзларимга ёш ҳам қалқийди. Қайғуга ҳам чўмаман. Бу дунё омонат дунё экан. Ҳасрат чекаман, маъюс тортаман. Умр Парвардигор томонидан бизларга ином этилган Тириклик - салтанати экан. Кимлардир узоқ яшар экан, кимлардир қисқа умр кўрар экан. Нимага яхши одамлар оламдан тезроқ кўз юмади, нимага одамларга озор берадиганлар узоқ яшайди, деган ўй баъзан мени қийнай бошлайди. Бироқ гуноҳкор бўлишдан қўрқиб, бировларнинг иғвосини қилишдан ийманиб: "Нимага ёмон одамлар узоқ яшайди?...", деган фикримдан дарҳол қайтаман. Яхшини баҳолайдиган ҳам, ёмонни жазолайдиган ҳам Яратган - ку. Нимага биз кимнидир ёмон, деб гунохкор бўлишимиз керак. "Илоё инсофини берсин!", десак савоб оламиз. "Ёмон" десак гуноҳкор бўламиз. Биз фақат ва фақат яхшилик тилашимиз керак.

Мана шу Умр салтанатида, Тириклик салтанатида, яъни жуда қисқа инсоний умр фаолиятида Худо менга ҳеч ким билан, ҳеч қачон тенглаштириб бўлмайдиган гўзалли феълли инсон фарзандини, тоғамнинг қизи Ҳосият опамни ҳамроҳ қилиб берди. У киши менга шундай йўлдош бўлдики, шундай ҳамроҳ бўлдики, бошқа бирор одамдан кўрмаган яхшиликни у кишидан кўрдим. Умр

салтанатини, тириклик салтанатини мен учун шарафга айлантирди. Шаънга айлантирди. Шоҳлик вазифасини ҳам ўтади. Сирлашдим, фикрлашдим, ўйлашдим,мулоҳазалашдим, доим ҳам илинж ва юпанчларимнинг талабини қондирди. Минг афсуски шоир ёки ёзувчи эмасман. Шоир ёки ёзувчи бўлганимда Ҳосият опам ҳақида катта бир шеърий ёки насрий китоб ёзган бўларидим.

Чиндан ҳам инсонга доим шоҳлик қиладиган, яъни инсоннинг доимий равишда орзу армонини ушалтирадиган улуғ инсонни учратдим. Аввало ҳаммасига сабабчи Парвардигор. Ҳосият опам юқорида эслатганимдай тоғамнинг қизи эди. Лекин мен тоғамнинг қизи деб ўйламасидим. У киши ҳам мени аммамнинг қизи деб ўйламасиди. Гўё опа - сингилга айланганидик. Шундай яқинликда яшашга ўзи ҳам кўнникканиди, мени ҳам кўниктирганиди. Ҳосият опам на фақат менга, бошқаларга ҳам бир отанинг, бир онанинг фарзандидай, ёки опа - сингилдай ёрдам қилар эди. Қилган яхшиликларини ҳеч қачон юзига солмас эди, ҳатто эсламасиди, эслатмасиди. Ўзим аёлман. Аёлликнинг барча сиру асрорларини яхши биламан. Ўзим она бўлдим. Оналикнинг ҳам сир - асрорларини миридан сиригача биламан. Ҳар икки гўзалликни ҳам танамдан кечирдим. Турмушга чиқиш, фарзанд кўриш, улғайтириш, сут бериш, уйлантириш - жойлантириш каби барча лаззатларини ҳам таътиб кўрдим. Балки озгина камчилиги, етишмовчилиги билан, кемтиги билан.

Аммо Ҳосият опамдан оналикнинг, опаликнинг, тоғанинг қизилигини, яъни жигарга, кондошга қиладиган, қилинадиган, кўрсатган, кўрсатиладиган илтифотни, ёрдамни кўрдим, у кишидай тўла ва мукаммал даражада қилганини учратмадим. Балки ўзим ҳам Ҳосият опамдай бировларга яхшилик қилолмасидим. Чамаси у зотнинг юраги катта эди. Қалби чексиз эди. Парвардигор у кишини фақат ва фақат одамларга яхшилик қилиш учунгина яратгандай туюлар эди. Шунга яраша давлат

ҳам берганиди. Ҳозирги ақлим, фикрим билан, нуқтаи назарим билан ўй, мулоҳазам билан қарасам, қилган яхшиликлари ҳақида хаёлга толсам, ҳозирги ўлчов билан ўлчанса, катта миқдорда Худо давлат берди. Бу маблағга ўнлаб данғиллама уй солиши, ёки,бошқа нарсаларни олиб, ғамлаб қўйиши, машиналар олиши мумкин эди. Лекин у киши олтин тақинчоқларга, қиммат баҳо тошларга ўчлик қилмади. Мана шунча топган мол - мулкларини яқинларига, қондошларига, таниш - билишларига, етим - есирларга, сағирларга, қаровсиз кишиларга беминнат улашди. Бунга хавас қилиш мумкин. На фақат хавас қилиш, у киши бўлиши орзу қилганлар қанчадан - қанча эди.

Ҳосият опамни кўрмаганлар, билмаганлар қариндоши бўлган учун Рисолат опа ўз қариндошини мақтаётибди, дейишлари мумкин. Тоғасининг қизи бўлгани учун хаяжонланиб, таьсирланиб мақтаётибди, дейиши ҳам мумкин. Аслида бу Ҳосият опам орқали Парвардигорнинг ўз бандаи мўминларига кўрсатган яхшилиги, саховатидир. Фақат уни Ҳосият опам орқали бошқаларга кўрсатди. Ахир ҳамма иш аввало Яратгандандир. Парвардигорнинг Ўзи Ҳосият опамга давлат берди, Ўзи сарфлашини ҳам ўргатди. Ахир яхшини ҳам, ёмонни ҳам Худонинг Ўзи яратади. У зот: "Одамларга соч, улаш!", деди. Сочди, улашди. Тарқатди. Рахматли эрлари Парда поччам ҳам шунақа саховатпеша одам эди. Қўлидан келган ҳамма нарсани халқига, ватанига сарфлади. Ўйлаб ўйимга етолмайман. Хотин билан эрнинг бир хил олижаноб бўлиши ва бирга турмуш қуриши чиндан ҳам мен учун ҳайратланарли ҳол. Таажжубланарли ҳол.

Баъзан одамлар: "Мен палончига, писмаданчига қайси сабабларга кўра яхшилик қилишим керак!", деб ўйлаши мумкин. Шундай йўлни тутиши ҳам мумкин. Лекин Ҳосият опам ҳеч ким ҳақида, ҳеч қачон бундай фикрга боролмас эди. Ҳаммани жигарим - қондошим деб билар эди. Одамман, деб билар эди ва худи шу нуқтаи

назар билан яхшилик қилар эди. Қилган яхшилигини кимдир эртага қайтарадими, йўқми, бу ҳақда асло ўйламас эди. Яхшилик қилиш шарт эди. Яхшилик қилишгина Яратган олдидаги бурчимизни, маъсулиятимизни юзага чиқаради, кўрсатади, деб ўйлар эди. Бир кўрса, ёки озгина танишса бўлди эди. Яхшилигини аямас эди. Танимаса ҳам, билмаса ҳам барибир илтимос қилинса, ке, менга ҳадди сиғибди, дея саховат кўрсаташерар эди. Кўпроқ ўзи бормай, бирор одамдан, бир нарса юбориб кўнглини овлар эди.

Ҳосият опам ҳақида кўп ўйлайман. Фикримни ҳам ўша киши эгаллаб олади. Балки бу кексайгандан кейинги боғланиб қолишдир. Аслида эса одам қилган яхшилиги билангина бу дунёдан ўтиб кетганидан кейин ҳам ўзидан яхши ном қолдириб, ўзи ҳақида ўйлашга мажбур этар экан. Ҳосият опамни Худо фақат яхшилик учунгина яратиб, тушунча - туйғусини олийжаноблик, саховат нури билан мунаввар этган экан. Бунинг заминида гўзалликдан, олийжаноблик, эзгуликдан фахрланиш, ғурурланиш тушунчаси ҳам чўкиб ётади. Ғурурланиш ва фахрланишнинг заминида эса лаззатланиш ва мамнунлик ҳисси мавжуд. Бу дунёда ёмонлик қилиб фахрланадиган, ғурурланадиган одамдан Худо асрасин. Бу дунёда ҳеч ким абадий қолмайди. Еб тўймасларнинг еб тўймаси - ер эртадир - кечдир ҳаммани ўз комига тортади. Демак, вақтинчалик яшайдиган дунёда яхшилик қилишдан яхшиси йўқ. Бу фалсафани англаш учун эса юксак ақл, катта қалб бўлиши керак.

Ёмонлик қилмаслик яхшиликка киради. Яхшилик қилмаслик эса ёмонликка киради. Бу сатрларни китобнинг муаллифидан эшитганимдан кейин бир сесканиб тушдим. Яхшилик қилишга бирор одам пул сўрамайди. Ёмонлик қилганлар эса умр бўйи иснотдан, қамоқхонадан чиқмайди...Ҳосият опам бу сатрларни эшитмаган бўлса-да, ёмонлик қилмасдан, яхшилик қилибгина абадиятга ёрқин хотирасини қолдириб кетди.

Мен адабиётчиман. Адабиёт тарихимизда ўтган аёлларимизга эътибор билан қарайман. Тумор Ҳоқон, Зарина Ҳоқон, Сфатера Ҳоқон, Қурбонжон дадҳоҳ (генерал), Туркон хотун-шоир, Нодира, Увайсий, Зебуннисо, Тожмаҳалнинг қурилишида ўзининг улкан ҳиссасини қўшган Мумтозмаҳал каби оналаримиз ватанимизга, ҳалқимизга озмунча яхшилик қилдими.Ҳалқни ёвлардан қутқарди. Улкан қурилишларни бунёд этди. Улуғ шеърият қолдириб кетишди. Назаримда Ҳосият опам ўзининг яхшилиги билан, саховати билан тарихда ўтган ўша қахрамон оналаримиз қаторида туради. Чунки яхшилик қилишдан бошқа гапни билмади.

Тарихда ўтган оналаримизнинг деярлик кўпчилиги шоҳлар бўлган. Ёки шоҳларнинг хотинлари бўлган. Ҳосият опам Зомин районининг, Биринчи котибининг аёли эди. Эрларидан кейин узоқ муддат район матлубот жамиятининг бошлиғи бўлиб ишлади. Ихтиёри ўзининг қўлида эмас эди. Мустабид тузим қўлида эди. Ханжарини ўйнатиб турар эди. Давлатнинг мулкини бекорга сарфлама, дея дўқ урар эди. Мана шундай нозик даврда ҳам усталик билан ҳалққа яхшилигини яширинча бўлса - да, қилди. У пайтлар уч тийин учун ҳам қамашар эди. Шундай пайтда кимнидир уйлантириш, яна кимнидир жойлантириш, тўй - маракасини ўтказиб бериш осон иш эмас эди.

Бизнинг оиламиз ҳам ночор оилалардан эди. Отам урушдан қайтмади. Онам билан опам ва мени ўз уйига кўчириб келди. Бирга яшадик. Ўзимиз уйга чиқиб кетганимиздан кейин ҳам бирор ой, бирор сония, бирор дақиқа унутмаган ҳолда хонадонимиздан хабар олиб турар эди. Мактабга бўладиган сарф - ҳаражатларимизни ҳам кўтарар эди. Мактабни битирганимдан кейин мени Самарқандга олиб бориб, институтга қандай йўллар билан бўлса-да, ўқишга киритиб қайтди. Тил - адабиёт босқичида ўқий бошладим.

У пайтлар ўқишга кириш ҳамма учун ҳам қийин эди.

Биздай ночор оилаларга, ночорлик туфайли ўқишни қийналиб битирганларга эса ундан ҳам қийин эди. Беш йиллик ўқиш. Ўқишга бориб келиш, ейиб - ичиш ҳам Ҳосият опамнинг бўйнида бўлди. Шу билан бирга мен ўқишда юрганимда орқамда қолган оиламнинг холидан хабар олишни ҳам у киши бўйнига олган эди. Турмушга чиқишим, фарзандлар кўришим, фарзандларимнинг ўқиши ва тарбиясини ҳам бўйнига олди. Бу, бирор одам бажара олмайдиган ҳаддан зиёд оғир масала. Кимдир бир одамни ўқишга киритиб қўйиши мумкин, лекин бутун умр, оиласини бокиб, менингдай ўнлаб, юзлаб одамларнинг бағрига кириб, оғирини енгил қиладиган одам юздан ёки мингдан битта топилади. Бу жиддий ўйлаб, фикрлаб кўрадиган беҳад шарафли иш ...

Ўқишни битириб мактабга директор ҳам бўлдим. Районда раҳбарлик лавозимида ҳам ишладим. Мана шундай маъсулиятли дамларда ҳам у киши менинг суянчиғимга айланиб турди. Чин маънода у киши менга устоз эди. Мен ҳозиргача одам сифатида ўзимни у зотнинг шогирдиман, деб биламан. Қондош сифатида маънавий ота -онам ...

Ҳосият опамнинг Муротбек исмли акаси, Файбулло, Ҳайрулло исмли укалари бўлар эди. Улар менинг тоғаларим эди. Муродбек акаси ҳарбийда вафот этди. Ҳайрулло исмли укасини ўзи, ўз қарамоғига олиб, эрта - кеч диққат - эътиборидан қочирмай ўқитди. Улғайтирди. Тўй - томошанинг барча сарф - ҳаражатларини ўзи кўтарди. Бағрига олди. Бир хонадонда узоқ йиллар яшашди. Ўзининг икки ўғли - Илҳом билан Ўктам бор эди. Укасининг саккиз фарзандини ҳам ўғиллари қаторида фарзанд қилиб олган ва шундай нуқтаи назарда ўқитиб, тарбия қилар эди. Келини ҳам камбағол оиланинг фарзанди эди. Келинини келин сифатида эмас, синглиси сифатида оиласига қабул қилди. Буни қаранки, укаси ували - жували бўлиб, бу дунёдаги бахтли одамлардай фахр, ғурур билан яшаб ўтди. Ҳосият опам жиянларининг тар-

бияси билан жиддий шуғулланди. Ҳаммасини катта ўқишларда ўқитди. Яхши ишларга жойлашишида ҳам кўмаклашди. Аммо қилган яхшиликларини бирор вақт, бировга айтиб махтанмади. Яхшилик қилишдан фахрланиб, лаззатланиб юраверди.

Ҳосият опам ўзининг меҳнаткашлиги билан савдо техникумини битирди. Яхши ишлаб тез орада Зомин район Ижроия қумитаси раиси этиб тайинланди. Тақдир қўшган экан, ўша йилларда Зомин районининг Биринчи котиби Парда Умрзоқов деган одам билан турмуш қурди. Бу турмушидан гўзал ва олийжаноб, ота - онасига ўхшаш саховатли икки ўғил фарзанд туғилди. Илоё, Худо раҳматига олгани рост бўлсин! Поччамиз Парда Умрзоқов ҳам кўп олийжаноб одам эди. Феъли гўзал, қўли очиқ зот эди. Халқни қийинчилик йилларида имкон қадар боқди, ҳолидан хабар олди. Аммо бирор одамни, бирор вақт ранжитмади. Икки саховатли одамни бир пайтда учрашганини, бирга турмуш қурганини биринчи бор кўришим. Ота - онамиз доим: "Бир яхшига бир ёмон" деган нақлни такрорлар эди. Бу гал эса бу нақлнинг тескарисига тўғри келган эдик. Ёмон билан учрашса, яхши ёмонни йўлга солиб етаклаб кетар экан. Икки яхши учрашганда эса халққа ва ватанга катта манфаат келтирар экан. Бу табиийки Худонинг иноятн...

Парда поччамиз халққа бир неча баравар яхшилик қилса, Ҳосият опам юз баравар яхшилик қилиб тўлдирар эди. Бу ҳислатлар буни қарангки фарзандларида ҳам аниқ кўринди. Улар ҳам қўлларидан келганича алдамай, ёлғон гапирмай, айтган сўзининг устидан чиқиб яхшиликлар қилади. Бу ҳам Яратганнинг иноятн. Яратган иноят кўрсатганда ночор, бой оилага қарамас экан. Ўктамжон умридан барака топсин, қариндош - уруғларни ташламай келаяпти. Кимки бирор ёрдам сўраса, кимлигига, қанақа одамлигига қарамай ёрдамни аямаяпти...

Ҳосият опамга ўз онамдай, ўрганиб қолган эканман. Одам ўз онаси, ўз отаси, ўз акаси, ўз укаси, опа - синг-

лисигагина эркалик қилиши мумкин. Эркаликларини шуларгина кўтариши мумкин. Аммо, лекин тоғанинг қизига мен шу тилга олинган одамларимдай эркалик қила олар эдим. Балки бу борада бир мен Ҳосият опамга, тоғамнинг қизига эркалик қилган бўлишим мумкин...

Истаган пайтимда, истаган нарсани сўрардим. Озгина ҳижолатлик билан бўлса - да, сўрар эдим. Энг яқин кишимдай бемалол сўрар эдим. Доим тушунчамда, туйғуйимда улуғ ишонч турар эди. Бу - Ҳосият опам эди. Доим юким ерда қолмаслигини, юкимни биргина Ҳосият опам енгиллатишини билар эдим, сезар эдим. Эркаликларим кулиш, жилмайиш билан, бағрига босиш билан, эркаликларим юз фоиз ижро этилиши билан қаршиланар эди. Яхшилик қилаётганида у зотнинг на юзи, на кўзида иккиланиш ёки ёқтирмаслик, ижирғаниш белгиси, ўзини четга тортишга ўхшаш аломатлар асло кўринмас эди. Чамаси у кишининг ўзи ҳам буни тушунарди. Парвардигор ўзига давлат берганлигини, Парвардигор берган давлатни халққа беминнат улашиши зарурлигини англар эди. Бундан чин маънода фаҳрланар эди, ғурурланар эди.

Кимки бировга яхшилик қилатуриб: "Эй аттанг! Нимага шунча пулимни палончига бериб юбордим! Бермасан бўлади - ку!", демай, аксинча: "Худога шукур, саховат кўрсатиб гуноҳлардан халос бўлдим. Яратганнинг назарига тушдим", деса шу одамгина жаннати. Ҳосият опам ҳам: "Ўзига шукр, палончининг тўйини ўтишига кўмаклашдим, палончининг жойлик бўлишига озгина ҳиссамни қўшдим...", дейиш билан шодликларини ичига сиғдиролмас эди.

Одатда эркакларнинг бағри кенг бўлади. Яхшиликларни жўшиб қилиб юбораверади. Лекин мен бағри кенгликни, мардликни аёлларда, яъни Ҳосият опамда ҳам кўрдим. Мардлик борасида у киши Зоминда ягона эди. Аёллар орасида ҳам. Унча - бунча одам у зотнинг мардлигига бас келолмас эди.

Мен ҳеч кимни кўра - кўрона баҳолаётганим йўқ. Кўрганларимни, кузатганларимни ҳонасанилло баҳолаяпман. Доим мен: "Ҳосият опамга бирор дард юқмасин! Умрлари узун бўлсин! Тагидан шамол ўтиб турсин!", дея дуо қилар эдим. У кишига бирор кўнгилсизлик бўлишини асло тасоввур қилолмасидим...

Лекин кўнглимда кўз тегмасайди, деган шубҳа ҳам йўқ эмас эди. Кутилмаганда шундай кўнгилсизлик юз берди. Ҳосият опам бетобланиб қолди. Одамлар ҳолидан ҳабар олиш учун ёмғирдай ёғилиб келишди. Хабардор бўлиб туришди. Фарзандлари бутун вужудлари билан қўлларидан келган барча ишларни бажо келтиришди. Ҳосият опанинг бетобланганини кўрган баъзи бир аёллар паришонлик қўйларига ҳам тушишди. Ўзим бир неча кунлаб овқат еёлмай қолдим. Сув ҳам ўтмади. Одам одамга ўрганиб, кўникиб қолар экан. Гўё бир томоним йўқдай, кўнглимга қил сиғмас, кўзимга ҳеч нарса кўринмас эди. Чеккан ҳасратларимнинг, дарду аламларимнинг, ғамимнинг, ғуссамнинг чеки - чегараси йўқ эди. Танамни кучли бир ташналик эгаллаб олган эди. Опамнинг бетобланиб қолганига, вафот этиши мумкинлигига ўзимни ишонтиролмас эдим. Кўзларини абадиятга юмган онларидаги дахшатларни айтиб беролмайман. "Мана - мана, бугун ёки эртага тирилиб қолади... Эй, Худойим! Ҳосият опамни тирилтириб бер!", демакдан бошқа иложим қолмаган эди. Пинҳона йиғлар эдим. Бу менинг у кишига қаттиқ ўрганганим, у кишини ҳам менга ишонгани, суянгани белгиси эди. Икки орадаги кўрсатилган илтифотлар, яхшиликлар эндиликда ўз кучини кўрсатаётганиди. У киши мени ўзига улуғ бир меҳр - муҳаббат билан боғлаб ташлаган эди. Бу боғланиш ўз самарасини берди. Гўё танам сув бўлиб эриб кетгандай эди... Кўз ёшларининг ҳисоби йўқ эди...

Шуларни эслаб, хотирлаб қон босимим ошиб кетди. Кўнглим паришон тортди. Қани эди, иложи бўлса, Ҳосият опам ҳақида шундай бир илоҳий сўзларни айтсамки,

ҳамма одам бир пайтда Ҳосият опамнинг хислатларини англаб етса, "дод" солса, деб ўйлардим...

Ҳосият опамнинг ҳаммага ўрнак бўладиган одатларидан бири - ҳавас қилса арзийдиган сифати - ҳаммани ўқитишни, жумладан қариндош - уруғларининг фарзандларини ҳам ўқитишни, ўқитганда ҳам жиддий илм бериши доимий равишда йўлга қўйганиди. Ўқиганларни, илмга чанқоқ ёшларни эъзозлар эди. Бу эса ҳаммамизга мактаб бўларли даражадаги сифати эди. Дунёдаги барча жоҳонгирлар, олимлар, фозилларнинг шу даражага етиши фақат ва фақат илмдан деб билар эди. Бундай сифатларни эъзозлаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Менда олдинроқ ўқишга унчалик қизиқиш йўқроқ эди. Чунки ўша даврларда емиш - ичмишдан одамлар қийланар эди. Ҳамма ҳам ўқишга иштиёқ сезмас эди. Бирор нарса топиб оиламни тебратиб турай, деган нуқтаи назарда эдим. Уйдан чиқиб кетиш, мусофирликда яшаш, боз устига оилага қайғуришнинг ўзи бўлмас эди. Ҳосият опам бунга қараб ўтирмади. Мени бошлаб Самарқандга олиб борди. Институт, маъмуриятига ночор оила эканлигимизни, қўлимиз калта эканлигини тушунтирди. Лекин ўқишга ҳавасим борлигини ҳам айтди. Укасининг фарзандларини ҳам шундай қилиб, баъзан мажбурлаб, баъзан етаклаб ўқишга киришларини таъминлади.

Назаримда Ҳосият опам умрнинг унчалик узун эмаслигини, орзу армонларини тезроқ ушалишини истаб, ўзига эҳтиёж сезаётган яқинларини ўқитишини олдига вазифа қилиб қўйган экан. Қилган эзгу ишлар бир кун амалга ошиши, айни пайтда яқинлари ва фарзандларининг фаравон ҳаёт кечиришини ҳам ҳис этган экан. Шундай ҳам бўлди.

У кишининг оналари асли Фарғона водийсидан эди. Тақдир тақазоси билан Зоминга келиб қолишган эди. Оналарининг исми Баҳринисо, бувиларининг исми Ачахон эди. Зоминга келганларидан кейин оналари турмуш-

га чиққан, бувилари ҳам турмуш кўрган. Кейинчалик Зоминга Тошкентдан Абдуллахўжаева Соҳиба деган аёл бир қизи билан келди. Ҳосият опам ўша аёл билан анча вақт бирга яшади. Ёрдамини аямади.

Эшитишимга қараганда водийнинг одамлари шинаванда, меҳмондўст бўлармиш. Қўллари ҳам очиқ, дейишади. Демак, Ҳосият опам ҳам аждодларига - ота - боболарига ўхшаб саховатини ҳеч кимдан аямаган экан да У кишининг табиати ҳам юмшоқ эди. Зоминликлар эса озгина кескин ёки чўрткесар феълли бўлади. Муомала маданиятини доим ҳам ўринлатавермайдилар. Ҳосият опам, онаси ва бувисига ўхшаб хуш муомала эди. Уйида доим тўкин - сочинлик хукм сурар эди. Тўй қилса, одамлар, жумладан қариндош - уруғлари қатнашса, мамнунлик билан уйларига қайтишса қуваниб кетар эди.

Ушбу китобнинг муаллифи ҳар икки гапининг бирида: "Тириклик - Ҳаққа етиш имкониятидир...", дейишини ёқтирар экан. Чиндан ҳам Тириклик, яъни бу дунёга Худонинг амри билан келишлик - Ўзига таодат - ибодат билан етишиш имкониятидир. Бу имкониятнинг вазифасини Ҳосият опам тўла бажарди. Ўзига жаннатдан жой излади ва топди. Парвардигор у зотга сўраганича давлат берди. Худо берган давлатни эса ҳалққа, яъни Худо буюргандай эзгулик ва саховат йўлига сарфлади. Бу билан бизнинг тушунча - туйғумизда "Улуғ инсон эди ..." деган ном қолдириб, омонат дунёдан ҳақиқий дунёга риҳлат этди...

Ўзига ҳам, фарзандларига ҳам олқиш ёқдириб, уларни ҳам тарих сахифасига олтин харфлар билан ёздириб кетганига, бошқаларни билмайман, мен эса асло шубҳа қилмайман...

Илоё, Ҳосият опамни Парвардигор ёрлақаган бўлсин! Жаннатдан жой берсин! Бу борада ота - боболари, бибилари, бибикалонларининг руҳлари қўллаган бўлсин!

ЗЕБО МАНСУРОВАНИНГ ҲОСИЯТ АЯ ҲАҚИДАГИ ХОТИРАЛАРИ

-Ҳосият Турсунова ҳақида гапиришни бошлаганимда ич-ичимдан қандайдир туғён кўтарилиб келади. Ҳисларнинг, туйғуларнинг бу исёнида ҳаяжонлар, таъсирланишлар уммони қад кўтаради, - дея сухбатимизни бошлайди, Зебо Мансурова, яъни Ҳосият аянинг энг яқин ва содиқ шогиртларидан бири. -Кўзларим ҳам беихтиёр ёшларга тўлиб - тошади. Ўзим билиб - билмай, сезиб - сезмай: "Оҳ, шундай инсон бу дунёдан кетди - я", дея ўйлайман. Ўйларим кейин фарёдга айланди. Опани эслаганимда танам яйраб ҳам кетди. Айни пайтда ҳасрат чекаман. Кандайдир ғамлар, аламлар, соғинчлар, ичикишлар гирдобида қоламан. Ҳосият опам на фақат Зоминда, вилоятда ҳам маълум ва машхур одам эди. Каттадан - кичик, ёш ҳам, қари ҳам бирдай ҳурмат қилар эди. Бирдай эъзозлар эди. У киши учун на аёл на эркак деган гап йўқ эди. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам опани бирдай ўзларига яқин тутар эдилар. Туғишганлардай бўлиб кетган эди. Зоминликлар билан мен бу дунёда яхшилик борлигини, яхшилигини инсоннинг ўзи улуғланиши, одамларнинг яхшиси, одамларнинг ҳам нақшиси борлигини, яхшиликкина одамни муродга етказишини, яхшиликкина одамни яхшиликки йўллашини, яхшилик қилганларигина жаннатга киришини Ҳосият опа тимсолида кўрдим, у зотнинг сиймосида кўрдим. Мен билган, кузатган, яъни кўплаб одамларнинг қилган яхшиликлари бирор манфаат юзасидан бажарилар эди. Опа эса яхшиликни мутлоқо беминнат бажарар эди. Яхшиликни англашим, сезишим ҳам опа туфайли бўлди.Илгарилари дунёда яхшилик, ёмонлик мавжудлигини аниқ билмасдим, бу хақда жиддий бош ҳам қотириб кўрмаган эдим. Яхшилик билан ёмонликннинг моҳият - мазмуни мен учун шунчаки мавҳум бир тушунча сифатида номоён бўлар эди. Яхшилик билан ёмонликнинг моҳият,

мазмуни, мантиқи, фалсафаси Ҳосият опам ва у зотнинг ҳаммага бап-барабар қилган яхшилиги туфайлигина англашилди.

Ёмон одамларни кўрсангиз, кўз ўнгингизда яхши одамлар ва уларнинг яхши хислатлари номоён бўлар экан. Демак, ёмонлик яхшиликни, ёмон одамлар яхши одамларни танитар экан. Яхшилик бўлмаганда ёмонликнинг, ёмонлик бўлмаганда яхшиликнинг фарқига боролмас эдик. Бу улуғ фалсафа алла қачонлар ечилган.

Яхшилик билан ёмонлик орасидаги дахшатли оралиқ- фарқ ёшингиз бир ерга етганидан кейингина равшанлашар экан.

Шайтон билан фариштанинг мавжудлиги, бири ўнг елкада, бири эса чап елкада туриши, бири ёмонликка етаклаши, иккинчиси эса яхшиликка етаклаши, бири дўзахдан жой тайёрлашини, иккинчиси эса жаннатдан жой тайёрлашини ҳам ёшим улғайганидан кейин англайди одам. Бири гуноҳу зиноларга ундаса, бошқаси савобларга, эҳсонларга етаклайди. Қанчадан-қанча ёмонлар, яъни фирибгарлар, қотиллар, сотқинлар, маддоҳлар,тилёғламалар, қўшмачилар, каззоблар, даҳрийлар, ишёқмаслар, дангасалар, мансабпарастлар, манфаатпарастлар, каслар, маразлар, жинси ноаниқ кимсалар атрофимизда кезиб юрибди. Бундай инсон шаънига азалдан абадгача иснот келтирадиган ғайри инсонлар ҳамманинг бирдай ғазабини келтириши, нафратини қузғаши мумкин. Асабийлик дардига дучор қилиши мумкин. Яхшилар эса аксинча дардингизга шифо бўлиши мумкин. Инсон умрини чўзувчилар ҳам шу яхшилар. Ҳосият опамдай гўзал табиатли одамлар бизга яхшиликни, гўзалликнинг қадрини ошириб беради. Ёмонликнинг моҳият - мазмунини, қиёфасини, фалсафасини яққол кўрсатади, сездиради. Қаерга боришимиз, қандай кишиларга яқинлашишимиз, қайси йўлни танлаганимиздагина муродга етишимизни ҳам аниқ - равшон белгилаб беради.

Ҳосият опани кўрганимда гўё танамдаги барча икир-

чикирлар, бетобликлар, ёмон фикрлар чиқиб кетгандай, танам мутлоқо софлашиб - мусоффолашиб қолгандай туюлар эди. Дарду аламлардан фориғ бўлгандай сезардим ўзимни. Ёмонлик эса аксинча танангизни булғатиб ташлагандай бўлади.

Мана, икки қутубнинг фарқи. Яхштлик қутуби, ёмонлик қутуби...

Парвардигор яхшилик учун жаннатни, ёмонлик учун дўзахни муросага киритгани сабаби ҳам аниқ.

Отам раҳматли одамларнинг тишларини даволар эди. Баъзан олар эди. У пайтлар мен ўн етти, ўн саккиз ёшларда эдим. Қизилик фаслининг айни гуллаган, ғунчадан гулга айланиш палласида эдим. Бадиий қилиб ифодалаганда атрофимизда булбуллар сармаст бўлиб, сарҳуш бўлиб сайраётган давр эди. Орқам билан битта соч эди. Қоп - қора ва қалин. Сочларимни бошим кўтаролмай эгилиб ҳам қолар эди. Ҳамма менга, сочимга ҳавас билан термилар эди, қарар эди.

Бир куни кўчадан ўтиб кетаётганим, Ҳосият опам орқамдан кўриб қолибди. "Анна у - орқаси билан бита соч, қадди - қомати келишган қиз, кимнинг қизи?", деб сўрабдилар. Кимдир: "Тиш даволайдиган Мансур аканинг қизи, энди ўн еттига тўлди...", дея жавоб берибди. "Мансур аканинг қизи бўлса, даров ёнимга чақиринглар, менда ишласин. Сотувчилар гўзал қизлардан бўлиши керак", дея опа хизматчиларига ўқтирибди. Тез кунда опа идорасига чақиртирди. Бордим, узоқ ўтириб суҳбатлашдик. Юракдан сухбатлашдик. Мени бурнимдан чиққудай меҳмон хам қилди. Тилидан бол томар эди. Юзи-кўзи меҳрибон эди. Дилкаш бу аёл менда улуғ таасурот қолдирди. Ишга кучли иштиёқ сездирди. Хавасимни ошириб юборди. Тақдир экан. Ҳосият ая сутувчиликка ишга олди. Ишлай бошладим. Кейин савдо соҳасидаги ўқишга юбордилар. Бордим, курсни тугатиб қайтдим. Сал ўтмай савдо техникумини хам тугатдим. Лекин, олий маълумотли бўлишимга оилавий шароит йўл бер-

мади. Бадиий китобларни куп ўқимаганман. Мақсадимни бадиий ифодалай олмайман. Менга одамлар жуда ҳам жўн кўринади. Овқат еювчи, ухловчи, бола - чақа орттирувчи, туғилувчи, ўлувчи... Кўзи, бурни, танаси, суяклари, қорни, юраги, боши мавжуд. Лекин одамнинг ақли, онги, эс - хуши билан дахшатли ишларни бажара олишига, ҳислари, туйғулари билан адабиётни, санъатни, мусиқани юзага чиқаришига ҳайратда қоламан. Таажжубланаман. Олийжаноблиги, саховатлилиги доим ҳам меҳримни жўштиради. Доно кишилар дунёни гўзаллаштиради. Буларнинг заминида эса ақл ва ҳис - туйғу чўкиб ётади.

Турли ерларга бориб, хатто чет элларга бориб ҳам дам олганмиз. Турли ерлардаги табиатларни кўриб шодликдан, ҳайратдан ҳансираб, энтикиб ҳам қоламиз. Ҳар бир ернинг гўзал ўсимликлари, дарахтлари, ҳашоратлдари, гўзал ҳайвонлари мавжуд. Бир ерларда шаршаралар сачраб, сув зараларини туман каби турли томонга сочиб ётибди. Бошқа томонларда чексиз - чегарасиз сувликлар, сатҳидан ўркач - ўркач тўлқинлар тўлқинланиб одам зотини эс - хушидан айриши даражасига етказаётир. Гуллар, гуллар атрофида парвона бўлаётган саъвалар, булбулларнинг сархуш - сармаст қиладиган беҳад ёқимли овозлари инсоннинг қулф - дилини очиб, ҳаяжонини ортиргандан ортиради.

Буларнинг ҳаммаси инсон умрнинг шарафли, шаънли лаҳзаларини лаззатга айлантиради. Танани рохатларга тўлдириб-тоширади. Гўё қушга айлантириб, учишга шайлантиргандай туюлади. Дунёйи оламнинг манна шу табиатидан, ноз - нематларидан бахрамант бўлган кезлардаги лаззатланиш гўзаллигини эътироф этиш билан туғилишнинг нечоғлик шарфли эканлигини сезган ва англаган онларидаги рохату лаззатни ифодалаб бўлмайди. Булар тасвирга ҳам сиғмайди.

Буларнинг ҳаммаси гўзаллик. Фақат мусиқа орқали, рассомлик санъати орқали, адабиёт орқали ифодалаб бе-

риш мумкин бўлган гўзаллик. Ҳосият опамни эслаганимда, ёдимга олганимда гўё ўша гўзалликнинг бир бўлагини йўқотиб қўйганга ўхшайман. Табиат ҳам қашшоқланиб қолганга ўхшайди. Ахир одамзод ҳам Худонинг алоҳида бир меҳр билан яратилган гўзаллиги. Яхши феълли кишилар эса Худонинг икки бор гўзаллигига айланади. Назаримда табиат Ҳосият опамни йўқотиши билан гўё гўзал бир бўлагидан айрилганга, ажраганга ўхшаб кўринади. Ахир яхшилар ҳар куни туғулвермайди. Яхшилар ўн, юз, минг йилларда битта - иккита туғилади ва дунёни гўзалаштириб кетади. Ҳосият опамда менинг назаримда ҳамма гўзаллик мавжуд эди. У кишининг овозида мусиқа оҳанги кучли эди. Овози беҳад ёқимли эди. Яхши одамнинг ёмон томонларини кўролмайсан, киши. Булбулларнинг ҳонишлари, зилол сувларининг оқишлари, табиатнинг турфа ранглари ҳам гўзал одамларда, гўзал табиатли одамларда акс этгандай туюлади. Сўзлари танангга ёғдай ёқади. Танангни кенгайтиради. Яйратади ва бирор бетоблик бўлса, тарқатиб юборади.

"Ё товба! - дея ўйлай бошлайман баъзан, - Одам ҳам шунақа буғубор, беминнат сифатли бўладими? Умрида бирор одамни жеркмаса, урушмаса, ёки ҳақорот қилмаса, ранжиб қолмасин, деб қаттиқ қарамаса...Озор чекиб қолмасин, дея қўллари билан қескин харакат ҳам қилмаса...У зотнинг одамийлигида "Парвардигор! Ўзингдан бегона қилма! Ўзгаларга озор беришдан асра!» деган илоҳий сўзлар мавжуд бўлса. Ўзгага озор бермай, ўзи ҳам озор чекмаса ... Бундай одамлар юз йил яшаши керак эди. Товба, яхшига ҳам яхши - ёмонга ҳам яхши бўлиш асло мумкин эмас. Ҳосият опам эса шундай эди. У киши учун ёмон одам йўқ эди. Ҳамма яхши эди. Баъзан "Палончи ғалатироқ, одамни менсимайди...", десам, у киши: "Хой, бой бўлгур! Бировни ёмон дема, гуноҳкор бўласан! Яхши, де, савоб оласан! Яхши ёмонлигимиз биргина Худога маълум... Касал бўлмай десанг,

ёмон ният қилма...", дея мени қайтарар эди.

Яхши ёмонлигимиз биргина Худога маълум бўлганидай, кимнинг қачон ўлиши ёки туғилиши ҳам табиийки Худодан. Бандаси ҳеч кимни, ҳеч қачон олдин туғдириб, ёки олдин ўлдиролмайди...Одамни одам ўлдирса қотиллик, йиртқичликка, вахшийликка киради. Ўлим, насиба узилганидан кейингина ўлимга айланади. Насиба узилмаса ҳаётлигида тураверади...

Манна шу тушунча - туйғу Ҳосият опамга умри бўйи йўлдош бўлди ва ҳеч кимга озор бермай ўтди. Бу дунё, у дунё юзини ёруғ қилди.

Ёмонлик қилганлар нафақат ўзларига, қариндош - уруғларига ҳам аждоду - авлодларига ҳам иснот келтиради. Яхшилик қилганлар эса аждодларига ҳам авлодларига ҳам, инсониятга ҳам раҳмат ёғдиради. Жаннат билан дўзахнинг орасидаги энг қисқа масофа - одам умри. Дунёда, ёки ер юзида бундай қисқа масофа йўқ. Биргина саховат билан жаннатга, биргина гуноҳ ёки зино билан дўзахга ўтилади. Бу тушунча кимнинг қалбига чуқурроқ синган бўлса, ўша одам бу дунёда яхшилиги билан ҳаммага ўрнак бўла олади. Бундай одамдан яхши хотира қолади. Ёмонлик қилиб инсоний хотира - тарихни қора қилгандан кўра, яхшилик қилиб хотирани, тарихни гўзаллик билан безаган маъқул.

Ҳосият опам манна шундай тарифга, тавсифга сиғмайдиган даражадаги ҳосиятли инсон эди. Мени биринчи галда сотувчилликка ишга қабул қилганларида, ишларни у кишининг кўнгли ёқтирадиган даражада бажарганим учун доим менга диққат - эътиборларини қаратди. Ундан кейин каттароқ ишларга тайинладилар. Умумовқатланиш идорасига бошлиқ қилиб тайинлаганида ҳамма қатори ўзим ҳам ҳайратлангандим. Очиғи кўрққанидим. Бу идорада дон ва ун махсулотлари ва бошқа таомларга мосланган махсулотлар тайинланар эди. Менда Ҳасанов Ғофиржон деган йигит ишлар эди. Биргалашиб ишларни дўндириб ташладик. Бизнинг нони-

мизни еганлар "ох" чекиб юборар эди. Режаларимизни икки юз, уч юз қилиб бажарар эдик. Кейин Ҳосият опам мени қодирлар (кадрлар) бўлимига ишга чақиртирди. "Сен яхши - ёмонни таниб қолдинг. Ишчанни ҳам, ишёқмасни ҳам биласан, ишлайсан!", дея туриб олди. Топшириқларини бажардим. Бир неча йиллар ресторанниинг директори бўлиб ҳам ишладим. Ҳосият опам район савдосининг раиси лавозимида ишлар эди. Районнинг бутун савдоси у кишиннг қўлида эди. Кейинчалик менга тайёр матолар бўлимини ҳам топширдилар. Ҳосият опам яхши одам эди, шу билан бирга ишни ҳам дўндирар эди. Умумовқатланиш идорасида ишлаганимда айниқса мени ишга ўргатди. Қанчадан-қанча янги ишга кирганлар, ёки камбағал оиладан чиққан дўкон мудирлари ишга тушунмай ёки уддалай олмай, камомат қилиб қўйганида ҳам, опа ишларни текислаб ташар эди.

Ҳозиргидай эсимда, бир куни қабулига чақиртирди. "Палон идорани бошқарасан", дедилар. "Эркаклар ҳам бошқара олмайдиган идорага мен - аёл кишини тайинлаяпсиз", деганимда: "Сенинг эркакдан қаеринг кам, бор ишла!", деб жўнатдилар. Топшириқларини ортиғи билан бажардим. "Болалар боғчаси" ва шифохоналарни озиқ - овқатлар билан таъминлаш вазифаси ҳам менга юкланган эди. Ресторанлар ҳам, майда савдо тармоқлари ҳам, қандала дўконлари ҳам менга қарар эди.

Бари бир хом сут эмган бандамиз. Яратганга ширк келтиришдан Ўзи асрасин! Бари бир ҳайратланмасдан иложимиз йўқ.Баъзан ҳаёлларга чўмиб, ёлғиз ўтирган кезларим: "Нима учун Худо яхши одамларнинг умрини қисқа қилади? Нима учун ёмонларнинг умри қисқа эмас? Яхшилар юз эллик йил яшаса бўлади-ку! Бу дунёни гўзаллаштирадиган ҳам, эзгуликни юзага чиқарадиган ҳам - яхшилар -ку!", дея ҳаёлимдан кечираман. Албатта, буни одамнинг яхшилар ва яхшилик ҳақидаги орзу армонлари деб қараш керак. Бу масалани хал этиш Яратганнинг ўзига боғлиқ.Одам ўзи сезмаган, диққат қилма-

ган бир холатда яхши одамларнинг узоқ яшашини истаб қолар экан.

Ҳосият опам бу дунёдан у дунёга риҳлат қилганларида гўё танам бўм-бўшдай бўлиб қолди. Кўнглимга ҳеч нарса сиғмай, кўзларимга ҳеч нарса кўринмай қолди. Одамлар билан гаплашишни ҳам истамадим. Тасоввуримда қандайдир бўшлиқ, қоронғулик пайдо бўлди. У зотнинг яхшилигини айтиб адо қилиб бўлмайди. Ҳозир ёдимда йўқ. Қайсидир камбоғал бир йигитни опанинг ёрдами билан уйлантиришган эди. Тўйида ҳам анчагина маблағдан ёрдам қилган эди. Ҳосият опам данғилламa уйлар солиши, кўша - қўша машиналар ҳам олиши мумкин эди. Лекин бу нарсалар у кишини мутлоқо қизиқтирмади. Чамаси бундай - кўзни қамаштирадиган молмулклар фарзандларига ҳам салбий таъсирини ўтказиши мумкинлигини ўйлаган эди ва бу масалага жиддий масала деб қаради. Ахир ҳар бир инсон боласига Яратганнинг атаган рисқ - рўзи бор. Вақти билан териб ейди. Ҳосият опамнинг давлати, мол - мулки - ортирган савоблари бўлди.

Давлат топганларнинг кўпларига мол - мулклари буйирмади. Чунки халққа эҳсон қилмади. Эҳсон қилганлар эса асло кам бўлмади. Ҳосият опам ҳам эҳсон йўли - Парвардигорга элтадиган эҳсон йўлидан борди ва янглишмади.

У кишининг вафотидан кейин, у зотни билганлар ғамгин тортиб қолди. Маъюсланди. Исми эса ҳали - ҳамон тиллардан тушмайди. Фақат яхшилик билан тилга олинади. Бирор одам у кишининг вафот этганлигини хазм қилолмади. Тез орада тирилиб қайтиб келиб қолади, деган тасоввур билан анча вақтгача юришди. Бироқ...Қайтмади. Қайтмас, қайтиб бўлмайдиган йўқлик дунёсига, абадият дунёсига кетган экан...Ҳосият опам чексиз саҳоватини ҳам ўзи билан олиб кетди. Бир қисминигина фарзандларига ташлаб кетди. Тасаввуримиздаги барча гўзалликларини ҳам ўзи билан бирга олиб кетди. Шу билан бирга у кишини севганларни ҳам етим қолдириб кетади...

Бу беҳад оғир, беҳад қайғули фожеа 1985 йили юз берди...

Бугун эса у кишини билганлар фақат дуо қилади. Яратгандан у дунёсини сўрайди. Жойлари жаннатдан бўлганига шахсан мен мутлоқо шубҳа қилмайман.Жумладан вужудимни яримта қилиб кетган Ҳосият опам саховатли бўлишни ҳам, мардликни ҳам кўплар қаторида менга ўргатиб кетди. Опа ҳақида узоқ гапириш, ёзиш мумкин. Афсуски мен на шоир, на ёзувчимасман. У зот билан менинг орамдаги меҳр - мухаббатни кўриб, сезиб хаттоки рашқ ҳам қилишар эди...

Илоё охиратлари обод бўлсин!..

АБДУРАИМОВ АБДУВАЛИ АКАНИНГ ҲОСИЯТ АЯ ҲАҚИДАГИ ХОТИРАСИ

Зомин тоғларининг жаннатмакон бағридаги шифоланиш масканида дам олмаган одам бу дунёдан армонда кетиши аниқ. Бу ернинг соф - мусаффо ҳавоси, мутлоқо чанг йўқлиги, арчаларнинг беғубор ҳидлари, зилол ва турли гиёхларнинг шарбатларини ўзига жамлаган сувлари, тоғларининг осмонўпар чўққилари, булбулари ва саъваларининг ҳис - туйғуларни жўштириб туриб, сархуш қилиб ташлайдиган оҳанги, турли - туман ўт -ўланларнинг турли - туман ёқимли, ҳаяжонни оширадиган, таъсирланишни энг олий юксакликка олиб чиқадиган атри билан, ҳар куни эрталаб чўққилар ва яширинган одамни қидириб топиб бўлмайдиган арчазору ўтзорлари орасидаги турли гиёхларни еб шарбатга тўлган эчки ва сигирларнинг сутлари, сутга солиб берадиган асал ва сариёғнинг шифобағш, оромбағш лаззати ва бу лаззатни тўйганингдан кейинги кўзларинг ўнгида жаннатни номоён қиладиган беҳад гўзал манзараси ҳар қандай одамни асабийликдан, бекорга ҳансирашдан асрашини ифодалаш учун, тасвирлаш учун романлар ёзиш зарурияти туғилади.

Қон босими билан шикоят қилиб юрганлар, нафас сиқишдан нолиб юрганлар, асабийликдан сиқилаётган, қуватсизликдан эзилаётганлар чой қошиқда уч қошиқ асални еса, бир неча дақиқалардан кейин кўзлари ярқираб очилиб кетиши, ҳислари ва онгида ҳавоси каби соф-лик, мусаффоликлар содир бўлиб, шундай гўзалликни фақат инсон учун яратган Парвардигорга шукроналар айтмасликнинг асло иложи йўқ. Бу ерда Яратганнинг бутун гўзаллиги, ноз - неъматларини аниқ кўриш, ҳис қилиш мумкин.

Мана шу гўзал манзилда дам олаётиб, озгина ҳам шакар кўшилмаган, яъни ари бечораларнинг фақат ўзларигина, ўз меҳнатлари билан йиғиб келган олий навли илоҳий озуқани кўриш, озгина татиш учун айланиб юриб, асал сотувчилар орасидан ёши улуғроқ бир киши билан танишиб қолдим. Кўриниши ҳам, сўзи ҳам, гапмриш аломатлари ҳам беҳад самимий бу одам мени ёнига чорлаб, дўстимиз Абдумаликни қайси сабабларга кўра танишимни суриштириб қолди. Бу ерга бир ҳужжатли қисса ёзишга келганим, бу ерга бизни Абдумалик олиб келиб, жойлаштириб кетганини айтиб, асалчи билан яқиндан танишиб ҳам олдим. Мезбон - узун бўйли, пешонаси очиқ, тишлари анча тўкилган, чеҳраси гулгун бу одам билан узоқ вақт суҳбатлашиб ўтирдик.

Уч қошиқ асалидан бепул татиб ҳам кўрдим. Гапдан гап очилиб у киши Парда Умирзоқовнинг Илҳом, Ўктам исмли ўғиллари билан бир мактабда ўқигани ва оналари Ҳосият аяни ҳам яхши таниши ва кўп бор кўргани, зоминлик сифатида яхшилик борасидаги саховатларидан хабардор эканлигини гапиришга тутинди:

- Биз мактабда ўқирдик. Илҳом, Ўктам билан деярлик тенгдош ҳам эдик. Ҳосият аямиз ўғилларига шу қадар меҳрибон эдики, бу тариф - тавсифга сиғмайди, - дея суҳбатимизни бошлаб берди Абдураим ака ҳаяжонланиб. - Мен билан ўғиллари туфайли кўзтаниш бўлиб қолгани учун йўлдами, шаҳардами ёки кўчадими,бозордами уч-

рашиб қолсак Ҳосият аям меҳр билан кўришиб, сўрашиб, камчиликлар ҳақида сўрар эди. Ҳосият аяни яқин - яқинларгача яхши билар эдим. У киши ҳақида каттадан - кичик , кексадан - ёшгача, аёллар ҳам ёш қизлар ҳам бир хил муҳаббат билан эъзозлашар, ҳурмат қилишар эди. Чунки у киши бирор вақт бирор одамга заррача ҳам озор бермаган эди. Қаттиқ - қурм гапирмаган эди. Танишми, нотанишми, қариндошми, бегонами танлаб ўтирмай кўлидан келган яхштлигини беминнат қилаверар эди. Акаларининг фарзандларига, укаларининг фарзандларига, бирга ишлашганларга, уларнинг ҳам фарзандларига саховатини аямасиди. Ҳосият аям кўп йигит - қизларнинг турмуш қуришига ҳам сабабчи бўлган, десам янглишмайман. Бирга ишлаган одамларга ҳам ниҳоятда хуш муомалада бўлган эди. Тўй - маракалардан қолмас эди. Бирор зарурият туғилса, камбағалларникида бўлса, етишмаган нарсаларини дарҳол топтириб келар эди. Эвазига ҳеч нарса талаб этмасиди.Кўплар қаторида биз ҳам аямни кўрсак ҳавас билан, кучли иштиёқ билан қараб қолар эдик, у кишидай бўлишини, ҳаммага беминнат яхшилик қилишни орзу қилардик.

Мен сизга мана шу борада бир сирни ёзай. Асал арини Худо фақат одам учун яратган. Одамдан бошқа мавжудод камдан кам асал ейди. Мана шу улуғ ва соф - мусаффо, шифобағш ширинликни эса ари беминнат беради. Эвозига ҳеч нарса талаб этмайди..Асл аринининг асалида мен доим ҳам Худонинг гўзаллиги, лаззатини, таъмини туяман, сезаман, ҳис этаман. Ҳозир сиз кўриб турган мана шу гўзаллик, Зомин тоғлари манзараси назаримда арилар учун, асал йиғиши учун яратилгандай. Дунёда асалдан кўра ширин ва лаззатли ноз - неъмат борлигини билмайман. Асал ҳам, ари ҳам анжир каби, узум каби, нок каби, боринки барча ширин ноз - неъматлар каби жаннатдан чиққан. Ҳамма жаннатга, асалга ҳавас қилади. Ҳамма ундан татиб кўришга уринади. Асал мана шундай сарҳуш этиш ва шифолаш кучига эга.

Назаримда яхши одамлар ҳам асал каби жаннатга даҳлдор бўлади. Асал ари ҳақида ёмон гапириб бўлмайди, ёмон гапирилмайди. Чунки ари инсон умрини узайтиришга ҳизмат қилади. Яхши одамлар ҳам ўзларнинг хуш муомаллалари билан, қўлидан келган саховатини аямагани учун жаннати бўлади ва ҳамма яхши одамга интилади. Суҳбатидан баҳраманд бўлишга ошиқади.

Парда ота ҳам, Ҳосият аям ҳам асал аридай жаннати зотлардан эди. Улар зоминликлар учун яхши маънода асал ари эди. Зоминликларга асал ари каби беминнат асал берди, яъни саховатни улашиб кетди. Бу саховатдан ҳамма манфаатдор бўлди. Бирор вақт, бирор одамни ранжитмаган эди, фақат яхшилик билан ўзларидан гўзал хотира қолдириб кетди. Ва бу гўзал хотирани эндиликда фарзандлари ҳам толмай давом эттириб келаяпти ...Ота - онасини кўрган, улардан ўрганган барча ижобий ҳислатлар фарзандларида мужассамлангани, қилаётган эзгу ишлари ва яхшиликларида кўринаяпти. Демак, айтиш мумкинки, Худо яхши одамларни, яхши ноз - неъмат берадиган асал ари, сигир, кўй каби саховатли қилиб яратган.

Мен кўпдан бери асал ари боқаман. Имкон қадар одамларни алдамай асалимни сотиб тузалишларига, соғайиб кетишларига ўз ҳиссамни кўшиб келаяпман.

Ҳосият аямнинг ҳам, Парда отанинг ҳам у дунёлари нурга тўлсин! У кишилар ҳақида гапирганимдан фахрланаман, ғурурланаман..Илоё, фарзандлари ҳам юз ёшга чиқиб, соғ - саломат юрсин!..

ТУРДИАЛИ ОҚИЛОВНИНГ ҲОСИЯТ АЯ ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯСИ

- Ўртоқ ёзувчи, сиз билан учрашишни Худонинг Ўзи етказди, - дея гапини бошлади Зомин тоғларидаги шифоланиш масканининг ошхонаси мудири Турдиали Оқил ўғли, - Ҳосият ая ошпазлик курсини битириб келганимдан кейин мени ишга олди. Ўзининг ўғилидай меҳрибон-

лик кўрсатди. Ресторанга ошпаз қилиб тайинлади. Ресторан мудирига ҳам : "Бу бола ёш, озгина ғурлиги бўлиши мумкин, жеркманглар, урушманглар, билмаганини ўргатинглар, нима гап айтмоқчи бўлсаларинг, ётиғи билан тушунтиринглар. Бездириб юборманглар. Зоминнинг боласи, ҳаммангизга қариндош...", дея катталарга тайинлади. Чиндан ҳам мактабни битирганман, ёшман. Ошпазлик курсини тамомлаганман, аммо тажрибам йўқ.

Хуллас, Ҳосият аянинг қўлларида, аниқроқ қилиб айтганда, бағрида фарзандидай узоқ вақт ишладим. Бирор ерга жилмадим. Ая у пайтлар район Матлубот жамиятининг раиси эди. Савдо тармоқлари, овқатланиш тармоқлари у кишининг тасарруфида эди. Ая ишлаган кезлар Матлубот жамияти ҳам, ошпазлик тармоғи ҳам бирор пайт режасини ўринлатмаган пайти бўлмаган. Қаттиқ ишлардилар. Фақат хуш муомалалик билан ишни битирар эди. Қорайиб 35 йиллик ишлаш жараёнида аянинг барча гўзал феъллини билишга, ўрганишга тўғри келди. Ўзи бировга ёмонлик қилмас эди, бизларни ҳам ёмонлик қилишга қўймас эди.

Тўйларимиз, маракаларимизга ўзлари бошчилик қилар эди. Камчиликларини ўзлари, ўз чўнтагидан тўлаб юрар эди. Бирор одам дўконида камомотга йўл қўймас, имижимида, зиён-заҳмат етказмай, кўпчиликдан оз-оз маблағ йиғиб, тинчитар эди. Кўп йиллик ишлаш жараёнида у киши бирор одамнинг бурнини қонатмади. Раҳматли умр йўлдошлари Парда ота ҳам шундай одам бўлган экан. Фарзандларига ота-онасининг яхши сифатлари кўчди. Бирор одамга озор беришмади. Олим бўлиб етишишди.

Ҳосият ая акаларининг фарзандларига, укаларининг, аммаси, аммасининг фарзадларига ҳам керагидан ортиқ саҳоват кўрсатди. Уйлантирди, жойлантирди... Жумладан бошқаларга ҳам. Ҳосият аянинг хислатларидан яна бири - у киши ҳеч кимнинг, ҳеч қачон алдамас эди, доим ҳам ваъдаларини аъло даражада ўринлатар эди. Ўзи ҳам алдашга, ёлғон гапиришга, ваъдасини устидан чиқмас-

ликка асло йўл қўймас эди. Мана шу аломатлари билан ая бошқалардан кескин ажралиб турар эди. Мана шу аломатлари учун у кишига ҳавас қилар эдик. Олдини ҳеч ким кесиб ўтолмас эди. Ҳамма бирдай ая билан бирга ишлашни орзу қилар эди. Мен ҳозирча Зоминда Ҳосият аядай ўзидан гўзал хотира қолдирган бирор аёлни эслолмайман. У киши топганини фақат яхшиликка сарфлади. Мол- мулк йиғмади. Мол - мулкнинг бевафолигини ая бошқалардан олдинроқ англаб етган экан. Ҳозиргача аяни ҳамма эслайди, хотирлайди. У киши вафот этганларида билганлар, кўрганлар қаттиқ қайғуга чўмди. У кишини билганлар ҳурмат - эътиборларини йиғлаш билан изҳор қилди. Ҳосият ая ҳақида гапираётганимдан ҳаддан зиёд ғурурланаман, фахрланаман. Мен у киши билан бирга ишлаганим учун ҳам барча яхшиликларини биламан. Менинг гапларимда ёлғони йўқ. Худога шукур, ўртоқ ёзувчи,сиз туфайли Ҳосият ая ҳақидаги кўпдан бери юрагимда сақланиб келган армонимни айтиб олдим ... Шунга шодман, ҳурсандман...

Ҳосият ая учун ёмон одам йўқ эди. Ҳамма яхши эди. Чунки ўзи яхши одам эди. Бировдан ёмонлик изламас эди...

Илоё, жаннатнинг тахтидан ўрин олган бўлсин! Омин!

ИЛҲОМ ПАРДАЕВИЧ УМИРЗОҚОВ ОНАСИ ҲАҚИДА

"Жаннат онанинг оёқлари остида...", деган ҳадиси шарифни, яъни хазрат Пайғамбаримизнинг ҳадисларини кўп бор эшитганмиз, одамлар оғзидан тинглаганмиз. Лекин моҳият - мазмуни ҳақида жиддий бош қотириб кўрмаган эканмиз - дея Илҳом Парда ўғли уйига меҳмон бўлганимизда ўз оналари - Ҳосият ая Турсунбой қизи ҳақида фикрларини баён эта бошлади. - Албатта, ҳамма ҳам ўз онаси ҳақида доим тўлиб - тошиб, ғурур ва фахр

билан гапиради. Назаримда оналарнинг ёмони бўлмайди. Чунки Худо оналарнинг зиммасига доимий равишда такрорланиб туриладиган - авлодларни асраб қолишдай муқаддас тушунча - туйғуни юклаган. Бу нафақат инсон оламида, жумладан қушлар, жонворлар, ҳаттоки хашоратлар билан бирга қурт - қумрсқаларга ҳам оналик меҳр - муҳаббатини ато этган. Ҳар бир нарса ўз боласини, жонини қурбон қилиб бўлса - да, ҳимоя қилади ва шу билан ўз пуштини асраб, давом этишига имкониятни юзага келтиради. Вояга етказганидан кейин эса болаларини йўлга қўйиб, овқат топиб ейиш ва ўз пуштини қолдириш даражасига етказиб, янги авлод қолдириш пайига тушади. Бу аввало Яратганнинг Ўзи яратган жонворларига қайғуриши, жон куйдириш деб қараш керак. Бизнинг Яратгувчимиз бор. Биз эса яралганмиз. Яьни яралгувчимиз... Бирор мавжудлик бу дунёга ўз - ўзидан яралаб қолмайди. Оламда бундай тартибсиз жараён йўқ. Ҳаётнинг аввали, охири бўлади. Бошланиши ва ниҳояси, азали ва абадияти бўлади. Интиҳоси бўлади, ибтидоси бўлади...

Отамиз Парда Умрзоқ ўғли 1955 йили атаги 49 ёшни қоралаганида бу гўзал оламни тарк этди. Биз ёш гўдаклар кўзимизда ёшимиз билан, танамизда изтироб билан қолиб кетдик. Отасиз етимга айландик. Мана шу етимлик бўшлиғини кимдир тўлдириши ва отамизнинг йўқлигини билдирмаслиги, сездирмаслиги керак эди. Биз ўксиб қолмаслигимиз керак эди. Камситилиб қолмаслигимиз керак эди. Парвардигор чамаси отамизнинг умрини қисқа қилганида, у зотнинг ўрнини тўлдирадиган, бизни отасиз ўкситмайдиган, камситмайдиган улуғ бир инсон - онамизни яратган экан. Оналар ҳақида гапирганимизда: "Яхши эди, олижаноб эди, бизни камситтирмади, ўкситмади...", дейишга ўрганиб қолганмиз. Аммо оналарнинг болаларини ўкситмасликкача, камситтирмасликкача бўлган улуғ масофани атрофлича, чуқур ўрганмай енгилгина жавоб қилиб чекланамиз. Онанинг қор-

нида қарийб ўн ойга яқин ётиш ва бу жараёнда онанинг барча қийинчиликлари, ўз истагандай, ўз вақтида ухлолмаслиги, қийналиб ухлаши, болага бирор зарар етказиб қўймаслик учун доим ўзини назоратда тутиши, яъни ўн ойда ўз қони, қонидаги озуқаси билан боқиши ва туғилганидан кейин яна уч - тўрт ёшгача кўкрак бериб эмизиши, боланинг барча инжиқликларини кўтариши, бир кечада ўн - юз марталаб туриши ҳам, эмизиши билан бирга оёққа тургунимизча чеккан азоблари ва бола ҳимояси, бетоб қилиб қўймаслик учун доим курашиши, улғайтирганимиздан кейин кийинтириш, едириш ва уйлантириш, иморат қуриб жойлаштиришгача бўлган узоқ масофагача бўлган оғир меҳнати, ташвишлари, боқиш, кийинтиришга кетадиган маблағни топишдаги ташвишларини айтиб адо қилиб бўлмайди.

Бошқаларнинг оналари ҳақида салбий фикр қўзғатмаслик ниятида ўз онам ҳақида, яъни бошқаларга нисбатан онамни кўпроқ мақтасам, кўнгиллиларига олмасликларини айтиб ва истаб ўз онам - Ҳосият ая Турсунбой қизи ҳақида бугун ёшим элликдан ошиб, ўзим бобо бўлиб, ўз нуқтаи назаримни айтиш умидида сизлар билан суҳбат қураётирман. Онам илк бор район газетасига корректор бўлиб ишга кирган экан. Онамнинг ёзув - хати жуда ҳам чиройли эди. Ҳуснихатли эди. У киши шеър ҳам ёзардилар. Мана шу шеъриятга қизиқиш чамаси у кишини ўша кезлар газетага ишга киришга ундаган бўлиши керак. Онам корректор бўлиб анча вақт ишлаганидан кейин тажриба ортириб газетага ходимликка ўтган. Бу борада газетачилик курсларни тугатган чоғи. Охир - оқибат газетага муҳаррирлик ҳам қилган. Муҳаррирликдан эса район Комсомол қўмитасига биринчи котиб, ундан эса район аёллар жамоасига бошлиқ бўлиб ишга кўтарилган. Ундан эса Зомин райони Ижроия қўмитасига раисликка тайинланган. Бу лавозимда ҳам анчагина фаолият кўрсатган. Кейинчалик эса район матлубот жамиятига раис этиб тайинланган ва

бу вазифани қарийб ўттиз йил бошқарди. Сўнг умрининг охиригача озиқ - овқат бўлимини бошқарди...

Бу соҳа бўйича ҳам мутахассислиги бор эди. Онам район матлубот жамиятига раис этиб тайинланганларидан кейин ҳам, озиқ - овқат бўлимини бошқарганида ҳам бирор вақт режаларни ўринлатмаган пайт бўлмаганиди. Доим давлат режаларини ортиғи билан бажарганлигини ҳаммамиз билардик...

Онамнинг шеьриятга мойиллиги у зотни беҳад раҳмдил қилиб қўйганиди. Кўнгли беҳад бўш, арзимас қайғудан кўзлари ёшланиб, арзимас шодликдан чеҳраси гулгун бўлиб кетариди. Мен бошқа оналар ҳақида гапиролмайман. Чунки бошқа оналар билан мулоқотда бўлмаганман. Онам эса доим ёнимда эди. Узун кун, эрта - кеч, тун - кун ёнида бўлардим. Яъни ўқишдан кейин, эрталаб, тунда бирга ўтириш, бирга овқатланиш, мулоқатда бўлиш насиб этавераридн. Шу маънода мана орадан кўп йиллар ўтиб отамиз ҳам, онамиз ҳам бандаликни бажо келтирганидан кейин бир фарзанд сифатида отамиз ҳақида ҳам, онамиз ҳақида ҳам ўз фикримни, нуқтаи назаримни тўла ифодалашга ҳақлиман...

Назаримда онамни Худо фақат ва фақат одамларга, яъни халққа яхшилик қилиш учунгина, мушкулини енгил қилиш учунгина яратган экан. Буни мен онам билан бўлган узоқ ҳаёт жараёнида кузатдим. Ҳозирги тош - тарози билан ўлчанадиган бўлсак, онам раҳматли кўп пул топдилар. Ўзларининг ишбилармонлиги билан топдилар. Агар ўша топган пулларини йиққанларида ҳозир пулдан тоғ кўтарилган бўлиши мумкин эди. Бироқ у зот бирор сўм ҳам пул йиғмади. Уйимиз доим ночор оилалар билан тўлиб - тошиб ётариди. Онам ўз онасини қариганида уйга олиб келди. Бувимизнинг кўзлари ожиз бўлиб қолганиди. Ўзлари қарадилар. Аммаларини икки қизи билан уйга олиб келди. Уларни ҳам боқди. Кейинчалик қизиникига кетди. Тошкентдан ҳам бир аёл қизи билан келиб қолган, онам уларни ҳам бағрига олиб қизи-

ни турмушга берганиди. Бунақаларни гапирса адо бўлмайди. Ота томони, она томонидаги барча ночорларни бағрига олишдан лаззатланар эди. Уйимизда эртадан кечгача, тундан тонггача меҳмон узилмас эди... Онам меҳмонларсиз чамаси зерикар эди. Онамнинг оналари отаси вафотидан кейин бошқа эркакка турмушга чиқиб кетган эди. Онам тоғам, яъни укаси билан болалар уйига жўнатилган экан. Онам, ота бир, она бошқа акаларини ҳам, уларнинг фарзандларини ҳам, она бир ота бошқа ака - укаларини ҳам бирдай кўрар эди. Биртасини камситмас эди. Ёлғизгина укаси Ҳабибулло тоғам онам ўқишга кирганида Зоминга болалар уйидан қайтиб келиб, боқувчиси бўлмагани сабабли тоққа қочиб кетиб қолган экан. Онам ўқишни битириб қайтганидан кейин укасини қидиришга киришади. У пайтлар онам отда юрар эди. Автомашина миниш хали удумга айланмаганиди. От билан тоғма - тоғ юриб, кезиб чўпонлар билан бир куни тоғамни топиб олади. Тоғамнинг сочлари ўсиб, битлаб кетган экан. Одамни танимайдиган бўлиб кетган экан. Тоғамни ушлаб олса ҳам қочиб кетар экан. Ҳуллас, ёввойи одам қиёфасига кирган экан. Онам тоғамни ушлаб олиб уйига олиб келади. Тоғда эчкиларни эмиб ҳаётини асраган эди. Чиндан ҳам одамларга ўрганиши қийин бўлди. Онам ювиб, тараб, боқиб, кийинтириб бирдан мактабга олиб бориб, саккизинчи синфга ўқишга қўйди. Эрта - кеч тарбияси билан шуғулланди. Улғайтирди, ўқитди. Кейин ўз қариндошимизнинг қизига уйлантирди. Еттита фарзандлик бўлди. Онам доим: "Болам учта. Укам - катта ўғлим...", дейишни яхши кўрар эди. Укасига ўз фарзандидай муомалада бўларади. Тоғамнинг етти фарзандини ҳам боқди, кийинтирди. Ўқитди. Олий маълумотли қилди. Жиянларнинг ҳаммаси ҳам ўз йўлини топиб кетди. Жиянлари Тошкентда ўқиган кезлари онамнинг олдига киришариди.

-Аммажон! Тошкентга ўқишга кетаяпмиз,- дея шоду хуррамлик билан кириб келишар эди. Онам жиянлари-

ни бағрига босиб, пешоналаридан ўпиб шоду хуррамлик билан:

-Хўш? Қанча пул берай? - дея сўрар эди, айтган суммасини иккиланмай бериб юборар эди. Тасоввур қилинг! Еттита жиянини олий институтларда ўқитди, ҳаммасининг кийими, овқати онамнинг зиммасида эди. Уйлантириш, жойлаштириш ҳам. Буларни мен онамни мақташ учун гапираётганим йўқ. У зотнинг бағри кенглигини, кўнгли тозалигини гапириш умидида, сизларга гапириб бераётирман. Қанчадан - қанча камбоғаллар, ночор оиланинг фарзандлари, қўни - қўшниларнинг мушкулини осон қилганини айтадиган бўлсам, жилд - жилд китоб бўлади...

Онам раҳматли бутун умрини менга ва укамга бағишида қилди. Бизни ўқитиш билан, тарбия қилиш билан ўтказди. 33 ёшда бева қолди, бошқа турмушга чиқмади. Ҳар куни ишдан келиб дафтарларимизни текширар эди. Ёмон ўқишимизга қўймас эди. Менга доим: "Сен раҳбарлик лавозимида ишлайсан. Уканг Ўктамбой олим бўлади...", дерди онам. Онамнинг нияти ижобат бўлди. Айтгани бўлди. Онамиз вале аёл экан. Мен вилоятга ходим бўлиб ишга жойлашганимда: "Ниятим амалга ошди. Мени хурсанд қилдинг!", дея роса ҳам шодланганиди... Фарзандларимни ҳам ўзи тарбиялади. Ўқитди. Уйлантирди, турмушга берди... Гапирса гап кўп...

Онам чин маънодаги улуғ аёл эди. Жаннат оёғининг тагидаги аёл эди. Зоминда, Жиззах вилояти халқи қалбида абадий яхши одам сифатида қолди.

ДИЛОРОМ АБДУРАЗЗОҚОВА

- Мен Ҳосият Турсунбоеванинг биринчи келиниман. 1972 йили қайнонамнинг ховлисига келин бўлиб тушганман. Қайнонам билан онамнинг оталари ака - ука. Оналаримиз амакивоччалар бўлади. Мен учун қайнонам ҳақида гапириш бир оз оғирроқ... Сабаби - бирорта

келин ёки яқин - қариндошлари ҳам у кишини менчалик яхши кўрмаса керак, деб ўйлайман. Албатта, бошқа қариндошлардан узр сўрайман. Ҳамма ҳам ўз нуқтаи назарини гапириши мумкин ва бу айбга буйрлмаслиги керак, - дея суҳбатга қўшилди Ҳосият аянинг биринчи келинлари, яъни Илҳом исмли ўғлининг аёли Дилором Абдураззоқ қизи. - Менга нон ушутиб, фотиҳа ўқилганида қайнонамни телевизорга чақириб қолишди. Орден олгани ҳақида юқорида қарор чиққан экан. Қайнонамнинг ўша кунги шодликларини одамлар ҳозиргача гапиришади. Ўғлига келин қилиб, нон ушатгани, боз устига орден олгани эвасига халққа катта тўй қилиб берган эди. Икки гапининг бирида: "Дилором келинимнинг қадами ҳайрли келди. Орден олдим!", дея шодликларини изҳор қилар эди.

Келин бўлиб келдим. Қайнонамнинг менга кўрсатган мулозаматини айтишга тил ожиз. Биринчи бор келин олганлиги учунми, ўзини қўярга жой тополмайдиган даражада кувонган эди. Мен ҳозир қайнонамнинг одамларга, қолаверса халққа қилган беминнат яхшилиги - саховати ҳақида гапиришни истайман.

Қайнонамнинг оталари Турсунбой чиндан ҳам Зоминда бой киши бўлган экан. Қўқонга, Марғилонга, умуман водийга оқ буғдой олиб бориб, қораоқ буғдойга алмашиб келар экан. Зоминнинг бир қадоқ буғдойига Қўқон, Марғилонда тўрт қадоқ буғдой алмашар экан. Ўша кунларнинг бирида Турсунбой амаким Марғилонда бир бева аёлнинг ховлисида мусофир сифатида тунайди. Бева аёлнинг янглишмасам, тўққиста қизи бўлган экан. Турсунбой амаким тўққиз қизнинг ичидан Баҳринисо исмли қизни ёқтириб қолади.

- Рози бўлсанг, мен сенга уйланаман. Зомин деган ерга олиб кетаман...- дейди Турсунбой қизига. Баҳринисо исмли қиз эса:

-Менинг бир ўзим турмушга чиқиб, бошқа ерларга боролмайман, - дея жавоб беради. - Онам бор, опа - сингилларим бор.

Турсунбой амаким бева аёл билан суҳбатлашиб Баҳринисо ҳақидаги фикрни айтади. Бева аёл ҳам:

-Тўққиз қизим бор, биттасини бегона ерларга узатолмайман. Ҳаммасини бирга олиб кетиб, турмушга чиқарсангиз, майли, - дейди. Турсунбой, яъни қайнонамнинг оталари бева аёлнинг шартига розилик беради. Аёлни, аёлнинг кекса онасини ва тўққиз қизни аравага ортиб Қўқондан Зоминга олиб келади ва қариндош - уруғларига қизларни турмушга беради. Баҳринисо исмли қизни, яъни қайнонамнинг онасини ўзига Хотин қилиб олади. Қайнонамнинг туғилиши билан боғлиқ қисқа тарих шу. Буни ҳам биз қайнонам ва у кишининг оналари Баҳринисо бувимиздан эшитганмиз.

Қайнонамнинг оталари вафот этганидан кейин оналари бошқа эркакка турмушга чиқиб кетади. Бу ерда ҳеч кимни айблаб бўлмайди. Чунки қийинчилик сабаб бўлган, дейишар эди.

Мен доим қайнонамнинг олдида бўлганим, яъни ишлаганим сабабли хонадонда кечган барча воқеага гувохлик қилганман. Қайнонамнинг айтишича отаси ўлиб етим қолгач, онаси бошқа эркакка турмушга чиқиб кетганидан кейин болалар уйига жўнатилган. Болалар уйидан сўнг савдо техникумни тугатиб ўз юрти - Зоминга қайтади. Зоминга қайтганидан кейин ўзининг айтишича район газетасига корректор бўлиб ишга киради. Аста - секинлик билан газетага ходимликка кўтарилди. Ходимликдан эса газетага бош муҳаррир этиб тайинланади. Бош муҳаррирликдан кейин район космол қўмитасига Биринчи котиб этиб тайинланади. Бу лавозимдан кейин у пайтда район аёллар жамоаси қўмитаси алоҳида бўлган экан. Ҳозир эса бу туман ҳокимининг ўринбосари деб юритилади. Бу лавозимдан кейин қайнонам Зомин районига Ижроқум раисига кўтарилади. Бу лавозимда ҳам анчагина ишлайди. Кейин эса район матлубот жамиятига раисликка сайланади. Бу лавозимда қайнонам қарийб ўттиз йилдан кўпроқ ишлади. Мана шу

лавозимда ишлаганида қайнонам Ҳосият Турсунбой қизининг ҳақиқий ижоди, фаолияти бошланади. Мен мана шу даврда хонадонига келин бўлиб келганман.

Қайнонам юқорида эслатганимдай яқин қариндош бўганимиз учун ҳам мени ўз фарзандидай хонадонига қабул қилди. Она - боладай, жуда ҳам меҳрибонлик билан бу хонадондаги ҳаётимни бошладим, десам янглишмайман. Бу хонадонда чиндан ҳам ўз уйимдан ҳам кўра яхшироқ ҳаётим бошланди. Чунки бу хонадон бизнинг хонадонга нисбатан тўкроқ эди. Қай томонга қўлимни чўзсам етар эди ва қайнонам эркаклардай мард, жасур, саховатли, оққўнгил бўлгани сабабли айтган нарсам муҳайё бўлар эди. Қайнонам беҳад нозиктаб ва ҳиссиётли аёл эди. Рассомчиликни, мусиқани ҳаддан зиёд севар эди. Ҳозир биз яшаб турган уйни аввал сотиб олди. Кейин ён қўшнинкини, кейин эса орқа томондаги қўшниникини сотиб олиб ховлига қўшди. Шу тариқа ховлини кенгайтириб бораверди. Ховлимиз кенгайганидан кейин икки қаватли уй қурмади. Бир қоватли чиройли қилиб қуриб, ҳаммаёғини гуллар билан тўлдириб ташлади. У киши расм ҳам чизар эди. Шеър ҳам ёзар эди. Шу сабабли гулларни севар эди. Мана ҳозир ҳам ҳамммаёқ гул. Бу гулларга ҳам қайнонам асос солиб кетган ва мен ҳозир узлуксиз равишда гул экиш, тарбиялаш билан шуғулланаман. Бу менга қайнонамдан ўтган.

Қайнонам ҳаётлигида у кишини бирор одам сўраб келса, одамлар: "Боравер, кўрсатишади, гули ховли, бундай ҳовли Зоминда битта", дейишар эди. Чиндан ҳам шундай эди. Қайнонамнинг олижаноблигини ёзса ўн жилдли китоб бўлади. У киши ҳаётлигида уйимиз қийналганларга, етим - есирларга тўлиб - тошиб кетарди. Ҳаммасини боқиб борар эди. Қашшоқ бир қўшнимизни боқиб олиб, улғайтириб, сўнг бошқа ёққа чиқарган эди. Аммасини ҳам икки қизи билан уйига олиб келиб боқди, тарбиялади. Қизлари ўқиб келганидан кейин, ишларга жойлашганидан кейин уй олиб бериб

чиқарди. Аммасининг Рисолат исмли қизини Самарқандга олиб бориб, Университетга ўқишга киритганини ҳам биламиз. Рисолат опа катта ишларда ҳам ишлади. Қайнонамнинг онаси қариганидан кейин уйига олиб келди. Кўзи ожиз бўлиб қолган эди. Етаклаб юрардик. 88 ёшларда вафот этди.

Қайнонам шу қадар шиддатли аёл эдики, ҳали - ҳамон эсласам ёқамни ушлайман. Ўзи эртадан кечгача савдода ишлаб, беҳад толиқиб келар эди. Сўнг эрталабгача ухламай икки келинга биттадан куйлак тикиб, кийдириб қўяр эди. Ажойиб чевар ҳам эди. Чамаси бу рассомлигидан бўлса керак. Чунки куйлакларни ҳам жуда чиройли қилиб тикар эди. Болалар уйига кетганларидан кейин Ҳайрулло исмли укаси Зоминга қайтиб, тоққа қочиб чиқиб кетиб қолади. У пайтлар район катталарига от беришар эди. Қайнонам отда юрар эди. Укасини қидириб тоққа чиқади. Топади. Айтишларча Ҳайрулло аканинг сочлари ўсиб таниб бўлмайиган даражага келган экан. Кийимлари йиртилиб кетган, битлаб кетган экан. Чамаси чўпонлар ҳам қарамай қўйган. Ёки ўзи эътиборсиз бўлган. Фақат эчкиларни эмиб яшаган экан. "Тоғда ўсган" бола асарини ўқиганимда доим Ҳайрулло тоғамизни эслар эдим. Қайнонамнинг эслашича тоғамизни ушлаб олиб келса ҳам бир неча бор қочиб кетган экан. Демак, тоққа жуда ҳам ўрганган экан. Тоғамизни қишлоққа олиб келиб, сочларини олдириб, кийинтириб бирдан саккизинчи синфга ўқишга қўйди. Ўзи доим ўқишидан хабардор бўлиб турди.

-Ҳайрулло укам эмас, катта ўғлим, - дея қайнонам раҳматли укасини шу қадар эъзозлар эдики, буни ифодалаб бўлмайди. Эрта - кеч, туну кун эътиборидан четлатмас эди. Яхши кийимни биринчи кийдирар эди. Хуллас укасини аъло даражада ўқитди. Ўз уйида уйлантирди. Келинни ҳам ўзининг қариндошидан, юпингина хонадондан олиб берган эди. Янгамиз ҳам бизнинг хонадонга келиб кун кўрган эди.

Қайнонаси ҳаммамиздан ҳам кўра ўша юпин келинни ортиқроқ эъзозлар эди. Қайнонам кейинчалик укасига ҳовли сотиб олиб берди. Чиқарди. Укаси еттита фарзанд кўрди. Биринчи қизи Малоҳат, кейингиси Мирҳон, Зулфия, Икромжон, Фурқат, Баҳтиёр, Ёркиной кенжа қизи эди. Қайнонам жиянларига кўрсатган саховатини назаримда ҳеч кимга кўрсатмади. Мактабга бориш, кийинтириш, озиқ - овқати ҳам қайнонамнинг бўйнида эди. Жиянлари мактабини битирганларидан кейин ҳаммасини олий маълумотли қилишга ҳам кўмаклашди. Ҳаммаси ўқиди. Кўпчилиги ҳозир Тошкентда яшашади. Жуда яхши яшашади. Кенжа қизлари эса Зоминда...

Қизиғи шундаки, жиянлари Тошкентга ўқишга кирганларидан кейин Зоминга қайтганларидан кейин ҳам биринчи аммаларининг олдига киришар эди. Тошкентга, ўқишга қайтаётганларида эса ҳамма қайнонамнинг олдига кириб:

-Аммажон! Тошкентга, ўқишга қайтаяпман... Пул беринг! - дея очиқчасига айтаверишар эди.

-Хўш, сенга қанча, сенга қанча? - дея раҳматли қайнонам сўрар эди ва жиянларининг оғзидан чиққан суммани дарҳол олиб чиқиб берар эди. Жиянлари мамнунлик билан ўқишга жўнашар эди.

Бир куни яқин - узоқ қишлоқларнинг биридан бир эркак хотини билан ховлига кириб келди. Қайнонам мулозамат билан кутиб олди.

-Хўш? Тинчликми? - дея ётиғи билан сўради.

-Растарат қилиб қўйдим...- деди ёшгина дўкончи йигит.

-Ҳу жувармаг! Падарингга лаънат! - дея туриб бир урди. Йигит "гул" этиб ерга йиқилди. - Сен қараб турсанг, бўлмайдими?! - дея кейин қайнонам хотинига юзланди. - Жувармаг! Энди қамаласан!

Эртаси куни қайнонам ўша йигитнинг қишлоғига бориб қариндош - уруғларини йиғиб: "Мана бу жувармаг раста-

рат қилиб қўйибди. Озгина - озгина пул йиғмасак қамалиб кетади. Мен икки минг сўм бераман!", дея беш минглик камоматини ёпиб, қамалишдан олиб қолган эди. Яна бир куни бошқа кишлоқдан бошқа бир дўкончи йигит келди.

-Хўш? Нима гап? - дея қайнонам сўради. Йигит қизариб - бўзариб аста:

-Камомат қилиб қўйдим...- деди.

-Ҳу, падарингга лаънат! Ҳу жувармаг! - дея туриб бу йигитни ҳам бир уриб йиқитди. Кейин у йигитнинг ҳам кишлоғига бориб ўзи ярим камоматини бериб, қолганини бошқалардан олиб қамалишдан олиб қолди. Дўкончиларни қамоқдан олиб қолганидан кейин бизга:

-Нима қиласан? Пулни кўчага олиб чиқиб ташламайди. Бола - чақаси кўп. Тўй қилади, - дея қўя қолар эди. У киши мана шундай беғубор, оққўнгил инсон эди. Мен қайнонамдан кейин у кишидай бағри кенг, саховатли аёлни кўрмадим. Бундан кейин ҳам кўролмасам керак. У кишига Худонинг назари тушган эди. У киши катта давлатга эгалик қилди. Бироқ бир сўм ҳам пул йиғмади. Ҳаммасини юпинларга, қашшоқларга сарфлади. Шу билангина мағрурланди. Фахрланди.

Бир куни Сирдарёдан, чулдан ўзлаштиргани келган бир ўрис йигитнинг хотини: "Шу палътангизни жуда яхши кўраман - да". деганида, ечиб ўша аёлга кийгазиб қўйди. Ҳозирги пул билан ҳисобласа у палъто жуда ҳам катта суммани ташкил этади. Бундай саховатни биргина раҳматли қайнонам - Ҳосият Турсинбоева қилиши мумкин эди. Қайнонамнинг олижаноблигини айтиб адо қилиб бўлмайди. Ҳозиргача, мана орадан вафот этганларига 35 йил ўтган бўлса ҳам ҳали - ҳамон одамларнинг оғзидан тушмайди. Қайси давраларда бўлмасин, тўйдами, азадами, турли маракатларда бўлмасин, қайнонам эсланади ва шаънига фақат яхши гаплар гапирилади. Шахсан менинг фарзандларимни ҳам камолга етишида қайнонамнинг улуши улкан. Беъқиёс. Ўзимиз ҳам, фарзандларимиз ҳам беками - кўст ўсдик.

Айникса у кишининг эрим - Илҳом Парда ўғли ва қайин укам - Ўктам Парда ўғлининг соғ - саломат ўсишига, яхши ўқиши ва илм олишига, яхши одам бўлиб ётишишига, одам таниш, одамларга яхшилик қилишдай улуғ мартабага эришишида ҳам фақат ва фақат қайнонамнинг бурчи улуғ. Бурчигина эмас, маъсулияти, вазифаси юксак даража бўлди. Қайнонам фарзандларини бир лаҳза, бир сония, бир дақиқа диққат - эътиборидан қочирмади. Доимий равишда синовдан ўтказди, синовида бўлди. Ўғиллари биринчи синфга борган кунидан этъиборан олий маьлумотли бўлгунларига қадар ўқишларни ҳар куни ўзи текширди. Назоратида сақлади. Бу эса фарзандларини ўз бурчларига, ўз тақдирларига жиддий ва маъсулият билан қараш даражасига олиб келди.

Аёллар ҳаётини, тақдирини, қисматини фақат аёлларгина ҳис қилиши ва англаши мумкин. Қайнонам атиги 33 ёшга етганида эрларидан бева қолдилар. Бу ёш аёл учун энг гуллаган, гулдан ғунчага айланган, ғунчадан эндигина очилишга бошлаган гўзал фасл. Бу фасл ўйнаб - куладиган, тўй - томошоларда юрадиган фасл. Тасоввур қилиш мумкин. Ёшгина жувон икки фарзанди билан севимли эридан бевақт айрилса, жудо бўлса қандай холга, ахволга тушиши мумкин?... Ғамгин бўлиб қолди. Паришон бўлиб қолди. Кўнглига ҳеч нарса сиғмайди. Эридан жуда бўланини эслаганида овқат ҳам ўтмай қолади, уйқиси ўчиб кетарди ва жимгина, ҳеч кимга кўрсатмай йиғлаб оларди. Аламини, ғамини, ҳасратини кўзёшидан оларди. Боз устига отасиз қолган фарзандларининг кўзларига қараш, кўзларидаги соғиич, ичикишни кўриш, ёшларини кўриш ва оталарни эслаб ўксиган кездаги онанинг ички фарёдини бирор одам тасоввур қилолмайди...

Мен бирга яшаганим ва бу жараёнларни кўрганим учун ҳаммасини аниқ англаб етаман, ҳис қиламан ва ҳозиргача бу борада қайнонамга қаттиқ ачинаман... Турмуш борасида ҳар холда кун кўрмай ўтиб кетдилар...

Лекин эрига умрининг охиригача кўрсатолмаган илтифотини, хизматини икки фарзандига олий даражада кўрсатди. Шу билангина эрининг руҳини шод этди. Қайнонамдан бошқа она бўлганида билмадим, ўз фарзандларини менинг турмуш ўртоғим Илҳом Парда ўғли, қайин укам Ўктам Парда ўғли каби тарбия қила олармиди. Шундай улуғ хизматларига йўллай олармиди, билмадим, қилолмасиди...

Юзлаб, минглаб қариндош - уруғларга, бегоналарга қилган яхшилигичи... Одам танламай, одамнинг яхши ёмонлигини ўйлаб ўтирмай беминнат ҳаммага бирдай яхшилик қилиш ҳам ҳамма оналарнинг қўлидан келавермайди...

Биз, шахсан мен, қайин укам, фарзандларим нимага, қандай ютуқларга эришган бўлсак, ҳаммаси қайнонамнинг хизмати натижаси ва самараси...

Илоё у зотни Худо раҳматига олган бўлсин!

ЎКТАМ ПАРДА ЎҒЛИ ОНАСИ – ХОСИЯТ ТУРСУНБОЙ ҚИЗИ ҲАҚИДА

Ўктам Пардаевич билан онаси Ҳосият Турсунбой қизи ҳақида суҳбатлашишдан олдин яқиндан кўзим билан кўрган, қулоғим билан эшитган бир воқеани гапириб бердим.

Мен уч қиздан кейин ёлғиз ўғилман. Онамизнинг биринчи эрларини қийинчилик йиллари, яъни 1931 йилги очарчиликда, Совирбой деган қўшнисининг томига ёйиб қўйилган арпадан олишга чиққанида, эгаси Совирбой сезиб қолиб, томга чиқади ва ўгай отамизнинг бошига икки бор, яъни бир марта ўнг томонга қараб, иккинчи бор эса чап томонга қараб ўроқ билан уради ва томдан ташлаб юборади. Кейин онамга: "Эрингиз томдан йиқилиб ўлди...", дея хабар қилади. Онам бориб эрининг жасадини олиб келади. Ўгай отамиз кучли ўроқнинг зар-

бидан иштонига ёзилиб ҳам қўйган экан. Шу тариқа онам жуда ёш бева қолади. Кейинчалик етимликда Тошкентга ўқишга, ишлашга кетиб қолган отам, техникумни, сўнг автодорожний институтининг учинчи курсини тугатиб, таътилда қишлоққа қайтади. Тақдир экан, онамга уйланди. Отам илгари уйланмаган. Мен ва мендан катта Мазифа исмли опам туғилган. Эркин исмли укам 3 ёшида вафот этган.

Қачонлардир онамнинг отаси Мирза бувам, онаси Улуғбиби Юнусбой қизи ва Бурхониддин ва Сайфиддин исмли ўғиллари билан қулоқ бўлиб Тошкентга кетиб қолишади. 1960 йили бувим Улуғбиби Юнусбой қизи, Тошкентда бетобланиб қолади. Бу пайт раҳматли бувим 93 ёшда эди. Тоғамнинг ўғли Насириддин келиб онамни олиб кетди. Бувим бир неча кунлардан кейин онамнинг қўлида бандаликни бажо келтирди... Бувимнинг йигирмаларидан кейин онам кўк кийиб қишлоққа қайтди. Кейин онасининг қирқига борди, йилига борди. Ўзи қишлоқда худойи ўтказди. Онам бир неча йиллар хомуш бўлиб, паришон бўлиб қолди. Онасини эслаб тунлари, баъзан кундузи ҳам йиғлаб оларди: "Онам ўлиб қолди...", дея баъзан ховлида турган ерида сукутга толарди ёки хўнграб, бор овозида онасининг номини атаб йиғлар эди... Онам бирдан сўлиб қолади, озиб ҳам кетди, қайсидир маънода овқатланишида ҳам сустлик содир бўлади. Ваҳоланки онам ўша кезлар қарийиб олтмиш ёшда эди. Боладай, онасини эслаб, унутолмай йиғлайверар эди...

Онамнинг биринчи - дўнғич фарзанди Маърифа опам бир неча йиллар бетобланиб ётиб қолди. 2010 йили 1 сентябрь куни 94 ёшида бандаликни бажо келтирди. Охирги пайтларда мен кўпроқ тепасида ўтирдим. Кўнгли тусаган овқатни олиб келиб едирдим ва кексайиб, умри хазон фаслига юз бурган бир одамнинг сўнгги кунларидаги ҳаётига гувоҳлик қилдим. Охирги кунларда опамнинг оғзидан биргина "онам" сўзи тушмади. Ҳар

икки гапининг бирида "онам...", дейди. "Онам келди, мени олиб кетмай, ўзи кетиб қолди...", "Онам келди, сени олиб кетишга келдим...", деди. Мен: "Сиз билан бормайман. Кетишимга яна икки йил бор...", дедим қалбидаги гапларни такрорлаб турди. Ўтишларига икки - уч кун қолганида эса фақат ва фақат :"Онажон! Онажон! Келинг! Жоним оғрияпти... Онажон! Тезроқ олиб кетинг! Толиқдим, чарчадим...", дея тинимсиз, узлуксиз равишда такрорлаб ётибди. Бошқа бирор одамнинг исмини такрорламади...

Ваҳоланки, опам шу пайтда 94 ёшда эди. Эрини ҳам эсламади. Камол исмли катта ўғлини ҳам, қизларини ҳам, кенжа ўғлини ҳам тилга олмади. Бирор ҳафта менинг исмимни эслаб, маракаларига фақат мен қарашим кераклигини, ҳамма ишларни ҳам мен бажаришимни кўпчиликка уқтирибди...

Онам Орифа Мирза қизи олтмиш ёшида онасини бир неча йиллар эсидан чиқармай йиғлаб юрди. Маърифа опам эса умрнинг сўнгги кунларида эртадан кечгача, кечдан тонггача фақат онасини эслаб, онам деб бу дунёни тарк этди...

Менинг ўзим ҳам онам вафот этганларидан кейин қарийб бир неча ой ухлолмай қолганман. Ётишим билан онам тушимга кириб, чўчиб уйғониб кетаридим. Йиғларидим... Йиғидан бўшамас эдим... Олти ойлар ичида сочларим оппоқ оқариб кетди. Онам баъзан, мен болалигимга бориб, гапига қулоқ солмай, ўйнагани кўчага чикиб кетиб қолсан, қайтганимда: "Болажоним – эй, гапимга қулоқ солмайсан, менга диққат - эътиборинг яхшимас. Ёшсан, ўлганимдан кейин қадримга етасан, унда кеч бўлади...", деб кўп бор такрорлар эди...Онам чиндан ҳам ҳақ бўлиб чиқди. Онамнинг ўлимидан кейин чиндан ҳам неча йилларгача ҳамма нарса, кўзимга чалинган, идрокимга илинган, ҳисларимда ифодаланган барча мавжудлик ҳам ўлди... Олам ҳам сукутга толиб қолди. Тирик мавжудод ҳам гўё ғимирларди. Чопмаси-

ди. Юнурмасиди. Сувлар гўё оқмасиди. Ҳамма нарса тузсиз, самарасиз туйилар эди. Ҳеч нарсанинг қизиғи қолмаган эди... Орадан ўн - ўн йиллар ўтганидан кейингина олам қайтадан ёришди... Аввалги холига қайтди. Ҳаётимда, ишларимда ҳам силжиш ва кучайиш сезилди. Кейинчалик онам ҳақида:

Ҳақдан бўлак ҳаммаси ёлғон,
Ҳақиқати сенсан - онажон!
Ҳақ яратган мўъжиза аро,
Мўъжизасан, Илоҳий - танҳо...

дея шеър ёзиб ўзимни маълум маънода тинчитдим. Туғилиш ва ўлим ҳақлигига ўзимни кўниктирдим ва бу жараён ҳамманинг ҳам бошида борлигини ўйлаб, ўзимга ўзим кўнгил бердим. Ахир Парвардигор тирикликни қариз учун беради. Вақти билан қарзини қайтариб олади. Аслида бу жуда жўн қисмат. Лекин одамзот буни унутиши жуда ҳам оғир кечади...Ҳатто қушларда ҳам, бошқа жонворларда ҳам бундай жараёнлар юз беради. Масалан: филлар ўлган филларнинг атрофида бир неча соатлаб парвона бўлиб, йиғлашиб, оёқлари билан "тур!" дегандай туртиб ҳам кўришади. Ўлганига ишонганларидан кейин ҳам яна бир неча кунлаб, ойлаб ўлган филнинг жасади устида сукутга толиб туришади.

Онам ҳам, опам ҳам оталари ҳақида сўнгги сонияларда бирор нарсани эсламади. Ҳатто "отам" деган сўзларни такрорламади. Бунинг сабаби битта. Ҳар бир инсон боласи отанинг белидан онанинг қорнига тушган лаҳзалариданоқ барча озуқани онанинг вужудидан олди. Онанинг қонидаги озуқа билан қарийиб бир йил яшайди. Вақти етиши билан туғилади ва яна уч - тўрт йил онасининг сути билан улғаяди. Уйлангунича ҳам яна онаси тарбиясида бўлади. Ўзи емай боласига тутади. Бетобланиб қолса ёнида ўтиради. Боласи учун бир онагина ўз жонини қурбон қилиши мумкин. Аммо, лекин ота

фарзанди учун оначилик жонини қурбон қилишгача бормайди... Бу ҳам фанда исботланган...

Мана боланинг онага, онанинг болага бўлган оташин меҳр - муҳаббати...яьни биз "Яхшилик боғининг боғбони" китобининг иккинчи қисмидаги Ўктам Пардаевичнинг оналари Ҳосият ая Турсунбой қизи ҳақидаги ҳужжатли асарнинг ёзилиши жараёнида ифодалашга киришган оналар ҳақидаги ҳақиқат...

* * *

-Ёшим бир ерга етиб, чуқур мулоҳазадан кейин шундай бир қарорга келаяпманки, она ҳамма учун, жумладан жонворлар, қушлар учун ҳам бир хил қадр - қимматга эга, - дея суҳбатини бошлади Ўктам Парда ўғли "Яхшилик боғининг боғбони" номли китобининг иккинчи қисмини ёза бошлаганимизда. - Онадай муқаддас зотдан айрилгандан кейин ҳамма ҳам бирдай қон йиғлаши тайин. Бу борада "сенинг онанг бундоқроқ, менинг онам ундоқроқ...сен камроқ йиғладинг, мен кўпроқ йиғладим...", деб ҳам бўлмайди. Ҳозиргина эслатган онангиз ҳақидаги шеър менинг назаримда она ҳақида ёзилган энг кучли шеър деб айта оламан... Эслаб қолдим. Такрорлайман.

Ҳақдан бўлак ҳаммаси ёлғон,
Ҳақиқати сенсан - онажон!
Ҳақ яратган мўъжиза аро,
Мўъжизасан - илоҳий танҳо...

Ҳа, Парвардигордан бошқа барча нарсалар ёлғон. Ўзининг мавжудлиги ва барча мавжудликни яратган ҳам Ўзи. Еру осмон, ўртадаги мавжудлик, инсон, хайвон, қушлар, қурт - қумирсқаларни ҳам Ўзи яратган. Унинг мўъжизалари кўп. Она эса ягона ва танҳо Илоҳий мўжизаси... Онага бошқача баҳро берилмайди. Заррача пуштдан бир йилда тўла ва мукаммал даражадаги инсон боласини қорнида шакллантириб, тўқсон - юз йил умрни давом эттиришга яроқли қилиб ташқарига -

ёруғликка олиб чиқади. Аҳир бундан кўра улуғ мўъжиза бўлиши мумкинмас... Парвардигор шундай улуғ мўъжизани, яъни болани одам шаклига киритишни онанинг зиммасига юклади. Бундан онанинг ўзи ҳам бехабар. Мана Яратганнинг чеварлиги...

Юқорида эслатганингиздай одам, отанинг белидан онанинг қорнига тушганидан кейин бутун вужуди билан онадан озиқаланади. Бир ёшгача, ундан кейин ҳам бир неча йиллар сути билан озиқланади. То ўла - ўлгунича онанинг химоясида бўлади. Назаримда муқаддас тана ёки қабҳ - она бўлса, мана шу тана - қабҳ ичидаги уруғ-пушт - бола, деб фараз қилсак, тана, қабҳ билан дон - пушт бир тан, бир жон бўлиб турганида Улуғ Мўъжизага айланади. Айрилганида, яъни дон - пушт - тана, қабҳдан ажралиб чиққанидан кейин ҳар икки томон ҳам яримта вужудга айланади. Мана шу яримта вужудга айланганидан кейинги айриликдаги ҳаёт бўсағасидаги лаҳзалар чин маънода дахшатга айланиб кетади...Тана, қабҳ ҳам қачонлардир дон - пушт бўлган, кейинчалик эса ўзи тана, қабҳга айланди. Болаликдан оналикка, оталикдан, тана, қабҳга айланди.

Ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган мана шу боланинг онадан ажралиб чиқиш жараёни абадул - абад ҳар икки томони ҳам йиғлашга, қон йиғлашга, бутун умр изтироб чекишга, бир - бирига телбаларча талпинишга, топинишга сабаб бўлган...Юқорида эслатганимдай бу айрилиқ, ажралиш жараёни ҳамма мавжудликда ҳам бир хил кечади. Масалан: "Мен сендан ёримни ортиқроқ севаман. Сен мендан камроқ севасан!", деган гаплар ҳам ёлғон. Бу масалада ҳам Парвардигор ҳаммага, жумладан жонворларга, қушларга ҳам бир хил муҳаббат ато этган. Лекин она билан, ота билан орада кечадигандай ҳиссиёт - онгий талпиниш, топиниш бошқа бирор вақтда кечмайди. Масалан: ака-ука, опа-сингил, амаки, хола, тоға, амма вафот этганидан кейин ҳеч ким онага, отага йиғлагандай йиғламайди...

Онам билан отамни доим тушимга кириши, ақлли уларни тушимда бир мартагина кўришни истайман. Уларни ақлли бир мартада кўришга ичикаман. Улуғ бир ташналик сезаман...Лекин тушимга киришмайди. Онам назаримда тушимда кўз ўнгимдан бир ров ўтиб кетгандай бўлди. Эртаси куни дарҳол Зоминга жўнадим. Қабрларига кириб дуои курьон тушуришдан кейин бир неча дақиқа ва сониялар кўз ёшларимни тиёлмай сукут сақлаш билан хайкалларига термилиб ўтирдим. Бу жараёнда танамдан, онгимдан кечган холни ифодалаб беролмайман. Тасвирлаб беролмайман...

"Эй, Парвардигор! Онадай муқаддас зотни, чин маънода муқаддас қилиб яратган экансан!.. Онанинг вужудига "фарзанд" деган муқаддас туйғуни ҳам ато этган экансан...Нимага ўлдирасан?! Нимага фарзандларини қон йиғлатиб айирасан?! Абадул - абад йиғлашга мажбур қиласан?! Дунёда менинг онамдан ҳам кўра улуғ зот йўғиди...Бирор она боласини бизни онамизчалик севмаганиди...Бутун умр атрофимизда парвона бўлди. Энг гўзал ноз - неьматларни бир бизга тутди. Шу қадар эьзозладики, буни бирорта улуғ ёзувчининг, шоирнинг, олимнинг етарли даражада ифодалай олмайди, тасвирлай олмайди...Сендан кўра Улуғ зот йўқ! Мана шу улуғлигинг билан шу лаҳзаларда онамни ақлли бир сонияга тирилтириб, ойжамолини бир мартагина кўрсатсанг нима қилади?! Эй, Парвардигор! Ақалли онамни юз йил яшатсанг нима қиларди?! Ақалли ҳозир ҳам тирик бўлса, нима қиларди...", дея дилимдан такрорлаб, яна қанча кўз ёшларини мозор тупроғига тўкканим бир ўзимгагина маьлум.

Қабристондан, онамнинг қабридан чиқиб келиб ҳам, кўчагача етолмадим, бир неча бор йўл - йўлакай ўтириб, ортимга, онамнинг қабрига термилиб қолдим...Назаримда ҳамма нарса зерикарли, сиқиларли, мазмун - моҳиятини йўқотгандай эди. Танамни чидаб бўлмас бир ташналик, оғриқ, сиқилиш, онамга нисбатан зерикиш,

ичикиш, талпиниш, топинишга ўхшаш турфа ҳислар, ўйлар, хаёллар, фикрлар эгаллаб олган, нафас олишга, қўзғалишга, туришга, уйга қайтишга, овқат ейишга, сув ичишга қўймасиди... Бу дунёда бир онаму бир мен мавжуддай туйилариди. Назаримда онам мен учун мавжуд бўлган муқаддас бир юксак тоғ, юксак бир мавво, осмон, бахт эди - ку, мен мана шу юксакликдан, ҳамма нарсага эриштириши мумкин бўлган муқаддас топилдикдан бевақт айрилганидим, жудо бўлганидим... Бу тушунча - туйғу мени қўйиб юбормаётганиди.

Қабристондан бир аммалаб, гўё эмаклаб чиқиб олгандай эдим...Ташқарига чиққанимдан кейин ҳам онгимдаги юксаклик, муқаддас юксаклик - онам турар, танам ва йўлим, яъни уйга қайтаётган йўлим бўм - бўш қолгандай эди...Она - умр, она - ҳаёт, она - бахт, она - толе, она - соғлиқ, она - фаровонлик, она - эркаклик, она - эркатойлик, она - пушт қолдириш, она - уй, она - ҳаёл, она - тафаккур, она - орзу, она - армон, она - умид, она - ният... Она - ер, осмон, булутлар, ёмғирлар, қорлар, олинаётган нафас, уйқу, соғлиқ, қолаверса, онасизлик бетоблик, бахтсизлик... орзусизлик, умидсизлик, ниятсизлик, умрнинг қайсидир маънода қисқариши ҳам...

Онадан кейинги фарзандларнинг аҳволини чиндан ҳам қоғозга тушириш амри маҳол... Мен Ўктам Парда ўғли каби ҳамма онасини шунчалик дахшат билан севади. Бир камбағал, қашшоқ, яхши кун кўрмаган бир оддий инсон ҳам боласини мендай, балки мендан ортиқроқ севар, фақат мен каби онасига бўлган мухаббатини сўзламас...

Онам Ҳосият Турсунбой қизининг 1985 йилга келиб бетобликлари беҳад оғирлашди... Ётиб ҳам қолди. Қанча ҳаракат қилганимиз билан аҳволлари яхшиланмади. Онам бери қарамади. Бу бизнинг ёзги таътил кунларимизга тўғри келди... Бу пайт мен ҳозир ишлаётган сув хўжалиги ва механизация институтида оддий ўқитувчи бўлиб ишлар эдим. У пайтлар бизларни амалиёт учун

Рассиянинг турли шаҳарларига, яъни машина ишлаб чиқарадиган заводларига олиб боришар эди. Икки ой амалиётини ўтиб, сўнг қайтар эдик. Мен нима бўлса ҳам амалиётдан қолишим керак эди. Бу ҳақда ўша кезги деканига учрашдим. Онамнинг аҳволи оғирлигини айтдим. Декан проректорга учрашишимни айтди. Учрашдим. Ўша кезги проректор мана шу хонада - мен ўтирган хонада ўтирар эди.

- Ука, бу амалиёт, сени курсинга раҳбар қилиб тайинлашган. Онанинг бетоблиги билан менинг ишим йўқ. Бормасанг, ишдан ҳайдаласан! - дея кескин жавоб берди. Кўзларимдан бехиётир ёшлар пўртираб отилиб кетди. Сукут сақлашдан нарига ўтолмай, ташқарига чиқдим. Бу ҳақда акам Илҳом Парда ўғлига гапирдим. Акам:

- Майли, боравер! Ўзим сенга телеграмма юбораман,- дея мени тинчитди.

Ўқувчиларим билан Россияга амалиётни ўташ учун жўнаб кетдим. Уч - тўрт кундан кейин чиндан ҳам акам телеграмма берди. У пайтлар телеграмма учун навбатсиз самалётга чипта берар эди. Амалиётдан ҳам қўйиб юборар эди... Шу тариқа уйга қайтдим. Онамнинг шодлигини айтиб беролмайман. Мени кўриши билан назаримда соғайиб кетгандай туйилди... Яна ўн кун умр кўрди... Шу ўн кунлик умрини, яъни ёнида ўтказган ўн кунни қани бир улуғ бир зот бўлса - ю, танамдан, миямдан, юрагимдан, жонимдан кечган дахшатли оғриқларни, исёнларни, кўз ёшларимнинг мазмунини аниқ - равшон ифодалаб беролса... ҳеч ким ифодалаб беролмайди. Ўзим ҳам тушунаман, ҳис қиламан, лекин ифодалай олмайман... Бу бир дахшат... Бу бир чексиз қайғу, алам, ҳасрат, ғам-ғусса андуҳ... ифодага, тасвирга сиғмайдиган дахшатли оғриқ... азоб... изтироб...

Ҳали эслатганимдай онамнинг қабридан чиққанимдан кейин Муғол қишлоғига, отамнинг қабрини зиёрат қилишга жўнадим. Ғайбулло акамни бошлаб қабристон-

га кирдим. Рахматли отамнинг қабри устига чўкиб, оғир - оғир сукутга толиб ётарди, Қўръон туширдик. Ҳаққига дуо ҳам қилдик. Парвардигордан ҳеч кимга, ҳеч қачон ёмонлик қилмаган, қўлидан келганича яхшилик қилган, эндиликда ернинг остида мушфиқ бир марҳумга айланиб, абадият сукунатини бошидан кечираётган отамга у дунёсини беришини яна кўз ёшлар билан, алам, ғам, изтироб, ҳасрат, ғусса билан қаддимизни тиклолмай, бошимизни туширган ҳолда, сўрадик... Отамнинг бевақт ёш ҳаётдан кетганлиги, узоқ яшамаганлиги, фарзандларининг, набираларининг ёрғу кунларини кўромаганининг изтироблари яна бир бор қаддимизни эгди, бошимизни туширди. Фарзандлик кўзёшларини қабр устига ҳисобсиз тўкиш билан чекландик... Ақлли отамиз тириклигида йигирма ёшларда бўлганимизда ҳам, меҳрини тўйганимизда ҳам, сухбатларини олганимизда ҳам, қўлларидан бир пиёла чой ичганимизда ҳам, ўзимиз ҳам мазали, ширин овқатлар тайёрлаб егизганимизда ҳам, асло алам қилмас эди. Уч ёшли, беш ёшли болалар, яъни деярлик ота - онанинг кимлиги, қанақалигини, фарзанд учун бутун вужудларини қурбон қилишга ярайдиган улуғ зотларнинг улуғлигини англаб етмай, ҳис қилиб улгурмай айрилдик. Бундан ҳам кўра дахшатли кўргилик йўқ. Онамиз, қариндош - уруғларимиз отамизнинг гўзал ҳулқли, гўзал фелъли бўлганини, одамларга фақат яхшилик қиганини айтишиб, отамизга бўлган иштиёқимизни минг бор кучайтириб юборган эди...Мана шу гаплар қаддимизни отасизлик дарди билан эгиб ташлаган эди. Бошимизни ҳам тушириб қўйган эди. Онамнинг қабрида танамдан кечган дахшатли азоблар, оғриқлар отамнинг қабрида кечди. "Бетоблпниб қолсам керак...", деб ўйлаганидим. Йўқ, ҳайтагур бир - икки кундан кейин танамда кечган оғриқлар, азоблар аста - секинчилик билан тарқарди...

Отамнинг қабрига бир пайтлар оддий тош тахтадан эсдалик қўйилганиди. Туғилгани, вафоти санъалари ёзиб

қўйилганиди. Қариндош - уруғлари билан маслахатлашиб онам қабрига, отамнинг ҳам қабрига янгидан қимматбаҳо тош ўрнатиш фикрини ташладим. Бу масалани ҳамма бир оғиздан маъқуллашди. Шу тариқа онамнинг ҳам, отамнинг ҳам қабрига янгидан, кўнглимиз тўладиган даражада тош қўйдик. Ҳар иккаласининг ҳам сувратларини чиздирдик. Туғилиши, вафоти санъаларини ҳам ёздириб қўйдик.

Шундан кейин хаёлимга отам билан онамга бир ҳайри худойи қилсак, ҳозир отам, онамни билганлар, кўрганларнинг кўпчилиги тирик, деган бир фикр урилди. Қариндош - уруғлар билан кенгашиб маракани 2008 йили ўтказишга, Зоминда ўтказишга келишиб олдик...-Ўтказганимизга Ўктам ака ўзингиз ҳам гувоҳлик қилдингиз...Маракани ўтказганимдан кейин кўнглимдаги, юрагимдаги ташналик, изтироблар бир нави тарқалгандай туйилди. Енгил тортдим. Фарзандлар учун бошқа илинж, юпанч йўқ экан. Марҳумларимизга ҳайри худойи қилиш билан руҳларини шод этиб, қабрда тинч ётишларини таьминлар эканмиз. Марҳумлар албатта, туғилган ва вафот этган санъаларида руҳларини шод этишимизни кутар эканлар...сўнг тинчир эканлар...

Акам телеграмма берганидан кейин зудлик билан Тошкентга етиб келдим, ундан дарҳол Зоминга жўнадим. Бу пайт онам диярлик тўшакда ётиб қолганиди. Туришга мутлоқо имкони қолмаганиди. Мени кўришлари билан назаримда кўзларида Илоҳий бир шўъла шўълалангандай туйилди. Чеҳраси ҳам очилиб кетди. Қўлларимни ушлаб, юзини юзимга босиб бир лаҳза ҳам ёнидан жилимишга, кўзғалишига қўймайди. Бутун вужудим олов - отвш бўлиб ёнаётгандай эди. Чиндан ҳам вужудим қизиб кетган эди. Қовоқларим ҳам қизиб кетган, киприкларим орасидан гўё ёнаётган сув томчилари - кўз ёшлари оққандан оқариди...Шашқатар ёшларни тия олмасидим. Гўё онам мени туққанидан кейин, орадан юз йиллар ўтганидан кейин биринчи марта кўраётгандай

улуғ бир ҳайрат, улуғ бир таажжуб билан, айни пайтда узилмайдиган, узилиши қийин бўлган Илоҳий арқон ё иплар билан мени ўзига, ўзини менга боғлаб ташлагандай ё боғлаб ташлайдигандай таассурот қолдирариди.

Онажонимнинг кўзларида, нигоҳида, чеҳрасида, яъни юракнинг ҳароратини, барча сиру синоатларини ифодалаётган кўзларида, кўз қорачиқларида фақат мени акс эттириб, кўзлари қорачиғига мени жойлаштириб олгандай ё оладигандай улуғ бир ҳарорат, улуғ бир ташналик, улуғ бир илинж, улуғ бир юпанч билан, ичикиш билан, орзиқиш билан, орзу ҳавас билан, интизорлик билан термилар, термиларди, термилиб, қараб тўймасиди...Мен шу пайтгача онамнинг сиртқи аломатларига жиддий қарамай, термилмай юраверган эканман. "Онам" дея эркатойлик қилиб, мамнунлик билан кўзичоқдай ёнида, атрофида диркиллаб ўйлаб юраверган эканман.

Ўша лаҳзаларда, яъни улуғ бир зот - ер юзидаги ягона илинж, юпанч манбаи-манзили, тахти, тожи, яъни Арши Аълоси бўлмиш муқаддас онамнинг сийрату сувратига жиддий назар ташламаган эканман. Бирор вақт синчиклаб ўрганмаган эканман. Онамнинг туғилишидаги отасининг, онасининг, барча қариндош - уруғларнинг шодлиги, ҳурсандчилиги, яъни инсон наслининг дунёга келиши ва инсон наслининг давом этаётгани, онам қиёфасида давом этаётганида не чоғлик шодлик, ҳурсандчилик юз берган бўлса, Ҳосият исмли чақалоқнинг "инга" сини онаси ва отаси эшитган онларида, илк бор оёққа туриб атак - чечак юра бошлаган лаҳзаларидаги яқинларнинг шодликдан қичқиришлари билан онамнинг улғайиши, бетакрор гўзаллиги - қизлик фаслидан кейинги илк бор Парвардигор қалбига муҳаббат туйғусини солгани ва раҳматли отамга рўпора қилгани ва бу борадаги онамнинг, отамнинг шодликлари ва ниҳоят акам Илҳом Парда ўғлининг, сўнг Ўктам Парда ўғлининг дунёга келишидаги, яъни қизлик фаслидан кейинги аёллик фасли ва оналик фаслига навбат етгани ва

дунёга икки қўчқордай ўғил туғиб бергани ва инсоннинг наслини давом эттиришга ўз ҳиссасини қўшгандаги шодлик, ҳурсанчилиги фаслидаги барча шодликлари, ҳурсандликлари, бахтли, бахтсиз лаҳзалари, турмуш қийинчиликлари ва 30 ёшни қоралаганда, катта ўғли беш ёшни, кичик ўғли уч ёшга етганида Парвардигорий Муҳаббатидан, яъни севимли эридан бевақт жудо бўлишини тасоввур қилиш, ифодалаш мен учун қандай дахшат эканлигини ҳеч қачон одамларга тушунтириб беролмайман. Англатиб ҳам беролмайман...

Отам ўлганидан кейин онам раҳматли тунлари бедор ўтириб, ухламасдан тунни тонгга улариди. Эрталабгача чироғи ўчмасиди. Биз - болалари эса ҳеч нарсадан хабарсиз қоринни зиплаб олиб, ўйинларни ўйнаб, толиқиб хурракни отиб ухларидик... Ёшим бир ерга етганидан кейингина, яъни ўзим уйланганимдан кейингина аёлим бир кун бирор ерга, яъни ота - онасиникига кетса, ёки туғриқхонага кетса, туни бўйи ухлолмай, тўлғаниб чиқаридим. Аёлимни бир нафас кўролмасам, овқат ҳам ўтмай қолариди...

Мана шу фаслдан кейингина раҳматли, бечора онамнинг, яъни ўттиз ёшида севимли эридан бева қолган онамнинг танҳоликдаги, уйқусизликдаги бедорликларини англаб етдим. Тушундим, ҳис қилдим...Бекорга таржимаихолини тунлари ёзиб чиқмаган экан. Отам раҳматли билан кечган қойил - мақом умри лаҳзаларини, эрини ҳамма аёллар каби, оналар каби табиий бир туйғу билан севганлигини ва бунга мутлақо ҳақли эканлигини, ҳамма ҳам ҳақлилигини эътироф этган холда онамга қаттиқ қайғура бошладим. Ачина бошладим...Ўттиз ёшда бева қолган онам олтмиш беш ёшда вафот етган бўлса, ўттиз беш йиллик умрнинг бевақт хазон бўлганлиги ва бу хазонликда, беш ёки олти фарзандининг ҳам туғилмай хазон бўлганлиги ва бу борадаги орзу ниятлари, умидларининг сўнишидаги азоблари, изтироблари онамни бевақт қаритиб ташлади. Хазон айлади. Ўттиз

беш йиллик бевалиқда, ёлғизликда, танҳоликда кечган умрининг хазон қисмини икки ўғлига, укасига, укасининг фарзандларига, акасидан қолган, толесиз, яъни чечек туфайли эсидан ажраган, турмуш қуролмай умрини бепуштлик билан хазон қилган акаси Қурбонбойни, бир умр бир ўзи боқиб, тарбиялаб, эгнини бутлаб, яна бир етим болани ҳам боқиб олиб, улғайтириб, жойлантириб,бу ҳам етмагандай ўнлаб, юзлаб бечораларнинг, қашшоқларнинг, сағирларнинг ҳам болаларини, хонадонларини тарбиясини бўйнига олиш билан ўттиз беш йиллик ҳасрату аламини, ғаму ғуссасини унитишга уринган экан. Овинган экан. Ўзини овитган экан...

Бир ёстиққа бош қўйган севимли эридан икки бола билан бевақт айрилишнинг азобларини, изтиробоарини ҳозиргача бирор китобда изохланмаган. Изохлаб ҳам бўлмайди...

Онам умрнинг сўнгги кунларида яшаб ўтаётган ўша кунги - хазон бўлаётган инсоннинг олтмиш беш йиллик умри жараёнларини ниҳоя топаётгандаги, яъни ўтмишдаги ўкинчлари, азоблари, изтироблари, ҳасратлари, аламлари, ғамларини, ғуссаларини бирор одам кузатганига ҳам ишонмайман...Кузатган бўлса - да, диққат қилмаган, эътибор бермаган бўлиши керак...Мен эса жиддий кузатдим...Ташқи оламдан узилиб, қайсидир лаҳзаларда аёлим, фарзандларим, акамни ҳам унутиб, фикран, хаёлан фақат онамни кузатиб, онамга термилиб кўзидан, чеҳрасидан ичида кечаётган ҳамма азобларини, фикрларини, ўйларини, хаёлларини ўқиб, уқиб олдим... гўё бутун олам онамдан, онам эса оламдан кўнгил узолмаётгандай, узишнинг иложи йўқдай, олам онамни бағрига босиб узилишга қўймаётгандай, онам ҳам оламни бағрига босиб узилишга қўймаётгандай, бир қўли билан акамни, иккинчи қўли билан мени маҳкам ушлаб, танаси билан укасини, укасининг фарзандларини ушлаб бу дунёдан кетишини хохламаётгни, ҳаёт, яъни умри доим ҳам гўзал бўлганлиги, бу кемтикни тарк этиш

осонмаслиги, узилиб кетгандан кейин эса одам ҳамма нарсадан, жумладан фарзандлардан ҳам абадиятга жудо бўлиши мумкинлигини ҳам тани билан, ҳам жони билан, ҳам тушунчаси, ҳам туйғуси билан сезиб, ҳис қилиб, англаб "мана - мана" кетиш лаҳзалари яқинлашган сари ўзилишнинг яна ҳам дахшатга айланишини онамнинг қиёфасида, кўзларида, чеҳрасида кўрганимда, тунлари ёнида ухламай, қўлини сиқиб, далда бериб, кун бўйи юз - кўзларига термилган одамгина аниқ бир қарорга келиши, тушуниши, ҳис қилиши мумкин...

"Онамни яхши кўраман, онамсиз қийналаман...", деган гаплар қўруқ гаплар... сўз билан онага бўлган меҳр - мухаббатни изоҳлаб бўлмайди...

Аёлим Замирахон доим ёнимда. Онамга қарайди. Онамнинг ёнидан бир лаҳза ҳам жилмайди. Онам аёлимни ҳеч қачон "келиним" демас эди. Доим "қизим" деб чақирар эди. Онам кейинги ўн кунликда мутлоқо ҳолдан тойди. Уйқуси ҳам қочди. Бир нафасгина ётади, дарҳол: "Замирахон! Мени кўтар! Бу ёғимга ётқиз! - дейди, сал ўтмасдан эса яна: - Замирахон! Мени кўтар! Бу томонига ётқиз!", дейди. Замирахон ҳам умридан барака топсин! Онамнинг ёнидан жилмай оғзига термилиб туради. Гапириши билан дарҳол илтимосини бажаради. Овқат едиради, чойини ичиради. Хожатига қарайди. Шу кунларда онамнинг ҳолидан хабар олгани ўнлаб, юзлаб танишлари, қариндош - уруғлари, бирга ишлашган ҳизматчилари келишар, ёнига киргазишимизни сўрашар, аҳволи оғирлигига қарамай розилик берилар, онам бош силкаш, ирғаш билан кирган билан саломлашар, ҳол - аҳвол сўрашар, шу тариқа ҳайрлашар эди...

Назаримда бутун инсониятнинг назари ўша кунларда бизнинг уйимизга қаратилгандай, гўё одамларнинг назари ҳам қараб тургандай туюлаверар, гўё онамнинг тугаши билан ҳамма нарса эриб, сувга айланиб кетадигандай ёки ҳаммаёқ ёниб кулга айланиб қоладигандай таасурот қолаверар эди. Дунёдаги энг оғир азоб - онани

бетобланганида, бетоб ҳолда кўриш экан. Бу лаҳзалардаги ўзимнинг изтиробларимни, азобларимни ёшим бир ерга етиб ҳали - ҳамон ифодалай олмайман. Ҳеч нарсанинг қадр - қиммати мен учун қолмаган эди, ҳамма нарсадан воз кечиб юборишга тапа - тайёр турар эдим...

Бир мен эмас, раҳматли тоғам ҳам, тоғамнинг фарзандлари ҳам онамнинг соғайиб кетишини Худодан сўрар эди. Қон - қақшаб йиғлашар эди... Раҳматли тоғам баъзан: "Эй, Поки Парвардигор! Опамни соғайтириб бер! Менинг жонимни ол! Опамдан кейин мен нима қиламан?..." деб қуйинар, менинг қалбимдаги ваҳмни , қўркувни, таҳликани кучайтириб юборар, ҳўрлигим келиб, ҳўрлигим ортгандан ортиб, хўнграб йиғлар, бир четга чиқиб оқаётган бурним, ёшларимни артар эдим...

Онам кечирган ҳозирги ўн кун назаримда мен билган, кўрган, тушунган, англаб етган ва ҳис қилган хонаданимизнинг энг оғир, изтиробли онлари, азоблари йилларга айланиб кетди, десам янглишмайман. Онамнинг ўша ўн кунликчалик чекан азоби ҳамма вақт хотирамизда...

Ҳаммамизни, жумладан мени ҳам дунёга, одамларга жиддий фикр юритишга, сер мулоҳаза бўлишга, яъни дунёда туғилиш билан бирга ўлим ҳам борлиги, яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам бир кун ер юзидаги умри тугаши мумкинлиги ҳақида жиддий бош қотиришга, ўйлашга ундади.

Бу дунёда туғилиш, бу гўзал, бетакрор дунё гўзаллигини кўриш, ноз - неъматларидан татиш, муҳаббат, деган ҳисни ҳам танадан кечириш ва бола - чақа қолдиришдай неъматни ҳам инсониятга ином этиши ифодага сиғмайдиган, тасвирга ранг топиб беролмайдиган Улуғ Кашфиёт, Улуғ Ихтиро... Онанинг қорнига тушиб узоқ яшолмай, бевақт бу дунёдан кўз юмганлар, ёки бевақт ҳазон бўлганлар нечоғлик бахтсиз. Дунёга туғилдингми, узоқ яшаб, барча туз - насибани татиб кетиш ҳам шарафга киради. Боз устига яхшилик билан кечган умр ўттизга етиб етмай умрни хазон қилаётганлар, дейлик ароққа, на-

шага, кўкнорига берилиб, ёки фирибгарлик, маддохлик билан, яъни ҳаромхўрлик билан умрларини бевақт хазон қилаётганларга фақат ачиниш мумкин. Бир мартагина бериладиган ва қайтариб бўлмайдиган бу дунёда хирс билан боғлик очкўзликлардан одам ўзини тийиши, яхшилик томонга юзини буриши шарт. Ота - боболаримиз бекорга Парвардигорга топиниб ўтмадилар. Ахир Парвардигорсиз одам боласи бу дунёга келмас эди...

Онам олтмиш беш йил умр кўрди. Умрнинг сўнгги - ўн кунини мен биргаликда ўтказдим. Умримдаги энг оғир изтиробли кунларим ҳам ўн кунликда кечди. Вафотларидан кейин чиндан ҳам дахшатга тушдим. "Энди нима бўлади? Бола-чақа билан қандай кун кечираман? Онам мени, яъни биздан - бола-чақамдан ҳар ҳафта хабар олиб турар эди. Ўзи емай менга тутар эди...", деган фикр миямга урилганида бошим айланиб, кўзларим ҳам тиниб кетди...

Бу пайт Амир Темурдан тортиб, Ҳазрат Расуллогача, ҳазрат Навоийдан тортиб барча шоирлар, ёзувчилар, жаҳонгирлар топинган, ҳазрат Расулоҳ атмокчи: "Уч марта онага салом бер!" дейилган муқаддас онам, мен ёнида ўн кун ўтирганимдан кейин бу дунёнинг барча лаззатларини, ноз - неъматларини тарк этиб, ёлғондака дунёдан ҳақиқий дунёга, яъни Арши Аълога - Парвардигорнинг ҳузурига риҳлат қилдилар... Мен учун эса онасизлик фасли бошланди... Акам учун ҳам... Тоғам учун эса опасизлик фаслига навбат етди. Жиянлари учун эса аммасизлик фасли бошланди... Ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ ўғиллари, укаси, жиянлари қон - қақшаб йиғлади...

Бу ёғини эслаб бўлмайди... беҳад оғир эслаш... Барча савобларни онамга ситқидилдан қараган келинлари Замирахон ва жиянлари олишди...

Онамни қабрга қўйиб қайтганимиздан кейин қарайиб қирқ кунлар ҳонадонимиздан одамларнинг қадамлари узилмади. Нафақат Зоминдан, қўшни туманлардан

ҳам онамни билганлар, кўрганлар, нон - туз бўлганлар келиб туришди.

Ҳар пайшанба пайшанбалик ўтказилиб турилди. Юқорида эслатганимдай онамдан кейин хонадонимиз, ховлимиз путирдан кетгандай таасурот қолдирди. Гўё бўм - бўшдай. Олдинги ҳарорати, ҳосияти йўқдай туйилар эди.

Барибир одам ҳар қандай оғир, дахшатли кечмишларга ҳам аста - секинлик билан кўникар экан. Биз ҳам онамнинг вафотига қайсидир маънода, нисбатан кўникандай бўлдик. Аслида эса бирор одам, жумладан акам, тоғам, онамнинг жиянлари ҳам онамнинг ўлганига ишонмас, гўё ўлгани ёлғондай кўринар, гўё бир - икки кундан кейин тирилиб келадигандей бир фикр миямизда, шууримизда хукмрон эди.

Хали айтганимдай онамнинг акаси урушга кетган ва бадар қайтмаган эди. Хат-хабар ҳам бўлмаган, ўлгани ҳақида ҳам, тириклиги ҳақида ҳам бирор маълумот йўқ эди... Чамаси урушда йўқолиб кетган тоғамнинг аёли ҳам ўлиб кетган бўлиши керак. Ўлмаганида укаси Қурбонбой тоғам бизникида қолиб кетмас эди. Қурбонбой тоғам Турсунбой ўғли ховлимизда, бир хонада яшар эди. Ўн икки ёшлтгида чечак касалидан мияси лат еган, юзидаги чечакнинг ғадир - будири қолган эди. Ёши ўтгандан кейингина ғадир - будирликлар бир оз хунуклигини йўқотганиди. Қурбонбой тоғамиз онамдан катта бўлганликлари учун онам "ака" деб чақирар эди...

Уч маҳал овқатига, кийим - бошига ўзи қарар эди. Қурбонбой тоғам кундузилари кўчага чиқиб кетар, оғзига келган гапларни такрорлаб, сўкиниб ҳам юрар эди. Онам буни кўрар, ҳеч нарса демас, овқатлантирар, баъзан сукутга толиб: "Акам, онамизнинг севимли ўғли эди, чечакдан шундай бўлиб қолди., бу одам мутлоқо озорсиз, жаннати одам. Озгина валдираб қолади, ўзи билмайди...", дер баъзан ёмон муомилада бўлганларни онам жеркиб берар эди. Ўзи эса доим Қурбонбой тоғани авай-

лар эди. Гўё акамдан, мендан кейинги учунчи фарзандидай кўрар эди. Қурбонбой тоғам анча ёшга етиб бандаликни бажо келтирди. Онам у кишини кўмди, барча маракаларини ҳамма қатори ўринлатди...

Ҳозир ўйлайман. Биз - болалар баъзан Қурбонбой тоғга қараб жиркангандай бўлардик. Салбий фикрда бўлар эдик. "Аям нимага шу одамни уйда боқиб ўтирди?", деган уйга ҳам борардик. Энди билсам гунохкор бўлган эканмиз...

Чечак туфайли эсидан ажраган, ҳаммага кулги бўлган, аммо беозор жаннати Курбонбой тоғам олдида ҳижолатлик иш қилган эканмиз. Илоё, узотни ҳам Худо раҳматига олган бўлсин! Бизнинг бу борадаги гуноҳларимизни ҳам Ўзи кечирсин!

Тасоввур қилиш унчалик қийн эмас. Ҳаммамиз қатори отасидан онасининг қорнига тушган, вақти билан онасидан ёрғу оламга чиққан, ёрғу оламнинг барча гўзаллигини онаси орқали кўрган, ноз - неъматларидан татиган тоғамиз Қурбонбой Турсунбой ўғлининг ўн икки ёшидан кейин Парвардигорнинг ихтиёри билан чечак касалига дучор бўлиши... мияси фаолиятини қайсидир маънода чечак сусайтирган. Кейин онаси ҳам, отаси ҳам, яъни ордоқлаши, уйлантириши, уйли - жойли қилиши зарур бўлган бу оламдаги икки муқаддас кишисидан бевақт айрилиши, ишлашни, бола - чақа қилишнинг маъносига етолмай, куну -тун ўзи билан ўзи овара бўлиб, фақат қорин тўйдириш, сўнг кўчага чиқиб ўзича ҳаёлига келган гапларни такрорлаб, толиқиб яна уйга, яъни синглисининг уйига келиб қорин тўйдириш, ётиш, ухлаш, фақат ва фақат синглисидангина илтифот кутишнинг, қарайиб етмиш ёшдан ортикроқ умр кўриб уйланмай, танҳоликда, яъни Парвардигор насиб этган пуштини қолдиролмай бу гўзал дунёни тарк этишдан ҳам кўра дахшатли кечмиш борлигини мен билмайман. Онам Ҳосият Турсунбой қизи Қурбонбой тоғам учун, отага, опа-сингилга, ака-укага, бола-чақага айланган эди.

Ҳаммасининг вазифасини раҳматли биргина онам бажарар эди. Ўзи кун Қурбонбой тоғам фақат онамнинг кўчадан қайтишини кўтар эди. Ҳамма Қурбонбой тоғамга носаммийлик билан қарашар эди, баъзи бир вақтлар устидан енгилгина кулишарди ҳам. У бечора жаннати одам эса, бу дунёда одам устидан одамларнинг кулиши мумкинлиги, фириб ҳам борлигини, ўғирлик, гуноҳ, зинолар борлигини ҳам ҳаёлига келтирмаган, билмай фақат нон кутиб, ўзига илтифот кўрсатишини, ҳол - аҳвол сўраб, овқатидан хабар олишини, кийим - бошларини охарли қилиб ювдиришини, ҳамма катори янги кийим олиб келишини тоқатсизлик билан кутар эди. Онамнинг энг гўзал одатларидан бири - соғ-саломат, яъни турт муччаси соғ бўлган одамлардан кўра, Қўрбонбой тоғамга ўхшаган толеси кулиб боқмаган одамга ўн марта ортиқроқ илтифот кўрсатар эди... Бундай одамлар устидан кулишга асло йўл қўймас эди.

Яхши эслайман. Ҳайит кунлари, байрам кунлари, ёки туғилган кунлари онам акаси Қурбонбой тоғамга албатта, янги кийиб олиб келиб, кийдириб кўнглини кўтарар эди. Кўп севимли кишиларига тортиқ қилмаган яхши, чиройли кийимларни ҳам Қурбонбой тоғамга доимиой равишда олиб келар эди. Биринчи бўлиб акасининг кўнглини кўтариб, овқатлантириб, сўнг ўғилларига, келинлари, укаси ва жиянларига эътибор берар эди.

Қурбонбой тоғамнинг кейинги пайтларда рангида ҳам, юриш - туришида ҳам ўзгариш сезила бошлади. Буни ҳамма англаб етди ва шивир - шивирлар билан бир - бирларига англатди. Бу пайт аямнинг тоби озгина қочган, янглишмасам Кримда дам олаётган эди. Кейинги бир ой ичида Қурбонбой тоғам эрталаб ҳам, тушлик пайтида ҳам, кеч билан ҳам хонасидан чиқиб, укасининг ёнига келиб, онамнинг келгани, келмагани билан қизиқа бошлаган ва "келмадими?" деган сўзлардан кейин, кўзлари қизариб, ёшланиб орқсига қайтар экан. Бир - икки кундан кейин онам дам олишдан қайтган ва

биринчи бўлиб, юкини ерга қўйибоқ биринчи галда Қурбонбой тоғамдан хабар олган. Чиндан ҳам мазаси қочганини сезганидан кейин олиб келган янги кўйлагини, дўпписини, шимини кийдириб, меҳмон қилган, сўнг ўз хонасига қараб, паришонлик билан ғамгинлик билан юрган... Айтишларича онам шу тун ҳам, эрталаб ҳам бедорликда ўтириб, тез - тез Қурбонбой тоғамнинг ҳолидан хабар олиб турган. Бир кундан кейин эса тоғамнинг аҳволи чиндан ҳам ёмонлашган. Ва бу дунёдаги умрини - омонатини Яратганга топширган ... Бу кўнгилсизликдан кейин ҳамманинг чеҳраси сўлиб қолди. Кўнглига ҳеч нарса сиғмади. Овқат ейишида ҳам сустлик сезилди. Мурод тоғам вафот етган. Абдураззоқ тоғам эса харбийга кетиб қайтмаган, на хат, на хабар бўлмаган. Икки тоғам - Қурбонбой ва Ҳабийбулло тоғамгина қолган эди. Қурбонбой тоғамдан кейин эса биргина тоғам қолди... Бечора онамнинг тўрт шохидан учтаси синди. Кучсизланиб қолди ... Акаларининг ҳам ўз ўринлари бор эди. Уч ўрин бўшаб, хувиллаб қолди. Энди суянган биргина кенжа тоғам эди. Аввалроқ онам раҳматли биттаю битта аммасининг ҳам эри харбийга кетиб қайтмаганидан кейин аммасининг икки қизи билан уйимизга олиб келиб олган эди. Аммасини ҳам ўзлари ерга қўйдилар. Икки қизини ҳам ўзлари ўқитди. Турмушга ҳам ўзи чиқарди. Уйли-жойли бўлишига, фарзандларининг ўқишига ҳам ўзлари бошчилик қилади... Бундай саховатларни гапирсам, ўнлаб жилдли китоб тўлиб - тошиб кетади. Бу ҳам етмагандай Ҳабийбулло тоғам бир қишлоқда муаллимлик қилар эди. Ўша қишлоқда Имом деган бир етича бола бор экан. Ким бўлса, ўшанинг ишини қилиб, қорнини тўйдириб юрар экан. Ҳабийбулла тоғам онам билан гаплашиб етимча Имомни уйига олиб келади. Фарзандларига қаради. Уй юмушларини бажаради. Ўқитишади. Ўзи туғилган қишлоқдан уй солиб боришади. Ўша ерда савдо дўконига сотувчи қилиб қўяди. Имом тоғамизнинг ҳам ишлари юришиб, болаларини ўқитиб

беради. Имом тоғамизнинг ҳам аёллари онамни "ая" дер эди. Фарзандлари эса "ая" деб чақиришар эди. Уйимизга кун ора келиб ҳам туришар эди.

Ота - оналари ўлиб кетганидан кейин аям билан Ҳабийбулло тоғамни болалар уйига топширишган шекилли. Онам улғайиб савдо техникумига ўқишга киради. Битиради. Зоминга қайтиб иш бошлайди. Оддий газетада ишлайди. Газета ходимидан бош мухаррирликкача кўтарилди. Ундан кейин раисполком раиси бўлади. Кейин савдо соҳасига ўтади ва умрнинг охиригача шу сохада ишлаб кетади.

Онам техникумда ўқиган пайтида тоғам чамаси Зоминга қайтган. Қорин тўйдириш учун ҳам дайдиб кетади. Тоққа, одамларнинг молларини боқиб кетиб қолади. Тасоввур қилиш қийин. Тоғда эчкиларни эмиб қорнини тўйдириб юрган экан. Сочлари ўсиб, битлаб ҳам кетган экан. Ушлолмай қийналишган эканлар. Охир амал - тақал қилиб ушлаб олиб, отга миндириб қишлоққа олиб келишган. Сочларини олиб, яхши кийинтириб, мактабга ўқишга берган. Самарқанд институтида ўқитган. Тоғам умр бўйи муаллимлик қилиб ўтди...Онам билан иккаласи бир - бирларига суяниб қолган эди. Бир - бирларига гард ҳам юқтиришмасиди... Бирор одам тоғам ҳақида бир оғиз ёмон гап гапирса аям ёниб - ўртаниб кетарди. Дарҳол оғзига урарди... Умуман онам одам ҳақида ёмон гапирмасиди, ёмон гапирганларни ёқтирмасиди. Назаримда ҳамманинг яхши ёмонлиги Яратганга маьлум, деган тушунча билан яшариди. Тоғам онам учун гўё учинчи фарзандга айланганиди. Тоғамнинг ёши олтмишдан ошганида ҳам аям гўё фарзандига қарагандай тоғамга қарариди. Парваришлариди...

Институтни тугатганимдан кейин умр йўлдошим Замирахон билан турмуш қуриш масаласида бир тўхтамга келдик. Бу ҳақда онамга хабар бердим. Онам аёлимнинг кимлиги, қанақа оиладан эканлиги билан ҳам қизиқмади. Қаерлиги билан ҳам қизиқмади. Замирахон билан

бирга ўқиганимизни аям биларидн. Замирахонни водийданлигини, Учтепадан эканлигини айтганимдан кейингина қуваниб кетди. Чунки онамнинг ўзи ҳам она томонидан Фарғона водийсига бориб тақаларидн. Турсунбой бобом тақдир тақазоси билан қачонлардир водийга Зоминдан бориб оқ буғдойга, яъни лалми буғдойга оддий буғдой алмашиб келар экан. Чамаси бир килограмм оқ буғдойга водийда уч ёки тўрт килограмм оддий буғдой алмашар экан. Бу воқеа назаримда 1920 йиллар арафасида юз берган. Турсунбой бобом Марғилонга борганида бозор айланиб юриб юпингина хонадонга тунагани боради. Бу хонадон чин маънодаги қашшоқлашган хонадон экан. Хонадоннинг ёшгина тул қолган аёли ва унинг ўн бир - ўн беш ёшлардаги қизи ҳам бўлган, ҳаттоки уларнинг бувиси ҳам бўлган экан. Бобом қизини хотинликка олишга сўраганида кампир: "Бизнинг ҳеч кимимиз йўқ. Кетсак ҳаммамиз кетамиз...", дейди. Бобом хонадон аёлларнинг ҳаммасини аравага ортиб Зоминга кўчириб кетади. Ҳосият аямнинг онасига уйланади. Бувимиз ҳам ўттиз беш ёшга етмаган бўлгани сабабли бошқа бир одамга турмушга бериб юборади.

Чамаси Замирахоннинг водийлик бўлиши онамни қувантирган. Асли ҳам қандайдир қисмат боғланиши ҳам бор, шекилли. Замирахонга уйланишимга чамаси Марғилонга, бибиларимнинг қонларининг боғланиши ҳам сабаб бўлгандир...Табиийки менинг ҳам водийлик аёлга уйланишим тасодифий эмас...

Онам Замирахонга уйланиш ниятим борлигини эшитганидан кейин дарҳол водийга жўнади. Қайнотамни, қайнонамнинг уйини топиб бориб, куда бўлиш ниятида келганини айтади. Қудалар ҳам бирон - бир қаршиликсиз розиликларини билдиришади. Ҳатто аямдай одам билан куда бўлаётганидан шодланиб ҳам кетишди. Шу куниёқ онам кудаларга тўйга нималар зарурлигини ўтказиб ёздиради. Қудалар аввал кўп нарса ёзилганидан бир оз таҳликага ҳам тушишади. Рўйхат ёзилиб бўлганидан

кейин аям қоғозни буклаб чўнтакларига солади.

- Кўп нарса олар эканмиз,- дея хижолат бўлманглар! Ҳаммасини ўзим олиб келаман! - дея ортига қайтади. Зоминга келади. Тўйнинг харакатларига тайёрланиб яна Учтепага жўнайди. Шу тариқа тўй бўлиб ўтади...Онам бизга Тошкентдан икки хонали уй совға қилади. Қайнотам Мамадхон, қайнонам Тожихон аям билан гўё опа - сингилдай, опа - укадай қадрдон бўлиб кетишади. Улар ҳам аямни ҳеч қачон ўз исми билан аташмасиди. Доим "ая" деб мурожаат қилишарди. Чиндан ҳам Мамадхон қайнотам, Тожиҳон қайнонам аям билан чин маънодаги опа - сингил, опа - ука бўлиб кетишганиди. Замирахоннинг синглиси ҳам турмушга чиқадиган бўлганида, Назирахонга яхши мебел етишмаётганида аям олиб совға қилгани ҳам эсимда. Тўй харажатларига кўмаклашганини ҳам яхши биламан. Раҳматли қайнотам, қайнонам ҳам кўп гўзал табиатли кишилар эди.

Онам вафот этганларида бел боғлаб ҳамма маракаларида тик туриб беришди. Онам бизга Тошкентда икки хонали уй совға қилганларидан кейин хар шанба куни, ёки якшанба куни Тошкентга, хонадонимизга ташриф буйирар эди. Чунки онам ҳар келганида кичкина "москивич" маркали автоамшинасини тўлдириб озиқ - овқат олиб келариди. Лаззатли таомларни пишириб, қорнимизни тўйдириб ҳам ташлариди. Замирахонга уйланганимдан кейин водийдан кайин акаларим ҳам, кайнсингилларим ҳам Тошкентга ўқишга келса, бизникида яшар эди. Қайин укам Мухтаржон ҳам бизникида яшаганини яхши эслайман. Аям бизга билдирмай: "Мухтаржон! Ота - онанг узоқда, қийналмагин", дея ҳар келганида 25 сўм пул берар экан. Мухтаржон: "Ая! Менга пул керак бўлмайди. Овқатни сизларникида ейман. Ётоғим ҳам текин", деса ҳам бари бир бераверар экан. Мухтаржон бунга қаноат қилмай аям ухлаганида ҳамёнидан беш сўмми, кўпроқми пулини секингина олиб қўяр экан ва ўртоқлари билан овқатланишар экан. Буни аям вафот

этганларидан кейин Мухтаржон кула - кула гапириб берди, шу билан гуноҳларини ҳам тўкиб олди. Мухтаржон кейинчалик ҳоким ҳам бўлди.

Онамиз Ҳосият Турсунбой қизи баъзан ғурур билан 1980 йили Зоминга шоира Зулфия опа ташриф буюрганини, бу ташрифга вилоят раҳбарлари онамизни мутасадди қилиб қўйганлигини бот - бот гапириб бераркан. Шоира Зулфия опа билан ўша кезлар навқирон ёшдаги Нурали Қобул ҳам Зоминга келган экан...

У пайтлар Зоминдаги машҳур Шифоланиш маскани қурилмаган, ҳозирги муҳташам шифо масканининг юқори қисмида тўрт хонали бино қурилган, бу бинога қачонлардир Шараф ота қадам ранжида қилган экан. У ернинг тоза ҳавосини, зилол сувларини кўрганидан кейин Шараф ота ўша кезги раҳбарларга:

- Бу ер меҳнаткашлар учун дам оладиган ажойиб бир ерга айланиши керак. Янглишмасам кўпроқ ўпка касали билан оғриган беморларга гўзал бир маскан бўлиши мумкин. Сизлар бу ерларни эъзозлашларинг керак, - дея ҳамма томонни айланиб кўздан кечирган экан. - Боз устига жуда кўп сувларинг бекорга сойга оқиб ётибди. Қанчадан - қанча лалми ерларнинг эса сувсизликдан қаҳраб ётибди. Насиб этса сойнинг торроқ ерини бўғиб, катта сув омбори қуриб берамиз. Кимда қандай таклиф бўлса, бизга тезлик билан етказсин!

Шараф ота Зоминнинг юқори қисмини жуда синчковлик билан кузатганидан кейин ён дафтарига нималарнидир қайд этиб қўяди. Орадан бирор йил ўтмасидан махсус қурувчилар Зоминга бир неча бор келиб ҳам кетишади. Шу тариқа сув омборининг қурилиши бошланиб кетади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ўша кезги Иттифоқ шанбалигидан орттирилган маблағига ҳозирги машҳур Зомин шифо маскани қурилиб битирилади. Гўзал қилиб битирилади. Шараф отанинг ўзлари ҳам бир неча бор келиб шифо масканини ҳам, сув омборини ҳам кўриб, халқ билан учрашиб, олқишлар олиб қайтади.

Демак, шоира Зулфия опа Зоминдаги эндигина қурилган тўрт хонали бинога келиб дам ола бошлайди. Онамиз эса тонг - сахардан тортиб, то ярим тунгача Зулфия опа билан суҳбатлашиб, кўнглига қараб таом тайёрлайди. Тоғларга олиб чиқиб томоша ҳам қилдирариди. Адабият ҳақида, санъат ҳақида, фалсафа ҳақида гаплашишади. Кунлардан бир куни Зулфия опа ҳайратланиб:

- Ҳосиятбону! Сиз адабиятни бу қадар чуқур тушинар экансиз, нима, адабиёт институтини тугатганмиз? - дея сўрайди. Онамиз чиндан ҳам адабиётни чуқур тушунган эди. Баъзан ўзлари ҳам шеър битардилар. Зулфия опанинг ҳамма шеърий китобларини ўқиб туширган экан. Ҳаттоки Нурали Қобулнинг эндигина босмадан чиққан "Олқор" қиссасини ҳам ўқиб чиққан экан. Асар мазмунини Нурали Қобулнинг ўзига гапириб беради. Яхши эслайман. Онам ўзбек ёзувчиларининг ҳамма асарларини, жумладан рус адабиёти ва жаҳон адабиёти билан ҳам яхши таниш эди. Тинмай ўқириди. Олий маьлумотли одамларга хавас билан қарариди. Уларнинг суҳбатидан лаззатланариди. Ўзидан эшитмаганман. Кичик аямизнинг, яъни тоғамизнинг аёлларининг айтишига қараганда онамиз Самарқанд университетининг адабиёт куллиётининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимини сиртдан битирган экан. Неучундир мен бундан бехабар эканман. Ёки онамнинг ўзи бу ҳақда бирор одамга гапирмаган шекилли. - Ҳосият бону! - дея гапини давом эттиради Зулфия опа. - Сиз бирор ерда ўқиганмисиз?

-Зулфия опа! Мен бор - йўғи савдо техникумини тугатганман, - дея онам жавоб қилади. Зулфия опа чиндан онамнинг суҳбатидан ҳайратланади. Онам Зулфия опага ёзган шеърларини кўрсатганми йўқми, билмайман...

-Зулфия опа! - дея Нурали Қобул Зулфия опага мурожаат этади. - Мен Ҳосият опа ҳақида алоҳида бир ҳужжатли қисса ёзишни режаладим.

-Ёзинг, албатта ёзинг! - дейди Зулфия опа Нурали Қобулга. Билмайман. Нурали Қобул бу ҳақда қандай ишлар қилган. Балки ёзишни бошлагандир...Балки бошламагандир... Зулфия опа Тошкентга қайтаётганида, онамни қучоқлаб:

- Ҳосият бону! Ҳаётимда кўп одамларни учратдим. Сиз эса уларнинг энг олижаноби бўлиб қоласиз, - дея хайрлашади, - кўришиб турамиз...

Кейинчалик Ўзбекистонга ўша кезги машҳур қўшиқчи Людмила Зикина ҳам ташриф буюради. Буни қарангки, Зикинани ҳам Зоминга, яъни онамизнинг ихтиёрига топширишади. Зикина ўша кезлар Олий совет депутати экан. Биздаги Боймиров Тўхтамиш билан бирга Ленин мукофотини олган экан. Онам Зикинани ҳам қойилмақом қилиб меҳмон қилади. Зоминнинг гўзал табиати билан таништиради. Ноз - неъматларидан баҳраманд ҳам этади. Зикина бир неча кун дам олганидан кейин Боймировнинг қабулига жўнаб кетади. Онам бу машҳур қўшиқчи билан кечган ажойиб лаҳзаларини ҳам доим фахр билан гапириб бераркди...Зоминнинг зилол суви, тоза ҳавосини Зикина беҳад ёқтирган экан.

Бу дунёда Парвардигордан бошқа абадиёт йўқ экан. Ҳамма мавжудлик кўкарар экан, вақти етиб сўлар экан. Ҳаёт билан абадият, ўлим билан барбодлик мавжудлигини инсон ёд этиб турар экан...

Назаримда Парвардигор бутун гўзалликни онанинг вужудига жойлаган. Бу гўзаллик деб бутун мавжудод талпинар, топинар экан. Она ҳамма учун бирдай қадрга эга. Бирдай ҳаяжонлантирадиган ҳам, таъсирлантирадиган ҳам она. Онани ҳурмат қилишда шоҳу гадо йўқ. Ҳар иккаласи ҳам онага бирдай талпинади. Сутини бирдай эмади. Бирдай ҳажрида йиғлайди...

Онам вафот этганидан кейин юқорида эслатганимдай олам бўм - бўш бўлиб қолганиди. Ҳамма нарса кераксиз, самарасиз туйилганиди. Ишлашнинг ҳам қизиғи қолмаганиди. Бошқа қариндошлардан ҳам совиб қолганидим...

Кейин узоқ вақт сувратига қаролмай қолганидим. Қаролмасидим...Томом - вассалом. Ҳатто ҳозир ҳам сувратларига қарасам танам олов - оташ бўлиб ёна бошлайди. Онанинг фарзандга меҳр - мухаббатини Яратган шундай улуғ қилиб яратган экан...Буни хамма ўз танасидан кечиради. Абадиятга онасини унутолмайди. Нафаси чиқаётган сўнгги дақиқаларда ҳам биргина "она" сўзини такрорлайди, онасининг хотираси билан кетади...

Она - абадиёт...Она - моҳият - мазмун...Она - фалсафа...Она - мантиқ...Она - хотира...Она - фарзандлар...

ЁЗУВЧИ НУРАЛИ ҚОБУЛ ҲОСИЯТ АЯ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

1980 йиллар бўлиши керак. Адабиёт оламига эндигина кириб келиб, илк кииобларимни чиқариб, лаззатланиб юрган кезларим эди. Бу пайт "Олқор" номли қиссам ҳам чоп этилганиди. Парвардигор вужудимизга Илоҳий - туйғу - адабиёт туйғусини ато этганлигидан фахр ва ғурурга тўлиб, босилган китобларимизнинг гашти билан, беғубор йигитлик фаслининг сурури билан юриб, янги асарларни ёзишни режелаштириб юрган бир пайтимда раҳматли Зулфия опа Зоминга дам олишга бораётганини, ўзини кузатиб қўйишимни илтимос қилиб қолди. Зулфия опа бундай ишларга ҳаммани ҳам илтимос қилавермас эди. У пайтлар Зулфия опа журналлар билан, газеталар билан доим мулоқотда бўлиб турарди. У киши билан алоқамиз, яьни адабиёт масаласидаги муносабатимиз жуда ҳам яхши эди, шу сабабли Зоминдаги сафарига мени таклиф этган бўлиши керак...

Ўзим Баҳмалда туғилганим учун Зоминни, Зомин тоғларининг жаннатмакон сувлари, ҳавосини, еб тўйиш мумкин бўлмаган ноз - неьматларнинг яхши биларидим... Баҳмал тоғлари билан Зомин тоғлари бир - бири-

га туташиб кетди. Мазмун жиҳатидан асло фарқ қилмайди. Ҳар икки томонда ҳам лалми қовун - тарвизлар экилар, бу қовун - тарвизлардан еган одам минг йил яшаши тайин...

Зулфия опанинг илтимосини бажлнидил қабул қилдим. Зулфия опанинг хизмат машинасида Зоминга қараб жўнадик. Ёнимизда бошқа одамлар ҳам бориди. Бу пайт Зулфия опа "Хотин - қизлар" журналининг Бош муҳаррири бўлиб ишлариди.

Тушликдан кейин Зомин шаҳрига етиб келдик. У ерда Зоминнинг энг гўзал маскани, яъни ҳозирда шифо масканига айланган энг охирги тоғлар бағрига қараб кўтарилиб кетдик. Илгари бу ерларда бўлмаганидим. Бу ернинг жаннатмонан манзарасини кўрмагандим. Кўрганимдан кейин чин маънода ёқамни ушладим. Ҳавосидан симириб одам тўймасиди. Тоғлари ва тоғлари орасидан оқиб ётган дарёси сувлари, тоғ ёнбағрида бошларини кўтармай ўтлаб юрган отлар, қўй - эчкилар, сигир - бузоқлар ва бийрон - бийрон сайраётган турли - туман, ранг - баранг қушлар чиндан ҳам ҳайрат ва таажубдан эсанкиратиб ташлади. Қалбимда янги асар ёзишга, янги асарларни режалаштиришга иштиёқ қўзғатди. Ҳаяжонланишнинг, роҳатланишнинг юксак чўққилари сари парвоз қила бошладим.

Қад кўтариб турган арчалар,ўт - ўланлар, чўкиб ётган сукунат ва сукунатнинг инсон қалбини аллалашидан юзага келадиган ўйлар, фикрлар, хаёллар оламига бошланадиган сайру саёхатларнинг қанчалик ҳаяжонлантиргани ва таъсирлантирганини ифодалашга, тасвирлашга шу кезлар тилим лол эди...

Раҳматли Шароф Рашидов у ерга ташриф буйириб, улкан бир иншоат, яъни ҳозир фаолиятда бўлиб турган сихатгоҳнинг таомил тошини қўйиш баҳонасида келиб кетган экан. Шу баҳонада бир неча хонали уйлар курилган ва бу уй ҳам нақ шаршаранинг ёқасида экан. Шу уйга кўндик. Бу ернинг манзарасини ҳам айтишга ақлим

лол. Бир неча ҳизматчилар бизни қаршилашди...

Бизни қаршилаган хизматчилар орасида бўйи ўртадан баландроқ, ингичка юзли, диярлик эт қўймаган, ихчам жуссали, беҳад маданиятли, ҳар бир хатто - харакатидан илмли - билимли зиёлилиги сезилиб турган, кийинишида ҳам беҳад гўзал дид ва фаросат нури ёғилиб турган аёл бор эди. Мана шу аёл бизни жуда ҳам кучли самимият билан, улуғ мулозамат билан, мутлоқо иккиланмай, қалбини бутун борлиғи билан очиб ва гўзал табиатини юз - кўзларида тўла ифодалаб туриб, биз билан салом - аликка кўчди. Бу аёлнинг исми Ҳосият опа экан. Янглишмасам, оталарининг исми Турсунбой эди. Зулфия опа кўп давраларда бўлган, кўп одамлар билан суҳбатлашган, дунёнинг кўп ерларида саёҳатда бўлган, яъни инсон оламига ҳос бўлган ҳамма эзгулик, олижанобликни кўрган, кузатган, ўрганган, демак, ҳамма нарсадан хабардор аёл эди. Осиё ва Африка мамлакатларида, Адабиёт анжуманларида ҳам фаол қатнашган ва Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг уйларига ҳам мехмон бўлганиди. Бу аёлдан заррача носамимийликни, ёки норозичиликни яшириб бўлмасиди...

Зулфия опа Ҳосият опа билан қучоқлашиб, жуда ҳам узоқ кўришди. Узоқ қучоқлашиб турди.

-Кўзимга жуда иссиқ кўриняпсиз... Сизни қаерда кўрганман?- дейишга ҳам борди Зулфия опа Ҳосият опага термилиб:

-Раҳматли хўжайиниб бетобланиб, давлатнинг Биринчи шифохонасида ётганиди. Раҳматли Ойбек домла билан бир хонада ётишганиди. Ўша ерда кўзингиз тушган бўлиши мумкин, - дея мезбон опага иззох берди, - Аммо, лекин мен сизнинг ҳамма китобларингизни ўқиб чиқдим. Икки мартадан ҳам ўқиб чиққанман...

Мезбон опа Зулфия опанинг ҳамма китобларини номма - ном айтиб берди. Шеърларидан ўқиб ҳам берди. Мен билан кўришаётиб, яна Зулфия опага юзланди:

-Нуралижоннинг ҳам китобларини ўқидим, яқинда-

гина "Олқор" қиссасини ўқиб тугатдим. Баҳмал тоғларининг манзарасини кўрдим. Бу киши бизга қўшни қишлоқдан. Баҳмалдан...

-Раҳмат опа, раҳмат, - дейишга нарига ўтолмадим. Чиндан ҳам бу хол мен учун ҳайратланарли эди. Чунки "Олқор" қиссам эндигина нашрдан чиққан, кўп одам олиб улгурмаганиди...

Бизни ичкарига кузатиб киришди. Хоналар чин маънода дид ва фаросат билан безатилганиди. Дастурхон ҳам ажойиб - ғаройиб қилиб безатилганиди. Янглишмасам олқорнинг гўшти ҳам дастурхонга қўйилганиди...- Чой устида танишишлар ҳам бўлди. Суҳбат қизиб кетди. Мезбон - Ҳосият опа Зулфия опа ва мен билан адабиёт, саньат, чет эл адабиёти, мумтоз адабиёти ҳақида бумалол фикрлаша бошлади. Рабиндаранат Тагорнинг "Гора", "Ҳалокат", "Хонадон ва жаҳон" китобларини, шеърларини ҳам ўқиганини, жумладан Ҳинд ёзувчиси Хўжа Аҳмад Аббоснинг романларини, Кришан Чадрнинг ҳикояларини ўқиганини, Толстойнинг "Уруш ва тинчлик", "Анна Коренина" романини ҳам ўқиганини гапириб берганида, Анна Коренинанинг ҳаётдан тўйиб, янглишиш оқибатида болалари ва эридан қочиб чет элга бош олиб кетиш ниятида йўлга чиққани ва қалбига нажот излаётган бир пайтда узоқдан паравознинг овози янграгани ва мана шу паравозгина унга нажот йўлини кўрсатиши мумкинлигини англаганини ва бу ҳалокат Анна учун сўнгги йўл бўлганлигини шу қадар гўзал ифода билан, паришонлик билан гапириб берганида Зулфия опа ёқасини ушлади.

- Ҳосият бону! Сиз адабиёт кўллиётини тугатгансиз? - деб юборди Зулия опа. - Бу қадар кўп ўқишлик ҳаммаанинг ҳам қўлидан келавермайди. Боз устига уқишлик...

- Адабиёт менинг севимли машғулотим, адабиётсиз яшаш мумкин эмас, - дея мезбон опа камтарона жавоб қилди. Мен ҳам ҳайрат ва таажжубдан ёқамни ушлаган эдим. Чунки опа тилга олган китобларнинг кўпини

ўқиб улгурмаган эдим... Кейинчалик мен Зулия опа билан суҳбатлашиб, Ҳосият опанинг шеър ёзиши мумкинлигини айтдим. Чунки шеър ёзмаган ёки шеъриятдан, насрдан беҳабар одам бу қадар адабиёт ҳақида, санъат ҳақида теран фикрлай олмайди... Адабиётнинг мазасини ҳам, лаззатини ҳам ҳис қилолмайди.

Ҳосият опа тонг - саҳарда Зомин дам олиш уйига қадам ранжида қилар, эрталабдан турли - туман, лазатли таомларни тайёрлаб етказиб турар ва бу бизни ҳайратга солар эди. Ҳар куни ўзгача таом. Ноз - неъматларнинг ҳамма тури мавжуд эди. Ҳосият опа бизни бошлаб турли ерларга олиб чиқар, зилол сувларидан, тоза ҳавосидан баҳраманд ҳам этар эди. Гап орасида икки фарзанди борлиги, иккаласи ҳам ўғиллигини гапириб берар эди. Эрининг катта лавозимларда ишлаганини, яхши ишлаганини, кўп олижаноб инсон бўлганини ҳам гапириб берар эди. Ҳосият опанинг юзи, кўзларидаги паришонлиги мана шу эрининг эрта вафот этганлигини натижаси эканлигини биз кейинчалик Зулфия опа билан гаплашдик. Ўзларига айтишга ноқулай бўлди...

Биз Зоминда оддий деҳқонлар, чўпонларга дуч келамиз, дам оламиз, шунчаки тоза ҳавосидан, зилол сувларидан, ноз - неъматларидан баҳраманд бўлиб қайтамиз деган ниятда, умидда эдик. Бизга Худо адабиётининг катта ихлосманди Ҳосият опамни, у зотнинг суҳбатини эшитишни насиб айлаган экан...

Кунлардан бир куни чой устида Зулфия опага юзланиб:

- Опа, маъзур тутасиз, фикрингизни бўлдим, - дея мурожаат қилдим.

- Мархамат, Нуралижон, - дея Зулфия опа ҳам сўзимни қўватлади.

- Ҳосият опа ҳақидаги бир хужжатли қисса ёзишни ўйлаб қўйдим - дея гапимни давом эттирдим.

- Демак Тошкентга бориб, қиссани бошлаймиз. Мен ҳам шу масалани тезлаштиришни сизга айтиш фикрда

эдим. Ёзинг. Ҳосият бону бизга жуда маъқул бўлди. Энди бод - бод кўришиб турамиз. Бу ерларда яна кўп бор келамиз... - деб қўйди Зулфия опа. Шу масалага келишиб олдик.

Зомин дам олиш уйида бир неча кунгина бўлдик. Бу ерда кечган уч - тўрт кунни қайтиб бирор ерда ўтказмадим. Бу ердан олган лаззатни ҳам ҳеч қаердан ололмадим. У ердан қайтиш жуда ҳам қийинлашиб кетди.

Ҳосият опа ҳақида хужжатли қисса ёзишни узоқ вақт режалаб юрдим. Бу ҳақда ўзига ҳам айтган эдим. Ҳосият опа ҳам қайтадан Зоминга боришимни, қиссани бошлаганимни кутган бўлиши керак. Бу орада ҳаётимда ҳам озгина паришонлик лаҳзалари юз берди. Ўзгаришлар бўлди. Зоминга, Ҳосият опанинг хузурларига вақт топиб бора олмадим. Аммо боролмаганим учун, опанинг олдида ёлғончи бўлганим учун хожолат тортиб юрдим....

Ҳозир ҳам Ҳосият опа ҳақида кўп ўйлайман. Одам умри бўйи кўп доно, ақлли аёлларга дуч келади. Суҳбатлашади. Мулоқотда бўлади. Иш юзасидан суҳбатлашади. Агар кенгроқ фикрланса, мулоҳаза юритилса, мана орадан бир неча ойлар ўтиб, ўша Зоминдаги учрашувга ҳам қарийб ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтганида, яъни ақл тўлганида, ҳислар теранлашганида мулоҳаза қилинса, мен кўрган, учратган, суҳбатда, мулоқотда бўлган аёлларим орасида хушмуомилаликда, мардликда, олижанобликда, жасурликда, жасоратда, ақллиликда, доноликда, меҳмондўстликда, қўли очиқликда Ҳосият опага ўхшаганини жуда кам учратдим. Учратмадим десам ҳам бўлаверади. Буни асослаш керак бўлса, қуйидаги манзара ҳосил бўлади: Ҳосият опа қалбининг сўнгги нуқталарига қадар илтифотини, олийжаноблигини қила олар эди. Бирор нарсани олиб қолиш ёки чеклаб қолишни билмас эди. Керак бўлса, меҳмонга бутан жаҳоннинг ноз-неъматларини дастурхонга ташлаб, кўнглини олиш ниятида ҳизмат қилар эди. У зотда чеклаш ёки чекланиш хусусияти мутлоқо йўқ эди. Тасоввур

қилинг! Ҳар куни ҳар хил таом. Беҳад лаззатли. Ошпазларнинг бу қадар қўлларининг ширинлигини айтмайсизми! Ҳосият опа ҳар лаҳза, ҳар сония, ҳар дақиқа нима биландир кўнглингизни олиш йўлини излар эди. Гоҳ қизиқ суҳбати билан, гоҳ ширин таоми билан.

Қайтаётганимизда жуда ҳам дид ва фаросат билан ҳар иккаламизга ҳам совға қилди. Кўнглимизни тоғдай кўтаришга уринди. Биз Зоминдан, Зоминдаги дам олишимизнинг мезбони - Ҳосият опа билан кечган суҳбатларимиз, мулоқотларимиз таасуроти билан ойлаб, йиллаб лаззатланиб юрдик. Ҳозир ҳам эслаганимда ҳаяжонлана бошладим. Ўша Зоминнинг гўзал табиатини, лаззатли таомларини қўмсаганимни, опанинг суҳбатига ичикканимни сезаяпман...

Билмадим. Опа ҳаётмикин ёки биндаликни бажо келтирдимикин? Агар бандаликни бажо келтирган бўлсалар, илоё Парвардигор у дунёсини обод қилган бўлсин!... Ҳозир ҳам аёллар орасида Ҳосият опадай адабиётини жуда ҳам нозик тушунадиган, ҳис қиладиганларини учратмадим. У зот олдинроқ адабиётга кириб, ёзишни машқ қилганларида ажойиб ёзувчи ёки шоир бўлиб етишиши тайин эди.

Ҳозир ҳам Зомин дейилса, биринчи галда Ҳосият опа кўз олдимга келади. Дам олганимизда, ўша ернинг хизматчилари Ҳосият опанинг бутун зоминликларга беминнат яхшилик қилиши, етим - есирларни уйлантириши, боқишини хам гапириб беришди. Ҳосият опанинг кўнгли бамисоли бир дарё экан. Бамисоли бир жаҳон экан... Бу дарёга барча балиқлар сиққани каби, қалбига бутун Зомин ҳалқи сиққан экан...

Адабиёт Ҳосият опадай одамларга хизмат қилиши керак...

ҚУРБОНБОЙ ТУРСУНБОЙ УҒЛИ ҚИСМАТИ

Ҳосият Турсунбой қизининг ҳам сийратан, ҳам сувратан гўзаллиги, яъни саҳоватлилиги ҳақида фарзандлари, замондошлари, бирга ишлаганлари, билган, кўрганлари қўни-қўшнилари ҳам баъзан фахр, ғўрур билан, баъзан қайғу билан, алам билан ўз хотиралари билан, эсталиклари билан жон деб суҳбатлашди. Ўз нуқтаи назарларини байн қилди. Бирон - бир одам Ҳосият Турсунбой қизи ҳақидаги салбий фикр билдирмади. Илҳом исмли ўғли ва у кишининг келини суҳбатда аянинг икки хизматчи камомат қилиб қўйганида урганини ва дарҳол елиб-югуриб камоматини ёпиб, қамалишдан олиб қолганлигини гапириб беришди. Икки хизматчисини ёмон кўргани учун эмас, яхши кўрганлигини, яъни озгина дўқ-пўписа билан койиб, кейинги камомат қилиб қуймаслигининг олдини олади... Бу ёмонликка кирмайди, яхшилика киради...

Ҳосият аянинг кўп яхшиликлари, яъни ҳамма ўзига кўрсатган илтифоти ҳақида хаяжонланиб, таъсирланиб, гапириб берди. Бироқ Ҳосият аянинг энг улуғ саҳоватини, Парвардигорга етказадиган саховатини бирор одам тўлалигича гапириб бермади. Шунчаки, йўл - йўлакай: "Қурбонбой исмли акаси бўлар эди. Уйига олиб келиб боққан эди", дейиш билан чекланишди...

Асли ҳам шундайми? Асли эса яна ҳам чуқурроқ, мазмунлироқ саховатга эга эди. Тасоввур қилиш унчалик қийни эмас...

Тўлақонли бандаи мўминлар орасида баъзан озгина жисмонан ва ақллан, руҳан тўлақонли бўлмаган инсон болалари ҳам туғилиб қолади. Худди шундай камчилик билан туғилганлар ҳайвонлар, қушлар орасида ҳам, ҳаттоки дарахтларда ҳам учрайди. Камчиликсиз туғилмайдиган, ёки яралмайдиган бирор жонзоти йўқ. Беайб биргина Парвардигорнинг Ўзи... Менинг назаримда Меҳрибон Парвардигоримиз тўлақонли банди мўминлари

ўзларининг қадрига етиш, яъни ҳар бир тўлақонли бандаи мўминлари ўзига берилган гўзал соғлиқдан фахрланиш, ғўрурланиш билан бирга соғлиғини, тўлақонлилигининг қадрига етиш учун мана шундай камчилик билан туғиладиганларни ҳам баъзан орамизга ташлаб қўядиганга ўхшайди. Мана шу камчилик билан туғиладиганларни кўриб ўз тўлалигимизнинг қадрига етиш учун. Айни пайтда мана шу камчиликлар билан туғиладиган одамлар биз учун синов вазифасини ҳам ўтайди. Яъни Парвардигор бизни синаш учун, яъни гуноҳкор бўлиш ёки бўлмаслигимиз учун бундай камчиликни одамларни орамизга ташлайди. Тўла ва мукаммал ривожланмаган бандаи мўминлар бундай камчиликли одамларнинг устидан кулади, мазақ ҳам қилади. Буни дини - исломдан бехабар одамларгина қилиши мумкин. Бирор одам, яъни тўлақонлилар шундай бечораларни кўрганида: "Парвардигор ўзингга беадад шукр! Мени ҳам камчилик билан яратганингда, мана булар каби баъзи холларда ўз қавмим томонидан кулки бўлганимда, нима қилардим?! Демак, мен мана бу бечорага кулишдан кўра, унга қайғурганим маъқул...", деб қўлидан келган яхшилигини қилмайди ёки қилишга ярамайди ёки атайлаб қилгиси келмайди... Мана шу ерда бани инсон наслининг қийфаси намоён бўлади...

Яъни инсон ўз қавмини ўзи топтаб, оёқости қилиб, боз устига устидан ҳам кулади...

Бундай одамларнинг устидан кулмаслик учун ҳар бир инсон ҳам ақлан, ҳам идрокан, ҳам фаҳман, ҳам фаросатан, ҳам дидан, ҳам ҳиссиётан етук ва тўлақонли бўлиши шарт... Қуръони Каримда, Ҳадиси шарифда нақл қилинишича Парвардигор бандаи мўминларинг ношукурликларини синаш учун баъзан фаришталарини турли одам, ҳайвон қиёфасида одамларга дуч қилади ва шу билан синаб ҳам кўради. Ҳозирги Сирдарё вилояти колежлар бошқармаси бошлиғи Рустамбек отаси ҳақида бир кечмишни гапириб берди. Отаси туғилган кунида-

ми, ёки бирор тўй қилиб бераётганидами, ҳовлисида одамлар гавжум бўлган паллада эшикдан оппоқ кийимдаги бир одам кириб келади. Эгаси Абдуназар ота-ни сўрайди. Бу пайт Абдуназар ота бошқа томонда, катта лавозимдаги кишиларни қаршилаш билан банд бўлган экан. У кишига келган оппоқ либосдаги кишининг сўраётганини етказишади. Бироқ, мезбон бу масалани диққатсиз қолдиради. Отага хабар қилган киши қайтиб келиб меҳмонга хабарни етказаман, деса, меҳмон йўқолиб қолган бўлади... бу воқеанинг кейинини гапириб беришмади. Орадан анча вақт ўтганидан кейин Абдуназар отанинг ишлари орқага кетади. Хатто оғир кунларни бошидан кечиради. Менинг назаримда ота шу зоҳотиёқ меҳмоннинг истиқболига чиққанида, ишлари орқага ҳам кетмасмиди, аксинча яхши бўлиб кетар эди... Бу ҳам бир синов эди...

Яна бир одамнинг уйига шомда бир эчки маъраб кириб келиб қолади... Уй эгаси; "Ҳой қаранглар! Бировнинг эчкиси ҳовлига адашиб кириб қолди. Боғлаб қўйинглар, сув, ем беринглар! Эгаси келиб қолади...", дейди. Чиндан ҳам эчкини қўрага киргазиб сув қўйишади, ем беришади ва эгаси келгунича авайлаб туришади. Эрталаб туриб қараганларида эчки қўрада бўлмайди... шу хонадоннинг ишлари олдинга силжиди. Бойиб ҳам кетади.

Демоқчимизки, Ҳосият ая Турсунбой қизларининг ишлари доим олға босган. Бойигандан бойиб бораверган. Бирор одам томонидан зиён - захмат ҳам кўрмаган...

Бунинг сабаби битта. Ая Парвардигор берган бойликнинг омонатлигини, яъни ўзига берилган бойлик кўпчиликники эканлигини, уни кам таъминланганларга беришлик учун Яратган ато этганлигини ёшлигидаёқ аниқ ва равшон англаб етган, тушунган... ва доим янглишмай саховатни қилаверган... Демак, Парвардигор Ҳосият ая орқали етим - есирлар, камбағаллар, қашшоқлар ва бечораларга тарқаттирган... Буни бошқа одамларга, яъни яхшилик қилолмайдиганларга бермаган... сабаби: улар

бойликни ўзларига йиғиб олиши мумкин эди... Демак, Парвардигор ўзгаларга атаган бойлигини яхши одамлар орқали ўз вақтида эгаларига етказади...

Мана шундай одамлар орасида аянинг Қурбонбой деган акаси ҳам бор эди. Отаси - онаси ўлганидан кейинги рисқини синглиси Ҳосият Турсунбой қизининг хонадонига сочганиди. Уни синглиси териб акасига едирди... Шу билан ҳам турмуши ҳамишаликка фаравон кечди... Шу одам эвазига Яратган мўл - кўл бойлик берди ва ая ўзига, укаси, жиянларига, фарзандларига ҳам яхшилик қилиш имконияти туғилди. Бу ишни Парвардигор кўнглига солган ва бажартирган. Ўзи бу ҳақда бирор вақт бош қотирмаган бўлиши мумкин...

Инсон танасидаги барча лазатланишлар, яъни овқатланиш – ноз - неъматлардан ейишлик, сув ичишлик, ҳаво олишлик, ухлаш, ёзилишдан ташқари, жуфтланиш ва ўз пуштини қолдириш ва инсон наслини абадийликка давом эттириш каби юзлаб лаззатланиш ҳис - туйғулари, тушунчалари мавжуд. Шулардан бири - тўлақонли тўгилиш, уйланиш ва фарзанд қодириш, фарзандларининг орзу ҳавасини кўриш, ўзи ҳам зиёдаликда яшаш...

Бундай тўлақонли лазатланиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ҳали эслатганимиздай Парвардигор бандаи мўминларини турли даврларда турли камчиликлар билан яратади. Бундай зотлар номоз ўқимаса ҳам, рўза тутмаса ҳам,масжидга бормаса ҳам, таодат - ибодатдан узоқ бўлса ҳам, албатта жойларини жаннатдан беради. Чунки мана шу камчиликлар ҳисобига Ўзи шафқат қилади. Чунки ўзи камчилик билан яратади ва кулгига ҳам қўяди... Камчиликли одам кулгига қолгани билан жаннати бўлади. Уни кулги қилганлар эса дўзахи бўлади. Мана шунинг эвазига бири жаннатдан жой олди, иккинчиси эса дўзахдан...

Тасоввур қилиш мумкин... Ҳосият аянинг Қурбонбой исмли иккинчи акаси ўн икки ёшида чечак касали би-

лан оғриб мияси ва баъзи бир томирларидан зиён кўрган. Отаси, онаси оламдан ўтиб кетди. Бир акаси ҳарбийга кетди, қайтмади. Бир акаси бевақт вафот этди. Бир синглиси, яъни она бошқа синглиси ва укаси қолди.. Уканинг ўзи яхшиликка муҳтож. Биргина сингил тўлақонли ҳаёт кечиряпти... Демак, Яратган унинг қисматини биргина синглисига боғлаб қўйди...

Синглиси ҳеч кимдан уёлмай, хижолат ҳам тортмай, акасини ўз ҳовлисига олиб келди. Алоҳида бир хона ажратиб берди. Уч маҳал овқатига қаради... кирини ювди, парваришлади. Ҳосият Турсунбой қизи бу пайтда катта лавозимларда ишлаган. Акаси Қурбонбой кун бўйи уйини ташлаб, баъзан кўчаларда тетираб юрган, ўзича валтираб сўкинган... Буни район катталари ҳам кўрган. Қўли билан кўрсатиб: "Ҳосият аянинг акаси...", ҳам дейишган. Лекин Ҳосият ая акасининг бу ҳолидан заррача ҳам хижолат бўлмаган... Бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмаган...

Тасоввур қиланг! Кичкинагина ҳовлида Ҳосият аянинг акаси Қурбонбой ака, бошқа томонида аммаси икки қизи билан ўтирибди, яшаяпти... Бошқа томонда тоғдан ушлаб келган укаси, янги уйланган. Бола - чақали бўляпти. Боз устига бошқа бир қишлоқдан етим қолган, қаворсиз қолган Имомқул исмли болани олиб келиб боқади. Уй юмушларини бажаради. Болаларига қарайди. У ҳам ўқийди... Орадан анча вақт ўтиб ховли болаларга тўлиб - тошади...

Ўзининг икки ўғли, аммаси ва унинг қизи. Имомқул, укаси Ҳабибулла аканинг бирин - кетин туғилган фарзандлари, Мана сизга чорва ва чорвачилик... Бир неча йиллар орасида отадан, онадан етим қолган қизалоқ ҳовлили бўлди, икки ўғилли бўлди, акасини боқаётир, Имомқулни боқаётир. Укасининг фарзандларини боқиб, ўқитаётир. Аммасига қараб турибди, унинг икки қизини тарбия қилаяпти... Бу ҳам етмагандай камомат қилиб қўйганлар додлаб келяпти. Уларнинг камоматини ёпиш

керак. Қўни - қўшни, таниш - билишларга кўмаклашиш керак... Устидаги қорақул палътосини кимдир яхши деса, кийдириб юбориши керак. Ўзига, ўғилларига, жиянларига, келинларига ўз қўли билан кийм - бош тикиб бериши керак...

Булар айтишгагина осон. Амалда бажариш беҳад машаққатли иш ... Буни ҳамма билади. Буларга улгуриш учун одам филга айланиши, филнинг куч - қувватига эга бўлиши керак...

Бу дунёга ҳамма умид билан келади. Ҳар бир бандаи мўминнинг орзу армони бор. Ниятлари ҳам мўл бўлади. Тўрт муччаси соғ одамдан табиийки пушт қолиши керак. Пуштсиз қолган одамнинг бу дунёдан излари мутлоқо қуриб кетади. Ер юзидан йўқолиб кетган минлаб миллат мавжуд. Бугунги кунда уларнинг излари ҳам йўқолиб кетди. Қанчадан - қанча дарахтлар ва ўсимликларнинг, қўшлар ва бошқа жонворларнинг ҳам насллари инсоннинг қотиллиги билан йўқолиб кетади.

Қачонлардир отаси ва онасининг орзу ҳавасига айланган, оппоқ сутини эмган, бешикда "алласи"ни тинглаган, лаззатли таомларини еган ва ҳовлисини тўлдириб юрган, эрта - кеч уйлантириш, бола - чақасини кўриш иштиёқида юрган ота - онасидан бевақт айрилган Қурбонбой отанинг ўн икки ёшида чечак асалига учраб эсидан оғиб қолгани ва ўзи истамаган бир пайтда одамлар назаридан қолиши, биргина бахти - синглиси Ҳосият опа туфайли ҳаётини асраб қолган бу одамнинг қисматига ачинмасликнинг асло иложи йўқ. У киши чечакка учрамаганида эди. Тўй - томоша кўрарди. Кўролмади. Пештсиз қолиб кетди ва у зотгача сақланиб, давом этиб келаётган Турсунбой қавмнинг пушти Қурбонбой билан мутлоқо тугаб кетди... Миллион йилик оқиб келаётган пушт у билан нихояланди... Буни ифодалаш, тасвирлашга ҳамон тил ожиз... Яхшики, бахтига Парвардигор синглисини берган экан. Айтишларича, Ҳосият ая биринчи галда шу Қурбонбой акасига қарар экан. Бирин-

чи бўлиб кийинтирар,биринчи галда шу мушфиқ инсонни овқатлантирар экан. Доим диққат - эътиборида ушлаб турар экан... бирор ерга томошага ёки дам олишга борса ҳам албатта, шу акасига чиройли кийим олиб келиб, биринчи галда кийинтириб кўнглини шод этар экан... Бирор одамга, бир оғиз ёмон гапиришга қўймас экан...

Ая Қримга дам олишга кетганида, роппа - роса бир ой, бир кунда уч марта уйидагиларнинг ёнига келиб, қайтишини тоқатсизлик билан кутган экан.

Хатто ухламай ҳам қўйган экан... Бошқалар берган овқатга ҳам деярлик қарамаган экан. Ая дам олишдан қайтиб келганидан кейин ранглари оқарган ҳолда, тоқатсизлик билан истиқболига чиқади. Синглиси ҳам биринчи бўлиб акасини қаршилайди. Олиб келган янги кийимларини кийдиради. Эртаси куни эса бандаликни бажо келтиради... Демак, бу мушфиқ одам бир ой синглисини кутган ва ўлолмаган. Мана шу ичикиш унинг ўлимини бир ойга орқга сурган... Бундан кўра дахшатли кўргиликни мен билмайман.

Эндиликда онасига, отасига, акасига, укасига, опасига, синглисига, қариндош - уруғига айланган ёлғизгина синглиси - Ҳосият Турсунбой қизини ўлолмай бир ой кутишини тасоввур қилиш қийин... Кўнгли тўлмай бир кунда уч марта келиб дам олишдан қайтганини билиш учун ховлига чиқиш, фақат синлисини кўришни исташ... Уйидагилар Қурбонбой отанинг кейинги ойларда ўзгариб қолганини, ранги синиққанини, овқат ўтмай қолганини, фақат сув билангина умр кечирганини айтишди. Синглиси дам олишдан қайтганидан кейигина овқат еган. Балки синглисининг кўнгли учунгина озгина овқатланган-дир... Эртаси куни бу ёлғондакам оламни абадиятга тарк этади. Хотинсиз, бола - чақасиз, ота - онасиз, ака - укасиз, опасиз, яъни биргина синглиси Ҳосият ая диққат эътиборидаги инсон. Ҳосият опамнинг онаси ҳам Қурбонбой акага ё опа, ё сингил бўлган. У зот Қўрбонбой акага қандай му-

носабатда бўлганини бирор одам гапирмади.

Шундай қилиб, бу мушфиқ инсонни ёлғизликда қабрга кузатиб қўйишди. Ортида "отам" деб йиғлайдиган фарзандлари қолмади. Биргина синглиси "Вой, акам!" дея йиғлаб қабристонга кузатиб қолди...

Бошқаларга қилган яхшиликларини билмайман. Аммо Ҳосият аянинг мана шу мушфиқ акасига қилган саховати, у зотни тўғри жаннатга олиб кирди...

Яъни ўз пуштини эъзозлагани учун, хорламагани учун ҳам жаннатдан жой олди. Бекорга Парвардигор бу толесиз инсонни синглисининг рисқига қўшмаган эди...

Айтишларича Қурбонбой ота етмиш йилар умр кўрибди... Синглисининг, уйига қачон, қай ҳолда келган бўлиши мумкин? Ўттиз ёшда келган бўлса ҳам, синглиси у зотни ўттиз йил боқибди, қарабди, кийинтирибди...

Бундан кўра улуғ эзулик борлигини мен билмайман. Олижаноблик ҳам борлигини билмайман... Мана сизга Яратганнинг синови ва Ҳосият аянинг бу синовдан аъло даражада ўтгани натижаси...

Ҳар иккаласининг охирати обод бўлсин!..

БОҚИБ ОЛГАН ЎҒИЛИ - ИМОМҚУЛ

Ер юзидаги ноз - неъматлар, дейлик дондан тортиб, меваларгача, мевадан тортиб асалгача, сув, ҳаво, ейиладиган барча овқат одамдан тортиб қушларгача, хайвонларгача, қурт - қумирсқаларгача тепа - тенг бўлинган. Қазиб олинадиган табиий бойликлар ҳам. Парвардигор бани инсон насли билан, бани қушлар, бани хайвонлар, бани хашаротлар наслини бу дунёга, бап - баробар - тенг ҳуқуқли қилиб яратган. Парвардигор хайвонлар ва қушларнинг, қурт - қумурсқаларнинг насибаларини ҳам инсоннинг зиммасига юклаган. Шунинг

учун ҳам бошқа жонзотига берилмаган ақл - идрокни инсонга ато этди. Ақл - идрок ҳисобига у бошқа жонзотидан маданият ва маърифат масаласида юксакликка кўтарилди. Мана шу маънавият учун у барча жонзотининг тож - сарвари бўлиш билан бирга энг вахшийси ва қотили ҳисобланади. Яъни қўй - эчки, сигир - бузоқ, кийиклар, туя, отни ҳам, қушларнинг ҳам кўп турларини сўйиб ейди. Донни, ноз - неъматларини ҳам ейди. Инсоннинг емайдиган овқати жуда кам. Бири емаганини иккинчиси ейди.

Йиртқич хайвонлар эса гўшт билан, йиртқич бўлмаганлари ўт ва дон билан кун кечиради. Қушларнинг ҳам баъзи бирлари гўшт билан, баъзи бирлари дон билан ҳаётини асраб келади.

Демак, барча жонзотининг раҳмдили ҳам, йиртқичи ҳам бор инсоннинг ўзи. Хайвонлар, қушлар, шерлар тўда - тўда бўлиб, яъни милионлаб аскарлар тўплаб, бир - бирлари билан урушиб, бир - бирларини абадул - абад қирмайди...Шу билан бирга қушлар, хайвонлар каби муҳташам бинолар қурмайди. Каналлар қазимайди. Китоблар ёзмайди, мусиқани муросага киритмайди. Тарихини ҳам ёзиб қолдирмайди. Мана шу жараёнлар ва кечимишларсиз қолгани учун ҳам қушларга қочиб қутилиш учун Парвардигор қанот берди. Оёқ берди. Жонворлар ҳам қочиб қутилади. Бироқ инсоннинг учишга қанот, қочишга югурик оёқлари йўқ. Эвазига ақл - идрокни мукофатга олган ва мана шу ақл - идрок билан ўзини ташқи мухитнинг зарбаларидан асраб қолади.

Инсоннинг марифатлилиги унинг ўзгаларга қилган яхшилигида кўринади. Яъни Парвардигорнинг синовида кўринади. Ҳар бир инсон боласи бу дунёга синовга юбориши алла қачонлар исботланган...Бу синовдан кимлар қандай ўтади? Ҳадиси шарифда кўпроқ:"Аввал - ота - онангга, қариндош - уруғинга, ортса қўшнинигга, ундан ортса бегонага яхшилик қилди...", дея уқтирди. Шундай қилайлик ҳам деб, қарайлик. Ота-онадан,

ака - укадан, опа - сингилдан, қўни - қўшнидан ҳам кўра кўчада ташландиқ холда қолган етим - есирлар, қаровсиз кишилар, сағрлар, яъни бола - чақаси йўқ қаровчиз кишилар, майиб - мажруҳ қушлар, хайвонларга ким қарайди? Ота - она, ака - ука, опа - сингил, қариндош - уруғлари ўзларига тўқ бўлса-чи? Бошқаларнинг ёрдамига эҳтиёж сезмаса-чи? Унда нима қилади?

Бундай холда ҳар бир инсон боласи биринчи галда муҳтожларга қўлидан келган ҳамма яхшилигини килиши керак. Бу исломда қонунлаштирилган. Ва Парвардигорнинг буйруғи ҳам шундай.

Ҳосият ая Турсунбой қизининг акаларига, укасига, аммасига, аммасининг қизларига, укасининг фарзандларига, чечакда эсидан ажраган ва меҳнатга яроқсиз бўлиб қолган бечора Қурбонбой акасига кўрсатган муруввати ҳақида, эрининг хотираси учун қилган эзгуликлари, фарзандларига қилган оналик масъулияти ҳақида кўп одамларнинг фикрларини ёздик. Хонасанилло ёздик.

Бу яхшиликлари, эзгуликлари орасида ажралиб турадиган, Парвардигорнинг назарига тушгани ва жаннатга киришига биринчи восита бўлгани - Қурбонбой акасига кўрсатган муруввати бўлади...Бошқа эзгуликлари мана шу эзгуликнинг мукаддамасига айланиб қолади...

Мана шундай эзгуликларидан яна бири Қизилой қишлоғида туғилган ва ота - онасидан, яқинларидан бевақт айрилган етимча бола - Имомқулга кўрсатган беадад яхшилигидир...Ҳосият аянинг укаси Ҳабибулло ака мана шу Қизилой қишлоғига муаллим бўлиб бориб, Имомқул деган етимча болани учратади. Ҳабибулло аканинг ёшлиги каби толесиз бу бола ҳам қорни учун ҳамманинг уйида меҳнат қилади. Берса ейди, бермаса бўйнини сиқиб меҳнатини қилаверади. Чеҳраси ҳеч қачон ёришмайди. Паришонлик билан кунни ботиради, паришонлик билан кунни оттиради. Борадиган ери йўқ. Ёрдам қўлини чўзадиган қариндоши ҳам йўқ! Қийинчилик, уруш даври... Урушдан кейинги қийнчилик палласи...

Ҳабибулла ака бу ҳақда опаси - Ҳосият аяга гапиради. Ая эса шу заҳотиёқ укасига етимчани олиб келишини буйиради.Ҳабибулла ака Имомқулни Қизилой қишлоғидан Зоминга олиб келади. Ая уйига чорлайди. Ювинтиради, кийинтиради, овқатга тўйдиради. Ётоғини ҳам тайин қилади. Имомқўл кундан - кун ўсиб - улғая боради. Юзига қон югуради. Инсонийлигини таний бошлайди. Ғурури, фаҳри тикланади. Атрофга мутлоқо бошқа кўз билан, паришонлик кўзи билан эмас, тўйган қўзи кўзи билан қарай бошлайди. Кимсан Зоминда машхур одам - Ҳосият аянинг ўғлига айланди. Башанг қийинади. Мактабга шу ғурур билан, фаҳр билан боради. Онаси Ҳосият ая боқиб олган бу фарзандини ҳам икки ўғилидан кам кўрмайди. Барча эҳтиёжларини қондиради. Мактабни битиртиради. Уйлантиради. Ўз қишлоғи - Қизил ойга қайтариб жойлаштиради. Бир дўконга сотувчи қилиб тайинлайди ва ўзи доимий равишда эътиборида тутади. Имомқулнинг аёли ҳам эслик аёл чиқади. Эрига ҳар томонлама кўмаклашади. Фарзандлик бўлади. Фарзандлари Ҳосият аянинг уйига келиб - кетиб туришади. Бошқа қариндошлари қаторида эҳсонларини олади...

Ҳосият ая бандаликни бажо келтургунига қадар бу набиралари ҳам қадамларини узмайди... Аядан кейин бу тутунган ука ҳам оламдан ўтади. Ўтгунигача эса онасидан - яъни тутинган, одам қилган онасининг холидан доим ҳабардор бўлиб туради. Қўрбонбой ака билан Имомқул ака орасидаги фарқ - бири ўзидан бола чақа қолдирди, иккинчиси, яъни Қурбонбой эса ўзидан бола - чақа қолдиролмади... Лекин иккаласи ҳам аяни Парвардигорга яхшилик борасида яқинлаштирди...

Мана буни мен ҳақиқий эзгулик деб биланман...

ҲОСИЯТ АЯНИНГ НАБИРАСИ - САРДОР ЎКТАМ ЎҒЛИ БУВИСИ ҲАҚИДА

Бобомиз Парда Умрзоқ ўғлининг сурати оппоқ бувимизнинг - Ҳосият Турсунбой қизининг хонасида, деворнинг теппасида осиқлик турар эди. Биз болалар Тошкентдан Зоминга оппоқ бувимизнинг уйига борганимизда оппоқ дадамизнинг сувратига биринчи галда кўзимиз тушар эди. Бу бизга оппоқ дадамизни улуғвор қилиб кўрсатар эди. Оппоқ дадамизнинг суврати оппоқ бувимизнинг хонасига қачон осилганлигини, қачондан бери туришини ҳам бизлар билмас эдик... Оппоқ дадамизнинг суврати хонани безаб турар эди. Хонадоннинг Парда Умурзоқов хонадонининг чин маънодаги безагига айланган ва бу безакка ҳамманинг, яъни хонага кирган одамнинг диққат - эътибори тушар эди. Биз оппоқ дадамизни кўрмаганмиз. Сухбатларидан, оппоқ бувимизнинг гапларидангина кимлигини, қанақа одам бўлганини, халққа қандай хизматлари сингганини эшитганмизу аммо ғойибдан бобомизга улуғ бир эътиқот билан, улуғ бир меҳр - мухаббат билан боғланиб қолганмиз. Оппоқ бувимиз аввало бизга оппоқ дадамизни улуғвор қилиб кўрсатган. Ҳатто тасоввуримизда, ўй - ҳаёлларимизда, фикримизда етиб бўлмайдиган, эришиб бўлмайдиган ҳаводай туюлтирган. Бундай улуғворликка оппоқ бувимиз сабаб бўлган.

Оппоқ бувимиз туфайли биз фақат ва фақат яхши гапларни эшитганмиз, яхшилик ҳақидаги гапларни ҳам эшитганмиз. Ёзги таътилимизда Тошкентдан Зоминга борар эдик. Отам, онам Тошкентга қайтишса ҳам биз - болалар, акам, мен, синглим оппоқ бувимизнинг бағрида қолардик. Ховлидан катта сув оқиб ўтар эди. Боғларга чиқиб ўйнар эдик. Оппоқ бувимиз кўнглимизга қараб истаган егулигимизни, истаган кийимни айтилган вақтида муҳайё қилар эди. Ота - онам бизни жеркишлари мумкин эди, бироқ оппоқ бувимиз фақат кўнглимизга қарар эди.

Асло жеркмас эди. Ваҳоланки оппоқ бувимиз беҳад қаттиқ кўл аёл эди. Бизларни ҳам, жиянларини ҳам аммаларининг икки қизини ҳам доим тергаб турар эди. Мактабдан қайтганидан кейин "кундаликларини" кузатар эди. Аъло баҳо билан қайтганлари мукофотланар эди. Ўрта баҳо билан қайтганлари эса "жазо" олар эди...

Ҳабибулло тоғамизнинг аёллари ҳозир ҳам бор. Бу кишини ҳам оппоқ бувимиз яхши кўрганлиги сабабли доим ёнларида бўлар эди. Ўзимиз кичкина бўлганлигимиз сабабли у кишини "келинойи" демасдан "кичик ойи" дейишга кўниккан эдик. Тилимиз келмай "кичик" сўзини "чиойи" деб ишлатар эдик. Бунга кичик ойимиз хафа бўлмас эди. Ёшимиз улғайганидан кейин ҳам "кичик ойи" демай "чиойи" дейдиган бўлдик. Ҳамма шунга ўрганиб кетди. Ҳозир ҳам Зоминга бориб кўргани ўтсак "чиойи" деб бағрига отиламиз. Чиойимиз ҳам шундай дейишимизни хуш кўрадилар.

Ёз бўйи оппоқ бувимизнинг уйида бўлганлигимиз учун бу хонадонга келиб кетувчиларни кўриб турар эдик. Ҳар куни эрталабдан кечгача бу хонадондан одамларнинг қадамлари узилмас эди. Аёллар, эркаклар, ёши ўтган чол - кампирлар, баъзан эр - хотинлар ҳам келиб қолишар эди. Турли юмуш билан келганлар, яъни оппоқ бувимиздан ёрдам сўраб ёки бирор ишга болаларини жойлаштириш учун келишар эди. Баъзан эр - хотинларнинг жанжалли гапларини эшитиб қолар эдик. Оппоқ бувимиз уларга хакамлик ҳам қилар эди.

Болалик кезларимни, оппоқ бувимникида юрган кезларимни ҳозир ақл кўзи билан таҳлили қилсам, мен бутун умр биргина оппоқ бувимга эркалик қиган эканман... Бутун вужудим билан, ўзимни эркин ҳис қилиб, бирон -бир иккиланишга, мулоҳазага бормай, кўнглим тусаган нарсани сўраган эканман. Баъзан ота - онангга ҳам кўнглингдагини тўла айтолмайсан. Жеркиб беришади. Ёки олмоқчи бўлган нарсангни истаган пайтингда олиб бермаслиги мумкин. Бироқ оппоқ бувим дунё-

даги ягона демакрат - мард одам эди. У зот билан истаган пайтингда гаплашишинг, истаган нарсани сўрашинг мумкин эди. Барча истагинг вақтида муҳаё бўлариди. Бу сўзни такрорлаяпман, шунинг учун такрорлаяпманки, оппоқ бувимдан кейин кўнглимга тўла ва заррача эҳтимолсиз қараган одамни кам учратдим...Бувимизда "йўқ" дейиш йўқ эди. У зот ҳаммага қандай шароитда, қандай вазиятда бўлишидан қатъий назар сўраган нарсасини етказиб беришга уринариди. Ҳатто ўзи кийиб юрган чиройли кийимини ҳам сўраган одамга кийгазиб юборариди ва бунга асло ачинмасиди...У зотда ачиниш ҳисси йўқ эди. У зотда яхшилик қилиш, яхшиликдан фаҳрланиш, ғурурланиш тушунчасигина мавжуд эди.

Оппоқ бувимиз Тошкентдаги уйимизга ҳар шанба ва якшанба кунлари "Москвич" машинасида албатта, келариди. Тожибой бобо деган ҳайдовчиси бўлариди. Бу чол ҳам беҳад яхши одам эди. Оппоқ бувим келиши билан уйимизда байрам бўлиб кетариди. Биз емаган, кўрмаган мевалар, қанд - курслар, боз устига ҳаммамизга чиройли кийимлар келариди. Гўшт, озиқ - овқат мўл - кўл келариди. Оппоқ бувимиз уйда икки кун, ё бир кун тунариди. Шу кунларда ҳали айтганимдай чин маънодаги байрамни кўраридик. Эркин бўлиб қоларидик. Ота - онам бизни уришолмасиди. Акам, мен, синглим фақат оппоқ бувимизнинг бағрида ўтираридик. Биз яхши кўрган овқатимизни тайёрлаб беришариди. Уйимизда тоғаларим, холаларим ҳам ётиб ўқишариди. Улар ҳам оппоқ бувимизнинг келишини тоқатсизлик билан кутишариди. Сабаби: оппоқ бувимиз уларга ҳам "совға" бериб кетардилар...

Онамнинг ота - онаси водийлик бўлгани учун, оппоқ бувим ҳам кўп бор водийда бўлган. Водийликлар бувиси ва бувасига "оппоқ" сўзини қўшиб чақиришади. Бувимизга бу сўз ёқиб қолиб бизга ҳам шундай дейишни айтганиди.

Оппоқ бувимнинг қалбидаги яхшилик туйғусининг

чеги - чегараси йўқ эди. Ҳозир ўйласам, ўзим ҳам, бошқалар ҳам оппоқ бувимизнинг қилган яхшилигини, яъни таниш - нотанишларга қилган яхшилигини ярмини ҳам қилолмас эканмиз. Оппоқ бувимизни Парвардигор ўзгача меҳр билан, ўзгача муҳаббат билан яратган экан. Вужудини олижаноблик туйғуси билан лиммо - лим тўлдирган экан...Ҳаёлга чўмиб, катталардан эшитганимни таҳлил ва таҳрир қилсам, у зотнинг ҳаммага бирдай қилган яхшилигига ҳозир бир неча уй қуриш мумкин экан. Лекин у зот бундай ишлар ҳақида бош қотирмаган эканлар. Севимли,яъни доим тишининг орасида асраб юрган укасини уйли - жойли қилди. Фарзандларини тарбиялаб, ўқитди. Турмушга берди, уйлантирди. Баъзан оппоқ бувимизнинг хислатларини ўзимиздан излаб, қидириб ҳам кўраман. Хислатларнинг мингдан бирини ҳам тополмайман... Мардлик, жасорат, жасурлик, олижаноблик, эзгуликни, яъни яхшилик қилиб лаззатланишни Яратган биргина бувимизга ато этган экан...Илоё Парвардигор у дунёсини берган бўлсин!

АБДУМАЛИК АБДУРАИМ ЎҒЛИ ҚАЙНОНАСИ – ҲОСИЯТ АЯ ҲАҚИДА

- Юқорида эслатганимдай Ҳосият аямдай мард одамни эркаклар орасида ҳам учратмадим. Буни мен кўр - кўрона, у зотнинг укасига куёв бўлганими учун эмас, бир неча йиллар бирга юмушларда ҳамдардлик қилишга тўғри келганлиги ва жуда яқиндан кузатганим, мулоқотда бўлганим, хонадонларининг юмишларини ҳам кузатганим учунгина бу гапни гапирдим. Мен ўзимни у зотнинг чин маънодаги куёви - ўғли деб биламан. Гарчи укаларининг қизига уйланган бўлсам - да, кўпроқ Ҳосият аямга куёвдай ўзимни ҳис қилардим. Аслида ҳам шундай! Опа - ука бир ота - бир онанинг фарзандлари бўлгани учун бир вужудга бориб тақалади ва бир вужуддан

ажралади. Чунки Ҳосият ая Ҳабибулло Турсунбой ўғлини укам эмас, фарзандим деб қарарди. Қайнонам Зувайда Ғайбулло қизини Ҳосият ая келин қилганиди, ҳеч қачон "келиним" деммаган. Доим "қизимсан" дерди ва қизидай меҳрибончилик кўрсатарди.

Мен эркак зотиданман. Эркакларга хос бўлган кечмишларни яхши биламан. Эркакларнинг яхши ёмонини ҳам ажрата оламан. Баҳолай оламан ҳам. Аммо аёлларга келганда озгина ўйланиб қолишим мумкин. Аёллар табиатини, сиру - асрорларини аёллар билиши ва тушиниши мумкин. Аёллар аёллар ҳақида аниқ бир фикрга бориши, қарорга келиши мумкин. Эркаклар табиатдан кучли бўлгани сабабли тўғри харакатда бўлади. Аёллар эркакларга нисбатан кучсиз бўлгани сабабли, озгина кучсизлиги эвасига турли шароитларда, турли қиёфаларга кириши мумкин. Буни мен аёбга буюрмайман. Аёллар учун доим ҳам тўғри сўз бўлишлик хонадонда озгина чалкашликларни чиқариши ҳам мумкин. Ахир аёл билан эркак гарчи бир вужудга, яъни инсоний вужудга бориб тақалса - да, харакатларида, мазмун - моҳиятларида анчагина фарқ қилади.

Аммо, лекин Ҳосият аямни иккиланмасдан, ҳеч ҳам тортинмасдан эркаклардай баҳолаган одам асло янглишмасиди. Ўғил болача гап қилариди. Ўғил болача иш қилариди, ўғил болача иш юргазариди. Буни бир мен эмас ҳамма зоминликлар ўз вақтида эътироф этишариди. Ёзувчимиз Ҳосият аям ҳақида озгина суҳбатлашсак, деганларида доим ўзимни олиб қочдим. Бошқалар, куёви ҳам қайнонасини махтаяпти, деб ўйлашмасин, деган фикрда эдим. Лекин, очиғини айтадиган бўлсам, Ҳосият аядай мард, олижаноб, оққўнгил, соддадил, яхшиликдан, фақат яхшиликдан бошқа нарсани билмайдиган, одам танламайдиган, чин маънодаги художойи одам - Ҳосият аям ҳақида гапиришдан лаззатланаман. Роҳатланаман. Мен учун у киши ҳақида гапириш доим ҳам фахрга, ғурурга айланади.

Жиддий ўйланиб қаралса, одамнинг вужудида қизғанчиқлик, мардлик, хасислик, олижаноблик, эзгулик, фирибгарлик, маддохлик каби турфа ҳис - туйғулар бўлади. Турли одамларда мана шу ҳис - туйғулар турли шаклда тараққий қилган бўлади. Мен буни олтмиш йиллик ҳаётимда кўплаб учратдим. Кимдандир ранжидим, кимдандир нафратландим. Кимнидир кўрганда шодландим, ҳурсанд бўлдим. Ким биландир ҳамтовоқ бўлдим, Ким биландир йўловчи бўлдим. Яна ким биландир дам олдим, бирга ишлашдим... Ҳосият аямни кўрганимда ҳам шодланаридим, ҳам лаззатланаридим, ҳам кўнглим тоғдай кўтарилиб кетар эди. Гўё катта ва қиммат баҳо нарса топиб олгандай мутлоқо беғуборлик билан ёнларига яқинлашар эдим. Жон деб сухбатлашар эдим. Мени ҳеч қачон "куёв" деб чақирмас эди. Доим бағрига босиб, оналардай самимият билан "болам, қалайсан? Соғ - саломат юрибсанми? Набираларим қалай? Ўқишяптими? Қандай етишмовчиликлар борми? - дея сўрар эди. Аёлимнинг, яъни жиянини ҳам "қизим" дер эди. Аёлим ҳам Ҳосият аяни "амма" демас эди. "Мама" деб атар эди. Чунки улар ўша кезлар ўрис мактабида ўқишар эди. Ўрисча "мама" дейишни чамаси ёқтиришар эди. Ҳосият аямнинг бирор ерда, бирор одамга қаттиқ гапирганини кўрмаганман. Зоминда каттадан кичиккача бир хил ширин муомилада бўлар эди. Шунинг учун бўлса керак, Ҳосият аям йўлда кетаётганида на эркаклар, на аёллар, на болалар олдини кесиб ўтолмас эди. Тўхташиб, қўлларини кўксига босиб: "Ассалому алайкум!" дея сўрашганларидан кейин ўтиб кетишар эди. Чунки одамлар бир - бирларидан Ҳосият аямнинг олийжаноблигини эшитган ва шу миш-мишлар у зотни гўё афсонага айлантириб юборган эди. Олийжаноблиги у кишига чин маънода шон - шарафни келтирган эди. Такрор бўлса ҳам айтаман. Аммаларини икки қизи билан уйига кўчириб келиши, укасини хотини ва фарзанлари билан ўз уйида, бағрига олиб ўтириши, овқатига, кийим - боши-

га қараши, тўй - томошаларини қилиб бериши, Қурбонбой исмли акасини ҳам умр бўйи бағрида сақлаши, овқатлантириши, кийнтириши ва доим аҳволидан хабар олиб туриши. Имомқул деган етимча йигитни, Қизилой қишлоғидан олиб келиб боқиши, ўқитиши, ўқиганидан кейин уйлантириши, қишлоғига олиб бориб ишга жойлаштириши ва уйли қилиши ва фарзандларини ҳам "ўғлим - қизим" деб ўқишларидан хабар олиши, уйлантириши, турмушга чиқишида кўмаклашиши бу оғир ва машаққатли иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Айтишгагина осон. Бажаришга келганда ҳамма чидаш бермайди.

Эсимда, Мирзачўлни ўзлаштиришда қатнашган Адамов исмли рус тилида гаплашадиган одам билан таниш эди. Бир куни улар уйига меҳмонга келишади. Устидаги қоракўл теридан тикилган палътасига хотини термилиб: "Ҳосият Турсуновна! Шу палътангиз менга жуда ёқади...", деганида, шартта ечиб кийгазиб юборганини ўз қўзим билан кўрганман. Ўша кезлар қоракул терисидан тикилган бундай палътога бир машина берар эди. Сирти, ичи ҳам қоракулдан тикилган эди. Ҳосият аямнинг ёнида бирор нарсани менга ёқди деб бўлмас эди. Дарҳол бериб юборар эди. Баъзи бир холларда аямнинг шу табиатидан баъзи бир одамлар фойдаланиб, ўзига зарур бўлган кийимларини "менга ёқди" деб олиб кетганини ҳам эшитганмиз. Бу ишни аям мутлоқо ўйламай, мутлоқо беминнат, оққўнгиллик билан бажарар эди.

Ҳайратланмасдан, ёқани ушламасдан иложимиз йўқ. Бир одам умри бўйи меҳнат қилса, тиним билмай ишласа, давлат режаларини ҳам аъло даражада бажарса, топганини фақат эзгуликка сарфласа... Укани боқса, уйлантирса, бола-чақасига ҳам қараса, бола - чақасини ҳам олий маълумотли қилса, аммасини икки қизи билан уйига олиб келса, боқса, қизларини "қизим" деб ўқитса... Акасини, бечора - мушфуқ Қурбонбой акасини ҳам умри бўйи боқса, қараса, охирги йўлига ҳам кузатиб қўйса...

Етимча бир болани ҳам боқса, уйлантирса, жойли қилса, фарзандларини ҳам ўқишларига қараса... Боз устига у кишини билган, билмаганлар ҳам турли иш билан, эшикни очиб кириб келаверса, оилавий ташвишларини гапирса, йўлга қўйиб олса, ёки қизни турмушга бераётган бўлса, ўғлини уйлантираётган бўлса, етишмоқчилик бўлса ҳам Ҳосият аяга югуриб келаверса... Уларнинг ҳам ишларини енгилаштириб берса, мархум эрлари - Парда отанинг қариндош - уруғлари ва оиласи билан ҳам қизиқса, вакти - бевақт келишса, уларнинг ҳам ишларини баҳоликудрат битириб берса...

Олтмиш ёшга чиқиб атрофимга жиддий назар ташлайман. Ҳосият аямга ўхшаш одамларни фикран қидираман. Ўхшашлигини асло тополмайман. Бировлар кимгадир мардлик қилса, орқасидан гапириб юради. Кимдир бировга озгина фойдали иш қилса ҳам кимгадир гапиради. Ҳосият аям каби сурункаликка ҳаммага баравар яхши муомилада бўлган одамни, ҳаммага бирдай ва беминнат яхшилик қилган одамни, одам танламай, одамнинг яхши ёмонлигининг фарқига бормай доим, бир хил яхшилик қиладиган одамни учратиш майҳол. Бундай одамни мен ва биз бир мартагина кўрдик. Бу Ҳосият аям Турсунбой қизи эди...

Билмадим, аямиз нечоғлик тақивадор бўлган-бўлмаганлигини билмайман. Балки номоз ўқимагандир, рўза ҳам тутмагандир. Аммо, лекин у зотнинг одамларга ҳисобсиз равишда қилган яхшилилари, саховати Қуръони Каримда айтилган ҳақиқий гўзал табиатли бандаи мўминнинг, яъни жаннати одамнинг саховати дейиш мумкин... Парвардигор чин маънода аямизни гўзал феълли, гўзал табиатли қилиб яратган эди. Ўзининг гўзал феълли, табиати билан ҳаммага ўрнак бўлиб кетди. Бу албатта, Яратгандан. У зотнинг қалбига шундай олийжаноблик нурини ёғдирганидан.

У зот ҳаётлигида гўё қариндош - уруғлари, куёвлари, келинларининг, жиянлари, аммаси, тоғалари, акасининг

устида қуёш каби порлаб турар эди. Кетишлари билан шу қуёшнинг нурлари сўнгандай туйилди. Ҳамма бирдай ғамгин, маъюс, паришон бўлиб қолди... Ҳамманинг бели букилди, боши эгилиб қолди... Ҳамманинг кўзидан узоқ вақт ёшлар тийилмади. На фақат қариндош - уруғлари, таниш - билишлари ҳам, зоминликлар ҳам шундай аҳволга тушди... бу ҳол узоқ вақт давом этди. Гўё қалбларнинг бир томони ўпирилиб кетгандай эди...

Ҳозир ҳам аямни эслаганимда юракларимиз бир силкиниб тушади, кўнглимиз ёришиб кетади. Танамизда мамнунлик ҳис - туйғуси кеза бошлайди. Сувратларини ҳамма қариндош - уруғлари уйларига, тепага қўйиб қўйишган. Ҳамма бирдай лаззатланиш билан сувратига термилиб қолади...

Парвардигор Ҳосият аямга олам - жаҳон мол - мулк берди. Бу мол - мулкни ҳаммага бирдай улашсин, деб берган экан. Парвардигорнинг буйруғини аямиз тўла ва мукаммал даражада ижро этиб, Яратганнинг назарига тушди. Яхшига Худо давлат берар экан, яхшининг қалбига олийжаноблик нурини ёғдирар экан. Яхши одам узоқ яшаши керак. Яхши ўзгаларга ёмонлик қилмагани учун ўзининг умри ҳам узоқ бўлади. Ўзганинг ҳам умрини яхшилиги билан узайтиради. Ёмонлар бошқаларга ёмонлик қилади, ўзини ҳам, бошқани ҳам соғлиғини ёмонлаштиради. Ўзгаларга озор берганларнинг ўзлари ҳам озор чекади, демак умрлари узун бўлмайди. Одамга берилган мол - мулкнинг абадий эмаслиги хақида, одам боласи ер остига ҳеч нарса олиб кетолмаслиги хақида минглаб китоблар ёзилган. Қуръони Карим ҳам, Ҳадиси Шариф ҳам мана шу масаланинг мазмун - моҳиятини ифодалайди.

Яхши, доно аёллар ўзларидан яхши ном қолдириб кетади ва бу билан ўз номларини одамларнинг хотираларига, тарихларига михлаб кетади...

Ҳамма эзгулик мана шу нуқтада намоён бўлади. Минг афсуслар бўлсинким, ҳамма ҳам бу мазмун - моҳиятга

жиддий эътибор беравермайди... Диққат қилавермайди...

Мен эндигина диққат қила бошладим, эътибор бера бошладим. Эндигина ақлим тўлган, эсим ҳам тўлган палламда Ҳосият аям Турсуной қизининг қадр - қиммати минг бор ошиб кетди... Илгари "ая яхши" дейиш билан чекланардик. Ҳозир эса у зотнинг яхшилигини, қилган саховатини атрофлича таҳир қилиб, таҳлил қилиб чин маънодаги гўзаллигини кўпчилик олдида ошкора эътироф этамиз... Бошқаларни ҳам, жумладан ўзимизни ҳам Ҳосият аямиздан ўрнак олишга ундаймиз...

Ҳосият аямизнинг вужудларида ёмонлик туйғуси бўлганмикин, деб баъзан ўйга толиб қоламан. Лекин ўйлаб, бирор одамни ранжитганини, бирор одамга ёмон гапирганини ёки илтимосини қондирмаганини билолмайман. Одам янглишиши мумкин. Асабийлик билан кимнидир бевақт ранжитиб қўйиши ҳам мумкин. Бу ҳақда кўпчиликдан сўрайман. Бирор одам аямизни бирор одамга янглишиб ёки шошиб ёмонлик қилганига, ранжитганига гувоҳлик қилмаган экан...

У зотни билганлар, кўрганлар, бирга ишлаганлар ҳозиргача улуғ бир хотира билан юришади. Ҳозир ҳам ҳамма даврада Ҳосият аямиз ҳақида гўзал гап-сўзлар бўлиб туради... Дафъатан, тўсатдан бирор даврада Ҳосият аямиз ҳақида гап очиб қолсангиз, билганлар ҳам, билмаганлар ҳам, эшитганлар ҳам: "Хой - хой! У зотдай одам Зоминда туғилмаган дейишади..." қабилида гапиришади. Бу гўзаликка ҳамма ҳам мушарраф бўлавермайди. Бундай шаън - шавкатини ҳам ҳамма олавермайди. Бу баҳо ҳаммага ҳам қисқа умрда насиб этавермайди...

Ая ҳақида кўп ширин гапларни гапирмоқчи эдим. Эсимдан чиқиб қолди.

Илоё у зотнинг бизга, жумладан ҳаммага қилган яхшилиги Парвардигорнинг назарига тушган бўлсин, илоё у дунёсини берган бўлсин!

ЗУЛФИЯ ҲАЙРУЛЛА ҚИЗИ АММАСИ ҲОСИЯТ ТУРСУНБОЙ ҚИЗИ ҲАҚИДА

Мен аммам Ҳосият Турсунбой қизининг туғишган укаси, яъни етим қолганларидан кейин тоққа қочиб кетиб, қўй - эчкиларни боқиб, ичида юриб, эчкиларнинг сути билан улғайган Ҳайрулла Турсунбой ўғлининг учинчи қизиман. Иккиланмасдан айтишим мумкинки, мен, жумладан бизнинг хонадон аммамиз туфайли заррача ҳам қийинчилик кўрмай яшаб ўтди. Биз аммамизни энди "амма" деб айтаяммиз. У зотни тириклигида "амма" дейишга тилимиз бормасди. "Мама" дейишга кўниккандик. Ҳозирги ибора билан ифодаланса "она" дердик. Ўз онамизни ҳам "она" дердик. Бизнинг икки онамиз бор эди. Бири сут берган - Зубайда Ғайбулло қизи, иккинчиси улғайтирган, ўқитган, турмушга чиқарган онамиз - Ҳосият Турсунбой қизи. Зубайда онам билан Ҳосият онам бирга юришганларида дуч келганлар: "Опа - сингилмисизлар?" деб сўрашар эди. Улар назаримда узоқроқ қариндош ҳам эдилар. Бир хонадонда бизлар билан аммамнинг Илҳом, Ўктам исмли ўғиллари ҳам бирга ўсганлиги, кўп вақтлар бир ховлида, бир нон - туз билан яшаганлигимиз, аммамизнинг фаросати, диди ва фаҳми билан кийинганимиз туфайли биз - болалар ҳам, оналаримиз ҳам бир - бирларига ўхшаб кетган эди...

Мен аммамни қизи, Илҳом акам, Ўктам акам аммамни ўғиллари бўлгани сабабли бизлар ҳам табиатан, ҳам феълан бир - бирларимизга жуда - жуда ўхшардик. Илгари ҳам, ҳозир ҳам бизни аммани, тоғанинг болалари деб ҳеч ким ўйламайди. Улғайгунимизгача бир ховлидан чиқиб, бир мактабга бориб, бирга ўсиб, жуда ҳам бир - биримизга ўхшаб кетардик. Ҳеч ким бизни тоға, аммани болалари деб қарамасди. Менинг Ольга деган дугонам ҳам бўларди. У ҳам биз билан хонадонимизга келиб юрарди. Аммам унга ҳам доимий равишда яхши-

лик қиларди. Кийимни олиб беришда, хонадонидаги етишмовчиликларни ҳам тўғрилаб берарди.

Аммам Илҳом акам, Ўктам акамнинг ҳам кундаликларини ҳар куни текширарди. Худди шундай отамга ҳам, аммам бизларнинг кундаликларимизни текширишни топширган, бунга ҳам ишонмай ўзлари алоҳида назоратдан ўтказарди. Кундаликларимизда доим аъло баҳо бўлиши керак эди. Ўғил болалар озгина дангасалик қилса ҳам аммам дарҳол танобини тортиб қўярди ва яхши ўқимагунича қўймасди.

Аммамнинг яхши одамлигини, ҳаммага, жумладан бизнинг хонадонга қилган яхшилигини унутиб бўлмайди, айниқса отамни эъзозлашини, ҳар гапининг бирида: "Бир дона укам бор. Бирор одам у ҳақда бирор оғиз ёмон гапиришга ҳақсиз...", дея укасига гард юқтирмасди. Туғилганидан то улғайгунимизча, то турмушга чиққунимизча барча сарф - харажатлар аммамнинг зиммасида эди. Отам муаллимлик қилар, биз - саккиз болани оладиган арзимас маоши билан боқиш махол эди. Қизларни чиқариш, ўғил болаларни уйлантиришнинг ўзи бўлмасди... Боз устига ҳаммамизни институтларга киритиб қўйган. Ўқишдан қайтиб келиб, яна ўқишга қайтишимизда ҳаммамиз бирдай: "Мама! Биз ўқишга кетаяпмиз, пул беринг!" дея қўрқмай айтаверардик. Аммам бояқиш бағрига босиб: "Қизим сенга қанча, ўғлим сенга қанча бераман?" дея сўрарди. Айтганимизни дарҳол берар эди. Баъзи бир одамлардан бирор нарса сўрашга озгина хижолат бўласан, биз эса аксинча аммамиздан пул сўрашга ошиқар эдик, олиб рохатланар эдик. Тасаввур қилинг! Тўрт ўғил, тўрт қиз. Ҳаммамизнинг ўқишимиз, кийинишимиз, озиқ - овқат билан таъминлашни тасоввур қилиш оғир. Боз устига шунча болани уйлантириш, турмушга чиқариш масаласи ҳам бор.

Биз - икки қизни бирга турмушга чиқариш, сепларини, саруполарини сотиб олишга, мебелини сотиб олиш имконияти бўлмас эди. Икки қиз ҳам турмушга чиқдик.

Ҳамма харажатлар, тўй ҳам амманинг заммасига тушди. Тўй - томошалар биз истаганимизча гўзал бўлиб ўтди. Кейинчалик яна Зомингa қайтиб келдик. Мен ҳам аёл кишиман. Ҳозир ҳаёлан амманинг бизга, бошқаларга ҳам кўрсатган илтифоти ҳақида жиддий бош қотираман. Менда ҳам шунчалик давлат бўлганида аммам каби ҳаммага бирдай беминнат яхшилик қила олармидим? Йўқ, қила олмас эдим... Мендан бошқалар ҳам қила олишига унчалик ишонмайман. Пул жондан битган, дейишади. Пулни ҳамма ҳам аммам каби қондошларига ҳам, бегоналарга ҳам бирдай сарф қилолмайди.Аммамга Худо улгуржи давлат берган эди. Охири йўқ эди. Мана шу мардлиги, олийжаноблиги учун Худо у зотга адоқсиз саховат берди. Етимлар, сағирлар, қаровсиз кишилар, бечоралар учун ҳам аммамга берди, аммам эса ўшаларга тарқатди. Бу билан жаннати бўлди, яшаб келди

Аммамнинг қалбига Яратган чексиз - чегарасиз бир саховатни ато этган экан.. Аммам на фақат ўз фарзандларига, ўз қондошларига, ҳатто бегоналарга ҳам саховатини аямади. Она томони, ота томонидаги қондошларига ҳам бап - баробар яхшилик қилди. Ажратмади, алдамади. Аммамнинг яхшилиги теккан одамлар шу кунларда аммамнинг тирик бўлиши, қилган яхшиликлари эвазига яхшилик қилишни шу қадар исташади, ақлли яхшилик қилмасалар-да, аммам тирик бўлса - ю, очилиб - сочилиб раҳмат айтса, юраклардаги армонларини шу тариқа тўкиб олса .. Минг афсуслар бўлсинким, онанинг ўрнини эгаллаган аммамиз, ҳам оталик, ҳам оналик, ҳам акалик, ҳам укалик, ҳам опалик, ҳам сингиллик қилган, яъни каъбамизга айланган, орзу армонимизнинг, умрларимизнинг, ниятларимизнинг ушалишинининг сабабчиси бўлмиш аммажонимиз бугун йўқ... Раҳмат айтолмаймиз. Ташаккур билдиролмаймиз. Фақат қабрларига бориб, ҳайит кунлари бир қуръон тушириш, охиратини Яратгандан сўраб беришгагина яраймиз...

Ҳосият Турсунбой қизи - менинг иккинчи онам, би-

ринчи аммам - тарихда ўтган Нодирабегим, Зебуннисо бегим, Мумтозмаҳал каби даҳо аёллар тоифасидан эди...

Илоё, охиратлари обод бўлсин! Отамнинг ҳам охирати обод бўлсин! Бу икки зотнинг тарифага сўз тополмайман...

ҲОСИЯТ АЯНИНГ УКАСИ ҲАБИБУЛЛО ТУРСУНБОЙ ЎҒЛИНИНГ АЁЛИ ЗУБАЙДА ҒАЙБУЛЛО ҚИЗИНИНГ ҲИКОЯСИ

Зубайда аянинг сухбатини бошлашдан олдин озгина тушунтиришга тўғри келади. Ҳамрохим Абусаид билан аянинг ховлисига икки - уч марта қадам ранжида қилдик. Ҳозирда саксон ёшларни қоралаган бу аяни неваралар эркалатиб "Чибуви" дейишар экан. Ўктам Пардаевичнинг ўғиллари, қизлари ёшликларида Зоминга келишганида Ҳосият ая Турсунбой қизини, яъни бувиларинг "оппоқ буви", укасининг аёлини "Чибуви" дейишар экан. Аслида бу аёл уларга тоғларининг ҳурмати юзасидан келинойи бўлади. Ҳар гал Зубайда аянинг уйига кириб борганимизда Ҳосият ая ҳақида гап очганимизда кўзларидан шашқатор ёшлар тўкилиб кетди. Томоғи хаяжондан бўғилиб қолди. Узоқ вақт гапиролмай туради... Биз иложи борича аянинг кўнглини кўтаришга уринамиз. Ҳаёлини чалғитишга , йиғламасликка уринамиз. Бари бир бўлмайди. Тинимсиз равишда йиғлайди...

- Ҳосият аям мени келиним демас эди. Доим "қизим" деб чақирар эди... - дея титраб, лаблари ҳам титраб сухбатини бошлайди Зубайда ая ва яна бир сониялар сукутга толиб, аранг сўзини давом эттиради: - Ҳосият аямнинг яхшилиги, одамларга қилган яхшилигини айтиб адо қилиб бўлмайди. Ўнта - йигирмата китоб бўлади. Мени бир қадам ҳам ёнидан жилитмас эди. Бирор ерга чақиришса ҳам: "Ке,ёнимда ўтир, бошқа одам борсин!", дея ҳеч қаерга қўймас эди. Мени тоза яхши кўрар эди. У

кишидан кўрган мурувватимни очиғини айтсам, ҳеч кимдан кўрмадим. Отам ҳарбийга кетиб қайтмаган. Онам биз икки қиз билан бева қолган. Бошқа турмушга чиқмади. Бизларни боқиб, турмушга чиқариб умрини ўтказди. Отамнинг қабри Доғистонда экан. Синглим, хўжайиним билан бориб, топиб куръон тушриб, тош ҳам кўйиб келдик. Илоё, отамни ҳам Худо раҳмат қилган бўлсин!

Мен мактабда ўқиб юрганимда, саккизинчи синфга ўтганимда синифимизга Ҳабибулла деган бир болани олиб киришди. Бу боланинг табиати ғалати эди. Ҳеч кимга кўшилмас эди, ҳеч ким билан гаплашмас эди. Бир ўзи ёввойи одамдай бир четда сиқилиб турар эди. Ўкишни ҳам унчалик қойил қилмас эди. Кейинчалик эшитсак, менинг бўлғуси хўжайиним етим қолганларидан кейин, опаси болалар уйига ўқишга жўнатилганида, тоққа қочиб кетган экан. Чўпонларнинг қўлида мол боқиб юрган экан. Сочлари ўсиб кетган, ювинмаган, қоп - қора бир қиёфага кирган экан. Аям от миниб укасини узоқ қидирган экан. Топиб олганидан кейин ҳам қирларга қочиб кетган экан. Эчкиларни эмиб ҳаёт кечирган экан. Уйига олиб келганидан кейин ювиб - тараб, чиннидай қилиб, кийнтириб бирдан саккизинчи синфга ўқишга қўйган экан. Ёввойилигининг сабаби шу экан. Кейинчалик у киши боларга ўрганди. Киришиб кетди. Башанг кийинадиган бўлди. Ўқишлари ҳам озгина жонланди. Ўнинчи синфни ҳам битирдик. Кейин мен мактабларда муаллимлар етишмагани сабабли муаллимлик қилдим. Хўжайиним опасига айтган бўлса керак, тўй бўлди. Келин бўлиб ҳозир Илҳом яшаётган хонадонга тушдим. Оғир оёқли бўлганимдан кейин ишламай қўйдим. Хонадон юмушларини қилдим. Кирини ювдим, овқатларини пиширдим. Бу орада Илҳомжон туғилди. Менинг тўнғич қизим Малоҳатхон туғилди. Қайтиб ишламадим. Кейин хонадонга Ўктамжон туғилди. Менинг саккизта фарзандим туғилди. Ўн битта бўлиб яшай бошладик. Бундан ташқари Ҳосият аямнинг Қурбонбой де-

ган, чечак касалидан оғир бетобланиб қолган акаси ҳам, аммаси ва икки қизи биз билан яшар эди.

Орадан кўп йиллар ўтгач ҳовли олиб бериб, бизни кўчириб чиқарди. Ховлиларимиз унчалик узоқ эмасди. Бўлак бўлганимиз билан деярлик бирга яшар эдик. Хўжайинимни ҳам опаси Самарқандга олиб бориб, университетда, адабиёт бўлимида ўқитган эди. Мактабга муаллимлик қилар эди. Опсига ўхшаб беҳад кўнгилчан одам эди. Худоё худованда хўжайинимни ҳам раҳматига олган бўлсин!.. Хўжайиним Қизилой деган қишлоқда ўқитувчилик қилаётганида Имом исмли бир етимча бола борлигини, ҳамманинг уйида тентираб юрагини опасига гапириб қолди. Аям дарҳол болани олиб келишини, боқишимизни, уй юмушларини қилиб юришини айтди. Имомқулни олиб келишди. Уйимизга ўн биринчи фарзанд бўлиб қўшилди. Улғайиб, мактабга борди. Аям уни қишлоғига олиб бориб дўконга сотувчи қилиб ишга жойлади. Уйлантирди. Жойлаштирди. У бечора ҳам яқинда оламдан ўтди. У ҳам аямни "она" дер эди. Фарзандларининг ўқишига, уйланишига ҳам ая ёрдам берганиди. Фарзандлари ҳам яқин - яқингача аямни "бувижон" деб келиб туришар эди. Ҳозир болалари ҳам уйли - жойли бўлиб кетди...

Бирданига икки қизим турмушга чиқадиган бўлиб уйларининг сефларини, барча харажатларини аямнинг ўзи қилди. Тўйни ҳам ўзи ўтказди. Аямнинг гўзал бир одати бор эди. Ўғилларига, жиянларига ўзи ўз қўли билан чиройли киймлар тикиб беришни ёқтирар эди. Эрталабгача ухламай тонготарда истаган кийимларини тикиб, тайёрлаб берар эди. Саккиз фарзандимни ҳам ўқитди. Вафот этгани туфайли биргина ўғлим-кенжам ўқий олмай қолди. Қизларим, ўғилларим турли шаҳарларда ўқишар эди. Дам олишга, тътилга келиб қайтишларида: "Мама мен ўқишга қайтяпман, пул беринг!" - дерди. Қизларим рус синфида ўқигани учун аммаларини "мама" деб чақиришар эди. Аямга жуда ҳам ёқар эди.

Аям: "Хўш! Қанча пул керак?", деб сўрар эди ва жиянларининг оғзидан чиққан пулини қаршилик қилмай дарҳол чиқариб берар эди. Нимага бунча сўраяпсан, деган гапни ҳеч қачон гапирмас эди. Қизларим, ўғилларим биздан аммаларидан сўраганчалик пул сўролмас эди. Биздан очиқ сўрашга мулоҳаза қилар эди. Аммамларидан эса аксинча очиқчасига сўрар эди ва бундан аямиз ҳам, қизларим, ўғиллари ҳам лаззтлнар эди. Бундан одамни мен кўрмадим...

Ота томонидан бир қариндошини ишга жойлади. У, ўлганидан кейин хотинини ишга жойлади. Маҳмуд деган яна бир ота қариндошини ҳам ишга жойлади. Ўзи вафот этганидан кейин унинг хотинини ҳам ишга жойлади. Болаларининг рўзғорини шу тариқа таъминлаб турди....

У кишининг вафот этганларига мана йигирма беш йил бўлди... ҳали ҳамон унитолмайман. Ётсам ҳам, турсам ҳам ёдимда. Хотирамда. Хўжайиним опаларининг қабрларига тез - тез бориб турар эди. Бир куни ғамгин тортиб: "Мендан кейин опамнинг қабридан ким хабар олади?" деб бир четга ўтириб олиб роса йиғлади. "Худо ҳайрингизни берсин! Хўжайин, йиғламанг. Мен борман, фарзандларингиз бор. Қабирларидан ҳабар олиб турамиз", дея аранг хўжайинимни юпатдим...

Аям мени яхши кўрганлигини айтиб беролмайман. Бир нафас ҳам ёнидан жилмаймас эди. Дам олишларга ҳам бирга олиб кетар эди. Бу одамнинг бағрини Худо қандай қилиб шу қадар кенг қилиб яратган экан? Ақлимга сиғмади...

Бир акалари ҳарбийга кетиб қайтмаган эди. Яна бир акалари вафот этган эди. Қурбонбой деган биргина акаси тирик қолган эди. Бу қисматни қарангки, бу акасини ҳам Худо кўп кўрган экан. Ўн икки ёшида чечак касалига учраб, озгина ҳаёли кирарли - чиқариб бўлиб қолган экан. Акаси ҳам биз билан, бир ҳовлида яшар эди. Куп Художўйи одам эди. Бировга озори йўқ эди. Овқа-

тини ер эди, баъзан кўчага чикиб кетиб, кеч билан кайтиб келар эди. Баъзан ҳаёли қочиб ўзи билан ўзи гаплашиб қолар эди. Шундай пайтларда ҳам аям хижолат бўлмас эди. Аксинча овқатнинг олдни ҳам акасига берар эди. Кийимларнинг охарлисини ҳам акасига илинар эди. Отаси, онаси, акалари йўқлигини асло эслатмас эди. Бирор одам акасига бир оғиз кўнгилсиз гап гапиришга кўймас эди. Ўзи кичкина болаларни эъзозлагандай бахтсиз акасини эъзозлар эди. Энди ўйлайман. Худо аямнинг юрагида юзага якин одамларнинг саховатини ато этган экан. Қурбонбой акамиз учун, укаси - менинг хўжайиним учун, Имомқул учун, яна бошқа юзлаб одамлар учун, етим - есирлар, сағирлар учун, қаровчисиз кишилар учун берган экан. Аям бўлмаганида хўжайиним ўқий олмай қолар эди. Фарзандларимнинг ўқиши ҳам гўмон бўлар эди. Имомқул кўчаларда тентираб балки уйлнолмас эди. Бола - чақа қилолмас эди... Аввало Худо, қолаверса аям ҳаммани бирдай қўллаб-қувватлар эди.

Бир куни тушимга кирди. Дарвазанинг ортида турибди. Менга қараб:

- Нимага, Илҳомдан хабар олмайсан? - дея йўқолиб қолди. Кейин эшитсам Илҳомжоннинг мазаси бўлмай, шифохонада даволаниб чиққан экан. Дарров югуриб кўриб келдим. Тушимни гапириб бердим. Тушларимга аям кўп киради. Доим менга ачиниб юради. Кўп нарсаларни тортиқ қилиб кетади. Мард одам, тушида ҳам мард бўлар экан. Одамнинг ўлганига асло ишонмайман. Одам ҳеч қачон ўлмас экан.. Одам ўлса, қандай қилиб уйимга келади, Илҳомжоннинг мазаси бўлмаганини менга эслатади? Худонинг қудрати чексиз экан. Одамлар тирикликда ҳам, ўлганидан кейин ҳам ҳаёт бўлар экан, демак одамлар бир-бирларини унутмай, доим ҳолларидан хабардор бўлиб туришлари керак экан. Укаларини тушларининг орасида асрар эди. Баъзан тўйда хўжайиним ичиб келса, аямга айтсак: "Хой - хой! Укам

биттагина! Оғизларингни очманглар!" дея жеркиб берар эди. Ҳеч ким хўжайиним ҳақида ёмон гапиришга журъат этмас эди. Қизларим ҳам, бошқалар ҳам: "Аямизнинг укалари биттагина" деб роса кулишар эди. Хўжайиним ҳам буни яхши балар эди, тушунар эди. Опаларига керак бўлса жонларини нисор қилиб ташлар эди...

Одам умрида ақлли бир марта кимгадир ёмонлик қилиши мумкин. Кимнидир ишини битказиб беролмаслиги мумкин. Бироқ аям ҳеч кимни ранжитмаган, ҳеч кимга ёмонлик ҳам қилмаган. Аксинча таниш ҳам, нотаниш ҳам, қариндош ҳам, бегона ҳам аямдан бир хилда саховат кўрган.

Акалари кутилмаганда бетобланиб қолганга ўхшайди. Ранги синиқди. Кўзларида ҳам қандайдир ғалати аломатлар сезилди. Бу пайт аям Қримдами, билмайман дам олаётган эди. Акамиз кўчаларга чиқмай кўйди. Берилган овқатни илгаригидай емай-қўйди. Эрталаб, тушликда, кеч билан келиб, синглини сўрайди. "Қайтмадими?", дейди. Биз "йўқ" десак ранжиб ётоғига қайтиб кириб кетади. Бир ойлардан кейин аям дам олишдан қайтди. Дарҳол акасини кўриб, олиб келган совғаларини биринчи бўлиб берди. Чиройли кийимларни кийдириб кўйди. Қорнини ҳам роса тўйдирди. Орадан бир кун ўтганидан кейин кутилмаганда Қурбонбой акамиз бандаликни бажо келтирди. Синглисини интизорлик билан, ичикиш билан бир ой кутган экан, жон бераолмаётган экан.... келиши билан узилди...

Синглиси ҳам ҳаммага қилинадиган ҳамма маракаларни акасига қилди. Йигирмасини, қирқини, ҳайитларини, йилини ҳам катта қилиб ўтказди.. бу борада ҳам ҳамманинг олқишига сазоввор бўлди.

Ҳосият аям дунёга бир келиб бир кетди. Мардликда бундай тенгсиз одамни бошқа учратолмадим, кўрмадим.... ҳаммадан ҳам менга оғир бўлди. Опа - сингилдай бўлиб қолган эдик. Ҳозир ҳам эсласам, кўзларимдан "дув - дув" этиб ёшлар тўкилиб кетаверади.

Илоё, у зотнинг жойини жанатдан берган бўлсин!

Ҳаммага, жумладан бизга ҳам қилган яхшиликларининг натижасини кичик ўғли Ўктамжонга қайтарди. Катта олим бўлди. Онаси каби ҳаммага бирдай меҳрибончилик қилади. Холимиздан хабар олиб туради. Бир набирамни ўкитиб беряпти... холидан хабар олади. Демак, қилинган эзгулик ҳеч қачон ерда қолиб кетмас экан. Икки - уч баробар ортиғи билан фарзандларига қайтар экан... Бари бир онасининг, отасининг яхшиликлари фарзандларидан бирида кўринар экан. Бу борада Ўктамжоннинг умри узоқ бўлсин.

Поччамиз Пардабой акани ҳам яхши билар эдим. Оқдарёдан Зоминга келганларида менга: "Сен бизнинг қизимизсан! Ўғилларимга яхши қараяпсанми?", дея кўнглимни кўтариб кетар эди. Поччамизни ҳам Худо раҳмат қилган бўлсин, кўп доно, ақлли одам эди... Жуда ёш ўлиб кетгани аямнинг ҳам қаддини эгиб қўйди...

Ҳаёт шундай экан... кимдир туғилар экан, кимдир бандаликни бажо келтирар экан.

ПАРДА УМРЗОҚОВ НОМЛИ МАКТАБ МУАЛЛИМИ НОРЧАЕВ НОРБЎТА

- Мен Муғол қишлолоғида туғилганман. Бу қишлоқда ўша машхур Зоминдан чиққан Парда Умрзоқов ҳам туғилган. Бу тумандан туман ҳокимлари ҳам чиққан. Олийгоҳларда муаллимлик қилаётган фан номзодлари, фан докторлари бор. Туман солиқ идорасининг бошлиқлари, ижтимоий таьминот бошлиқлари бўлиб ишлаяпти. Парда Умрзоқовнинг акаси ҳам ўша кезлар колхознинг раиси эди. Улар Муғол қишлоғининг юқори қисмида, тепаликларнинг орасида яшашариди. Қудуқдан сув ичишариди. Кейинчалик Муғол қишлоғига кўчиб тушишди. Орадан анча вақтлар ўтиб, мен бир холаваччам билан янги солинган уйимизга гувала олиб келиш учун ўша Парда Умрзоқов яшаган қишлоққа машина

билан бордим. Бу қишлоқликлар пастга кўчиб тушганларида томларининг ёғочларини ўзлари билан олиб келишганиди. Фақат деворларигина қолганиди. Деворларини бузишнинг иложи бўлмади. Машина билан ҳам уриб бузолмадик. Кетманнинг эса сопини синдирди. Деворларига тухумнинг сариғини қўшиб қандайдир ганчлар билан сувашган экан. Ҳайрон қолдик. Таажубландик. Илгарилари бундай уйларни, бундай муҳташам қилиб самарқандликлар, бухороликлар қуришариди, дейишариди.

Парда Умрзоқовнинг ота - боболари ҳам назаримда илгари яшаб келган ерларида катта мулк эгалари бўлган, кўп юртларни кезиб, қадимий даврлардагидай қилиб уйларни мустахкамлаб, яъни бир неча авлодларини ҳам кўзлаб уйларини қурган экан. Бу ишдан шундай фикрга келдикки, Парда Умрзоқовнинг аждодлари чакана мулкдор одамлар бўлмаган. Асли уларнинг бу ерга келиб қолиш тарихлари ҳам бор. Катта бобосини "Тоғошар" дейишган экан. Шунга қараганда Парда Умрзоқовнинг аждоди узоқ ерлардан тоғ ошиб, бу ерларга келиб, ўтроқ бўлиб қолишган. Ўша тухумнинг сариғини, ганчга қўшиб сувоқ қилиш услубини ҳам қайсидир аждодлар яшаган ерлардан олиб келишган бўлиши керак.

Акасини ҳам колхозга раис бўлган кезлари яхши ишлаган, дейишариди. Демак, буларнинг қонида аҳилликда ишлаш иқтидори мавжуд экан. Умрзоқовни олижаноблikда беназир дейишариди. Раҳматли кўп одамларга қўлидан келган яхшиликни аямаган экан. Аёли - Ҳосият аяни эса саховат борасида тенгсиз эди, дейишади. Ҳозиргача у кишини билганлар маҳташади. Муғол қишлоғига ҳам савдо масаласида кўп яхшиликлар қилган экан. Эрининг баъзи бир маракаларини ҳам ситқидилдан ўтказган экан. Илоё, ҳаммасини Парвардигор қўллаган бўлсин!

Парда Умрзоқов номли мактабнинг таомилтошини

1976 йилларда қўйганмиз. Колхозимиз бирдан совхозга айланиб қолди. Бирдан ишлар орқага кета бошлади. Шу ердаги жамоа йиғлиб, райондан мудир келиб, мактабни бошлашимизни илтимос қилди. Чунки ортиқча маблағ йўқ эди. Акам Норчаев Бурхон билан мактабнинг пойдеворини қўйишга киришдик. Ярим метргина қилиб қўйдик. У пайтлар цементлар ҳам палон пул эди. Кейин акам иккаламиз гувала қўйдик. Шу йили бештагина хонанни кўтардик. Ярими эса қурилмай қолиб кетди. Келгуси йилига иккинчи қисмини ҳам қуриб ишга туширдик. Шу тариқа ҳозир кўриб келганингиз, йўлнинг ўнг томонидаги мактабни кўпчилик бўлиб кўрдик.

Янглишмасам, 1955 йил эди. Кутилмаганда қишлоқда ғала - ғовур бошланиб қолди. Негадир одамларнинг чеҳраларида паришонлик кўринариди... Хайрон бўлдик. Кейин билсак раҳматли Парда Умрзоқов Оқдарёда Биринчи котиблигида мазаси қочиб, бандаликни бажо келтирибди...Муғол қишлоқликлар чиндан ҳам ғамга ботиб қолди. Чунки қишлоғимиздан биргина катта раҳбар чиққан эди. Ҳаммага бирдай ёрдами тегиб турганиди. Бирдан бошимизга шундай кулфат тушгани, ҳамманинг белини эгиб қўйди, бошлари ҳам солиниб қолди.

Одамлар тумонат йиғилган, тоқатсизлик билан марҳумни олиб келишини кутиб ҳамқишлоқлари таъзияларини билдиришга шайланиб тураришди. Бир маҳал ўша пайтларда удум бўлган политорка машинада жасадини катта раҳбарлар билан олиб келишди. Атрофдаги қишлоқдагилар, бошқа райондагилар ҳам, ҳатто вилоятдан, Тошкентдан - Марказкумдан ҳам раҳбарлар келишганиди. Марҳумни сўнгги йўлга кузатаётганлар орасидан ўтиб тобутга яқинлашиб бўлмасиди. Кўп одамлар йиғлади. Қишлоғимиздан чиққан катта раҳбаримизни бевақт бериб қўйганини айтиб ҳам йиғлашди. Тақдир экан. У зот бевақт кетди...

Бола - чақалари, аёллари ҳам келганиди. Янглишмасам у зотнинг иккита аёли бўлганиди. Болалари ҳам

кўпчилик эди. Ёшлари анча улғайиб қолганлари ҳам бориди.

Кўмиш маросими узоқ чўзилди. Одамлар нутқ сўзлашди. Оғзаки тазиялар билдиришди. Орадан бир - икки йил ўтганидан кейин Парда Умрзоқовнинг номини абадийлаштариш учун ҳукуматнинг, Зомин районининг раҳбарларининг қарори газеталарда босилди. Ҳаммани, жумладан Муғол қишлоғидагиларни ҳам қувонтирди. Бир совхоз номи, бир кўча номи ва мен акам билан қурган мактаб ҳам Парда Умрзобқов номи билан аталадиган бўлди. Ҳозиргача Парда Умрзоқов номида юритилади. Бу мактабдан ҳам ҳали айтганимдай туман ҳокими, фан номзодлари, фан докторлари, проректорлари чиқди.

Ҳозир мактабнинг директори Бобоев Шодиёр деган йигит. Ўзимнинг шогирдим. Ўзим ўқитганман. Яхши йигит. Мактаб учун қўлидан келган ҳамма хизматини аямайди. Келиним Дилфуза Қушбоева ҳам шу мактабда муаллим бўлиб, ишлаб келаётир.

Ёшим саксонга яқинлашиб бораётганда, бир нарсага амин бўлдимки, ҳар биримиз фарзандларимизнинг тарбиясига жиддий қарашимиз шарт экан. Болаларимиз яхши ўқиса, катта олим, раҳбар бўлиб етишса, ватанимизга ҳам, миллатимизга ҳам катта ёрдами тегар экан. "Қорада кўрсам қорним тўқ" деб бекорга айтишмас экан. Узоқда ишласа ҳам бари бир ёрдами тегаверар экан. Парда Умрзоқов бошқа ёқда ишлади, ёрдами тегди, аёли марказда ишлади, ёрдам қилиб турди. Ҳозир Тошкентда яшаётган ҳамқишлоқларимиз ҳам қўлларидан келганича фарзандларимизга ёрдам қилиб турибди. Фарзандларимизга Парда Умрзоқовдай, у зотнинг аёллари Ҳосият Турсунбой қизидай олижаноб бўлишни ҳам ўргатишимиз керак экан... Илоё ҳар иккаласининг ҳам у дунёсини берган бўлсин!

МАЛОҲАТ ҲАЙРУЛЛА ҚИЗИ ҲОСИЯТ АММАСИ ҲАҚИДА

- Мен отам - Ҳайрулла Турсунбой ўғлининг тўнғич қизиман. Ҳосият аммамнинг Илҳом исмли ўғли билан бир йилда туғилганман, - дея суҳбатга киришади Малоҳатхон аммаси Ҳосият Турсунбой қизи ҳақида китоб ёзилаётганини эшитганинидан кейин шодликдан боши осмонга етгудай қувониб. "Аммам" номини эшитиши билан кўзлари жиққа - жиққа ёшларга тўлди. Тўлиши билан ўпкаси тўлиб, вужудига кучли титроқ кириб, сўнг тўйиб- тўйиб йиғлай бошлади. Биз мазкур китобни ёзиш борасида ўнлаб кишилар билан, яъни Парда ота Умурзоқов ва Ҳосияит Турсунбой қизи борасида кимлар билан учрашмайлик, ҳар иккаласининг фарзандлари, жиянлари, қариндошлари билан, яқин - йироқлари билан учрашмайлик, улар орасида энг кўп йиғлагани, йиғлаганда ҳам дунёни бузгудай бўзлаб, хўнграб, бутун вужуди эриб кетгудай таъсирланиш билан, адоксиз титроқлар, ҳаяжонланиш билан йиғлади. Бошини, қаддини эгиб, бир неча сониялар бошини кўтаролмай, юзимизга қаролмай, оғир- оғир сукутга толиб, ҳеч нарса ҳақида ҳам мутлоқо ўйламай, бечорачилик билан, паришонлик билан, гўё ихтиёри ўзида бўлмаган одамдай, яъни чекланган, чегараланган, яъни юрагига, калбига, қонига, жонига, яқин ва муштарак бўлган яқин кишиларини қидираётгандай, излаётгандай афсун ва надоматлар билан йиғлади. Менинг назаримда Малоҳатхон умрида биринчи бор шундай, шу ҳолда танасининг ҳамма аъзолари билан, ўй - ҳаёллари, таассуротлари, фикрлари, ҳис - ҳаяжонлари билан тўкилиб - сочилиб йиғлаган бўлиши мумкин. Балки отаси ва аммасидан абадиятга айрилганда ҳам шундай аҳволда йиғлагандир. Бу унинг такрорланишидир... Албатта, ҳамма ҳам жигарларидан айрилганда йиғлайди. Астойдил йиғлайди. Орадан ўн - ўн йиллар ўтганидан кейин эса бу айрилиқни эслагани-

да шунчаки йиғлаб қўя қолади. Аммо Малоҳатхоннинг йиғисини шунчаки йиғи деб бўлмас эди. Аммасининг исмини тилига олиши билан қайтадан қалтираб қолади. Менинг ундовим билан бир неча бор бошини кўтарар эди. Яна ўпкасини басолмай бошини эгиб бир неча сония сукутга толиб йиғлаб олди... – Кечирасизлар, менинг аммамдай зот бу дунёда йўқ эди. Қайтиб келмайди... - дея нихоят у киши сухбатимизни давом эттирди. Энди Малоҳатхоннинг кўзлари қизариб, қовоқлари шишиб ҳам кетган эди. - Аммамни эркалаб "Маммичка" деб чақирар эдим. Отам Ҳайрулла Турсунбой ўғлини аммам тоғдан олиб келганидан кейин ўз уйига олиб кетган. Бирдан саккизинчи синфга ўқишга берган экан. Шу тариқа отамни аммам шу уйга уйлантирган. Отам онам билан бир синфда ўқишган. Биз - саккиста бола аммамнинг уйида туғилдик. Улғайдик. Шу ердан институтларга бориб ўқишга кирдик. Аммам раҳматли бизни боғчага ҳам, мактабга ҳам ўзи олиб бораридн. Боғчада ҳам, мактабда ҳам кийинишдан биринчи бўлиб юрардик. Емишдан эса асло камчилигимиз йўқ эди. Аммам биринчи жияни бўлганим учунми мени алоҳида бир меҳр билан яхши кўрариди. Аксари холларда у кишининг ёнларида ётиб, ухлаб улғайганман. Аммамнинг эркатойи эдим. Илҳом акам билан бирга туғилганмиз. Ўктам мендан уч ёш кичик. Биз - жиянлари ҳам аммамнинг ўғилларидай бемалол, тортинмай, ҳеч нарса ҳақида ўйламай эркалик қилаверардик. Аммам ўз эркимизга қўйиб берганиди, дунёдаги энг тоза эркпарвар ҳам биргина аммам эди. Икки ўғли кийиниш борасида қанчалик эркалик қилса, бизлар ҳам шунчалик эркалик қила оларидик. Энг тоза матодан тикилган кийимларни ҳам аввал биз киярдик. Аммамнинг ўзи беҳад чевар аёл эди. Бир кечада кийимимизни тикиб, эрталаб кийдириб ҳам қўяриди. У зот тозаликда, аниқликда, халолликда, меҳнаткашликда, эркпарварликда ҳам беназар эди. Онамга ҳам ўзи нимани кийса, шуни олиб келиб, кийдириб

қўяриди. Онамнинг кайфиятига қараб узоқроқда яшайдиган онасини, аммам ўз қудасини ҳам онамнинг кўнглига қараб кун оро озиқ-овқат билан эъзозлаб турариди. "Энди қовоғингни оч! Онангни кўриб келдим. Икки кило қўй гўштидан ташлаб келдим!" дея онамга гапириб қўяриди.

Мен ва Илҳом акам мактабни кумуш медал билан тугатдик. Ўктамжон эса олтин медал билан битирди. Мен ТашМига, Ўктамжон эса Ирригация институтига ўқишга кирди. Мендан кейин яна еттита укаларим, сингилларим ҳам улғайиб келаётганиди. Ҳамон аммамнинг уйида яшаридик. Вақти етиб мен ва синглим Нурхоннинг ҳам тўйи бўладиган бўлди. Тўйдан тортиб барча саруфоларигача, барча харажатларигача ҳар иккала тўйни ҳам аммамнинг ўзи кўтарди. Отам мактабда муаллимлик қилариди, ўзи, аёли, саккиз фарзандини бокишга диярлик кучи келмасиди. Боз устига қурбонбой исмли соғилиги нобоб амаким ҳам шу ховлида яшариди. Қурбонбой амаким ақлан заиф эди. Гўё аммамнинг ўн биринчи фарзандига айланганиди. Икки ўғли, биз - жиянлари саккизта, акаси билан ўн битта. Отам, онам шу уйда яшариди. Бу ҳам етмагандай Ҳосият аммам икки қизи билан ўзининг аммамсини ҳам шу уйга кўчириб келганиди. Ўн тўрт кишига яна уч киши қўшилди. Отам Қизилой қишлоғида муаллимлик қилганида Имомқул деган бир етим бола ҳақида гапирганида, аммам уни ҳам олиб келишни буюрган. Шу тариқа ўн етти киши ўн тўққитзга айланди. Ундан ташқари уйга, меҳмонга келиб кетувчилар, турли юмишлар билан келиб кетувчилар, тўй - маракаларини ўткизолмай ёрдам сўраб келганлар кундан кунга ортиб бораriди. Аммам шуларнинг ҳаммасини бағрига олариди.

Мен ва синглимдан кейин бошқа сингилларим, укаларим ҳам олий ўқишларга ҳаракат қилишди. Бу масала ҳам яна аммамнинг зиммасига тушди. Аммасининг икки қизи бунга қўшилди. Тўйлари ҳам аммамнинг зим-

масида эди. Аммам бандаликни бажо келтирганидан кейин биргина укам ўқий олмай қолди. Кейинчалик аммамнинг тўла ёрдами билан салгина наридан ер олдик. Уй солинди. Кўчиб чиқдик. Бу орада амаким Қурбонбой ака ҳам бандаликни бажо келтирди. Аммам боқиб олган фарзанди Имомқулни ҳам ўз қишлоғидан ёлғиз бир аёлини топиб, уйига ичкуёв қилиб киргазиб қўйди. Тўйини қилиб берди. Вафот этганида онам бориди, бетобланганида ҳам кўргани борди. Фарзандлари яқин - яқинларгача кўргани келиб туришариди.

Мен турмушга чиққанимдан кейин Тошкентга келиб яшай бошладим. Хўжайиним чет элга ишлашга кетди. Мен ҳам бирга жўнадим. Бу пайтлар аммамнинг бетоблиги бир оз хуруж қилаётганиди. Парвардигорнинг қудратига ҳозиргача қойил қоламан. Тасаннолар айтаман.

Хўжайиним билан чет элга жўнаганимизда биринчи фарзандимга оғироёқли эдим. Чет элнинг ҳавоси ёқмади, мазам қочди. Тезлик билан Тошкентга қайтдим. Тошкендан эса Зоминга жўнадим. Бу пайт чиндан ҳам аммамнинг аҳволи оғирлашган эди. Аммамнинг менга бўлган чексиз мухаббати, менинг ҳам аммажонимга бўлган оташин меҳрим чамаси мени чет элда туришга қўймаганини Зоминга қайтганимдан кейингина англадим, сездим. Аммамнинг охирги кунларида ёнида ўтиришни Яратганнинг ўзи насиб айлаган экан...

Аммамнинг дарди оғир эди. Ички аьзоларида оғир дард мавжуд эди. Боз устига юраклари ҳам туғма бетоб эди...Онам, Ўктамжоннинг аёллари Замирахон, мен, сингилларим эрта - кеч аммамнинг ёнида ўтирамиз, навбатчилик қиламиз...Баьзан аммам менга термилиб:"Сени нимага врачликка ўқитдим?! Нимага дардимни олиб ташламайсан?!", деб қолариди. Лекин мен аммамга дардининг оғирлигини очиқ айтолмасидим...У киши бир лаҳза ҳам бир ерда тинчиб ётолмасиди. Лаҳза сари турли томонга айлантириб, кўтариб ётқизиб туришга тўғри келди. Қилинмаган муолажа қолмади. Ёши ҳам бир ерга

бориб қолганиди... Қарийб хонадонимизда бир ойлаб уйқу бўлмади. Тинчлик ҳам бўлмади...

Кейин Парвардигор бизни севимли аммамиздан, бизни эса севимли укаси, жиянлари, келинлари, набираларидан жудо этди, адо этди.... Бизлар учун аммасизлик, аммам учун эса укасизлик, жиянсизлик, келинсизлик фаслига навбат етди... Қон - қақшаб йиғладик. Йиғимиз қанча кунларга чўзилганини ҳам айтиш махол... Аммамизни, еб тўймасларнинг еб тўймаси - чопқир от - тобут олиб кетди, қайтармади... Уйимизда хидлари, излари ва хотираларигина қолди. Кийимлари қолди. Шу кийимларигина кўзимга суртиб, аламдан чиқиб келдик...

Отам чўпдай бўлиб озиб кетди. Доим: "Мендан кейин опамдан ким хабар олади?" дер, йиғлар эди. Хар куни қабрига борар, Қуръон тушириб, йиғлаб қайтар эди. Бизларни ҳам йиғлатар эди...

Бу ёғини эслолмайман... Эслашнинг оғирлигини бир ўзим биламан... Бу орада сочим оппоқ оқариб кетди... Бу оқариш ҳаммада хам сезилди... Сўнг хотиралар фаслига навбат етди. Аммамизнинг яхши сифатларини эслаймиз, жимгина йиғлаб оламиз... У зотни эсламаган кунларимиз деярлик бўлмайди.

Илоё, Худо рахматига олган бўлсин! Мен бу дунёда инсон деган тушунчанинг, яъни гўзалликнинг фарқини биргина аммам туфайлигина англаб етдим, ҳис қилдим... Инсон моҳият - мазмуни билан аммага ўхшаш беназир бўлиши керак экан... Аммамдаги гўзал табиат Ўктамжонга ҳам тўла - тўкис кўчди. Ўзимиз ҳам аммамиз туфайли иш юзасидан , бошқа юмишлар юзасидан ҳам бирор одамга заррача ҳам ёмонлик қилмасликка уриниб яшадик... Нимаки яхши сифатларга эга бўлсак, бу аввало аммамизнинг ҳиссаси бўлди...

Аммам отамнинг, оналари бувимиз - Баҳринисони ҳам умрнинг сўнгги кунларида бир сония ҳам диққат - эътиборларидан қочирмади. Ўзлари у дунёга кузатиб қўйди. Биргина аммамиз Кароматининг бошига оғир кунлар

тушганида ҳам ёнларига кириб бобаста бўлди. Аммам ҳақида ўн жилдлик китоб ёзилиши керак эди... Шунисига ҳам шукур. Ўктамжоннинг умри узоқ бўлсин!!!

Бу дунёда раҳматли аммамнинг гўзал сифатларини тўла ифодалайдиган бирор - бир Илоҳий сўз топиладими? Улуғ, ноёб, беназир, тенгсиз, деган сўзлар ёки ўзгача айтиладиган "гений" сўзи ҳам даҳо сўзи ҳам аммамизнинг фидоийлигини тўла, мукаммал даражада ифодалай олмайди. "Парвардигор" сўзидан кейинги "Росуллоҳ" сўзидан кейинги энг азиз сўз бўлса, шу сўзгина аммамизнинг ҳам сиртқи, ҳам ички гузаллигини ифодалаши мумкин. Мана шу ифодаси топилмаётган сўз учун аммамиз туфайли, у зотга бўлган мухаббатимиз, ичикишимиз, соғинишимиз туфайли танамиздаги барча сувлар кўз ёшига айланиб 25 йилдан бери, яъни у зот ўлганидан бери танамиздан чиқиб кетди...

Сочларимиз оппоқ оқариб кетди...

Бу алам, бу андуҳни мени ҳеч қачон ифодалай олмайман.

Илоё Парвардигор аммам – Ҳосият Турсунбой қизига жаннатнинг энг гўзал жойдан жой берган бўлсин. Омин!

ҲАЙДАРХОЖИ ЖЎРАЕВ – ҚАБРИСТОН ИМОМИ ҲОСИЯТ АЯ ҲАҚИДА

Мен Зомин шаҳридаги марказий қабристоннинг имомиман. Кейинги ҳаётим кўпроқ мана шу қабристонда ўтаётир. Мен Зомин халқи учун беҳад ардоқли ва ҳурматли, севимли фарзанд бўлган Ҳосият опа ҳақида гапиришдан олдин, инсон наслининг абадий уйи - қабристон ҳақида ҳам озгина ўз фикримни баён этиш ниятидаман.

Ёшликда кўп кечмишлар, бирга яшаган одамларингиз, табиатингиз, боринки, одам наслига ер юзида ҳам-

рохлик қиладиган қушлар, хайвонлар ҳақида жиддий ўйлаб кўрмаймиз. Уларнинг тақдир - қисматлари ҳақида бош ҳам қотирмаймиз. Ваҳоланки, Парвардигор яратиб, муросага киритган барча жонзоти биз ўйлаганчалик жўн эмас. Уларнинг ўзлари, жараёнлари, одам томонидан бўладиган диққат - эътиборлар ҳам беҳад мураккаб.

Инсон тириклигида ҳар бирига берилган баҳолар деярлик нисбий бўлади. Яхшилар одамларга яхши баҳо беради. Ёмонлар яхшиларга ҳам ёмон баҳо беради. Ўртахол одамларнинг баҳоси ҳам ўртахол бўлади. Бирор одам бирор инсонга Яратганимиздай ёки ҳазрат Расуллоҳдай аниқ ва тўғри баҳо беролмайди. Яратганимизгина беназир. Яратганимизгина беайб. Бандасининг даҳосидан тортиб жўнгина деҳқонигача айбсиз эмас. Ҳамманинг ҳам ўзига яраша айби мавжуд. Кимлардадир озроқ, кимлардадир кўпроқ. Аммо баҳони яна Яратганимиз беради. Бандасининг баҳосини доим ҳам инобатга оладиган бўлсак, яна нисбий тушунча келиб чиқади.

Мен сизларга ўзим кўпдан бери кузатаётган манзарамни, ўзим гувоҳлик қилаётган инсоний кечмиш ҳақида озгина нуқтаи назаримни ифодалаб берай.

Биргина ҳақиқатни мана шу қабристонда кўриш ва кузатиш мумкин... Яъни, бу ерда ҳамма абадий сукутга толиб ётибди. Ернинг остидаги қоронғу сукунатнинг бағридаги сукунатнинг бошидан кечираётир... Марҳумлар учун кун ва тун йўқ. Тонг ва шом йўқ. Улар учун қуёш чиқмайди. Ой чиқмайди ва ботмайди. Юлдузлар ҳам порламайди. Улар учун ноз - неъматлар ҳам йўқ. Сув йўқ, ҳаво йўқ, осмон йўқ. Ота - она, ака - ука, опа - сингил йўқ. Фарзанд ҳам йўқ. Бир - бирларидан узоқда жимгина ётибди. Тунда ёки кундузда бир - бирини кўргани ҳам ўтолмайди, суҳбатлаша олмайди. Ваҳоланки, ёнма - ён ётибди. Бир - бирларини кўриши, суҳбатлашиши, бирон - бир нарсадан озгина узатиши мумкин эмас...

Кимлардир марҳумни кўргани келади. Қабрини то-

залаб кетади. Сув сепиб, гул экиб кўкартиради. Кимдир дарахт экиб соя қилиб кетади. Кимдир хотирасини абадийлаштириш учун оталик, оналик ёки фарзандлик, ака - укалик бурчини адо этиб қимматбаҳо тошлардан қўйишади. Суратларини чиздиришади. Хуллас, хайвондан, қушлардан, ҳашоратлардан фарқли ўлароқ, инсоний хотирани тиклашга уринади. Хайвонлар, қушлар, ҳашоратларда хотира йўқ. Мозор йўқ. Ўлиши билан хотиралари абадиятга учиб кетади...

Мана шу нуқтада чин маънодаги гўзаллик ифодаланади. Парвардигоримизнинг инсоннинг бошига берган - ато этган нурининг нутижаси кўринади. Яъни, инсоний хотира, марҳумларни юз - икки юз, балки минг йилларга элтадиган хотира. Албатта, ҳар бир инсон ўз шажарасини ёзиши, марҳумларнинг қабридаги хотирасини тиклаш, назаримда. ёмонликнинг натижаси эмас, яхшиликнинг натижаси...

Кузатиб ўтираман. Қабристонга ҳар куни кўплаб одамлар келишади. Турли томонга бориб, ўз яқинларнинг қабрларига яқинлашади. Яратганга одамни яратгани учун, яралишини муросага киритгани учун, ноз - неъматлари билан эъзозлагани учун Қуръон тушириб, миннатдорчилик билдириб, марҳум - яқинларига дуо билан у дунёсини сўраб кетади. Баъзи - бир қабрнинг яқинлари йўқ шекилли, бирор одам бирор вақт хабар олмайди. Баъзи - бир қабрларнинг яқинлари кўпроқ шекилли, деярлик хафтасига, ойига, йилига камида икки - уч марта келиб зиёрат қилиб, ҳайри - худойисини қилади. Руҳини шод этиб кетади. Одамнинг руҳи ўлмайди. Чунки руҳ Парвардигорга боғланиб кетади. Руҳ жоннинг мазмун - моҳиятидир... Танани Яратганимиз вақтинчаликка, жонни - руҳни эса абадиятга берган. Тана озуқланади, руҳ эса фақат яхшиликдан озуқланади. Емайди, ичмайди, шунинг учун ҳам абадийдир... Демак, руҳ ҳеч қачон ўлмайди. Руҳ қабристонда, ҳар бир марҳумнинг тепасида учиб, пойлоқчилик қилади, деган тах-

минлар йўқ эмас. Тушларимизга рух киради ва бизни яхши - ёмон кунларимиздан огоҳ этади.

Буни унутишга ҳеч кимнинг хаққи йўқ. Марҳумларга бирор йил ҳайри - худойи қилмасангиз, тушингизга келиб, "очиқдим, қорним очди..." деган гапларни қилади. Ҳайри - худойидан кейин эса тинчийди. Демак, тирикни ҳам, марҳумни ҳам доимий равишда хотирада, диққат - эътиборда тутиш зарурияти туғилар экан.

Ҳар бир одамнинг баҳоси кўпроқ ўлганидан кейин равшанлашади. Қабристонга кирган одамлар ўзлари сезмаган ҳолда беихтиёр ўзлари учун бўлган марҳумга беихтиёр яқинлашиб келиб, қироат қилишни бошлайди. Қаршисида узоқ туриб қолади. Кўзларига ёшлар қалқийди.

Ўнг томондаги соя - салқин дарахтлар остидаги қора мармар ва мармардаги сиймо - Ҳосият ая Турсунбой қизи бўлади. Шу қабристонга нечта одам зиёратга кирса, албатта Ҳосият аянинг қаршисида тўхтайди, чўкади ва Қуръон туширади. "Яхши одам эди, илоё Худо раҳматига олган бўлсин!" дейди, ёки мени чақириб бир Қуръон тушуриб беришимни сўрашади. Бу хол аксари холларда ҳар куни такрорланади. Ва мен бундан мамнунлик хосил қиламан. Кирганларнинг илтимосларини бажонидил бажараман...

Мана шу ҳақиқат. Мана шу марҳумга берилган ҳақиқий баҳо. Тирикликда ҳам сийратан, ҳам суратан қандай гўзал бўлса, бунинг ифодаси қабристонда кўрилади, кўзга тушади ва баҳоланади. Ҳосият ая билан мен деярлик суҳбатда бўлмаганман. Аммо кўп бор кузатганман. Кўп маданиятли зот эди. Бирор одамга сўз билан, кўз билан, қўл билан, дил билан озор бермаганди. Мана шу тўрт озорнигина Парвардигоримиз харомга чиқарган. Бу тўрт озорсизлик заминида поклик - покизалик тушунчаси ётади... Бунга Ҳосият аямиз сазовор бўлди. Парвардигорий илтифотга ҳам, инсоний илтифотга тўлалигича мушарраф бўлди. Ҳаётлигида у зотга

одамлар самимият билан талпинган бўлса, марҳумга айланганларидан кейин ҳам хотираларига шунчалик талпинади... Мен бошқа марҳумларга ёмонлик истамаган холда, уларга бўлаётган инсоний муносабатлар ҳақида озгина гапирадиган бўлсам, баъзи - бир кишилар бирор марта эсланмайди. Қабрларини ҳам зиёрат қилишга одамлар келмайди. Бу асло, кимнидир ёмонлаш эмас, ўша зотга берилаётган баҳо деб қараш керак бўлади. Одам кўпроқ тириклигида эмас, марҳумга айланганидан кейин чин маънода баҳоланади... Демак, ҳар икки олам-даги баҳо ҳам ҳисобга олинади. Тирикликда яхши бўлишни Яратган ҳаммага ҳам насиб этсин. Марҳумга айланганидан кейинги хотирасининг яхши бўлишини Ўзи насиб айласин!

Ҳосият аямиз мана шундай Яратганнинг назари тушган, эътиборини қозонган, одамлар томонидан эъзозланган ва ўзи ҳам беҳад саховатли бандаи мўмин эди.

Укаларини ҳам яхши танирдим. Ҳабибулло ака опаларининг ўлимидан кейин ҳар куни, ҳар хафта келиб, дуои- саломлардан кейин қабрлари ёнида узоқ вақт ўтириб, йиғлаб қайтиб кетарди... У кишига кўп вақт кўнгил берардим. У киши ҳам опаларга ўхшаб озорсиз киши эди. Аямизнинг Илҳомжон, Ўктамжон деган фарзандлари ҳам оналарининг зиёратларига тез - тез келиб туришади. Ўктамжон келиб қолсалар мени кўрмай кетолмайди. Кўп ақлли одам. Озорсиз одам...

Илоё, у зотларнинг у дунёсини берган бўлсин! Сизларни ҳам умрларингиз узун бўлсин! Қабристонга келганлар, аҳли қубурларнинг ҳолини сўраганлар ҳеч қачон кам бўлмайди...

ЗАМИРА МУҲАММАДХОН ҚИЗИ ҚАЙНОНАСИ - ҲОСИЯТ ТУРСУНБОЙ ҚИЗИ ҲАҚИДА

Парда Умрзоқ ўғли ва Ҳосият ая Турсунбой қизи ҳақидаги "Яхшилик боғининг боғбони" номли хужжатли қиссани ёзилиш жараёнида кўп ерларга боришга, кўп кишилар билан учрашишга, сухбатлашишга тўғри келди. У зотларни билганлар билан, кўрганлар билан, мулоқотда бўлганлар билан дилдан сухбатлашилди ҳам. Учрашган одамларимизнинг кўпчилиги, тортинчоқлик қилиб, эзгулик йўлидаги яхшиликларни айтмасликка, яъни савоби тегмаслигини ўйлаганликлари учун ўзларини четга тортди. Хизматларини кўз - кўз қилишга ботинмадими, журъат ҳам этмадими, ҳар қалай суҳбатга киришолмади. Лекин сухбатлашганлар эса ўша - ўзларини четга тортганларнинг баъзилари ҳақида озгина бўлса фикр билдиришимизни сўрашди. Сўраганлар кўпчилик бўлгани сабабли эзгуликка хизмат этганлар ҳақида икки оғиз сўз айтишни ўзимизга эп кўрдик.

Шулардан бири Ҳосият ая Турсунбой қизининг кичик ўғли, Парда ота Умурзоқ ўғлининг кенжа - Ўктам Парда ўғлининг аёли Замира Мамтахон, яъни Муҳаммадхон қизи ҳақида озгина тўхталишни режамизга киритдик. Бунинг учун шу маҳаллянинг қаҳрамонинидан ғойибдан узр сўраймиз.

Юқорида Замира Муҳаммадхон қизи ҳақида озгина иззоҳ бергандик. У кишининг водийлик бўлгани, тақдир тақозоси билан Ўктам Парда ўғлига турмушга чиққани ва турмушга чиқиш жараёнидаги Ҳосият ая Турсунбой қизи билан ўзи, ота - онаси ўртасида кечган воқеа ҳақида ҳам бир оз гапиришга тўғри келган эди. Бу борада қайноналари ҳақида сухбатга қўшилишни илтимос қилганимизда ҳам у киши ҳижолатлик юзасидан ўзларини четга тортганлигини бизга маълум қилишди. Буни биз чин маънода камтарликка, олийжанобликка йўйдик. Асли ҳам шундай. Онага, отага ака - укага, опа - сингилга, қайнонага, қайинотага, қариндош - уруғларга қилинган яхшилик ва эҳсонлар айтилмагани мақъул. Савобли ишлар ҳам сирлигича қолган маъқул. Шунда

савоби кўпроқ бўлади. Бироқ адабиётда қилинадиган савобли ишларнинг қадр - қиймати ўзгача бўлади. Бу ишда одамлар қилган ишлари билан маҳтанмайди аксинча отамлашади. Ўрнак бўлишлиги юзасидан яхшиликни эътироф этиш эса чин маънода савобга киради. Шу нуқтаи назардан бугун биз оз бўлса - да, Замира Муҳаммадхон қизи ҳақида бир оз тўхталиш ниятидамиз.

Ҳосият аянинг таърифлашича, яъни Ўктам Парда ўғлининг Замира Муҳаммадхон қизига уйланиш нияти борлигини оналарига айтганида, оналари бир оғиз ҳам эътироз билдирмасдан Фарғона водийсига, Учқўрғон туманига жўнагани ҳақида эслатган эдик.

Ҳосият ая Муҳаммадхон ва у кишининг аёллари Тожиҳол ая, яъни Замирахоннинг оналари хонадонига меҳмон сифатида борганларда, бу хонадоннинг илтифотлиги ҳақида ҳам хикоя қилган эдик. Ҳосият ая бу хонадонда улуғ илтифотга муяссар бўлганидан кейин қуда - анда бўлишга келганлигини айтади. Ҳосият аянинг мардлиги, олижаноблигини сезганлардан кейин бу самимиятнинг гўзаллигини англаб етганларидан кейин бутун вужудлари билан хизматда бўладилар. Эркпарвар бу хонадон Ҳосият аянинг яхши ният билан узоқ ерлардан келганини тушунганларидан кейин розилик аломатини сездиришади. Ўзига тўқ хонадон билан қуда - анда бўлишдан ҳаттоки фахрланадилар ҳам.

Тўйга келишиб олишгани, тўйнинг барча сарф - харажатларини дафтарга қайд эттириб, хонадон хўжаларини бир оз ўйга тўлдирган лаҳзаларда Ҳосият ая тўй режасини ўзлари олиб, ҳамёнларига солиб, Зоминга қайтгани ва ҳамма харажатни тайёрлаб қайтадан Фарғонага бергани ҳақида ҳам озгина маълумот берган эдик. Тўй бўлади. Гўзал бўлиб ўтади.

Бу борада Муҳаммадхон ака ва Тожихон аялар билан Ҳосият ая орасида бир умрга узилмайдиган алоқа боғланади. Ҳаттоки Муҳаммадхон ака билан Тожихон ая Ҳосият аяни "ая" деб чақира бошлайдилар. Ҳосият ая чин маънода қудалари учун онага айланади. То умрларини охирларигача бу гўзал алоқага заррача ҳам раҳна тушмайди. Ҳосият ая Ўктам Парда ўғли билан Замира Муҳаммадхон қизига

Тошкентда икки хонали уй совға қилади. Ҳар ҳафта рўзғорларини, кийим - кечакларини ўзлари истагандан ҳам улуғроқ қилиб жойига қўяди. Ҳаттоки қудаларининг фарзандларига ҳам ўқиш даврида ҳам, уйланган, турмушга чиққан кезларида ҳам истаганларича саховатини аямайди.

Бу ишлар улгуржи бўлиб Замира Муҳаммадхон қизидан қайтади. Парвардигор қайтарди. Ҳосият Турсунбой қизи кейинги пайтларида оғир бетобланиб, қўпроқ бир ерда, тўшакда ётиб қолади. Фарзандлари, келинлари ва яқин - йироқлари, жиянлари ҳам аянинг ёнидан жилмайди. Айтишларча, эшитишимизча Замирахон Муҳаммадхон қизлари туну кун бедорликда, у кишининг укалари Ҳабибулло аканинг аёли, яъни аянинг келини билан иккаласи келинлик бурчини, масъулиятини ситқидилдан бажаришади. Буни қўйидагича изоҳлаш мумкин:

Бемор оғир бетобланиб, бирор лаҳза ҳам ташқарига чиқиш ёки хожатига ҳам ўзи истаганчалик боролмаслиги, истаганчалик ухлолмаслиги, тинчгина ётолмаслиги, яъни бир лаҳзагина ётиб, дарҳол турғазишларини, чап томонга ётқизишларини, сўнг чалқанча ётқизишларини, танаси оғриши билан яна ўн, юз марталаб турли томонга ётқизишларини талаб этиши, ўзи сезмаган, англамаган ҳолда турли нарсаларни, харакатларни талаб этиши ва танасидаги оғриқ ва ташналикларни босолмай қилган талпинишларини тасаввур қилиш қийин... Ҳар сония укол қилишлик, дори ичиришлик, оз бўлса - да таъмадди масаласи... Бир суткада бир лаҳза ҳам ухлолмаслик, тўлғаниш ва тўлғанишга олиб бораётган тана ва жон азоби... суяк азоби, пайлар азоби, қон азоби, юрак азоби, барча ички аъзоларнинг фаолиятини йўқота бошлагандаги дахшатли азоблари, яъни тананинг ёниши, ёниш жараёнидаги ўртаниши беморнинг яшаб қолиш учун бўладиган табиий харакатлари, интилиши ва бу интилишга ёрдамлашаётганларнинг изтироблари, ҳасратлари, умидлари, истаклари, бемор билан биргаликда тўлғанишларини ёзиш учун минглаб жилдар китоб керак бўлади...

Бу жараёнда минг марта туриш, ётиш, оғаниш... Буни эндиликда ўз онасига айланган, ўз қизига айланган, "келин" деган тушунчани алла қачонлар унутиб юборган

қайнона ва келинларнинг қирқ кунга яқин мучча қоқмай туриб, ўтириб кун ўтказиши, боз устига беморга термилиб овқат емай, сув ҳам ичмай, яъни туз таътимай изтироб чекишлари, азобланишлари, ғам - алам чекишлари, кўзларидан тўкилаётган ҳисобсиз кўз ёшлар ва уларнинг танада қолдирган оғир маънавий, жисмоний жарохатларини ифодалашга сўз ожизлик қилади...

Замира Муҳаммадхон қизи ва аянинг катта келинлари ҳам қарийиб қирқ кунлар беморга қараб, тунни тонгга улашлари, тонгни тунга улашлари, озиб - тўзиб кетишлари... Қудалари қудаларини кўришга келиб, ёнларида қолиб кетишлари ва қудалари, қизлари чекаётган изтиробдан йиғлашлари ва буни Замира исмли қизларига нечоғлик таъсир қилиш масаласини ҳам айтиш осонмас...

Муҳаммадхон ака, Тожихон ая, Замирахон ҳам бу хизматларини талаб этилганича, балки ундан ҳам ортиқ даражада бажаришларини олқишламасдан илож йўқ... Айтишларича Замира Муҳаммадхон қизи шу қирқ кун ичида беҳад озиб кетганини, бетоблик даражасигача етиб озганини ва руҳан беҳад толиққанини, қайноналари бандаликни бажо келтирганидан кейин чекан дод - фарёдлари ҳамманинг кўнглини бузиб юборганини эшитиш ҳам кўпчилик ўйлаганидай осон кечмади... Бундай жараёнда одам бир неча йиллик, кунлик умрини ҳам бой бериши мумкин. Ахир одам ҳафақонликдангина бетобланиши мумкин...

Яхшиликка яхшилик, ёмонликка ёмонлик қайтади. Ҳосият ая келинларига ўзлари истаганидан ҳам кўра ортиқ хизмат қилган экан, келинлари ҳам ўзи истаганидан ошириб, орттириб хизмат берчини адо этишибди... Бундай гўзал қадр - қиймат, бурч, масъулиятни юз минглардан битта ёки иккитагина кишида учратиш мумкин.

Ҳосият аяни билганлар, кўрганлар, суҳбатидан баҳраманд бўлганлар бир оғиздан Замира Муҳаммадхон қизига қайноналари учун қилган хизматларига, эъзозига Яратгандан умрини узун бўлишини бир неча марталаб тилади. Бунга биз гувоҳлик қилдик. Биз ҳам шу самимий тилакларга астойдил қўшиламиз...

РОМАН - ЭССЕ ТУГАДИ

Адабий-бадиий
бадиий-публицистик нашр

Ўктам ҲАКИМАЛИ

Яхшилик боғининг боғбони
Роман – эссе

Муҳаррир: Ў.Норқўзиев
Рассом: Шуҳрат Одил
Мусаҳҳиҳа: Малика Ҳолмат қизи

«Сангзор» нашриёти 130 100
Жиззах шаҳри, Сайилжойи кўчаси, 4-уй.

Теришга берилди: 25.01.2011
Босишга рухсат этилди 1.02.2012
Қоғоз бичими 84х60 1/16. Офсет қоғози.
Times New Roman гарнитураси.
Ҳисоб-нашриёт тобоғи 20
Шартли босма тобоғи 20. Адади 500
Буюртма 116

«Shams-ASA» Масъулияти чекланган жамияти
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш. Бунёдкор шоҳ кўчаси, 28.